

С. Шурсунов  
Б. Муртазоев

Шермизийларнинг  
илмий тафраккури

122234.

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2016

УЎК: 001(575.1)(092)

КБК 72.3 (5Ў)

T91

Масъул муҳаррир:

**Жаббор Омонгурдиев,**  
*филология фанлари номзоди, профессор.*

Тақризчилар:

**Эшболта Отамуродович Қобилов,**

**Тошкенбой Ражабович Пардаев**  
тарих фанлари номзодлари, доцент

**Турсунов, Сайфулло**

T91 Термизийларнинг илмий тафаккури/С.Турсунов,  
Б.Муртазоев; масъул муҳаррир Ж.Омонгурдиев. –  
Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. – 280 б.

ISBN 978-9943-28-165-3

Қўлингиздаги китобда дунёвий илм тафаккури йўлида ўзининг илмий ва диний дунёқараши билан халқимиз орасида катта ҳурмат қозонган аллома Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли ҳамда ижодий фаолиятига оид манбалар ёритилган. Шунингдек, китобда Термиз шаҳридан етишиб чиққан улуғ авлиёлардан Абубакр Варроқ ат-Термизий, Хомид ат-Термизий, Абулмузаффар ат-Термизий, Саййид Бурҳониддин ат-Термизий, буюк муҳаллис Имом Исо ат-Термизий ва етук муаррих Хожа Самандар Термизий ҳамда Сурхон воҳаси илм мутафаккир устозлари хусусида ҳам сўз юритилган.

УЎК: 001(575.1)(092)

КБК 72.3 (5Ў)

© С.Турсунов, Б.Муртазоев, 2016

ISBN 978-9943-28-165-3 © «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016

«Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг мўътабар номларини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади».

ИСЛОМ КАРИМОВ

## МУҚАДДИМА

**«Термиз деганда, аввало, унинг шонли воқеаларга бой кечмиши, қаҳрамонлик тарихи кўз ўнгимизга келади».**

Ислом Каримов

Мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳарнинг ўз тарихий ўтмиши ҳамда ўзига хос анъаналари бор ва ушбу тарих бир бутун ҳолда Ватан тарихини ташкил этади. Ҳар бир шаҳар, катта-кичиклигидан қатъи назар, ўзига хос тарихий ўтмиши билан Ватанимиз тарихига муҳим ҳисса қўшади, тарихимиз саҳифаларини тўлдиради. Ўтмишнинг ўта сирли, сеҳрли воқеаларига гувоҳ бўлган Термиз шаҳрининг ҳам тарихий кечмиши Ватан тарихининг ажралмас бир бўлагини ташкил этади. Тарихий манбаларда шаҳарнинг ўзига хос қирралари маълум маънода акс эттирилган. Термизнинг энг кўҳна номи қадимий манбаларда Тарамаэга тарзида тилга олинади, у илк бор айнан шу хилда китобларда битилган. Тара-

маэта, Таромаэта (Таро-Маэта) бора-бора Тарамата (Тара-Мата)га айланиб, ундан аста-секин Тармат (Тармад) гарзига ўтади ва ниҳоят ҳозирги Термиз — Тирмиз — Термиз шаклини олади. Юртбошимиз И.А. Каримов Термиз шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек: «Қадимий ёдгорлигимиз «Авесто»да у «Тармида» деб аталса, араб манбаларида «Тармиз», яъни «дарё бўйидаги шаҳар» маъносини англатади»<sup>1</sup>.

Кўплаб тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган қадимий ва кўҳна шаҳар Термиз мозийнинг кўплаб сиру синоатларини ўз бағрида пинҳон тутати. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз шу ҳолатни инobatга олиб: «Неча асрлар мобайнида Термиз харбий-мудофаа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин — Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими — Термиз қалъаси хамиша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона қурашган»<sup>2</sup>, деб таъкидлаган эди.

Термиз шахридан ўзбек илми довруғини жаҳонга таратган буюк алломалар ва улуғ авлиёлар етишиб чиққан. Чунончи Ҳаким ат-Термизийнинг диний-илмий қарашлари мусулмон оламида эътирофини топган бўлса, унинг содиқ ва солиҳ шогирди Абубакр Варроқ Термизий фаолияти янада мароқли. Варроқ Термизий устоди Ҳаким ат-Термизий анъаналарини давом эттириб, кўплаб шогирдлар етиштирди, тасаввуф илми ривожига катта улуш қўшди. Мовароуннаҳр сарзаминида илк тасаввуф тариқати — ҳакимиянинг асосчиси Ҳаким ат-Термизий (вафоти 869) ўзининг улкан илмий мероси билан ислом дини ривожига ва тарғиботи йўлида муҳим ўрин тутати. Аллома яратган асарлардан эллик бештаси бизнинг замонгача безавол етиб келган,

<sup>1</sup> Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар // Ма'rifat. — 2002. 3 апрель.

<sup>2</sup> Ўша манба.

улар дунёнинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланмоқда. Ҳаким ат-Термизий танлаган мазҳаб — йўл илм йўли бўлиб, бу оқим ҳакимия номини олган, унинг тарафдорлари, издошлари ва шогирдларига ҳакимлар унвони берилган. Ҳакимия тариқатининг шиори илм ила Аллоҳни топиш ва илм ила Аллоҳни таниш, илм — нур, ана шу нур банд (Аллоҳнинг қули)ни Аллоҳ васлига мушарраф айлайди. Ҳаким (донишманд) унвони эришилган ютуқ эвазига барча соҳа намояндаларига берилган, чунончи, буюк мутафаккир шоирлар Носир Хусрав (1004—1088), Санойи (1079—1140), Анварий (1090—1166), Хоқоний (1120—1198), Низомий (1141—1209) ва бошқалар шу хил шарафли номга сазовор бўлганлар. Дарҳақиқат, бу устоз сўз санъаткорлари шеърият илмининг ҳаким (донишманд)лари, шеърият осмонининг сўнмас юлдузлари, буюк яловбардорлари, тенгсиз шоирлари, шеър ҳакими — шеър билимдони, назм оламининг ички сирлари кашфиётчиларидир. Зотан ҳаким сўзининг луғавий маъноси илмнинг ички сирини билувчи демак бўлиб, бу унвон ўтмишда ўз соҳалари устозларига эл-улус томонидан берилган ва улар шу ном ила шарафланган.

Ўтмиш аллома аждодларимиз ижодий фаолиятига назар ташласак, уларнинг ёзган асарларида ўз даври муҳитининг ҳаётий тасаввури, фалсафий талқини, тажриба таассуроти, замон тасвири, замин таъсири табиий равишда уфуриб туради. Зотан ижтимоий муҳит, тарихий шароит, даврнинг тузуми, давлат тизими унинг бағрида яшаган ҳар бир инсон шуурига, идрокига, заковатига ўз ғоявий муҳрини босиши муқаррар ҳодиса. Ҳаким ат-Термизий вояга етган Термизни тарихан олиб қаралса, у ўз анъаналарига эга ва Окс (Жайхун)нинг ўнг соҳилида қад ростлаганидан буён кўп воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий шаҳарлардан биридир. Ҳаким ат-Термизийнинг илмий шаклланишида Термиз шаҳри

билан бир қаторда, Жайхуннинг чап соҳилидаги Балх шахрининг ўрни ҳам алоҳидадир. Тарихдан маълумки, Жайхуннинг ўнг ва сўл соҳилларида жойлашган Термиз ва Балх шаҳарлари қадимдан ўзаро узвий алоқада бўлган. Бу икки шаҳар аҳолиси ўртасида куда-андачилик, ўзаро борди-келдилар узлуксиз давом этган, савдо-сотик ва иқтисодий муносабатлар чуқур илдиз отиб, толиби илмлар айни пайтда ҳам Термиз, ҳам Балх мактаб ҳамда мадрасаларида таҳсил олишган. Ҳаким ат-Термизий, Варроқ Термизий, Муҳаммад ибн Ҳомид Термизийлар билан Аҳмад Хизравия Балхий ва Муҳаммад ибн Фазл Балхийлар ўртасидаги ибратли алоқалар бунинг ёрқин мисолидир. Шунингдек, Ҳаким ат-Термизий айрим англашилмовчиликлар туфайли она шаҳри Термиздан бадарға қилинади ва маълум муддат айни Балх шаҳрида қўналға топади. Бу ерда ҳам баъзи ғаламис шахсларнинг ифво ва ғавғоларига қарамасдан Ҳаким ат-Термизийни Балх аҳолиси ва ҳокими ўз ҳимоясига олади.

Ҳаким ат-Термизий пойдеворини қўйган ва Варроқ Термизий мустаҳкамлаган илмий силсиланинг Ҳомид Термизий ҳамда Абулмузаффар Термизийлар томонидан давом этирилиши эътиборга моликдир. Ҳомид Термизий биринчи галда Ҳаким ат-Термизий ва Варроқ Термизийлар каби балхлик улуг уламо Аҳмад Хизравия билан яқин алоқа боғлаган, унинг шогирди Абулмузаффар Термизий ҳам бу ажойиб анъанани давом эттирган. Абулмузаффар Термизий Балхда яшаганида атрофдаги турли минтақалардан Балх шаҳрига ташриф буюрган илм аҳли билан дўстлашиб, Термиз илм аҳлини жаҳонга танитишда катта хизматлар қилди.

Ислом дунёсида Варроқ Термизийнинг жиёни Имом Исо ат-Термизийни билмаган киши йўқ, унинг ҳадисчиликдаги фаолиятини ҳар бир мўмин-мусулмон яхши билади. Имом Исо ат-Термизий — улуг муҳаддис, етук олим ва даврининг барча шон-шухратларига сазовор этилган буюк уламои замондир. Имом Исо

ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» («ал-Жомиъ ас-сахих», қисқача «ал-Жомиъ» ва «ас-Саҳих» ҳам дейилади, бошқа номларда ҳам аталади) асарида ҳадислар илк бор туркумларга ажратилиб, уларнинг даражаси белгилаб берилди. Шундан эътиборан ҳадислар «ҳасан – саҳих – ғариб» га тақсимланиб, уларнинг аниқлик даражасига ишора пайдо бўлди ва бу ҳодиса таомил тусини олди. Албатта, ҳар бир ҳадис сўнггида унинг «ҳасан» ёки «саҳих» ёки «ғариб» даражасининг кўрсатилиши, яъни қатъий таъкидланиши ҳадиснависликда янгилик бўлиши билан бир қаторда, ўзининг қулайликлари билан ҳам аҳамиятлидир. Имом Исо ат-Термизий таснифига кўра ҳадисларнинг «ҳасан – саҳих – ғариб» сингари даражаларга тақсимланиш йўналиши, услуби, усули ўша давр мусулмон уламоларининг аксарияти томонидан маъқул топилган эди. Ҳадисчиликдаги ушбу янгилик, тўғрироғи, ихтиро ёки кашфиёт ўзининг теран илдизларига эғалиги боис кейинги авлодларга ҳам манзур ва мақбул бўлди. Пири Хирот номи билан машҳур шайх ул-ислом Абдуллоҳ Ансорий (1006—1088) томонидан Имом Исо ат-Термизийнинг «ас-Саҳих» асарига берилган баҳо диққатга сазовордир. «Менинг учун унинг (Термизийнинг) китоби Бухорий ва Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки, Бухорий ва Муслимдан фақат теран илмли мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин»<sup>1</sup>. Абдуллоҳ Ансорийнинг отаси Абумансур Муҳаммад Ансорий (вафоти 1039) асли балхлик бўлиб, шу ерда яшаган ва Балхда вафот этган. Абумансур Ансорий, хусусан, Алишер Навоийнинг таъкидлашича, Абулмузаффар Термизийни ўзига устоз деб билган ва ул зотдан кўплаб ҳикматлар нақл қилган. Боиси, Абумансур Ансорийнинг пири Шариф Ҳамзаи Уқайлий эса Абулмузаффар Тер-

<sup>1</sup> Термиз тазкираси / Мусанниф М. Кенжабек. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. — Б. 74.

мизийнинг дўсти бўлиб, улар Балхда доимо бирга ҳамсухбат бўлганлар.

Истиқлол мозий қатида англаб ёки англолмайдиган умумбашарий қадриятларимизни тиклаш, тегаран маънавиятимизни ўрганиш учун кенг йўл очди. Ҳақим ат-Термизий ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини тадқиқ этиш ишларининг бошлаб юборилиши шулар жумласидандир. Олимларимиздан У. Уватов, Ж. Омонтурдиев, М. Кенжабек, И. Усмонов, Т. Аннаев, Ж. Мирзоларнинг ва З. Чориев раҳбарлигидаги ижодий гуруҳнинг ҳамда бошқаларнинг аллома ҳақидаги рисолалари кенг оммалаштирилди. Ушбу рисолада аллома илмий меросининг ўрганилишига бағишланган алоҳида фасл мавжудлиги боис, бу ўринда амалга оширилган тадқиқот ишлари шарҳини мухтасар айладик.

Ҳақим ат-Термизий ижодий меросини ўрганишда ва тарғиб этишда ўтказиб келинаётган илмий-назарий анжуманларнинг ўрни ҳам самарали, чунончи, 2004 йили Термиз давлат университетига уюштирилган илмий-назарий анжуман айни шундай хайрли ишларнинг дебчаси бўлди. Бу анжуман «Ҳақим ат-Термизий даври» мавзусига бағишланган бўлиб, унда қилинган маърузалар матнининг чоп этилиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, 2009 ва 2011 йилларда Термизда ўтказилган Ҳақим ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий Халқаро турнир муносабати билан уюштирилган илмий-назарий анжуман янада кўтаринки руҳ бағишлади. «Ҳақим ат-Термизий ҳаёти ва мероси», «Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари» ва «Ҳақим ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти», «Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти» каби мавзуларга бағишланган Халқаро микёсдаги илмий-назарий анжуманларнинг Термиз давлат университетида ўтказилиши, айниқса, эътиборлидир. Қолаверса, анжуманда қилинган маърузалар матни-



нинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилиши, анжуман нуфузини янада оширди.

Рисоланинг кейинги саҳифаларида Саййид Бурҳониддин Термизий ва Хожа Самандар Термизийлар зикрида маълумотлар мавжуд. Саййид Бурҳониддин Термизий (вафоти 1240) жаҳонга машҳур Жалолиддин Румий (1207—1273)нинг устози, пири эканининг ўзи алоҳида мавзу, алоҳида ҳодиса. Румийнинг падари бузургвори Баҳо Валад (1148—1232) ва Саййид Бурҳониддин Термизий ҳамда Румийни боғловчи устоз-шогирдлик ришталари замонлар оша авлодларга ибрат бўлиб келмоқда. Қолаверса Саййид Термизий нафақат Румийга, балки Румийнинг фарзанди азизи Султон Валад (1226—1318)га ҳам пирлик қилган улуғ муршидлар қаторида туради. Рисола саҳифаларидан ўрин олган Хожа Самандар Термизий ва унинг «Дастур ул-мулук» асари ўз қиймати ҳамда аҳамияти билан эътиборлидир.

Абулҳасан Али Хужвирий (вафоти 1077)нинг «Кашф ул-маҳжуб» ва Фаридиддин Аттор (1145—1221)нинг «Тазкират ул-авлиё» тазкираларида Ҳаким ат-Термизий хусусида келтирилган маълумотлар таржимасини рисола бағрига сингдирдик. Бунда «Тазкират ул-авлиё» маълумотларини қайта кўриб чиқиш ва янги таржимани амалга ошириш жараёнида Мирзо Кенжабекнинг «Термиз тазкираси» асаридан унумли истифода этдик. Шу каби «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» ва «Наводир ал-усул»нинг А. Шоший ва И. Усмонов таржималаридан фойдаланиб, шу асарлардан олинган ҳадислар, ривоятлар ва бевосита аллома ҳикматларини рисола мундарижасига киритдик. Кўп сонли китобхонларнинг тилак ва истакларини эътиборга олган ҳолда, аллома қаламига мансуб «Наврўзнома» ва «Солнома» асарлари ҳурматли Маҳмуд Ҳасаний ва Ғолиба Жўраевалар (— Т.: Мехнат, 1991.) напри асосида рисолага илова этилди. Шунингдек, аллома-

нинг «Китоб ал-ақл ва-л-хаво» («Ақл ва хавойилик ҳақида китоб») асарининг ўзбек тилидаги матни ёш олим Жўрабек Чўтматов таржимасида рисолада илк бор чоп этилиши диққатга сазовордир.

Рисолада ҳали манбаларнинг камлиги ва изчил эмаслиги боис айрим жузъий хатоларга йўл қўйилган бўлиши эҳтимоли бор. Шу боис азиз китобхонлардан ва ҳурматли соҳа мутахассисларидан ўз фикр-мулоҳазаларини рисола муаллифларидан дариг тутмасликларини сўраймиз. Бу эса рисоланинг келажакдаги янги нашрларини амалга оширишда ва йўл қўйилган хато-камчиликларга барҳам беришда асқатади, деган умиддамиз.



**Биринчи боб**  
**Ҳақим ат-Термизий ҳаёти**  
**ва илмий ижоди**

**ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ҲАЁТ ЙЎЛИ**

*«Зинҳор менга нисбат беришларини устаб бирор варақ ёзмадим, лекин энг қийналган онларимда китобларим менга тасалли берар эди».*

Ҳақим ат-Термизий

Ўтмиш аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва серқирра илмий-диний фаолияти миллий кадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни теран бойитган бебаҳо хазинадир. Ана шу бебаҳо хазина равнақида Ватанимизнинг жаҳонга машҳур кўҳна ва навқирон Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлари қаторида Термиз шаҳрининг ҳам алоҳида ўрни бор. Юртбошимиз И. Каримов Термиз шаҳрининг тарихий ўтмиши хусусида сўзлаб таъкидлаганидек: «Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо қарвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар — зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Президент Ислоҳ Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Ma'rifat. — 2002, 3 апрель.

Жайхун соҳилида қад кўтарган қадимий шаҳар Термиз ўз азалий ўтмиши билан Ватанимиз тарихи саҳифаларида алоҳида ўрин эгаллайди. Эски Термиз шаҳри ўз бағрида залварли тарих воқеаларини сир сақлаб келмоқда, уни тўлиқ ёки тўқис кашф этдик дейиш ножоиз. Истиқлол йиллари бу масканга эйтибор кучайди, у обод гўшага, муқаддас зиёратгоҳга айланди. Ана шу сўлим шаҳар дунё тамаддунига машҳур олимларни ҳаё этди, унинг қучоғида жаҳон илм-фанига улкан улуш қўшган ажойиб алломалар, тенгсиз адиб ва шоирлар етишиб чиқди. Муқаддас ислом дини теран ғояларининг мумтоз тарғиботчилари Ҳаким ат-Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий, мусулмон оламида эътирофини тошган «Сихоҳ сита» (олти ҳадис китоби)нинг муаллифларидан бири Имом Абу Исо ат-Термизий шулар жумласидандир. Шунингдек, Абулмузаффар Термизийнинг Абдуллоҳ Ансорийдек буюк шахснинг отаси Муҳаммад Ансорийга пир бўлгани ёки Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг жаҳонга машҳур Жалолиддин Румийга устозлик қилгани бизни фахру ғурурга буркайди.

Ана шундай қадим тарихимизнинг оғир юқларини ўз сийнасида пинҳон тутган сирли Термиз шаҳрида буюк аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун Ҳаким ат-Термизий дунёга келди. Ажойиб оилада таваллуд топган Муҳаммад ибн Али эсини таниганиданок донишманд боболари ва суюкли момоларидан Пайғамбар ҳадисларини тинглай бошлаган эди. Болалиқдан илмга ошна ва ташна Муҳаммад ибн Али илк илмини оиласи даврасида олди. Чунончи, аллома «Ар-радд ʻбала-л-муъаттила» («Муъаттилалар фирқасига раддия») китобида онаси, бошқа асарларида бобоси (она томон)дан ва «Ал-акёс в-ал-муғтаррийн» («Зийрақлар ва алданганлар»), «Китоб ал-манҳиёт ва кулл мо жаъа мин ҳадис би-н-наҳй»

(«Тақиқланган амаллар ва тақиқ маъносида келган барча ҳадислар китоби»), «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» («Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари») асарларида кўпроқ отаси тилидан ҳадис ривоят қилади. Муҳаммад дастлаб она шаҳри Термиздаги мактаб ва мадрасада таҳсил олди, сўнгра таҳсилни Жайхуннинг сўл соҳилидаги Балх шаҳри мадрасаларида давом эттирди. Ўша давр таомилига биноан ҳар бир толиб ул-илм ва фан йўлини танлаган ҳар бир мўмин-мусулмон, албатта, Балх шаҳрини зиёрат қилиши шарт эди. Ҳаким Термизий ҳам шу маънода Балх мадрасаларида таълим олар экан, балхлик Аҳмад Хизравия (вафоти 855) ва Сақафий ал-Балхий (вафоти 855) каби илм аҳли билан дўстлашди, биргаликда маърузалар тинглади, баҳсу мунозараларда иштирок этди, Шафиқ ал-Балхий (вафоти 844) сингари даврининг етук устозларидан сабоқ олди.

Бўлажак алломанинг беғубор болалиги, шўх ёшлиги жўшқин ва сокин Жайхун соҳилларида ўтди. Оиладаги илмга чанқоқ муҳит, шаҳардаги чинакам покиза шароит Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг муқаддас Қуръон тиловатига, Расулulloҳ ҳадисларига рағбатини оширди. Илмга чанқоқлик Ҳаким Термизийни Бухоро ва Самарқанд ҳамда Марв ва Нишопур шаҳарларига чорлайди. Муҳаммад ибн Али илм истаб, илм излаб Шарқнинг Рай, Ҳамадон, Бағдод, Басра, Самара, Куфа, Макка, Мадина ва яна кўплаб бошқа шаҳарларида бўлди. Ҳаким Термизий бу шаҳарларнинг илм аҳли билан танишди, улар билан қизгин суҳбатлар қурди, улардан фан сирларини ўрганди, фанга оид барча баҳсу мунозараларда фаол иштирок этди. Кўп йиллар илм илинжида ўзга юртларда узоқ сафарда бўлган аллома, ниҳоят она шаҳри Термизга қайтди. Бу пайтга келиб, Ҳаким Термизий Қуръони каримни ёд олган, ҳадис илмида баркамол уламо сифатида шаклланиб бўлганди. Алломанинг илк китобларидан бири

«Наводир ал-усул» («Нодир усуллар»)да Қуръони каримнинг муборак оятларига тафсир битилган, шунингдек, айни Расулуллоҳ ҳадислари хусусида сўз юритилган. Асарда Қуръоний оятлар, гоҳо кичик суралар, Пайғамбар ҳадислари усул йўлида шарҳланиб, 291 (гоҳо 293) бобда қараб чиқилади. Усул — бобни англатади, усул сарлавҳасида жамланган боблар бир тизимни ташкил этади, боб (усул)да маълум мавзу ҳадис орқали баҳсга тортилади ва у Қуръоний оят ила қувватланади. Демак, мавзу, мавзуга доир ҳадис, ҳадисга хос Қуръон ояти — жами биргаликда баҳснинг тугал шарҳини топади.

Ҳақим Термизийнинг бошқа бир асари муршид ва мурид савол-жавоблари тарзида битилган «Хатм ал-валоят» («Валийлар чўққиси») бўлиб, у йигирма тўққиз бобдан иборат. Бу асар валийлик тизими, унинг қонун-қоидалари, асосий талаблари тўққиз баёнини топганлиги билан кадрлидир. Алломанинг навбатдаги асари «Ал-амсал мин ал-китоб ва-с-сунна» («Қуръон ва суннатда келган мисоллар китоби») деб аталади ва унда ўн саккизта Қуръон оятларига тафсир битилади, унинг мавзулар олами, мазмун кўлами бекиёс. Асарда яхудийлик, бутпарастлик, буддавийлик масалаларига алоҳида урғу берилади ва бу ҳодиса Ҳақим Термизийнинг санскрит ёки юнон тилини билганига заррача шубҳа қолдирмайди. Ҳақим Термизий асарлари жаҳон мамлакатларининг турли кутубхоналарида сақланади, уларнинг манзили аниқ ва рўйхати мавжуд. Бу китобларнинг нашри ва тадқиқоти бўйича чет эл олимлари анча ишларни амалга оширганлар, мустақиллик туфайли ўзимизда ҳам бу борада эътиборли ишлар қилинмоқда. Чунончи, унинг «Наврўзнома», «Солнома», «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» («Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари»), «Будувв аш-шаън Абу Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишларининг бошланиши»), «Наводир ал-усул» (айрим парчалар), «Жавоб ал-масоъил саъалаху аҳлу Сарахс анҳо» («Сарахс шаҳри аҳли

сўраган масалалар жавоби») асарлари ўзбек тилида эълон қилинди.

Алломанинг биринчи устози бўлган падари бузруквори Али ибн Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун ат-Термизий машҳур муҳаддислар қаторида турган, у бир муддат Бағдодда таълим олган кезлари шу шаҳар уламолари орасида катта обрўга эга бўлган. Али ибн Ҳасан ҳадис дарсни ўз юртдоши Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан олган бўлса, ўз навбатида, Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий эса ҳадис илмини ал-Қосим ибн Уббод ат-Термизийдан ўрганган. Шу тариқа «ат-Термизий ал-кабир» (катта Термизий) нисбасини олган Абулҳасан Аҳмад ибн ал-Ҳасан ибн Жунайдиб ат-Термизий (вафоти 854), ал-Қосим Уббод ат-Термизий, Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий, Мактуб ибн Аббос ат-Термизий, Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизий, ал-Жоруд ибн Маъоз ас-Суламий ат-Термизий, Али ибн ал-Ҳасан ат-Термизий, Абу Исо Имом ат-Термизий (824—892) кибилар узок йиллар Бағдод ҳадисчилиги мактабида пешқадам бўлганлар.

Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий ва Жоруд ибн Маъоз ас-Суламий ат-Термизийлар «Сихоҳ ситта» (олти мўътабар ҳадис тўплами) муаллифларига устозлик қилган тўққиз улуғ шайхлар сафидан ўрин олганлар. Эътирофини тошган тўққиз улуғ шайх сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаган бу икки алломай замон билан бирга Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизий ҳадис илмида Ҳаким ат-Термизийга устозлик қилганлар. Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий айни замонда атоқли муҳаддис Абу Исо Имом ат-Термизийга ҳам ҳадис сабоқларини ўргатган улуғ устоздир. Мактуб ибн Аббос ат-Термизий ҳадис илмида ўз мавқеига эга буюк зотлардан, жумладан, Абу Исо Имом ат-Термизий фикҳий иснодлар (шариат қонунлари)ни ушбу улуғ зотдан нақл қилади. Катта Термизий, яъни Абулҳасан Аҳмад ибн Ҳасан

ибн Жунайдиб ат-Термизийдан эса биратўла Имом ал-Бухорий (810—870), Абу Исо Имом ат-Термизий, ибн Можжа (834—886) ва бошқалар ҳадис ривоят этадилар. Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизийдан бўлса Абу Хасан ибн Халлол Мукрий ҳадис ривоят қилгани ғоят эътиборлидир. Дастлабки билимларини она шаҳри Термизда олган бу алломаи замонлар халифалик пойтахти Бағдод (749—1258)да яшаб, ҳадис илми ривожига баракали ҳисса қўшганлар. Ҳаким ат-Термизий «Будувв аш-шаън Абу Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишларининг бошланиши»)да Бағдодда ҳадис илмини мукаммал даражада эгаллаганини чуқур қониқиш билан эслатади.

Кўринадики, Ҳаким ат-Термизий ҳадиснавислик ва ҳадисшунослик ҳамда бошқа диний илмлар маълум шакл тизимига эга бўлган муҳитда туғилиб вояга етган экан. Ислом анъаналарининг Термиз шаҳрига хийла илгарироқ кириб кела бошлагани янада эътиборлидир. Масалан, Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Ходим (683—692)нинг ўғли Мусо ибн Абдуллоҳ 689 йили Термизни ишғол қилиб, шаҳарни муттасил ўн беш йил идора этади. Бу даврда Мовароуннаҳр ўлкаларидан аксарияти Мусо тасарруфида бўлиб, жамланган ўлпонлар унинг хазинасига келиб тушар эди. Бу 689—704 йиллар оралиғида Термизга ислом дини учкунлари кириб кела бошлаганини билдиради. Термизда туғилиб ўсган Абу Муҳриз Жаҳм ибн Сафвон (вафоти 745) асос солган муржибийлик йўналишидаги ал-Жаҳмия калом мактаби катта кучга эга эди. Маълумки, ал-Жаҳмия таълимоти Термиз шаҳрида ва, умуман, минтақада ўз ҳаракатини XI асргача давом эттирган.

Термизда бир муддат қозилик қилган Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизий айнан ал-Жаҳмия таълимоти тарафдорларидан эди, Ҳаким ат-Термизий эса жаҳмия ҳаракати ва унинг ақидаларига салбий муносабатда бўлган. Термизда ал-Жаҳмия йўналиши билан ёнма-ён Ҳанафия мазҳаби ҳам устуворлаша



борди, бу ҳолат шаҳарда қозилик қилган ота-бола Холид ибн Зиййод ат-Термизий ва Абдулазиз ибн Холид ат-Термизий фаолиятларида якқол намоён бўлади. Манбаларда қайд этилишича 748 йили Холид ибн Зиййод ат-Термизий мутафаккир Абу Ханифа (699—767) билан учрашган. Жаҳмийлар таълимотининг муваққат ҳукмронлиги оқибати ўлароқ, Абдулазиз ибн Холид ат-Термизий 796 йили Фарғонага сургун қилинган. Кейинчалик у Марв шаҳрида бош қозилик қилган.

120034

Юқорида таъкидлаганимиздек, Термиз ва Балх шаҳарларининг олиму фузалолари ҳамиша ҳамкорлик қилишган. Жумладан, Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий (вафоти 854) балхлик уламо Аҳмад Хизравия (вафоти 855) ва унинг завжаси Умма Али (ёки Фотима Хизравия)га тафсир илмидан сабоқ берган. Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан ўз вақтида Ҳаким ат-Термизий, унинг қиблагохлари Али ибн Ҳасан ва, ҳатто, Имом Абу Исо ат-Термизий ҳам ҳадис илмини ўрганишган. Шафиқ ал-Балхий (вафоти 844) ва Сақафий ал-Балхий (767—854)лар Ҳаким ат-Термизийнинг устозлари бўлса, Аҳмад Хизравия аллома ал-Ҳаким ат-Термизийнинг яқин суҳбатдоши ҳисобланади. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг содиқ ва солиҳ шогирди Варроқ ат-Термизий эса Аҳмад Хизравиянинг чинакам дўстларидан эди. Фаридиддин Аттор (1145—1221) «Тазкират ал-авлиё»да Ҳаким ат-Термизий ҳақида: «Суҳбати Бу Туроб раҳимахуллоҳу, Аҳмад Хизравия раҳимахуллоҳу, Ибни Жалло раҳимахуллоҳу ёфта буд» («Бу Туроб, Аҳмад Хизравия ва Ибни Жаллоларнинг суҳбатини олган эди»), — деб ёзганди Аттор, шунингдек, Ҳаким ат-Термизийнинг Яхё Маоз (вафоти 872) билан суҳбатларида мунозарага киришгани ва кўпинча ул зот (Яхё Маоз)ни лол қолдиргани хусусида ҳам хабар бериб ўтади. Узоқ йиллар Нахшабий (асли исми Аскар б. Ҳасин. Вафоти 861), Ибни Жалло ва Яхё Маозларни Ҳаким ат-Термизийнинг устозлари

сифатида қараб келдик. Аслида улар суҳбатдошлар, учрашиб мулоқотда бўлган тенгдош алломалар эди, ана шу дўстлар ҳаётини ўрганиш Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўлининг айрим жиҳатларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

«Будувв аш-шаън»да айтилишича, аллома Басрадан Маккага боради, у ерда бир муддат истиқомат қилиб, муборак ҳаж амалларини бажаргандан сўнг ватанига қайтади. Мусофирлик кезларида, уйга қайтиш онларида Аллоҳнинг китобини ўқиш ва уқиб олишга бўлган ҳавас уни тарк этмайди. Натижада у йўл бўйи Қуръони каримни бемалол ёдлаб олади. Ўша аснода Аҳмад ибн Осим ал-Антокий (вафоти 853)нинг «Давоъ ал-қулуб» («Қалблар давоси») китоби Ҳаким ат-Термизий қўлига тушиб қолади. Бу китоб алломанинг шуурига кучли таъсир ўтказди, унга ўз ҳаёт йўлини белгилаб олишида ва тўғри йўл танлашида кўмаклашади. Чунки Антокий таълимотининг йўли илм йўли эди, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» (— Т.: Фан, 2001. — Б. 52) да Антокийдан қуйидаги сўзларни келтиради: «Ҳар амалнинг имоми илмдур, ҳар илмнинг имоми иноят» («орзунинг етакчиси илмдир, илмнинг етакчиси — мақсад»). Аттورнинг эътирофича, Ҳаким ат-Термизий асос солган ҳақимия таълимотининг мазҳаби — йўли ҳам илмга асосланар эди. Бу таълимотнинг шаклланишида Ҳорис ибн Асад Муҳосибий (вафоти 857) қарашларининг ҳам таъсири катталигини унутмаслик лозим. Муҳосибий қаламига мансуб «Китоб илм» рисоласи Ҳаким ат-Термизийнинг «Китоб баён ал-илм» асарининг юзага келишида илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Шундан Ҳаким ат-Термизий «Тасаввуф — бу билим», «Илм — бу нурдир», «Нур — ҳақни ноҳақдан ажратади», «Нур — содиқ қулини иймонга етаклайди», «Нур — Аллоҳ томонидан банда қалбига жойлаштирилган», «Қалбларни мунаввар этувчи нарса — Аллоҳ нури» сингари шиорларнинг устуворлашуви йўлида қатъий курашади.

Аллома бутун умри давомида илм изидан борди, гоҳо илм излаб танҳоликни истаб қолди, яккаликни ихтиёр айлади. Одамлардан ётсираш, одамлардан холиликни қўмсаш, улардан узоқда бўлиш хоҳиши алломани шаҳар атрофидаги харобаларга, вайрона қабристонларга ундади. «Шаҳарда уни ҳеч ким тушунмас эди», дейди Аттор. Охир-оқибат ғараз ва аразлар шу даражага етдики, алломани Термиздан бадарға қилишади. Ҳаким ат-Термизий ҳақидаги маълумотларнинг энг қадимийси XI аср бошларида яратилган ас-Суламий (вафоти 1021)нинг «Табакот ас-сўфия» ва Абу Нуайм (ёки Наъйим) Исфаҳоний (вафоти 1038)нинг «Ҳилят ал-авлиё» («Авлиёлар безаги») асарларидир. Бошқа муаллифлар ҳам ўзларининг сўфийлар шарҳига доир асарларида Ҳаким ат-Термизийнинг номини зикр этганлар. Муаллифларнинг таъкидлашларича, Термиз шаҳри уламолари Ҳаким ат-Термизийни кофирликда айблаб, уни Термиз шаҳридан бадарға қилдиришга эришадилар. Дарҳақиқат Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти силлиқ кечмаган, у доимий равишда таъна-маломатлар гирдобидида қолиб, қанчадан-қанча ифволарга учраган. Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний (вафоти 1449) «Лисон ул-мезон»да аллома ҳақида фикр юритиб, «Тарихи Ҳалаб» асари муаллифи Қози Камолиддин ибн Адимнинг Ҳаким ат-Термизий хусусидаги ғалати ва ифвогарона фикрларини айнан келтириб ўтади: «Ҳаким Термизий ҳадис аҳлидан эмас эди ва ҳеч қандай ривоят ҳам нақл қилган эмас эди. У илм-фан соҳасининг ранго-ранг маҳоратидан бебаҳра эди, балки танҳо ишоралар асосида сўфийлик равиши ва ҳақиқати кашфи иддаосини ўрама сўзлар воситасида изҳор этган, холос. У шу даражага бориб етдики, фикрлар қондасидан четга чиқиб кетди, шу жиҳатдан таънаю таҳқирларга сазовор этилди. Фикр уламолари ва сўфийларнинг пешволари унга уни равишлар доирасига қабул қилиш мавридидан четга чиқариш мақбуллиги айбини қўйишди. Фикр

ва сўфий уламолар дедиларки: у шариатга шундай кераксиз нарсаларни олиб кирдики, шу сабабли мусулмон жамоати орасидан ҳайдалди. Ўзининг расво китобларини уйдирма хадислар ила тўлдирди ва уларни хабарлар изига тиркади, аммо ўша хадисларни на бирор киши ривоят қилган ва на бирор киши эшитган. У ўзининг китобларига бутун шариат ишларини киритиб, уларнинг маъноларини тушуниб етмай, аксар заиф ва суст далиллар ила шарҳлашга интилган». Ибн Ҳажар ўз хулосаларини давом эттирар экан, Ибн Адим фикрларига қарши бориб: «Жонимга қасам ичиб айтаманки, менинг назаримда Ибн Адим бу борада ўта ошириб муболаға қилган, башарти унинг нақллари суст, сўзлари ўрама бўлганда, уни ўтмиш имомлар танқид қилмасмиди?» — деган мулоҳазаларни билдиради. Ҳақиқатан, Ибн Надимга ўхшашларнинг Ҳаким ат-Термизийга асоссиз тухмат тошларини ёғдириб, таъна-маломат қилишлари натижасида Ҳаким ат-Термизий шаҳар ҳоқими фатвоси билан она шаҳри Термиздан чиқариб юборилади. Аллома Балх шаҳрида қўним топади, лекин у ерда ҳам ором тополмайди, балки маломатларга гирифтор этилади, уни шаҳар волийсигача олиб боришади. Ғанимлар иғвоси, рақиблар ғавғоси бора-бора сўнади, аллома яна Термизга қайтади, масжиду хонақоҳларга қатнай бошлайди. Эндиликда ғанимлар Ҳаким ат-Термизий ила очиқ-ошкор баҳсга кириша бошлайдилар, гоҳо бу мунозаралар жиддий тус олади. Бу тортишувлар чоғида аллома ўзининг ўткир билими билан уларга кескин таъсир ўтказиб, уларни ўзининг чинакам асирига айлантира бошлайди. Илмнинг беқиёс таъсир кучи туфайли алломанинг ғанимлари аста-секин унинг чин дўстига, рақиблари итоаткор муридга айланишади. Аллома шогирдларининг сони кундан-кунга ошиб боради, масжиду хонақоҳларда ул зоти олийнинг амримаъруфларини тинглаш учун тумонат улус тўплана бошлайди. Ал-

лома буларнинг барига Аллоҳ таоло йўлидаги сидку содиқлиги ва севгу солиҳлиги эвазига эришган эди.

Буюк аждодимиз ҳар бир асарида илмга алоҳида урғу беради, илмнинг хос жилваларини теран кузатади. Илмнинг нур деб эътироф этган Ҳаким ат-Термизий шу нур — илм бандани Аллоҳ васли томон йўналтиришини бот-бот уқтиради. Хусусан, аллома «Китоб ал-хуқук» («Зиммадаги ҳақлар») асарида «Аллоҳ таоло энг аввало илмни яратган, илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вужудга келтирган, донишмандликдан бўлса, адолат (адл)ни ва ҳақ (ҳақиқат)ни пайдо қилган», деб ёзади. Бу хил фикрлар улғу ватандошимизнинг «Масала фи-л-фарқ байн ал-илм ва-л-фикҳ» («Илм ва фикҳ ўртасидаги фарқлар масаласи») китобида ҳам давом эттирилиб, «Билим нарсаларнинг намоён бўлиш-тажаллисидир» деган хулоса чиқарилади. Илм нарсалар моҳиятининг кашфиёти тарзида талқин этилиб, «Маърифат ал-илм биллоҳ» — «Аллоҳни билим билан таниш» ғояси илгари сурилади.

Ҳаким ат-Термизий «Китоб ал-ақл ва-л-ҳаво» («Ақл ва ҳавойилик ҳақида китоб») асарида: «Ал-маърифат тасдиқ ал-қалб би-икрор ал-лисон» («Аллоҳни англашда қалб билан тасдиқлаш ва тил билан иқрор бўлиш лозим»), — деб ёзади. Демак, Аллоҳни билиш ва англаш учун қалб билан тасдиқлаш ва тил билан иқрорлик изҳор этиш даркор экан! Тасаввуф таълимотига кўра, иймон ва илм муштарак тушунчалар, иймон — Аллоҳ илми, ҳатто, дастлаб ислом сўзи илмни англатган. Кейинчалик илм ва иймон қаторидан тасдиқ истилоҳи жой эгаллайди, шу тариқа илм ва тасдиқ иймонни мужассам этса, илм ва иймон тасдиқда жилваланади. Иймон — қалбга нур, орифлик (билиш), шуъла, иймон — нурнинг ўзи, бинобарин, ҳақни ноҳақдан ажратиш учун инсон қалбига нур сингдирилади. Аллома илм ҳақидаги фикрларини давом эттирар экан, тез-тез Муҳаммад (с.а.в.)

ҳадисларига мурожаат қилиб, айтилаётган мулоҳаза қувватини янада жонлантиришга эришади. Қуйидаги ҳадисга диққат қилинг: «Илм уч нарсада: Куръоннинг муқаддас оятларида, суннат (тўғри йўл) эътирофида ва юксак диний эътиқодда намоён бўлади».

«Қалб гуноҳдан қанчалар покланса, илм шу қадар мунаввар ва мукамал бўлади», дейди Ҳаким ат-Термизий. Шунингдек, алломанинг «Масоил ат-таъбир» («Таъбир масалалари») асарида қуйидаги фикрлар қайд этилган: «Илмни инсон — Аллоҳга яқин киши», «Илм — танҳоликда дўст», «Илм — қийналган онларда нажот», «Илм — йўлчи юлдуз», «Илм — дўстлар даврасида безак», «Илм туфайли ўзгалар ичида ўзиники бўласан», «Илм — жаннатга элтувчи маёқ» ва бошқалар. Ҳаким ат-Термизийнинг илм зикрида айтган фикрлари унинг Расулуллоҳ ҳадисларидан баҳраманд бўлганлигини билдиради: «Илм эгалланг! Илм саҳрода — дўст, ҳаёт йўлларида — таянч, ёлғизлик дамларида — йўлдош, бахтиёр дақиқаларда — раҳбар, қайғули онларда — мададкор, одамлар орасида — зебу зийнат, душманларга қарши курашда — қуролдир». Бунинг исботи сифатида Ҳаким ат-Термизий яна Пайғамбаримизнинг ҳар қандай илмнинг боши Аллоҳ илми (раъс ал-илм)дир деган ажойиб бир ҳадисларини келтиради. Ҳатто, алломанинг қабр тошида ҳам Расулуллоҳнинг «Ҳар ким гуноҳ изидан бўлса, дўзах унинг оёғи остидадир, ҳар ким илмнинг изидан бўлса, жаннат унинг оёғи остидадир», деган ҳадислари битилган. Ёки аллома Ҳаким ат-Термизий айтади: «Зинҳор менга нисбат беришларини истаб бирор варақ ёзмадим, лекин энг қийналган онларимда китобларим менга тасалли берар эди».

«Ислом — илм, иймон — илм, тавҳид (Аллоҳ ягоналиги) — илм, маърифат — Аллоҳ илми», деган Ҳаким ат-Термизий асарларида илм ва ҳикмат (донишмандлик) сўзлари маънодош сифатида ишлатилади. Илм мутолаа давомида шаклланса, маърифат Аллоҳдан унинг бандаларига берилган буюк

неъматдир. Ҳақим ат-Термизий асарларида битилган донишмандона ҳикматлар ва улар ташиган ғоялар, кўзланган муддаолар инсонларни ҳамиша эзгулик сари даъват этади. Алломанинг мўъжизакор қалами самараси бўлмиш ҳикматларнинг маъно ва мазмуни беқиёс, уларда дунё изтироблари, бандаларининг ножоиз қилиқлари нишонга олинади. Банда гоҳо ўзини ожиз ва нотавон ҳис қилади, ўзини хўрланган деб билади, ана шундай кимсаларга қарата «Наводир ал-усул»да: «Инсоннинг умидсизликка тушиши, бу унинг Аллоҳни билмаганидандир», дейилади. Аллоҳни таниган банда зинҳор тушкун кайфиятда бўлмайди, тақдирдан нолиш Аллоҳ бандаси учун бегонадир. «Банда қисматдан эмас, ўзининг ёмон нафсидан ўпкалаши лозим».

Ҳақим ат-Термизийнинг илм ҳақидаги фикрлари кейинги даврларда Имом Абу Мансур ал-Мотуридий (870—944) тарафидан давом эттирилади. Ҳақим ат-Термизий билан Мотуридий алоқалари Варроқ Термизийнинг шогирди Абулқосим Ҳақим Самарқандий (вафоти 953) воситасида боғланди. Боиси шайх Абулқосим фикҳ ва калом илмида комил бўлиб, айни Мотуридийнинг замондоши ва яқин ҳамфикрларидан бири эди. Демакки, шайх Абулқосим ҳақимия таълимоти ила яхши таниш бўлиб, унга бежизга «ҳақим» унвони берилмаганди. Кейинги пайтларда қадимшунос олимлар Ургут тумани, Испанза қишлоғи ҳудудида муқаддас саналган қабрни текшириб кўришди, дафн этилган инсон олтмиш ёшларда экани тасдиқланди. Маҳаллий аҳоли томонидан Ҳақим ат-Термизийнинг набираси дея талқин этилаётган бу шахснинг исми шарифи Абулқосим Ҳақим Термизий дейилмоқда. Афтидан, юқорида зикр этилган Абулқосим Ҳақим Самарқандий билан Абулқосим Ҳақим Термизий бир шахс бўлиши эҳтимоли ҳақиқатга анча яқин туради. Ал-Ҳақим ат-Термизийнинг «Китоб баён ал-илм», «Илм ал-авлиё» («Авлиёлар илми»), «Сийрат ал-авлиё» («Авлиёлар

сийрати», иккинчи номи «Хатм ал-валоят» — «Валийлик чўққиси» ёки «Хатм ал-авлиё» — «Авлиёликнинг сўнги», янада аниқроғи — «Авлиёлик чўққиси»), «Ал-илм», «Китоб ал-хуқуқ», «Табоқат ас-сўфия» («Тарих ал-машойих»), «Китоб ал-ҳикма илм ал-ботин» («Донишмандлик илмининг ички сирлари китоби») ва бошқа асарларида илмнинг назарий асослари ҳамда бу борада сўфийларнинг тутган ўрни ўз аксини топган. Ҳаким ат-Термизий «тасаввуф — бу билим», деган ғоя ва шиорни жиддий химоя қилди ҳамда тасаввуфнинг илм мақомини олиши учун беқиёс жонбозликлар кўрсатди. Алломанинг асар ва рисолалари тасаввуф илмида устувор из қолдирди, шунингдек, улар келгуси авлодларга ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Ҳакимшунос олимлар ўз тадқиқотларида Ҳаким ат-Термизийнинг «Баён ал-фарқ байн ас-садр в-ал-қалб в-ал-фуод в-ал-лубб» («Садр — кўкс, қалб, фуод, лубб орасидаги фарқ баёни»), «Байон ал-илм», «Анвоъ ал-улум» («Илм навлари»), «Ал-аъзо ва-н-нафс» («Одам аъзолари ва нафс»), «Ал-акёс ва-л-муғтаррин» («Зийрақлар ва алданганлар») асарларидаги илм аз-зоҳир ва илм ал-ботинга оид қисмларидан Имом ал-Ғаззолий (1058—1111) ўзининг «Эҳё улум ид-дин» («Дин илмларини тирилтириш») асарида тўқис истифода этгани кузатилади. Бундан ташқари, Ибн ал-Арабий (1165—1240) «Футухот ал-Маккия» («Макка кашфлари») ва Нажмиддин Кубро (1445—1221)нинг устози Муҳаммад Аммар ал-Бадлисий (ваф. 1194) «Баҳжат ат-тоифа би-л-лоҳи орифи» («Аллоҳни билувчи тоифанинг сурури-бахти») асарларида «Хатм ал-авлиё»дан, Ибн Қаюм ал-Жавзия (1116—1201) «ар-Рух», Жалолуддин ас-Суютий (1445—1505) «ал-Итқон фи улум ал-Қуръон» асарларида «ал-Фуруқ ва манъ ут-тародуф» («Фарқлар ва маънодошликни инкор») дан унумли фойдаланишган. Ибн ал-Арабий ва ас-Суютийлар ўз асарларини ёзиш жараёнида аллома-



нинг «Наводир ал-усул» ва «Таҳсилу назоир ал-Қуръон» («Қуръондаги ўхшаш калималар таҳсили») китобларига кўп бора мурожаат қилганликлари исботини топган. Ёки Ибн ал-Арабийнинг «Хатм ал-авлиё» ва ас-Суютийнинг «Наводир ал-усул» асарларига тафсир битганликлари манбаларда қайд этилган<sup>1</sup>.

Ибн Арабий нафақат валоят масаласида, балки бошқа қатор масалаларда ҳам Ҳаким ат-Термизий асарларига тез-тез мурожаат қилади, инчунин, «Футухот ал-Маккия» («Макка кашфлари»)да «Хатм ул-валоят» саволларига батафсил жавоб беради ва асар таҳлилига кенг ўрин ажратади. Ибн Арабий, шунингдек, ал-Ҳаким ат-Термизий саволларига жавоб йўсинида «Ал-жавоб ул-мустақим ʼамма саъала анху ат-Термизий ал-Ҳаким» («Ҳаким ат-Термизий сўраган саволларга тўғри жавоблар») деб номланган алоҳида асар ёзади. Шу тариқа ат-Термизий асарларининг исломнинг калом ва зуҳд йўналишига, тасаввуф тариқатига таъсири улкан бўлиб, қадим замонлардан буён унинг асарларини фақат сўфийлар эмас, балки илмнинг бошқа соҳа вакиллари ҳам шарҳлаб келишади. Хожа Муҳаммад Порсо (1348–1420) ҳам Ибн Арабийнинг бевосита Ҳаким ат-Термизий асарлари таъсирида яратилган «Футухот ал-Маккия» ва бошқа бир асари «Фусус ал-ҳикма» («Ҳикмат дурдоналари»)га «Фусус» — жондир, «Футухот» — дил» («Фусус» — жон асту «Футухот» — дил») деб юқори баҳо беради.

Ҳакимия таълимотининг нақшбандия тариқатига таъсири, алоқаси, ўзаро боғлиқлиги ва ниҳоят ҳакимиянинг нақшбандия томонидан ривожлантирилиши масалалари доимо тадқиқотчиларнинг диққат марказида туради. Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389)нинг

<sup>1</sup> Усмонов И. «Наводир ал-усул» ҳикматлари. — Тошкент: Фан, 2009. — Б. 122–128. Бу ҳақда яна қаранг:

Зарринқўб, Абдулхусайн. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. — Душанбе: Ирфон, 1992. — С. 47–52.

халифалари Алоуддин Аттор (вафоти 1400), Хожа Муҳаммад Порсо ва ушбу тариқатнинг етук намояндаси Яъқуб Чархий (вафоти 1447)лар ижоди ҳамда фаолиятида ҳам ҳақимия таълимотининг ижобий таъсирини кўриш мумкин. Хожа Муҳаммад Порсога катта шуҳрат келтирган «Фасл ал-хитоб би-вусули-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратиш») асарида «Наводир ал-усул» ва «Тарих ал-машойих» («Табақот ас-сўфия»)дан кўчирмалар берилади. Айниқса «Фасл ал-хитоб»нинг илм ва унинг турлари, хиллари баҳсига доир қисмлари, шу каби бошқа боблари ҳам диққатга молиқдир. Унда илм бандаларга Аллоҳ томонидан берилгани, бандалар илм орқали Аллоҳни танишлари, топиллари, илм билан Аллоҳга тоат-ибодат этишлари таҳлил этилади. Гоҳо «Фасл ал-хитоб»да «Сихоҳ ситта» китобларига кирмай қолган, аммо «Наводир ал-усул»да мавжуд бўлган ҳадисларнинг келтирилиши янада мароқлидир. Дарҳақиқат, «Сихоҳ ситта» тўпламларида «Наводир ал-усул»да шарҳини топган 291 та ҳадисдан 158 таси мавжуд бўлган ҳолда, 133 таси учрамайди. Бу ва бошқа ҳадисалар алломанинг мусулмон оламида ҳамда ислом илмида ўзига хос йўл ва усул яратганлигини англатади. «Сихоҳ ситта»га киритилмаган ҳадисларнинг «Наводир ал-усул»га киритилиш ҳодисасига «Фасл ал-хитоб»да урғу берилиши Ҳаким ат-Термизийнинг илм ал-ботин бобида ўзига хос услуб соҳиби эканига нақшбандия тариқати намояндаларининг иқрорлик аломатидир.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) ҳазратлари Ҳаким ат-Термизийга юксак баҳо берган ва ҳамиша ҳақимия таълимотини эътироф этган. Нақшбанднинг Ҳаким ат-Термизий зикрида изҳор этган фикрлари Жомий (1414—1492)нинг «Нафаҳот ал-унс» ва Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида келтирилган. Айни шу фикрлар «Баҳоуддин Балогардон» асарида қуйидагича ифодаланади: «Агар улар (яъни Баҳоуддин Нақшбанд) Хожа Муҳаммад Али

Термизий қуддису сирруху (Аллоҳ унинг сирини мукаддас қилсин) руҳониятига (қалб руҳларига) таважжуҳ (жиддий эътибор) қилсалар, бу эътибор (зеҳнли диққат)нинг асари (таъсири) соф бесифатлик (беқиёслик) ҳолатида бўлар эди. Бу бесифатликда ҳеч бир иш кўзга ташланмасди, яъни ҳеч бир бошқа иш ҳодисага эътибор қаратмас эди». Нақшбанднинг Ҳаким ат-Термизий зикрида яна бир фикри «Баҳоуддин Балогардон»да келтирилган: «Етти юз саксон тўққизинчи (милодий 1387) йилда айтган эдилар: Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким Али Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат (яъни, ҳол баёнида беқиёс) эдилар. Агар бирор киши билса, мен ҳам бу замонда бесифатдурман». Қўринадики, Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари ҳакимия тариқатига бефарқ бўлмай, аксинча, бу таълимотга сидкидилдан эргашиб, унинг равнақи йўлида жонбозликлар қилган эканлар. Яъқуб Чархий «Рисолаи унсия» асарида қуйидагича ёд этади: «Хожа Алоуддин раҳмагуллоҳи алайҳидан эшитган эдимки: Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд) шундай деган эканлар: Ҳазрати Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий ўзларининг баъзи асарларида: Бухородан бир мажзуб (яъни, Аллоҳга берилган киши) чиқадики, унда Расул (с.а.в.) валоятидан тўрт донг (ўлчов бирлиги, олтидан бир қисм) насиба бўлади, деб ёзган эдилар, ўша мажзуб ман эдим». Эътибор берилса, Баҳоуддин Нақшбандга берилажак Аллоҳ неъматини хусусида ал-Ҳаким ат-Термизий башорат қилган эканлар, бу башорат, илло нақшбандия таълимотининг умумбашарий истиқболига ишора экани сир эмас. Яъқуб Чархий ушбу башорат билан боғлиқ воқеалар силсиласини давом эттириб ёзади: «Айтар эдилар (Баҳоуддин Нақшбанд): «Икки марта Ҳижоз (Ҳаж)га бордим ва бу маънони била олиш қобилиятига эга бўлган бирор кишини топмадим». Башоратнинг тасдиқланган ёки тасдиқланмаганлиги

муҳим бўлмай, аксинча, худди шу хил нақл мавжудлигининг ўзи бекиёс аҳамиятга эга.

Ҳаким ат-Термизий ҳар бир давр уламолари томонидан таъриф-тавсиф қилинади. Масалан, Абулфазл Ҳасан Хатлий (XI аср) ул улуғ зотга «Муҳаммад (яъни, Термизий) дурри ятимдурки, оламда адили йўқдур» (Оламда тенги йўқ ягона дурдир), Фариддин Аттор (1145—1221) «Ҳаким ал-авлиё» (Авлиёлар донишманди), Шайх Рукниддин Симноний (1258—1335) «Бидоят ул-авлиё, ниҳоят ул-анбиё» (Авлиёларнинг бошланиши, пайғамбарларнинг охири), Баҳоуддин Нақшбанд «Кудват ул-авлиё» (Авлиёлар маёғи), Алишер Навоий «Машойихи кибординдур» (Улуғ шайхлардандир) деб таъриф беришган. Улуғ аллома дин йўлидаги хизматлари учун турли унвонларга сазовор этилади, бу ҳақда аллома асарларининг ўзида эслатмалар мавжуд. «Баён ал-касб»да муҳаддис (ҳадисшунос), «Китоб ал-фуруқ»да ҳофиз (қуръонхон), «Китоб илм ал-авлиё»да зоҳид (дин тарғиботчиси), «Китоб одоб ан-нафс» («Нафс одоби китоби»)да имом (Ҳазрати Али авлодлари), «Наводир ал-усул»да муаззин (азон айтувчи) унвонлари соҳиби эканлиги қайд этилган. Бундан ташқари, аллома саййид (Пайғамбар авлодлари), хожа (чориёрлар авлоди), муфассир (тафсирчи), ориф (худони танувчи), шайх (Аллоҳ илми билимдони), вали (авлиё, Аллоҳнинг дўсти), олими усули ад-дин (дин усули олими) ва сўфий каби унвонларга мушарраф этилган. Юқоридагиларни аллома қабртоши пештоқидаги битиклар ҳам тўла тасдиқлайди: «Марқад ашшайх ал-имом ал-ориф ал-вали Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий». Ҳаким ат-Термизий «Содот ал-машойих» (шайхлар саййиди) нисбаси ила эъзозланиб, эл аро «Ҳаким» унвони билан танилган ва «ҳаким» сўзи «илмнинг ички сирларини билувчи» демақдир. Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) «Баҳр ул-асрор» (Сирлар денгизи) асарида таъкидлашича,

Ҳаким ат-Термизий мақбарасида ўқилган икки ракат намоз бошқа жойларда ўқилган етти юз ракатга тенг келар экан.

## ЎЗБЕКИСТОНДА АЛЛОМА МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

*«Илм — дўстлар даврасида безак».*

Ҳаким ат-Термизий

Аллома ҳаёти ва меросининг юртимизда ўрганилиши ўз тарихига эга. Етук қадимшунос олим М.Е. Массон раҳбарлигида 1936—1938 йилларда Эски Термизда илк бор олиб борилган тадқиқотлар натижаси махсус тўплам (1940; 1945)ларда нашр этилган. Олиб борилган тадқиқотларда аллома мақбарасининг қурилиши, асрлар давомида мақбара атрофида амалга оширилган турли таъмир ишлари ва ҳар хил янги қурилишлар тарихи аниқланди. Шунингдек, Ҳаким ат-Термизийнинг энг яқин шогирдларидан бири бўлган Абубакр Варроқ мозори жойлашган мавзе хусусида тўпланган ашъвий далиллар ва маълумотлар диққатга сазовордир. Шунингдек, М.Е. Массон 1960 йилга келиб Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва ундаги битикларни ўрганиб чиқди ва улар (сағана пештоқи ва атрофидаги ёзувлар)ни рус тилига таржима қилди (В.В. Бартольд ва А.А. Семеновлар тарафидан қилинган таржималар ҳам мавжуд), уларнинг бир бутун ҳолда нашр этилиши муҳим воқеа бўлди. М.Е. Массон ўзининг ушбу ишида мақбара тарихи, ундаги ёзувлар таржимаси билан чекланиб қолмай, алломанинг таржимаи ҳоли ва айрим асарларини қисман шарҳлашга ҳам эришади. Собиқ иттифоқ замонида Ҳаким ат-Термизий мақбарасини ўрганиш юқоридаги ишлар билан тўхтаб қолмади. Тадқиқот ишлари давом эттирилди, аммо улар фақат қадимшунослик йўналишида бўлиб, асосан, мақбара қурилиши тарихига урғу

берилар эди. Атоқли қадимшунос олимлар Г.А. Пу-  
гаченкова ҳамда З.А. Аршавская, Э.В. Ртвеладзе,  
З.А. Ҳакимовларнинг изланишларида ҳам худди шу  
ҳолат ўз такрорини топди.

Истиқлолга эришилиши арафасида Ватанимизда  
буюк муҳаддис Имом Термизий (824—892)нинг 1200  
йиллик тантаналари нишонланди. Ана шу муноса-  
бат билан маҳаллий матбуот саҳифаларида Ҳаким  
ат-Термизийнинг ҳаёти ва ижодий меросига оид  
мақолалар ҳам эълон қилина бошланди. Шундай  
мақолалардан дастлабкиси Шайх Абдуғани Абдулло  
қаламига мансуб бўлиб, унда Ҳаким ат-Термизий  
ижодий фаолиятининг баъзи қирралари санаб  
ўтилади (Совет Шарқи мусулмонлари. — 1990. —  
№ 4. — Б. 12—14). Алломанинг «Асрор ус-салот»  
(«Намоз сирлари»), «Асрор ус-савм» («Рўза сирла-  
ри»), «Асрор ал-ҳажж» («Ҳаж сирлари»), «Хатм ал-  
авлиё», «Таҳсилу назоир ал-Қуръон» («Қуръондаги  
ўхшаш калималар таҳсили»), «Баён ал-қасб», «Ки-  
тоб ал-фуруқ», «Китоб ал-авлиё», «Китоб адаб ан-  
нафс», «Наводир ал-усул» асарларининг номлари  
илк бор ўзбек китобхонларига маълум қилинди.  
Мақолада алломанинг Қуръон тафсири борасида-  
ги, ҳадис илми шарҳи соҳасидаги, фикҳ масалала-  
ри йўналишидаги фаолиятига қисман оидликлар  
киритилади. Таниқли шарқшунос И. Абдуллаевнинг  
«Ҳаким Термизий» номли мақоласининг Сурхондарё  
вилояти газетаси (1990. 9 сентябрь)да чоп этилиши  
аллома меросига бўлган қизиқишни янада орттирди.

Истиқлол даврига келиб, юртимизда аллома ме-  
росини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ошди ва  
бу борада талай ишлар амалга оширилди. Кетма-кет  
ўзбек олимларининг мақола ва рисолалари чоп эти-  
ла бошланди, илмнинг ушбу соҳасида туб бурилиш  
даврига ўтилди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки,  
дастлаб ёзилган мақола ва рисолаларнинг айримлари  
ҳали мукамал эмасди. Бунинг сабабларини, аввало,  
манбаларнинг камлиги, бошқа тарафдан, гоҳо соҳага

алоқаси йўқ кишиларнинг аралашуви билан изоҳлаш мумкин. Истиклолнинг илк йиллари олимлардан М. Ҳасаний ва Ф. Жўраева алломанинг «Наврўзнама» ва «Солнома» (1991)<sup>1</sup> асарларини нашрга тайёрлашди. Профессор Ж. Омонтурдиев томонидан ёзилган «Наврўзнама» тўғрисидаги илк мақола Сурхондарё вилояти газетаси (Омонтурдиев Ж. Хожа Ҳаким Термизий // Ленин байроғи. — 1970. — 28 февраль.; — 1971. — 23 май)да эълон қилинган эди. Тарихчи олимлардан Ш. Бобохонов, А. Ирисов «Ҳадис илмининг пешволари» рисоласи (1992)да «Яна икки Термизий ҳақида» номли мақола илова этиб (— Б. 48—54.), Ҳаким ат-Термизий ва Саййид Хусайн Бурхонуддин Муҳаққиқ (вафоти 1242 йил дейилади, кўп манбаларда 1240 йил кўрсатилади) ҳақида сўз юритадилар. Ш. Сафаровнинг «Термиз ва термизийлар» (— Термиз: Жайхун, 1993. — Б. 128.) рисоласида аллома зикрига доир бир ривоят ва жузъий маълумот мавжуд. Қадимшунос Т. Аннаев ёзган «Ал-Ҳаким ат-Термизий» (1998) рисоласи мавзунинг қўйилиши ва ҳал этилиши жихати билан ажралиб туради. Муаллиф Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда аллома мақбараси тарихи билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратади.

Профессор Ж. Омонтурдиевнинг «Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти» (2000) рисоласида аллома ижоди тадқиқоти тарихи, таржимаи ҳолига доир маълумотлар, ҳакимия тариқати хусусида, Ҳаким ат-Термизий ва авлодлар алоқаси масаласи теварагида фикр билдирилади. Ўтмиш сўфийлик тариқати намояндлари илмий меросини тадқиқ этиш тарихимизнинг ғубор босган саҳифаларини очишда улкан имкониятлар беради. Шу жихатдан қараганда катта заҳмат эвазига яратилган «Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти» рисоласи муқаддас ислом дини рукни тамойилларини англаб олишда бекиёс аҳамиятга

<sup>1</sup> Манбаларнинг санаси кўрсатилгани адабиётлар рўйхатида мавжуд, қолганларининг маълумоти қавсда берилди.

эга. Сабаби ислом дини конун-қоидалари тасаввуф диний-фалсафий окуми намояндалари ижодида қай йўсинда ифода топганлигини тадқиқ этиш учун махсус кўникма, чуқур билим, теран кузатувчанлик зарур. Рисола муаллифи профессор Жаббор Омонтурдиев, аввало, ат-Термизий таълимоти ҳақимия тариқатининг илк сарчашмаларини тайин қилади ва шундан сўнг ул зоти олий илми илоҳиётининг сири, сеҳри, ўзаги ҳамда ғояларини таҳлил этади.

Ҳақим ат-Термизий (вафоти 869) ўз даврида илми илоҳиёт ва дунёвий фан соҳаларида улкан ютуқларга эришиб, тенгсиз донишманд, аллома сифатида доврўқ таратган улўқ зотдир. Ҳақим ат-Термизий ҳақимия тариқатининг асосчиси, зотан тариқат, албатта, шу тариқат пешвосининг номи ёки лақаби билан аталган. Рисола муаллифи, айниқса, сўфийлик тариқати ва табақоти босқичларига алоҳида эътиборни қаратган ҳамда муҳим илмий хулосаларни ўртага ташлаган. Чунончи тасаввуф тариқати табақотида дастлабки босқич сўфийлик ҳолатида бўлиб, ундан иккинчи табақот, яъни орифликка ўсиб чиқилган ва ушбу ориф (худошунос)лик илми улкан ҳозирликни тақозо этган. Дарҳақиқат, муаллиф тўғри кузатганидек, Алишер Навоий Ҳақим ат-Термизийни, айнан иккинчи табақот намояндаси деб тан олади ҳамда мутафаккир шоир алломанинг ушбу борадаги хизматларини ички бир қониқиш билан эътироф этади.

Рисолада Ҳақим ат-Термизий диний-фалсафий мероси муносабати билан илми ботиний — ички, аниқроғи диний, илми зоҳирий — ташқи, янада тўғрироғи, дунёвий, яъни илми ҳол ва илми қол муаммолари теварагидаги баҳсу мунозараларга аниқлик киритишга эришилган. Шунингдек, ҳақимия тариқатида зикрнинг ўрни, аҳамияти кабилар зикри хуфия — дил зикри (ботиний зикр), зикри жаҳрия — тил зикри (зоҳирий зикр), қолаверса зикрнинг бошқа шакллари хусусида сўз юритилиб,



пировардда зикр қонуниятлари раvon изохланади. Тасаввуф илмида муршиду муридлик, пир ва шогирдлик муаммолари марказий масала саналиб, бу ҳодиса тариқатда ҳам муҳим ва муқим устуворлик касб этади. «Пир ва муридлар таълимоти» фаслида Ҳаким Термизийнинг яқин ва содиқ шогирди, ҳакимия тариқатининг изчил давомчиси Варроқ Термизий билан боғлиқ ғаройиб ривоятлар келтирилиб, диққатга молик фикрлар айтилади. Бошқа тариқатларда бўлгани сингари ҳакимия тариқатида ҳам мурид (шогирд)дан кўра муршид (пир)га нисбатан талаб жиддийроқ ва пирнинг масъулияти муриддан ҳамиша баландроқ бўлган.

Аждодлар ва авлодларни ҳамиша кўз илғамас ришталар боғлаб туради, аждодлар анъанаси авлодларга ўтиб боради, авлодлар ўзлаштирган аждодлар мероси янги шароитда янгича сайқалланади, унинг яшовчанлиги янада ошади. Рисолада Ҳаким ат-Термизий диний-илмий меросининг авлодлар тарафидан ўрганилиши тарихи муаммоларига маълум урғу берилади ҳамда масалалар ат-Термизий ва Фаридиддин Аттор, ат-Термизий ва Баҳоуддин Нақшбанд, ат-Термизий ва Хожа Аҳрори Валий (1404—1490), ат-Термизий ва Алишер Навоий тарзида қўйилиб, бу борадаги тасаввурларимизни бойитиш учун жиддий заҳмат чекилган. Рисолада Ҳаким ат-Термизий илмий фаолиятининг турли жабҳалари қамраб олинган, алаҳхусус, алломанинг шариятшунослик ва фикҳга оид мероси илми тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги), илми салот (намоз), илми савм (рўза), илми ҳаж, яъни ислом руқнлари асосида теран кузатилган.

Ж. Омонтурдиев буюк ватандошимиз Ҳаким ат-Термизий меросини тадқиқ этар экан, ҳар бир масаланинг, ҳар бир муаммонинг, ҳар бир жумбоқнинг, ҳар бир баҳсу мунозаранинг муайян нуқталарини белгилаб олади ва изоҳу шарҳга ўтиб боради. Бу эса рисола мундарижасининг тадрижига жуда қўл келган ва ҳар бир мавзунинг туб моҳиятини очиш-

да тўғри йўл танланганлигини кўрсатади. Ҳақим ат-Термизий фаннинг турли йўналишлари билан шуғулланган ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқда қомусий олим сифатида эътироф этилган. Рисолада шу масалалар теварагида муҳим фасллар илова этилиб, алломанинг луғатшунослик, фалакиётшунослик, рухшунослик ва бошқа қатор илмий бисоти атрофлича ўрганилган. Инчунин ҳақимия ва нақшбандия тариқатларидаги муштаракликлар, анъана ҳамда ижодий ўзига хосликка ниҳоят даражада равшанлик киритилган. Нақшбандия тариқатининг чинакам шиорига айланган: «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман», «Дил ба ёру, даст ба кор» мақомлари айнан ҳақимия илмидан илҳом олган экан. Алишер Навоий «Насоийим ул-муҳаббат»да келтиришича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг Ҳақим ат-Термизий тариқатларига эътиқоди баланд бўлиб, алломага буюк бир эҳтиром, эъзоз, эътироф изҳор этар экан.

Рисолада Ҳақим ат-Термизий қаламига тегишли ёки тегишли эмаслиги баҳсу мунозарага сабаб бўлган «Иршод ут-толибин» («Толиблар тўғри йўли») асари таҳлил этилган. Асар жуда синчковлик билан шарҳланган, унда нақл қилинган таъбирли ҳикоятлар, машхур сўфийлар ҳаётига тааллуқли ривоятлар, уларнинг тарбиявий таъсири, қиммати бағоят улқандир. Чунки бу ривоятларда сўфийлик ҳаёти, сўфийлик таълимоти, сўфийлик тариқати ғоялари ўзининг асл инъикосини топганлиги билан ажралиб туради. Олимнинг яна бир улкан хизмати шундаки, рисолада «Солнома» ва «Наврўзнама» асарлари алоҳида меҳр ила таҳлил этилади. Бу икки асарда табиат ва жамият, табиат ва инсоният алоқалари, гоҳ мутаносиблик, гоҳ номувофиқлик ҳолатлари шарҳи, изоҳи аксар табиатнинг мўъжизакорлиги, инсоннинг эса ожизлиги билан бирга ўрганилади. Инсониятнинг узоқ асрлик ҳаётий тажрибалари айни

«Солнома» ва «Наврӯзнама»да тажассум этилиб, зукко мухрлангандир.

Тадқиқот бағоят хайрли ишнинг дебочаси, ҳақим-шунослик илмининг ҳозирги давр талабига мос таҳлил этилиши ибтидоси сифатида ҳам ўз қадрига эга. Ҳақим Термизийнинг ҳаёти ва ижодини бу қадар мукаммал даражада тадқиқ этилган рисоланинг ўзбек тилида нашр этилишининг ўзи бир ходисадир.

Кейинги йилларда бу соҳадаги ишлар давом эттирилди, эронлик олим И. Худоёрнинг «Ишқ Жайхунининг йўлдоши» (— Гулистон. — 2000. — №5.) мақоласида «Ҳатм ал-авлиё» («Авлиёлик чўққиси») асари таҳлил этилади. Мақола Никольсон, Зарринқўб, Усмон Яхё тадқиқотларига таяниб ёзилган, мақола руҳидан муаллифнинг ушбу соҳага яқин экани сезилиб туради. Тарихчи олим С. Турсуновнинг «Термизий буюк сиймолар» (— Т.: Шарқ, 2002. — Б. 80.) рисоласида алломага оид ахборот кенгайтирилгандек туюлса-да, маълумотлар анча сиқик ва ихчам берилади. Бу хил ходиса А. Исаев, С. Эргашева, О. Исаевларнинг «IX—XII асрларда Термиз маданияти» (— Т.: Янги аср авлоди, 2001. — Б. 72.) рисоласига ҳам тааллуқли. «Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари» (— Т.: Adabiyot va san'at, 2001. — Б. 48.) рисоласи муаллифи А. Холмирзаев аллома борасида мустақил фикрлар билдиришга интиланган. Адабиётшунос М. Азимов «Термиз тарихи» (— Қарши: Насаф, 2001. — Б. 193.) рисоласида Ҳақим ат-Термизий хусусида қисқа хабарлар билан чекланса, «Сурхондарё ижодкорлари» (Қарши: Насаф, 2006. — Б. 308.) асарида Ҳақим ат-Термизийга оид мавжуд изланиш ва тадқиқотлардан айримларини санаб ўтиш билан кифояланган.

Шайх Фаридиддин Аттор (1145—1221)нинг «Тазкират ул-авлиё» асаридаги Ҳақим ат-Термизийга тааллуқли саҳифаларнинг ўзбек тилига ўгирилиши аллома ижодини тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу борада профессор Ж. Омонтурдиев, ёш

шарқшунос Ж. Фаттаев (Сурхон тонги. — 1994. — 14, 20 июль.) ва исломшунос М. Кенжабек (Сино. — 2001. — № 3. — Б. 47—51.)ларнинг амалга оширган ишлари анча эътиборли ва таҳсинга лойиқдир. Ҳаким ат-Термизийнинг «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» (А. Шоший 2003), «Наводир ал-усул»дан парчалар (И. Усмонов таржимаси, 2006), «Нодир масалалар» (2007) таржималари аллома ижоди ихлосмандларига ажойиб туҳфа бўлди. А. Шоший таржимаси нашрига ёзилган сўзбоши, адабиётшунос С. Сайфуллоҳ ёзган сўнгсўз (— Б. 44—50.) ва профессор У. Уватов томонидан битилган такризлар (— Б. 51—52.) аллома ҳақида чуқурроқ маълумот олишда қўл келган. С. Сайфуллоҳ ёзган сўнгсўз анча диққатга сазовор бўлиб, унда алломанинг ҳаёт йўли, алломага Баҳоуддин Нақшбанд ва Шайх Абдуллоҳ Хўжандийларнинг муносабати, аллома асарларининг хорижда амалга оширилган нашрлари хусусида қисқача маълумот берилган. Адабиётшунос олим Х. Ҳомидий «Тасаввуф алломалари» (2004) асарида Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли ҳақида фикр юритиш билан бирга, алломага доир нақллардан ва аллома ҳикматларидан намуналар келтирган.

Адабиётшунос олимлардан профессор А. Абдуллаев, филология фанлари номзодлари Б. Муртазоев<sup>1</sup> ва Р. Абдуллаевлар<sup>2</sup> аллома меросига доир туркум мақолалар эълон қиладилар. А. Абдуллаев «Ҳаким ат-Термизий ҳаёти, ижоди ва таълимоти» ва Т. Ҳамроев билан ҳамкорликда ёзган «Ал-Ҳаким ат-Термизий» мақолаларида аллома ҳаёт йўлининг баъ-

---

<sup>1</sup> Муртазоев Б. Алишер Навоий термизийлар ҳақида // ТерДУ илм.тўп. — Тошкент: Университет, 1999. — Б. 80—83.

<sup>2</sup> Абдуллаев Р. Ҳаким Термизийнинг ҳаёти шарқшунослар нигоҳида // Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Халқаро конференция маъруза матнлари. — Термиз: Университет, 2004. — Б. 21—24. Абдуллаев Р. Ал-Ҳаким ат-Термизий неча йил умр кўрган // Жайхун. ТерДУ хабарлари. — 2006. — № 2. — Б. 32—36.

зи жабҳаларини ёритиб берган<sup>1</sup>. Р. Абдуллаев аллома ҳаёт йўли хусусида ҳикоя қилувчи «Будувв ашшаън Абу Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишларининг бошланиши») асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди (Мозийдан садо. — 2001. — № 4; — 2002. — № 2., Сино. — 2002. — №7.). Муаллифлар жамоаси яратган «Сурхондарё тарих кўзгусида» (— Т.: Шарқ, 2001. — Б. 384.) ва «Сурхондарё тарихи» (— Т.: Шарқ, 2004. — Б. 608.) китоблари саҳифаларидан жой олган термизийларга оид мавзулар алоҳида аҳамиятга эга. Тарих фанлари доктори, профессор З. Чориевнинг Ҳаким ат-Термизий илмий мероси ўрганилишига доир тадқиқотлари ҳам эътиборга молик, уларда Европа ва араб олимларининг изланишлари таҳлил этилиб, хулосалар чиқарилган<sup>2</sup>.

Юқоридаги ишлар сирасига келиб қўшилган бир илмий кузатувни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу рисоланинг бошқа рисоалардан фарқи шундаки, у кўлами жиҳатидан ихчам бўлишига қарамай, мазмунан ва моҳиятан муҳим. Ўзининг «Термиз саййидлари» ва «Термиз тарихи» рисоалари билан ўқувчиларга танилган, бу соҳада ўз истеъдодини намоён этган. Ж. Мирзонинг «Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди» (2007) номли ушбу

---

<sup>1</sup> *Абдуллаев А.* Ҳаким ат-Термизий ҳаёти, ижоди ва таълимоти // Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Кўрсатилган тўплам. — Б. 19—21. *Ҳамроев Г., Абдуллаев А.* Ал-Ҳаким ат-Термизий // Жайхун. ТерДУ хабарлари. — 2005. — № 1. — Б. 53—61.

<sup>2</sup> *Чориев З.У.* Ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганиш тарихидан (Тадқиқотлар шарҳи ва асосий вазифалар) // Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Кўрсатилган тўплам. — Б. 5—8. *Чориев З.* Ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганиш // Жайхун. ТерДУ хабарлари. — 2005. — № 1. — Б. 15—18. *Чориев З., Аннаев Ж., Аннаев Т.* Ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуди ва ҳаёти саналарига доир // Жайхун. ТерДУ хабарлари. — 2006. — № 3—4. — Б. 31—42. *Чориев З.* Ал-Ҳаким ат-Термизий меросини ўрганишда Европа шарқшуносларининг ўрни // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва мероси. Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари. Халқаро илмий конференция материаллари. — Термиз: Университет, 2009. — Б. 18—21.

рисоласида ал-Ҳақим ат-Термизий таваллуди санаси баҳси, қисман ҳаёт йўли, аллома яшаган ижтимоий турмуш, тарихий шароит, илмий муҳит хусусида сўз юритилган.

Аллома Ҳақим ат-Термизий ҳаёт йўли ва илмий мероси таҳлилига бағишланган ишлар, кузатувлар, изланишлар ҳамда тадқиқотлар таҳлили юртимизда бу соҳада яратилган мукамал асар тарих фанлари доктори, профессор У. Уватов қаламига мансублигини кўрсатади. Аллома ҳаёт йўли ва мероси хусусида яратилган рисолалар орасида У. Уватовнинг «Ал-Ҳақим ат-Термизий»<sup>1</sup> асари бошқа қилинган ишлардан тубдан фарқ қилади. Рисолада алломанинг устозлари, шогирдлари, шарафли лақаблари, асарлари, уларнинг мавзулари ҳақида фикрлар изҳор этилади. Ушбу рисоланинг тузатилган ва тўлдирилган иккинчи нашри «Икки буюк донишманд» деб номланиб, унда Имом Термизий ва Ҳақим Термизий ҳақида кенг маълумот берилган<sup>2</sup>. Рисолада Ҳақим ат-Термизийнинг устозлари, шогирдлари, лақаблари, асарлари хусусида берилган ахборотлар аллома ижодини англаб етишда, билишда китобхонларга яқиндан ёрдам беради.

Термиз давлат университетининг бир гуруҳ олимлари профессор З. Чориев раҳбарлигида «Ал-Ҳақим ат-Термизий» номли монография яратдилар. Муаллифлар таркиби З. Чориев, Т. Аннаев, Б. Муртазоев, Ж. Аннаевлардан иборат бўлиб, улар ўз олдларига аллома ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот тўплаш ва уни оммага етказишни мақсад қилишди. Қадимшунос олим Т. Аннаевнинг Париж ва Санкт-Петербург шаҳарларига қилган илмий сафари, айниқса, самарали бўлди, чунки ижодий гуруҳ қимматли илмий манбаларга эга бўлганлиги

<sup>1</sup> Уватов У. Ал-Ҳақим ат-Термизий: (ҳаёти ва мероси). — Тошкент: Маънавият, 2001. — Б. 40.

<sup>2</sup> Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳақим ат-Термизий). — Тошкент: Шарқ, 2005. — Б. 80.

сабабли кўлами жиҳатидан мўъжаз бўлса-да, мазмун ва илмийлиги нуқтаи назаридан муҳим бир рисола яратилди. Уч қисмдан иборат ушбу рисола-нинг биринчи қисми «Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли ва илмий-фалсафий мероси» деб номланиб, унда Термиз шаҳрининг тарихи ихчам, аммо оммабоп ҳолда баён этилган. Биринчи қисмнинг кейинги бўлимларида аллома илмий меросининг ўрганилиш тарихи, ҳаёт йўли, устозлари, шогирдлари, ёзган асарлари, чоп этилган асарлари, шунингдек, алломанинг илм-фан гўғрисидаги фикрлари ва фалсафий мероси мавзулари ёритилган. Муҳими, америкалик шарқшунос Николас Ҳир томонидан тузилган аллома асарларининг эллик бешта китоби рўйхати ва уларнинг дунёнинг қайси мамлакатлари кутубхоналарида сақланиши хусусидаги маълумотлар анча эътиборли. Ҳаким ат-Термизий асарларининг турли мамлакатларда амалга оширилган нашрлари ва ноширлари ҳақидаги хабарлар ҳам диққатга моликдир.

Китобнинг иккинчи қисми Ҳаким ат-Термизий мақбраси тарихига бағишланган, унда мақбара худудининг мақбара қурилгунга қадар бўлган даври ёритиб берилган. Мақбаранинг турли даврларда қурилиш ва таъмирланиш босқичлари билан боғлиқ ахборотлар эса баъзи бир баҳсли масалаларга ойдинлик киритишда қўл келади. Энг асосийси, мақбарада ўрнатилган қабртош ёзувларининг араб тилидан бирма-бир таржима этилиб, илк бор китобхонларга тақдим этилиши бўлди. Асарнинг учинчи қисми китобхонлар, умуман, аллома ҳаёт йўлига қизиқувчиларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, муаллифлар келишувига биноан ўзгачароқ йўналишда қурилди. Шунга кўра бу бўлимга аллома ҳаёт йўлини ёритиб берувчи «Будувв аш-шаън Абу Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишларининг бошланиши») рисоласи адабиётшунос Р. Абдуллаев таржима-

сида, олимлардан М. Ҳасаний ва Ф. Жўраева (— Т.: Мехнат, 1991.)лар нашрлари асосида «Наврўзнама» ва «Солнома» асарлари илова этилди.

Кейинги йилларда аллома илмий меросига алоҳида эътибор қаратилди ва бу соҳада маълум ютуқларга эришилди. Ёш олима З.Исоқова «Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг фалсафий талқини» (Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари асосида) номли номзодлик илмий ишида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг валийлик назариясига доир қарашларига ҳам тўхталиб ўтади (— Т.: 2008. — Б. 23.). Ислоҳ дунёсида етук алломалар сафидан муқим жой олган, собит мақом соҳиб даражасига етган буюк аждодимиз Ҳаким ат-Термизийнинг муборак номи асрлар оша авлодлар эътиборидадир. Алломанинг ислоҳ инқишофи ҳазинасини бойитиш йўлидаги диний-маърифий, илмий-маънавий меросига қизиқиш ҳар бир давр учун ўзига хос қирраларни намоён этади. Истиқлол шарофати туфайли кейинги йилларда мамлакатимизда аллома меросини ўрганишга оид кўплаб рисолалар битилди, китоблар ёзилди, тўпламлар нашр этилди, илмий-амалий анжуманлар ўтказилди, тадқиқот қузатувлари олиб борилди.

Ёш иқтидорли олим И. Усмоновнинг «Наводир ал-усул» хикматлари» номли китоби (— Т.: Фан, 2009. — Б. 176.) ана шу изланишлар натижасида юзага келди. Китоб сўзбоши, муқаддима, олти боб, хотима, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалар қисмларидан ташкил топган. Муаллиф маълум ва кам маълум бўлган манбаларга мурожаат қилади, уларни тасниф этади, ҳар бирини синчковлик билан назардан ўтказиши, дарров хулоса чиқаришга шошилмайди. Муҳими, Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли ва илмий меросига доир мукамал бир рисола яратилган, унинг нафи ва фойдаси беқиёс, ундан турли соҳа вакиллари бемалол фойдалана олишлари мумкин. Рисолада IX—X



асрларда Мовароуннаҳрдаги сиёсий-ижтимоий ҳолат, диний йўналиш, тасаввуф йўли, алломанинг илмий-маънавий мероси, устозлари, шогирдлари, «Наводир ал-усул» асарининг мундарижаси, мазмуни ва моҳияти, тасаввуф ва ҳикма, аллома фаолиятида ҳадиснинг ўрни, Ҳаким ат-Термизий ва нақшбандия таълимоти алоқалари каби масалалар қамраб олинган. Англашиладики, катта меҳнат эвазига яратилган кенг қамровли бу илмий мажмуада аллома асарларининг рўйхати, улар сақланаётган кутубхоналар, уларнинг нашрлари, ҳар бир асарнинг қисқача мазмуни шарҳлаб берилган.

Ушбу тадқиқот Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари таҳлилига бағишланган ва у ўзига хос услубда яратилгани билан шу соҳадаги бошқа мавжуд тадқиқотлардан тубдан фарқ қилади. Муаллиф танланган мавзуни ёритиш учун, аввало, уларнинг йўналишини белгилаб олади ва шундан кейингина таҳлилга ўтиб боради. Тадқиқотда биринчи навбатда, «Наводир ал-усул»да ҳадис, тафсир, ақида сингари анъанавий илмлар, шунингдек, тасаввуфий қарашлар бўйича баҳс юритилиши ҳамда унинг ўз даври ва кейинги давр уламолари учун бекиёс манба сифатидаги аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, асарнинг яратилиш тарихи, ички мундарижаси, унда кўтарилган масалалар, баҳсга тортилган муаммолар, ғоявий мазмун учун таянч бўлган омилларнинг диний моҳияти, илмий қиммати, умумруҳи атрофлича теран кузатилган.

Тадқиқотнинг илк бобида «IX—X асрларда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва тасаввуфий муҳит» ёритилган. Бунда сиёсий ҳаёт кенгрок, маънавий-маърифий ҳолат камрок, диний-ижтимоий муҳит тафсилотлар билан шарҳланган. Тасаввуфий муҳитнинг зуҳд (зоҳидлик) даври ўта сиқик, унинг тасаввуфий даври кенг қўламда назардан ўтказилган. Муаллиф минтақада турли даврларда сиёсий майдонда мавжуд бўлган ўн иккита тасаввуфий ҳаракатдан ўнтаси —

мақбул ва иккитаси — ғайри мақбул гуруҳларни санаб, уларга алоҳида эътибор қаратади. Мақбул топилган ўнта тасаввуфий ҳаракатнинг еттинчиси Ҳақим ат-Термизий асос солган ҳақимия ҳаракати экани ҳам рисолада қайд этилган. Бундан ташқари, Ҳақим ат-Термизийнинг қаррабийлар (асосчиси Ибн Қаррам, вафоти 869) ва маломатийлар (асосчиси Ҳамдун ал-Қассор, вафоти 857) ҳаракатларига салбий муносабати ҳамда ўз таълимотининг тўғрилигини илгари суриши ходисаларига урғу берилган.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида алломанинг ҳаёт йўли, устозлари, шогирдлари ва илмий-маънавий мероси қараб чиқилган. Ҳақим ат-Термизий асарларининг мавзу эътиборига кўра тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, шариат фалсафаси, тасаввуф тарихи, тасаввуфий қарашлар тарзида тасниф этилиши таҳсинга лойик. Учинчи бобда «Наводир ал-усул»нинг қўлёзма нусхалари, нашрлари, ундаги ҳадислар, ҳадисларнинг манбалари ва ровийлари, ҳадисларни таснифлашда аллома танлаган усулларга изоҳ берилган. Тўртинчи бобда тасаввуф ва ҳикма ҳамда ҳикмат истилоҳларига жавоб изланган, тасаввуф ва сўфий атамаларининг пайдо бўлиш тарихи, тақдири ҳамда тадрижи, ҳикма ва ҳақим каломлари теварагида баҳс олиб борилган. Бешинчи бобда «Наводир ал-усул» ҳадислари, уларнинг таҳлили ва талқини, аллома тасаввуфий таълимотида ҳадисларнинг мақоми белгилаб берилган. Олтинчи бобда «Нақшбандия таълимоти шаклланишида ат-Термизий илмий меросининг аҳамияти» мавзуга эътибор қаратилиб, алломанинг Мовароуннаҳр ва Хуросон замини тасаввуф илми тараққиётида тутган улкан ўрни далиллар билан исботлаб берилган.

Тадқиқотда Ҳақим ат-Термизийни вояга етказган ижтимоий ҳаёт ва тарихий муҳит анча асосли тарзда ёритиб берилган. Айни замонда аллома илмий меросининг юртимизда ва хорижда ўрганилишига маҳсус фасл ажратилиб, бу борада амалга оширилган

тадқиқот ишлари санаб ўтилган. Тадқиқотчининг эътирофича, «Наводир ал-усул» алломанинг илк ва йирик асарларидан саналади, чунки ушбу асар номи Ҳаким ат-Термизийнинг бошқа асарларида тез-тез тилга олинган. Ҳатто, «Наводир ал-усул» Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб барча асарлар баҳсининг ўзагини ўзида мужассам этган, боиси асарда ихчам баёини топган баъзи мавзулар алломанинг кейинги китобларида давом эттирилиб, муфассал таърифланган. Бир сўз билан айтганда, «Наводир ал-усул» Ҳаким ат-Термизий ёзган барча асарларнинг асосий негизини, гоёвий мазмунини ўзида жамлаган йирик мажмуадир. «Наводир ал-усул»нинг ўз даври ва кейинги давр илмий доираларида нечоғлик эътиборда бўлгани, асарлар оша кўплаб машхур уламолар ўз асарларида бу китобдан фойдаланиб, иқтибос (кўчирма)лар олгани аҳамиятли жихатлардан биридир.

И. Усмоновнинг «Наводир ал-усул» хикматлари» китоби юксак истеъдод билан юқори савияда яратилган бўлиб, Ҳаким ат-Термизий илмий меросининг деярли асл мағзини намоён эта олган. Китоб мундарижаси, унинг ички таркиби, боблараро мутаносиб тартиби, боб ичидаги фаслларнинг жойлашуви, таҳлил этилувчи мавзу кўлами, фойдаланилган адабиётларнинг ҳам ҳошияда ва ҳам китоб охирида берилиш ҳодисалари таҳсинга лойиқ. Аммо баъзи масалаларда муаллиф фикрига қўшилиб бўлмайди. Масалан, аллома бобларидан бири исмининг Баширми, Бишрми тарзида ёзилиши, ўқилиши масалалари ҳам мавжуд. Араб алифбосида Башир — хушхабарчи, Башар — инсон, Бушр — хушхабар, Бишр — шодлик. Башар, Бушр, Бишр араб тилида бир хил ёзилади. Аммо улар сатр усти ва сатр ости белгилари билан фаркланади. Башар — иккита фатҳа, Бишр — битта касра ва битта сукун, Бушр — битта дамма ва битта сукун, Башир — битта фатҳа би-

лан битилади, ёй эса ёзувда ифодасини топади<sup>1</sup>. Аён бўладики, Башар ва Башир ўз-ўзидан соқит этилади, қолган Бушр ва Бишрни аниқлаштириш лозим бўлади, ҳар ҳолда, Бишр мақбулдек туюлади. Бундан ташқари, ҳақимия ҳаракатининг тасаввуф тариқатидан бўлак ҳодиса сифатида қаралиши ёки аллома таваллуди ва вафоти саналари масаласи ҳали анча баҳсталаб. Тасаввуф тариқатининг йўналишлари турлича бўлиб, улар турфа усуллар билан инсонларни эзгуликка чорлашга интилганлар. Ҳақимия тариқати инсонларни илм орқали Аллоҳни танишга ёки Аллоҳни топишга чақирган. Ҳақимия тариқати вакиллари илмни нур деб, шу нур орқали Аллоҳ васлига мушарраф бўлишни ўзларининг устувор ғоялари тарғиботига айлантиришган эди.

Кўпчилик ҳақимшунослар каби Иброҳимжон Усмонов ҳам аллома таваллуди ва вафоти санасини қатъий равишда 820—932 йиллар деган тўхтамга келмоқда, бу қабртошида битилган 255 / 869 санани тамоман рад этади. Қабртоши аллома вафотидан олти юз йил кейин ва бизнинг давримиздан олти юз (1407) йил илгари қўйилган. Ўз-ўзидан аёнки, қабртошига аллома вафоти санаси, табиийки, турли асосий манбаларга таянган ҳолда ёзилган, уни рад этишни қандай тушуниш мумкин? Қолаверса, қабртошида шундай битик мавжуд: «У киши (Ҳақим ат-Термизий) «Саҳиҳи Бухорий»нинг соҳиби Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий раҳматуллоҳнинг баъзи шайхлари билан шерик бўлишган», яъни машхур Имом Бухорий таълим олган буюк шайхлар — устозларнинг баъзиларидан Ҳақим ат-Термизий ҳам илм ўрганган экан.

Ҳақим ат-Термизий меросига қизиқиш ҳар бир даврда ўзига хос бир тарзда давом этди, чунончи, хонликлар даврида аллома рисолаларини араб тилидан форс-тожик тилига таржима қилиш кенг қулоч ёйди. Мулло Султон бинни Мулло Собир Бухорий

<sup>1</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. Издание седьмое. — Москва: Русский язык, 1989. — С. 72.

(тахминан XVIII аср охири – XIX аср бошлари) томонидан тайёрланиб, китоб ҳолига келтирилган бир мажмуага алломанинг «Ихтиложоти аъзо» ёки тўлиқ номи «Баёни ихтиложоти аъзои инсон» («Инсон аъзоларини эҳтиёт қилиш шарҳи»), «Наврўзнама», «Солнома», «Баёни ҳафтдаҳ гуруҳ» («Ўн етти гуруҳ баёни»), «Хос ус-сувuti фарон» («Ажиб оҳанглар хослиги»), «Баёни аҳволи замнол» («Ички аҳвол баёни») деб номланган олти тасвир рисола киритилган. Аммо, тошбосма китоб варақлаб чиқилганда асарлар тўлиқ эмаслиги аён бўлди. Масалан, бешинчи ва олтинчи рисола умуман йўқ, балки китоб қайта муқоваланганда хатоликларга йўл қўйилгандир. Мажмуадаги биринчи рисола «Ихтиложоти аъзо» деб номланган муъжазгина дебоча билан ибтидо топади. Дебоча 9 байт (18 мисра)дан иборат бўлиб, унда рисола муаллифи Саййид Абдулҳаким Термизийлиги ва рисола насрий араб тилида ёзилганлиги, у шеърий йўл билан форсийга айлантирилгани айтилган. Рисола мажмуанинг иккинчи ва тўққизинчи саҳифаларидан ўрин олган ҳамда 144 байт (288 мисра)дан иборат. Рисолада инсон сочи ёки кўзининг ранги, бундан ташқари, қош, киприк, юзнинг ранглари ва уларнинг инсон табиатига, фазилатига, хусусиятига таъсири кабиларга таъбируна шарҳ берилган.

Мажмуадаги иккинчи рисола – «Наврўзнама»нинг дебочаси «Аз мақулоти мужарриботи Хожа Абдулҳаким Термизий (р.а.)» («Термизийнинг тажрибалар асосида айтганлари») сарлавҳаси билан бошланади. Дебочада Ҳаким Термизийнинг 120 йил умр кўргани («Наврўзнама»нинг Туркия, Сулаймония шаҳри, Асирафанди кутубхонаси (1430 рақам)даги нусхасида аллома 125 йил умр кўрган дейилади), илм унга Аллоҳнинг инояти сабабли берилгани, аллома ўн икки бурж ва етти сайёрани ўргангани баён қилинган. Аллома узоқ йиллар тажриба олиб бориб, кузатувлар ўтказган, кекса кишилар билан суҳбат қилган, унда нега нарх-наво барқарор эмас,

нечун об-хаво тез-тез ўзгариб туради, нима учун қурқоқчилик бўлади, нима сабабдан намгарчилик содир бўлади каби барча ходисаларга жавоб излаган. «Наврўзнама» мажмуанинг 9–18-саҳифаларидан жой олган ва унинг бошланғич қисми: «Дар баёни рўзи шанба дар омадани Наврўз» («Наврўзнинг шанба куни кириши баёнида») деб номланган. Шундан сўнг учинчи рисолача – «Солнома» бошланади. У «Тарикаи донистани аҳволи сол аз табиат, ҳайвонот аз мужарриботи Хожа Абдулҳаким Термизий (р.а.) назм карда шуд» («Йил қайси мучалда бошланса, табиат ва ҳайвонот аҳволини Термизийнинг тажрибалари орқали билиш йўли назм қилинди») деб номланган. «Солнома» тўпламнинг 18–25-саҳифаларидан жой олган. Тўртинчи рисола «Дар баёни ҳафтдах гуруҳи ки аз афъоли бади худ масих гардиданд» («Ўз ёмон феълидан пок бўлишнинг ўн етти гуруҳи ҳақида шарҳ») сарлавҳаси билан ибтидо топган ва у 25–29-саҳифаларни ўз ичига олган. Афсуски, тўртинчи рисола тўлиқ эмас, масалан, 29-саҳифадан сўнг бирданига 36-саҳифа бошланиб кетган, ундан кейин дарҳол 49-саҳифага ўтилган. Бу рисола чала ҳолда етиб келган, унда ўн етти ҳайвон гуруҳларга тақсимланган, уларнинг инсон ҳаётига дахлдорлиги, инсон таваллуд топган мучал билан боғлиқ жиҳатларга урғу берилган. Шунингдек, худди ана шу ҳайвонларнинг ҳаром ёки ҳалоллиги масалаларига шарҳ битилган, уларнинг фойдали ёки зарарли эканлиги айтиб ўтилган.

Маълумки, 1993 йилнинг 3–5 апрель кунлари ҳамиша навқирон ва қадимий Термиз шаҳрида илк бор аллома ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтган эди. 2004 йили З. Чориев етакчилигида Термиз давлат университетида «Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври» мавзuida Халқаро илмий анжуман ўтказилди ва маъруза матнлари мажмуа шаклида чоп этилди. Шу хил хайрли ишнинг да-

воми сифатида 2009 йили Термизда ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий IX Халқаро турнир ўтказилиши муносабати билан Термиз давлат университетига «Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва мероси», «Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари» мавзуларида Халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференция материаллари икки қисми рисола шаклида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди. 2011 йилнинг 19 — 24 октябрь кунлари Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун миллий кураш бўйича Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Халқаро турнир ҳамда VIII Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Термиз давлат университетида «Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти», «Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуларида Халқаро илмий анжуман ўтказилиб, унинг материаллари ҳам ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилди.

Кўриниб турибдики, истиқлол йилларида олимларимиз Ҳаким ат-Термизий ҳаёт йўли ва илмий-маънавий мероси хусусида талай ютуқларни қўлга киритдилар. Бу анъаналар келгусида яна давом эттирилади. Шуни таъкидлаш лозимки, махсус марказ ташкил этиб жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланаётган аллома асарларини бир жойга жамлаш, уларнинг таҳлили, таржимаси ва оммавий нашрларини йўлга қўйиш вақти етди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг илтимосига биноан Миср Араб Республикаси кутубхоналарида сақланаётган Ҳаким ат-Термизий асарларидан айримларининг фотонусхалари юртимизга жўнатилди. Булар ал-Искандария кутубхонаси фондида сақланаётган еттита китоб бўлиб, икки муқовада жойлаштирилган. Муқовалардан бирида бешта ва бошқа бирида иккита китоб ўрин олган. Улар қуйидагилар:

Биринчи муқовада:

1. «Таҳсил назоир ул-Қуръон» («Қуръон таҳсили учун қўлланма», 80 саҳифа).

2. «Ал-масоил ал-макнуна» («Яширин масалалар», 119 саҳифа).

3. «Ар-радд ала ал-муаттила» («Муаттилийлар инкори ёки уларга раддия», 136 саҳифа).

4. «Ал-маройо» («Ойналар», 229 саҳифа).

5. «Китоб ал-аъзо ва-н-нафс ва тафсир ойот азима» («Инсон аъзолари ва нафс алоқаси ҳамда улур оятлар тафсири китоби», 198 саҳифа).

Иккинчи муковада:

1. «Наводир ал-усул фи маърифати ахбор ар-Расул» («Пайғамбар (с.а.в.) хабарларини англашда нодир усуллар», 510 саҳифа).

2. «Китоб ал-фуруқ» («Фарқлар китоби», 518 саҳифа).

Бу китоблар ҳозирги кунда «Ал-Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуаси»нинг «Термиз ва термизийлар мероси тарихи музейи»да сақланмоқда.



**Иккинчи боб**  
**Ҳаким ат-Термизийнинг**  
**илмий тафаккур оламидаги**  
**қарашлари ва тасаввурлари**

**ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ**  
**ҲИКМАТЛАРИ ШОДАСИ**

*«Илмли одам ўзгалар ичида ҳам ўзиникидир».*

Ҳаким ат-Термизий

*Абулҳасан Али бин Усмон бин Аби Али Жуллабий*  
*ал-Ҳужвирий (вафоти 1077) «Кашф ал-маҳжуб»*  
*асарида Ҳаким ат-Термизий ҳақида*

Бишр Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Али ат-Термизий (р.а.) илм-фанда комил (етук) ва имом (илғор, пешво) эди, шайхларнинг мухташами (улуғи) эди. Каромат баёнида кўп ва яхши асарлари бор, у китоблар ушбулар: «Хатм ал-валоят» («Валийлар чўққиси»), «Китоб ан-наҳаж» («Йўриқнома»), «Наводир ал-усул» («Нодир усуллар») ва бундан ўзга китоблар ҳам яратган. Ғоят ҳурматли зотдир, айниқса, менинг (яъни, Ҳужвирий) қалбим унинг тузоғига илинган эди, устозим (яъни, Абулфазл Ҳасан Хатлий XI аср) айтар эдики: «Муҳаммад бутун оламда тенги йўқ ягона дурдир».

Унинг зоҳир илмида ҳам китоблари бор, ҳадис бобида олий эътиборга лойиқ (яъни, ҳадислари асл ва ишончли ҳужжатлар асосида жамланган) эди. Тафсири ёза бошлаган эди, аммо умри (яъни, ўлим) уни тугатишга имкон бермади, қолган барча ки-

тоблари илм аҳли ўртасида машхуру манзурдир. Фикҳ илмини Абу Ҳанифа (699—767)нинг хос ёронлари (яъни, Абу Ҳанифа илмининг соҳиби ва севувчи кишилар) воситасида ўқиб ўрганди, уни Термизда Муҳаммад Ҳаким дейдилар ва мутасаввуф ҳакимлар<sup>1</sup> унга эргашар эдилар. Унинг ҳақида гўзал нақллар мавжуд, шулардан бирида Хизр (а.с.) ила (яъни, Ҳаким Термизийнинг) суҳбатлашгани гапирилади. Ҳаким Термизийнинг шогирди Абу Бакр Варроқ Термизий айтадики: «Ҳар якшанба Хизр унинг (яъни, Ҳаким Термизийнинг) ёнига келар эди ва воқеаларни бир-бирларидан сўраб олар эдилар»<sup>2</sup>.

Ундан (яъни, Ҳаким Термизийдан) келтирадилар, у дер экан: «Ҳар ким шариат илмида ва банда васфи (Аллоҳнинг бандасини таниш)да нодон бўлса, у Худованди таоло васфи (Худони танишда ҳам эътироф этиш)да янада нодонроқ бўлади».

\* \* \*

Ҳар ким ўз нафсини билма (ганима)са йўлдан адашган кабидир, у Ҳақ таоло (Яратувчи)ни билиш (таниш)да ҳам шу хилда йўл тополмайди.

\* \* \*

Ҳар ким (яъни, одамизод) ўзига етказиладиган бахтсизлик сирларини англамаса, Аллоҳнинг гўзал хусусиятларини қаердан билсин! Яъни, зоҳир (ташқи) ботин (ички)га боғлиқдир, кимки зоҳирга интилса, ботинни билиши маҳол ва кимки ботинга интилса, зоҳирни билиши маҳол, шундай бўлгач, Яратувчини танишда бандаларни тузатиш мушкул ва бусиз мумкин ҳам эмас ва бу калима усулда собит ва фойдалидир, уни ўз ўрнида тугатмоқ мақбул.

<sup>1</sup> Яъни, унинг ўзини Ҳаким ва унинг издошларини ҳакимлар деб аташган.

<sup>2</sup> Ёки воқеаларни бир-бирларига айтар эдилар.

Уммат зоҳидларининг шарафи, фақиҳ ахлининг зуккоси ва таниклиси (танлангани) Абу Бакр Муҳаммад бин Умар ал-Варроқ (р.а.) шайхларнинг улугларидан эди, замона зоҳидларининг буюги Аҳмад Хизравияни кўриб эди ва Муҳаммад бин Али ила суҳбат қуриб эди. Унинг одоб ва муомалага оид қатор китоблари бор ва раҳимахуллоҳу шайхлар уни авлиёларнинг одоблиси деб турлар. У ҳикоят қиладики: Муҳаммад бин Али Ҳаким розияллоҳу Жайхун дарёсига ташлашимни тайинлаб бир китобини манга берди. Менинг китобни сувга ташлашга кўнглим бўлмай, китобни уйимда қолдириб, қайтиб келдим ва дедим: «Ташладим», «Нима кўрдинг?» деди, «Хеч нарса» дедим, «Ташламабсан», деди. «Бор ташлаб кел!», деб буюрди, изимга қайтдим, кўнглимни олдинги васвасадан холи қилиб, китобни сув (Жайхун)га ташладим. Шунда сув (Жайхун) иккига бўлиниб, сувнинг ичидан оғзи очилган бир сандиқ чиқди, китоб сандиқ ичига тушган, сандиқнинг оғзи ёпилди. Келиб, кўрганларимни айтдим, «Энди ташлабсан», деди. «Эй шайхим, бунинг сирини менга англа» дедим, деди: «Асос ва ҳақиқат ҳақида бир китоб ёзган эдим, уни фаҳм ва идрок этиш оғирдир, ўшани биродарим Хизр (а.с.) тилаган эди, сув (Жайхун)га эса Худованди таоло буюриб эди, китобни Хизрга етказсин деб».

Ундан (яъни, Варроқдан) келтирадилар, у дер экан: одамлар уч тоифа бўлади, яъни умаро (амирлар), уламо (олимлар), фуқаро (фақирлар). Умаронинг фасоди зулмдандир, уламонинг фасоди тамаъдандир, фуқаронинг фасоди риёкорлик (иккиюзламачилик)дандир. (Кашф ал-маҳжуб. Таълифи ибн ал-Ҳасан Али бин Усмон бин Абу Али ал-Жуллобий ал-Ҳужвирий ал-Ғазнавий. Ба саъи ва эҳтимоми ва тасҳиҳи марҳуми мафғур мабрур. (Валентин Жуковский. — Ленинград, 1926. — Б. 177—179.)

## Хужвирий «Кашф ал-махжуб» асарида Ҳаким ат-Термизийнинг валоят назарияси талқини

Ҳакимият дўстлари (аъзолари) бўлмиш ҳакимларнинг отаси Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий (р.а.) замонасининг қиммати беқиёс пешво (имом) ларидан эди. Унинг зоҳир (ташқи) ва ботин (ички) илмида айтган таъсирли сўз (ҳикмат-ҳикма)лари ҳамда ёзган китоб (тасниф)лари кўпдир, унинг каломининг асоси ва йўли валоят йўли эди, у (валийлик)нинг ҳақиқатини очиқ баён қилиб берган эди. Ўзи авлиёларнинг яширин инжуси ва унинг тартибларига қатъий риоя қилувчи эди, (айни замонда) у ушбу соҳанинг ҳадди аълоси (юқори босқичи, авж нуқтаси) ва поёнсиз денгизидир, у гўзал хулқ эгаси эди ва шу мазҳаб (валоят мазҳаби—йўли)нинг бош асосчисидир. Билиб қўйки, Худованди таолонинг ўз авлиё(дўст)лари бор ва Худованд уларни халқ ичидан сайлаб олади ҳамда улар ўзларига ёпишган бидъату иллатларни кесиб ташлайдилар, нафс давватига ва ҳою ҳавасга эътиборсиздирлар. Худованди таоло уларга хоҳлаганларича даража, мартаба берган ва маънолар (ёки маънилар) эшигини улар учун (бемалол) очиб қўйгандир, у ерда маъноси чуқур сўзлар кўпдан-кўпдир.

Энди мен унинг ҳақиқат амрига дохил (ичига кирган) бўлган йўлини мухтасар (қисқа) маъносини очиб берсам. Унинг сабаб ва хусусиятлари ҳақида одам (аллома)лар сўзини келтирсам, зеро, ал-валоят сўзи исботи билан (дуруст)дир. Билгилки, тасаввуф тариқати (йўли) ва маърифати (билиш)нинг асос ҳамда қоидаси тамоман валоят (сўзи)да намоёндыр. Исботи шуки, жами шайхлар — розияллоху анҳулар унинг (валоят) ҳукми (бир хил фикр)да мувофиқ (монанд)дирлар, аммо уни (яъни, валоятни) турли сўзларда баён этиб, очиб беришга интилганлар.

Лекин Муҳаммад бин Али (р.а.) бу борада, яъни унинг валоят тариқати (йўли)даги баёни (шарҳи) ҳақиқатда алоҳида (махсус-мос)дир. Аслида валоят Ҳақ йўлида ғолиб (фатҳа, футух) вов (харфи)дан қувватланиб ва вилоят вов (харфи касраси)дан нишон олди, уларнинг ҳар иккиси (фатҳа ва касра) биргаликда валиятнинг асосий манбаидир. Бу икки (валият ва вилоят) ҳар хил сўз демақдир, яъни далолат (фатҳали) ва дилолат (касрали), шу каби валоят Аллоҳга тобе (яъни, Аллоҳники) бўлди.

Худованди таоло деди (буюрди): «У жойда (қиёмат кунида) ҳам салтанат Ҳақ таолоникидир. У энг яхши савоб — мукофот ато этгувчи ва энг хайрли оқибатни бергувчи зотдир» (18-сура, 44-оят.)<sup>1</sup>. Ҳатто Унга — Аллоҳга кофирлар — йўлдан адашганлар ялиниб-ёлворсинлар ва Унга сажда қилиб сифинсинлар, ўз маъбудларидан қутул (безор бўл) синлар! Тағин валоят муҳаббат маъносига эгадир, бироқ вали раво (жоиз) бўлса, улар ижро ҳаракатида фаол бўлсин! Худованди таоло демиш: «... У солиҳ бандаларга ёр бўлур» (7-сура, 196-оят. Ўша манба. — Б. 112.). Худованди таоло ўз бандаларининг ҳаракати ва ҳолатига эътиборсиз эмас, балки улар ҳимоясини зиммасига олади. Жоиз (лозим) бўлса, банда ўз фаолиятида Аллоҳга тоат ила ёлвориб Унга интилса, Унинг тўғри йўлига риоя қилиб, буни доимий давом эттирса, зиён келтирувчи нарсалардан юз ўгирса, айна ўшалардан бири мурид бўлади, бошқаси мурод бўлади. (Бу ҳақда Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да ёзади: «Зуннун (Мисрий)дан сўрдиларким, мурид кимдур ва мурод ким? Ул айттиким, мурид талаб қилади ва мурод қочади. Шайх ул-ислом (Абдуллоҳ Ансорий) дедиким, мурид тилар ва андин юз минг ниёзу мурод қочар ва андин юз минг ноз». — Б. 29.). Бу сўзнинг

<sup>1</sup> *Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва шухлар муаллифи Алоуддин Мансур. — Б. 203.*

тўлиқ маъноси шуки: Ҳақ (Аллоҳ)дан банда (қул) га ва бандадан Ҳақга раво бўлса, қанча бўлса шунча раво бўлсин! Яъни, Худованди таоло ўзининг саҳоба ва Пайғамбар (лар)дан иборат дўстларига қанча бўлса, шунча ваъда берган ва дейди: «Аллоҳ Ўзи истаган кишиларига ҳисобсиз ризқ беради» (2-сура, 212-оят. Ўша манба. — Б. 25.).

Ва яна деди: «Бунга (яъни, Аллоҳ мўминларга ёрдам беришига, кофирларни эса ҳалок қилишига) сабаб Аллоҳ иймон келтирган зотларнинг дўст — ҳомийси эканлиги, кофирлар учун эса ҳеч қандай ҳомий йўқ эканлигидир» (47-сура, 11-оят. Ўша манба. — Б. 365.). Гўё (ёки яъни) кофир (йўлдан адашган)ларга ёрдам берув (севув)чи йўқдир, мўмин (ишонувчи)ларнинг ёрдам берув (севув) чиси бордир. Бу ва бошқалар улар (яъни валоят аҳли) ақл (тафаккур)ларининг аломат далили, улар диллари маъноларининг баёни ва улар сирларининг ошкор хужжатидир. Уларнинг ўз нафсига, ҳою ҳавасга, шайтонга муҳолифат қилиши (қарши бориши)га кўмаклашади ва уларни ўз ишларига мувофиқлик (муроса-келишув)га ундайди. Тағин жоиз бўлса, ўзига махсус (хос) дўст қил (тутиниш)ганларни адоват манзили (маскани)дан қўриқлай (ҳимоя қила)ди ва унинг юзи (яъни унинг хулқи)ни Яратувчининг нури ила ёритади. Юзни ёритишдан муддао улар биргаликда Аллоҳнинг инъоми валиси бўлсин ва ҳам улар ҳамкор ҳолда У (Аллоҳ)нинг авлиёси бўлсин (яъни, валининг кўплиги авлиёдир дейилмоқда). Аллоҳ агар муносиб кўрса ўшанга, яъни улардан бирига ёки қайсигадир тоат ёки ибодат учун фармон беради ва уни ўз нафсини жиловлашга даъват этади, ҳатто, уни ўз ҳимоясига олади. Зеро у, яъни банда У (Аллоҳ)нинг тоати йўлида устувор турсин, ўз нафсига душман бўлсин, шунда шайтон унинг жамоли (чиройи)дан қочади. Аллоҳ муносиб топган банда (киши)сига валоят (Ўзига яқинликка

низи) беради, токи ҳар қандай жумбоқ ёки тугун шу мулк (яъни, шу жойнинг ўзида) аро ечимини топиб, ҳал этилиб, дуо воситасида мустажоб (ижобат) бўл (амалга ош)са, нафас олиши мақбул бўла (яъни, эркин тин — нафас ола)ди.

Пайғамбар (с.а.в.) ўз халифалари амирал-мўъминин Умар (р.а.) ҳақида айтган ушбу сўзлари машхурдир: «Аллоҳ таоло тўғрилиқни Умарнинг тилига ва қалбига солди». Ривоят қилишларича, Нил дарёси ўз одатига кўра гоҳо окмай тўхтаб қолар эди, бунга қарши жоҳилият пайтларидагидек кишилар сув(дарё)ни оқизмоқ ниятида бир канизакни чиройли кийинтириб, уни сувга ташлар (яъни, қурбонлик қилар) эдилар. Аммо Умар ибни Ҳаттоб (р.а.) бунга йўл қўймайдилар ва бир парча қорозга: «Эй сув, агар ўзингча окмай турган бўлсанг раво эмас, агар Аллоҳ Азза ва Жалланинг фармони ила окмайдиган бўлсанг — бошқа гап. Умар сенинг оқишингни истайди», деб ёзиб, уни сувга ташлайди, дарё бехос оқа бошлаган экан. Бу амр (буйруқ) ҳақиқат ва Ҳақ йўлида экани боис дарё оқади, билиб қўйки, валоятда менинг муродим ва исботим шуки, валилик шундай шахсга раводурки, мазкур (ушбу) маънолар унда мавжуд бўлса, бу ҳол аслида унда мавжуддирки биз уни айтиб ўтдик.

Ундан (Ҳаким Термизийдан) олдин ўтган раҳимахуллоҳу машойихлар бу хил («Хатм ал-валоят») китобни на айта олишган ва на ярата олишган. Энди мен (яъни, Хужвирий) ул бузургов ва мазҳаб соҳиби сўзларининг жамолини кўз-кўз қилдим, чунки менинг унга — яъни Ҳаким ат-Термизий (р.а.)га эътиқодим кучли, эй тариқат толиблари сизга бу китоб («Хатм ал-валоят»)дан фойда кўп бўлсин, чунки бу китоб (яъни, «Хатм ал-валоят») сизга саодат (бахт) келтиради. Иншооллоҳ Азза ва Жалла (Хатм ал-валоят. — Б. 265—267. Бобоназар Муртазоев таржимаси).

ва ёнидан жой кўрсатди. Бир пайт ҳар тарафдан одамлар кела бошлади, улар қирқ киши бўлди, осмонга ишора қилишди, осмондан турли таомлар тушди, таомни тановул қилдилар. Таомдан сўнг шайх ўша чиройли либос кийган зотдан саволлар сўрай бошлади, шайх савол берар, у жавоб қилар эди. Унинг жавоблари жуда узундан-узоқ бўлиб, у сўзларнинг бирортасига ҳам тушунмас эдим. Сўнгра шайх ижозат олиб, изига қайтди ва ёнимга келиб менга деди:

— Кетдик, бахтга эриш (саъид — бахтли бўл) динг! Бир замон ўтиб, Термизга етиб келдик, мен сўрадим:

— Эй шайх, у қандай жой эди, у киши ким эди?

— Ўша жой Бани Исроилнинг Тих биёбонидир, ул одам Кутб ул-мудор эди<sup>1</sup>.

— Бир соат ичида Бани Исроилнинг Тих чўлига қандай бордик? — сўрадим ажабланиб.

— Эй Абубакр! Бориш ва келиш сенинг ишинг эмас! (Олиб борувчи ва олиб келувчи Аллоҳ таоло бўлгач, етмоқ ва келмоқ осондир)».

\* \* \*

Нақлдирки, дебди:

— Нафсимни тоатга бўйсундирмоқ учун кўп уриндим, аммо натижа бўлмади, ўзимдан умидимни уздим. Дедим:

— Аллоҳ нафсни дўзах учун яратган экан, дўзахни нима қиламан. Жайхун бўйига бордим ва дўстимга қўл-оёғимни боғлаб (бу ердан), кетишини илтимос қилдим. Шунда юмалаб бориб, чўкиш учун ўзимни Жайхунга ташладим, лекин сув урилиб

<sup>1</sup> Изоҳ: Тих чўли — Фаластин (қадимги Канъон) жанубидаги сувсиз ва тақир Шанзор биёбонидир, Ҳазрати Мусо алайҳиссалом раҳнамолигида Мисрдан йўлга чиққан Бани Исроил қавми шу чўлда адашиб, қирқ йил саргардон бўлишади. Афсонага кўра ушбу чўлда адашган киши йўл тополмас экан.



кўлимни ечиб юборди, дарё мавжланиб мени сохилга улоқтирди. Ўзимдан (тағин) умидимни уздим.

— Субҳаналлоҳ! Шундай бир нафсни яратибсанки, у на дўзахга ва на жаннатга лойик. Ўша вақтда ўзимдан ноумид эдим, шунинг баракати — бахти ила менинг сирим ошкор бўлди ва мен ўзимга лозим мурод (мақсад)ни кўр(англа)дим. Ушбу соатда ўзимдан ғойиб бўл (сирининг изидан қув)дим ва бутун умр ўша соат(дам, вақт)нинг бахти билан яшадим.

\* \* \*

Абубақр Варроқ айтурки:

— Бир куни шайх ўз асарларидан бир нечтасини берди ва: «Олиб бориб Жайхунга ташла», — деди. Ўқиб кўрсам ҳаммасида ҳақиқатнинг мағзлари ёзилган экан, китобларни сувга ташлашга кўнглим урмади, китобларни уйимга қўйдим, шайхга: «Сувга ташладим», дедим.

— Нима кўрдинг? — деди.

— Ҳеч нима кўрмадим, — дедим.

— Ташламабсан, бор ташла! — деди.

Мен таажжубландим ва уйга бориб, китобларни олдим ва уларни Жайхунга ташладим. Қарасам, Жайхун иккига бўлинди, оғзи очиқ бир сандиқ намоён бўлди. Китоблар сандиқ ичига тушиб жойлашгач, сандиқнинг оғзи беркилди ва Жайхун тағин эски ҳолича оқа бошлади. Қайтиб келдим, шайх шунда айтди:

— Энди Жайхунга ташлабсан.

— Худо ҳаққи! Бунинг сирини менга айтинг?

— Сўфийлар илми тўғрисида бир нарса (китоб)лар ёзган эдим, аммо уни ақл билан пешлаш (тушуниш) оғир эди. Уларни мендан оғам Хизр сўраган эди, сандиқни эса унинг амри ила балиқ олиб келган эди. Ҳақ таолонинг фармони билан сув у китобларни Хизрга етказди (бу ривоят Хужвирийда ҳам бор).

\* \* \*

Нақлдирки:

Бир марта барча ёзган китобларини сувга ташлади ва китобларни Хизр алайҳиссалом йиғиб, қайтариб олиб келди ва деди:

— Ўзингни бу иш ила овора қилма!

\* \* \*

Нақл қилишларича, аллома умри давомида Худони минг бир марта тушида кўрган экан.

\* \* \*

Нақлдирки:

Унинг замонида Худо йўлига содиқ бир зоҳид яшар эди, лекин Хожа Муҳаммад Али Ҳакимга қарши эди. Ҳаким Термизийнинг бутун бойлиги бўлмиш бир кулбаси бўлиб, унинг эшиги йўқ экан. Ҳижоз<sup>1</sup> (Ҳаж) сафаридан қайтгач қараса, уйда бир ит болалаган экан. Шайх уйдан итнинг ўз ихтиёри билан чиқиб кетишини маъқул топди ва ўша куни ит болалари билан зарар кўрмай чиқиб кетишини кутиб, саксон бор (гоҳо етмиш дафъа) унинг устига бориб келди. Қизиғи ўша кечаси Ҳаким Термизийга қарши турувчи зоҳид Расул соллаллоху алайҳи ва салламни тушида кўрди ва унга Расули акрам айтди: «Сен ким билан тенглашмоқчи (беллашмоқчи)сан? Ахир у бир итни деб саксон марта яхшилик изҳор этди, агар бахтга эришмоқ истасанг, боргил, унинг тоати учун белингни маҳкам боғла!» Ва у зоҳидки, Муҳаммад Ҳаким раҳимахуллохунинг саломига алик олишга ор қилар эди, бутун умрини шайх хизматига бахшида этди.

\* \* \*

Нақлдирки:

Унинг аёлларидан сўрадилар:

— Шайхнинг жаҳли чиққанини биласизми? Дедилар:

<sup>1</sup> Макка ва Мадина худудларининг умумий номи.

— Ҳа, билурмиз, бизга ўша куни ўта яхши муомала қилур (меҳрибонлик кўрсатур) ва ҳеч нарса емас, йиғлайди ҳамда дейди:

— Илоҳи, мен сенга нега озор бердим, сен улар (яъни, мени ва биз)ни тузат (ташқарига чиқар). Илоҳи, тавба қилдим, улар (биз)ни тўғри йўлга бошла!

Аҳли аёли яна айтурки:

— Биз ҳам тавба қилиб шайхни озурдалиқдан халос қилур эдик<sup>1</sup>.

\* \* \*

Нақлдирки:

Шайх бир неча вақт Хизр алайҳиссаломни кўриш истагида эди, лекин уни кўрмади. Шайхнинг бир канизаги бор эди, у ўз гўдагининг кийимларини ювиб, тоғора ифлос сувга тўлган эди. Шайх тоза либослар кийиб, оқ салла ўраб, жума куни бўлгани боис Жомеъ масжидга жўнайди. Ўша канизак шайхдан хафа эди, шундан тоғора тўла ифлос сувни шайхнинг бошидан тўкиб юборади. Шайх тоқат қилди, ҳеч нарса демади, қаҳрини ичига ютди, дарҳол Хизр алайҳиссалом пайдо бўлди ва деди:

— Бу офир юкни кўтарганинг учун мени кўрдинг.

\* \* \*

Нақлдирки:

Бир кишига дейишдики, шайхнинг одобда фазилатлари тенгсиз, ҳатто, аёлларининг олдида ҳаргиз бурун қоқмайди. Буни эшитган кимса дарҳол шайхни кўрмоқ ихтиёр айлади ва шайхни масжидда намоз ўқиётган пайтда топди. Бир муддат сабр қилиб шайхнинг чиқишини кутиб турди, шайх чикқач, изидан эргашди ва ўзига деди: «Кошки билсам, у ҳақда айтилган сўз тўғрими ёки йўқ?» Шайх буни фаросат ила сизди ва орқага қараб бурун

<sup>1</sup> Араз, гараз ва хафагарчиликлар Аллоҳ таолога ёкмайдиган одатлардир. Улар гуноҳ ҳисобланади.

қокди. У кимса ўзига деди: «Наҳотки ёлғон ай-тишган ёки улуғлар сирини билишга интиланганим учун шайх мени қамчиламоқдами?» Шайх орқага ўтирилиб айтди: «Эй ўғлон, сенга айтганлари рост, аммо билгилки, барча сенинг олдинда бош эгишини истасанг, халқ сирини халқ учун сақла! Зотан ҳар ким шоҳлар сирини бошқага айтса, у инсон зинҳор дўстликка ярамас».

\* \* \*

Нақлдирки:

Шайхнинг ёшлик айёмида бир соҳибжамол бой аёл уни ром этмоқ истагида чорлади, Муҳаммад Ҳаким раҳимахуллоҳу покликда беқиёс бўлиб, у аёлга илтифот кўрсатмади. Бир куни аёл хабар топдики, Муҳаммад боғдадир, аёл ўзига оро берди ва ўша жойга борди. Шайх аёлни кўриб қоча бошлади, аёл унинг изидан чопар ва дер эди: «Ахир, нега менинг қонимга зомин бўлишга интиласан?» Шайх парво қилмади ва баланд девордан ошиб, ўз йўлида кетди. Орадан йиллар ўтиб, шайх кексайган чоғи ўзи ёзган асарларни бир сидра кўздан кечира туриб, ўтмиш воқеалар ёдига тушиб қолди. Воқеаларни хотирда тиклаб, кўз ўнгидан ўтказиб, ўзича: «Нима қилар эдики, ўша аёлнинг ҳожатини раво қилсам, ёш эдим». Ўша воқеаларни хотирига тиклаганидан тавба қилиб, анча ранжиди ва деди: «Эй, гуноҳга лиқ тўла нафс! Ёшлиқда бу иш, ҳатто, хаёлда йўқ эди, энди кексайган маҳал, қанча риёзату меҳнатдан сўнг қилмаган ишни эслаш ва пушаймонлик нечун?» Шайх бу гуноҳи азимдан андуҳга ботиб, уч кун шунинг мотамини тутди, уч кундан сўнг тушида Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрди. Расули акрам деди: «Ранжима, бу иш сенинг рўзворингдаги гуноҳдан эмас, балки шуки, бизнинг вафотимиздан қирқ йил ўтди, бу муддатда биз дунё (бойлик)дан узоқлашдик, тагин олисроқ йироқлашдик, бу сенинг гуноҳинг эмас ва ҳолатинг-

да қусур йўқ. Сенинг кўрганларинг бизнинг аж-  
ралганимиз муддатининг узайганидандир ва зинҳор  
сенинг сифатингнинг нуқсонидан эмас!»

\* \* \*

Ва унинг сўзлари будур: «Аллоҳ бандаси кўп  
заҳматлардан кейин зоҳирий адабларга эга бўлса,  
покиза ахлоқ ҳосил қилса, Худованди таоло нур-  
ларини ўз қалбида топса, шу сабаб қалби очилса  
ва кўкси (бағри) кенгайса, нафси тавҳид (Худо-  
нинг ягоналигига иймон келтириш) фазосига кир-  
са, бундан шод бўлса ва ночор узлат (ёлғизлик)  
ни тарк айлаб, сўз айтишга киришади ҳамда ушбу  
йўлда ғолиблик шарҳини бита бошлайди. Халқ эса  
унинг сўзлари ва ғолиблиги боис унга пинҳона  
эҳтиром изҳор этади, эъзозлайди, улуғлайди, уни  
ягона ҳисоблайди. Шу одамни алдаб бўлган нафс  
очофат шердек унинг ичидан отилиб чиқиб, унинг  
елкасига сакраб миниб олади ва ўша одам, балки  
ушбу нафс лаззатларини ҳаракат (кураш)ларининг  
бошланғич босқичида топган бўлса, албатта, энди-  
ликда атрофга тарқата бошлайди, яъни бошқаларга  
ҳам юқтиради. Ушбу ҳолда нафс ўз ҳаракати эва-  
зига тўрдан кутулиб, дарёга шўнғиган балиқ ва у  
балиқни эндиликда ҳаргиз тўр ёнига яқинлаштириб  
бўлмаслик ҳолатига монандлик касб этади. Ягоналик  
осмонини забт этган нафс энди минг бор нопоклик  
ва муғамбирлик йўлини танлайди. Нафс тузоқда  
эканида ўзига жой тополмайди, сабаби, у боғланган  
эди ва энди эса очикликка чиқиб, кенг ҳаракатни  
бошлаб юборади. Бошда нафс инсоният феълининг  
торлигидан ўз қуролини ясаб олган бўлса, энди  
ягоналик осмонининг кенглигидан фойдаланиб, ушбу  
қуролни янада мустаҳкамлаш имкони туғилади. Бас,  
шундай бўлгач, нафсдан хотиржам бўлма! Тингла,  
сергак бўл, шунда нафсни енгасан, ўша нафс офати  
хақида гапирдик, ундан ҳазар қил! Зотан шайтони  
лаин у (нафс одам)нинг ичидадир».

Чунончи, Муҳаммад Ҳақим ушбу ҳикоятни нақл қилади:

— Одам (а.с.) ва Ҳавво Ерда бир-бирига етгач, тавбалари қабул бўлиб, бир куни Одам (а.с.) юмуш ила кетади. Шу куни Иблиси лаин Ханнос исмли боласи билан келди ва болага қараб туришни Ҳавводан илтимос қилди. Иблиси лаин кетгач, Одам (а.с.) келди ва Ханносни кўриб, Ҳавводан сўради:

— Бу ким?

— Иблиси лаиннинг боласи, менга топшириб кетди.

Одам шунда Ҳаввога қаҳр қилди:

— Нега олиб қолдинг?

Ғазабланган Одам (а.с.) у болани ўлдирди, парчалаб, парчаларни дарахт шохларига осди ва кетди. Иблиси лаин келди ва боласини сўради, Ҳавво айтди:

— Одам уни ўлдирди.

Иблиси лаин «Ханнос» деб чақирган эди, ҳалиги дарахт шохларидаги парчалар бирикиб, бола ўз тириклик ҳолига қайтди ва Иблиси лаиннинг ёнига келиб ўтирди. Бошқа бир куни Иблиси лаин тагин Ҳаввонинг ёнига келди. Ҳавво:

— Болани менга қолдирма! Одам келса мени уришади. Иблиси лаин алқисса болани Ҳаввога топширди ва кетди. Одам келди ва бу гал ҳам болани кўриб, Ҳаввога дашном берди:

— Нечун Иблиси лаин алдовларига учиб, унинг гапига кирасан?

Хуллас, Одам тагин болани ўлдирди ва уни ёндирди, кулининг ярмини дарёга тўкди, ярмини чўлга сочди ҳамда кетди. Иблиси лаин келди ва болани сўради, Ҳавво ахволни англатди, Иблиси лаин «Ханнос» деб чақирди. Боланинг зарралари ўзаро бирикиб тирилди ва Иблиси лаиннинг ёнига келиб чўкди.

Бошқа бир гал Иблиси лаин қасам ичиб, боласини қабул қилишни сўраб Ҳаввога ялинди, Ҳавво унамади, лекин Иблиси лаин кўп онтлар ичди,

Ҳавво мажбуран болани олиб қолди. Одам (а.с.) келди ва болани кўриб, жиғибийрон бўлди:

— Сен Худо душманининг сўзига кирасан, лекин менинг гапларимни эшитмайсан! Аллоҳ билади, бунинг ичида не сир бор!

Одам (а.с.) ғазабланиб Ханносни ўлдирди, уни ниширди, ярмини ўзи еди, ярмини Ҳаввога берди, айтишларича Иблиси лаин охириги бор Ханносни кўй кўринишида олиб келган экан. Иблиси лаин келиб, боласини тилади ва Ҳавво аҳволни айтди, шунда Иблиси лаин:

— Мақсадим айни шу эди, ўзимни одам боласининг ичида кўрсам, сийнасида маскан қурсам, ўша ерда жойлашсам! Муродим ҳосил бўлди!

Чунончи, Ҳақ таоло буюрмиш: «Мин шаррил васвасил ханнаси. Аллази йувасвису фий судуриннаси. Минал жиннати ваннас». (Оятнинг тафсири: (Эй, Мухаммад), айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган, (қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноҳ беришидан сўраб илтижо қилурман»).

## ҲИКМАТЛАР

Айтди:

— Ҳар кимдаки нафсоний хусусиятлардан бир хусусият қолган бўлса, у озод эмас, гўё қулдир ёки агар кишининг қўлида бир дирҳам бўлса, у озод эмас, балки ўша бир дирҳам (кумуш танга)нинг қулдир. Аммо уни озод қилишган бўлса, у бандада ҳеч нарса қолмагандир ва у Худога берилган (мажзуб) бўлур. Аслида Ҳақ таоло уни ўзига тобе бўлгани сабабли нафс қуллигидан озод қилгандир, тўғрироғи, у ҳақиқий озоддир. Қуръони каримда келтирилурки: (Эй мўминлар, Аллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нухга

буюрган нарсани ва Биз сизга (яъни Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани — шариат (қонун) қилди. — «Динни барпо қилинглар ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглар!» (Эй Муҳаммад), мушрикларга сиз даъват қилаётган нарса (яъни, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш) зўр келди — оғирлик қилди. Аллоҳ у (динга) ҳидоят қилиш учун Ўзи хоҳлаган кишиларни сайлар ва Унга (ёлғиз Аллоҳга) илтижо қиладиган кишиларни ҳидоят қилур («Шўро» — «Маслаҳат» су-раси, 13-оят.).

\* \* \*

— Танлаб олинганлар (аҳли ижтибо) шундай бир қавмдирким, ўзларини Худо йўлида бахшида (жазба)<sup>1</sup> этганлардир. Тўғри йўл кўрсатувчилар (аҳли ҳидоят) бўлса шундай бир қавмдирки, инобат (тавба) ила Худога томон йўл излайди (ахтаради)лар.

\* \* \*

— Мажзуб (Ҳақ таоло йўлида фидойилик ёки шу йўлда эс-ҳушидан жудо бўлган) учун турфа манзиллар мавжуд, улардан баъзилари нубувват (пайғамбарлик)нинг учдан бирига, баъзилари ярмига, баъзилари ярмидан зиёдроғига мушарраф бўлгайлар. Бу эса мажзублик бўлади, нубувват бахти ҳаммадан илгари мажзубларникидир ва улар Хотам (улуғ) ул-авлиёдир, ҳатто улар барча авлиёларнинг меҳтари (бошлиғи) бўлгай. Чунончи Мустафо соллаллоху алайҳи ва саллам Хотам ул-анбиё (уларнинг энг улуғи) ва меҳтари (бошлиғи) эдилар, ҳатто нубувватнинг охиригиси ҳам ўзларидир.

\* \* \*

— Мажзуб (Ҳақ таоло йўлида фидойи) аслида Маҳдий (ҳидоят қилувчи — тўғри йўл кўрсатувчи)

<sup>1</sup> *Жазба-жозоба* — ўзига қаратмоқ, шу йўлда ҳаракат қилмоқ.



бўлишга қодир ва ҳақлидир. Агар бирор кимса: «Авлиё нубувватдан баҳра оладими?» — деса, дер эдим: «Ҳазрати Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: ўртача (муътадил) эзгу фикр ва эзгулик аломати (нишонаси) бир жузв (бўлак, қисм)дир, нубувват (пайғамбарлик)нинг йигирма тўрт жузви (парчаси)дан бир жузв (парча)дир». Демак, мажзубда ўртача рост ва эзгу (тўғри) йўл бўлиши муқаррар! Ҳазрати Пайғамбар ҳукм қилдилар: «Жазб — пайғамбарликдан парча (бир пора)дир». Бошқа бир ўринда тағин айтдилар: «Хар ким ҳаром бир дирҳамни эгасига қайтариб берса, нубувват (пайғамбарлик)дан бир даража топади». Буларнинг бари мажзубда бўлмоғи лозим.

\* \* \*

— «Авлиёликнинг гўғрироқ нишонаси шудирки, илм усулида сўз айтади». Шунда гапирувчига савол беришди: «У қандай бўлади?» Айтди: «Бошланувчи илм, андозали (миқдор) илми. Аҳду онт илми, ҳуруфийлик илми — булар ҳикмат пойдеворидир. Уламо (олим)лар ҳикмати шудир, бу илм авлиёларнинг улуғидан пайдо бўлади. Уни фақат валоят<sup>1</sup> (валийлик)дан баҳраманд шахс қабул қилиб олади».

\* \* \*

Сўрадилар:

— «Авлиёлар ёмон оқибатдан қўрқадиларми?» Айтди: «Ха, лекин бу қўрқув офат тарзидаги ҳадик эмас, зотан Худо таоло бошқаларнинг ёруғ куни (айши)ни зимистонга айлантиришни хушламайди».

\* \* \*

— Зикр машғулоти шундай бўлиши лозимки, зикр қилувчидан бирор нарса сўрашнинг иложи топилмасин. Бу энг улуғ мақом (ўрин)дир, буни англаш

<sup>1</sup> Валоят — яқинлик, қариндошлик, азизлик, Худога яқинлик.

Балъамийларга мушкул. Сўрадилар: «Балъамийлар қандай қавм?» Айтди: «Улар Аллоҳ оятларига сазовор эмаслар!»

\* \* \*

— Азиз киши улки, гуноҳ уни хор қилмаган бўлсин.

\* \* \*

— Озод киши улки, тама (ҳирс ва умид) уни ўз қулига айлантормаган бўлсин.

\* \* \*

— Оқил киши улки, Худо йўлида пархезкор (поқдомон)лик қил (ўзини ёмон ишлардан тий)са ва нафси (ёмон ишлар)нинг ҳисоби (олди)ни олса.

\* \* \*

— Ҳар кимки бирор нарсадан кўркса ундан қочади, ҳар кимки Худодан кўркса Худога қоча (яъни, Худо томон чопа)ди.

\* \* \*

— Асл мусулмонлик икки нарсада намоён бўлади: бири — Аллоҳ марҳамати ва эҳсонларини англамоқ, иккинчиси — Аллоҳ неъматларидан жудо бўлишдан қўрқиш.

\* \* \*

— Йўқотилган нарсага эмас, ният (мақсад)нинг йўқолишига қайғуриш лозим, чунки эзгу амаллар ният (мақсад)сиз ҳақиқатга тўғри келмас.

\* \* \*

— Ҳар кимнинг ҳиммати (саховати) диний (иймонли) бўлса, унинг барча дунёвий (ҳасислик) ишлари ҳимматининг бахтидан диний (иймонли) бўлур.

Ҳар кимнинг химмати дунёвий (бахиллик) бўлса, унинг барча диний (иймонли) ишлари химматининг шум (иймонсиз)лиги боис дунёвий (бахиллик, хасислик, фасодлик) бўлур.

\* \* \*

— Ҳар кимки зуҳд (тоат-ибодат)сиз илмни тўхтатиб, сўз (калом)га ўтса, у динсизлик кўчасига киргандир. Ҳар кимки вараъ (ёмон ишлардан парҳез)сиз фикҳ ила кифояланса, у Худо таоло фармонидан четга чиқиб, фиска узрагай.

\* \* \*

— Сен истайсанки, ўз нафсинг мавжуд бўлган ҳолда Ҳақни танишни, ваҳоланки, сенинг нафсинг ўзини танитайди, бас, шундай экан, у Ҳақ (Худо) ни қандай танисин!

\* \* \*

— Банда (Худо кули)нинг энг ёмон хислати кибр (улуғлик) ва амалда эркинликни севмоқликдир. Зеро кибр насаби беайб зотга лойиқ, эркинлик эса илмда нодон (ношуд)лик қилмаган кишига ҳалолдир.

\* \* \*

— Шайтони лаин сен-ла бир соат ичра қиладиган бузуқликни бир сурув кўй кўрасида юзта очофат бўри қилолмаганидек, сенинг нафсинг сен-ла қиладиган бузуқликни юзта шайтони лаин эплол (қилол)мас.

\* \* \*

— Бандасининг шу айби кифояки, у ўзига зиён келтирувчи нарсага шодланади (Чунончи ўғри кўп ўғирладим деб қувонади, аслида у ўз охиратини куйдиради).

\* \* \*

— Ҳақ таоло банда (ўз қул)ларининг ризкини белгилаб қўй (ўз зиммасига ол)гандир, бас шундай экан, нечун бандалари маъқул ишга умидсизлик изҳор (таваккал) қиладилар.

\* \* \*

— Шундай кишини авайлаб-асраш керакки, унинг назари (нигоҳи) сендан ҳеч ғойиб бўлмасин. Шундай кишига ташақкур айтиш лозимки, унинг неъматини (аҳсодини, бойлигини) сендан зинҳор узилмасин. Шундай кишига қуллуқ қилиш лозимки, унинг мулки ва салтанатидан ташқарига қадам қўйишнинг иложи бўлмасин.

\* \* \*

— Жавонмард (саховатпеша)лик шудирки, мусофир (нотаниш йўловчи) ва муқим (бир жойда доимий яшовчи таниш) унинг назарида тенгдир.

\* \* \*

— Аллоҳ таолонинг ҳақиқий муҳаббати дўстликнинг давомийлиги ва Аллоҳнинг зикри (ёддан чиқармаслик)дир.

\* \* \*

— Айтадиларки, дил бепоёндир, бу рост эмас, маълумки, ҳар бир дил камолга етган жойда тўхтайдди. Бунинг маъноси шуки, йўл поёнсиздир, шуни биламизки, ушбу сўзда кўнгил юзи акс этади, дил эса поёнсиз эмас, балки маънода поёнсиздир, буни «Шарҳ ул-қалб» (китоби)да баён этган эдик («Шарҳ ул-қалб» Атторнинг китоби, демак унда ал-Ҳаким ат-Термизийнинг қалб назарияси кенгрок шарҳланган).

\* \* \*

— Исми Аъзам — Аллоҳ таолонинг улуг номи фақат ва фақат Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад

Мустафо соллаллоху алайҳи ва саллам замонида тажалли топ (жилвалан)ди.

\* \* \*

Аттор Фаридиддин Нишопурий. Тазкират ул-авлиё. Чоши панжум. — Техрон: Бехзод, 1375. — Саҳ. 606—615. Б. Муртазоев таржимаси. Биз таржимада Рушдий Муҳаммад Сиддиқнинг «Авлиёлар султони. Туронлик валийлар» (1995. — Б. 124—134.) ва Мирзо Кенжабекнинг «Термиз тазкираси» (2001. — Б. 16—38.) китобларидан атрофлича фойдаландик.

\* \* \*

— Тасаввуф илмининг теран билимдони Мирзо Кенжабек «Термиз тазкираси»да Абдурахмон ас-Сулабийнинг «Табақот ус-суфия» тазкираси саҳифасидан Ҳаким ат-Термизийга тааллуқли бир ҳикматни келтиради. Ҳикмат: «Болаларнинг тузалуви, тарбияси — мактабларда; қароқчиларнинг тузалуви, тарбияси — қамоқхоналарда; аёлларники — уйларида; ёшларники — илмда; кексаларники эса масжидлардадир» (— Б. 31.). Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»нинг Мавлоно Жалолуддин Муҳаммад Балхий Румий қисми (— Б. 325—329.)да қ.с. Румий тилидан Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад б. Али б. Малиқдод Табризий қ.с. (— Б. 330—332.) сўзларини китобхонларга хавола этади. «Шайх Шамсуддин Табризий қ.с. буюрубдурки, ... мунофиқ масжидда ва гўдак мактабда ва асир зиндонда» (— Б. 328.). Дикқат қилинса, ҳар икки ҳикмат ўртасидаги фикрда кескин фарқ сезилмайди, Табризийнинг ҳикмати мурид ва муршид алоқаси, ўзаро робитаси, устоз ва шогирдлик ришталарида содиқлик қоидалари муносабати билан айтилган экан. Алқисса Ҳаким Термизий ҳикматлари ҳар бир замонда манзур бўлиб, унга мурожаат этилган ва шу йўл билан бу ҳикматлар ривожлантирилиб, замонавийлаштирилган.

## ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ИЛМ ВА ОДОБ ҲАҚИДА

### Аллома ҳикматлари

*«Илм ила Аллоҳни танийсан,  
илм ила Аллоҳни топасан».*

Ал-Ҳақим ат-Термизий

Ҳақим Термизий асарлари саҳифаларида сингдирилган донишмандона ҳикматлар ва улар ташиган ғоялар, илгари сурган муддаоларнинг ўзи алоҳида мавзу, чунки бу донолик намуналари инсонларни ҳамиша эзгулик сари даъват этади. Алломанинг мўъжизакор қалами самараси бўлмиш ҳикматларнинг маъно ва мазмуни беқиёс, уларда дунё изтироблари, бандаларининг ножоиз қилиқлари нишонга олинади. Аллоҳ бандаси дунёга келибдики ўз ташвиши, ўз юмуши, ўз шодлиги ва шунга монанд воқеалар гирдобига кириб қолганини гоҳо англаб ҳам етмайди. Чиндан ҳам инсон ҳаёти ғалати кутбларни намоеън этади, у кўпинча ўзини ожиз ва нотавон ҳис қилади, ўзини хўрланган деб билади, гоҳо у масрур ва мағрурдир. Аллома ана шундай кимсаларга қарата ўзининг «Наводир ал-усул» асарида айтади: «Инсоннинг умидсизликка тушиши, бу унинг Аллоҳни билмаганидир» (— Б. 14.). Башарти юқоридаги ҳикматни астойдил таҳлил назаридан ўтказсак, ундаги ғоя сири осонгина ечимини топади. Аллоҳ инсонни яратган, бу ҳаммага аён, лекин унинг умидсизлик ботқоғига чўкиши бир оз тушунарсиз. Аллома айтмоқچики, Аллоҳни таниган банда зинҳор тушкун кайфиятда бўлмайди, у Аллоҳ мадади билан ўзини ғурурли ва тетик тутади. Тақдирдан нолиш Аллоҳ бандаси учун бегонадир, банда қисматдан эмас, ўзининг ёмон нафсидан ўпкалаши лозим.

Аллоҳ бандаси бутун умр синовлар майдонида ҳаракат қилади, Аллоҳ уни қадам-бақадам

имтиҳондан ўтказиб боради. Аллоҳ бандасини турли усул ва йўллар билан синайди, уни текшириб туради. «Наводир ал-усул»даги қуйидаги жумлага эътиборни тортсак: «Аллоҳ таоло бандаларига бу дунёда бойлик, фақирлик, иззат, хорлик, улуғлик ва тубанлик каби хислатларни ато этиб, уларни имтиҳон қилади» (— Б. 50.). Кўринадикки, инсон ўзи яшаётган заминда Аллоҳ имтиҳонларидан қочиб қутула олмас экан. Чунончи, Аллоҳ ўз бандасига фақирлик инъом этгани каби фақирлик изидан уни бойлик билан ҳам сийлаши мумкин ёки аксинча. Демак бойлик ва фақирлик эгизак кутблар бўлганидек, иззат ва хорлик, улуғлик ва тубанлик, иссиқ ва совуқлик ҳам бутун умр ёнма-ён яшар экан. Бу хил яхши-ёмон тушунчалар узлуксиз давом этади ва бир-бирини тақозо этади, улар бири иккинчисисиз яшай олмайди, улар ҳаёт майдонида бир хил мавқега эга ва улар бир пайтда пайдо бўлган, бир пайтда йўқ бўлади.

Юқоридаги мушоҳадалардан шу нарса аён бўладики, Аллоҳ қудратига тенг кела оладиган куч дунёда йўқ экан. Аллома Ҳаким Термизийнинг «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асарида ушбу жумлани ўқиймиз: «Улуғ ва буюк Аллоҳнинг қудратига тенг келадиган куч ва қувват йўқ» (— Б. 7.). Инсонга берилган барча имтиёзлар Аллоҳ туфайли экан, инсонга қилинган «хидоят (раҳнамолик), тавфиқ (мадад), кўрқув ва қувват—барчаси улуғ Аллоҳдандир» (— Б. 19.). Англашиладики, Аллоҳ ўз бандасининг бахти учун барча нарсага тайёр, Аллоҳ ўз бандасига тўғри йўлни хидоят қилади. Ана шу зайлда Аллоҳ ўз бандасига тавфиқ кўрсатади, уни куч-қувват билан таъминлайди ва уни кўрқув (Худони доимо ёд)да тутади. Аммо кўрқув ихтиёрий, банда кўпинча кўрқув (Худо)ни унутиб қўяди, бу эса уни адаштиради. Адашув нимада намоён бўлади, Аллоҳ бандаси аксар ҳолатда бойликка ҳирс қўяди, бойликка маҳлиёлик эса бандани тубанликка етаклайди.

Буларнинг бари нафсга бориб тақалади, бунга жавобни яна «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асаридан топамиз: «Нафс эса Аллоҳга зид... Чунки нафс Аллоҳнинг душманидир» (— Б. 13—14.).

Ҳаким Термизийнинг юқоридагиларга монанд ана шундай ҳикматлари Абдурахмон Сулабий (946—1022)нинг «Табакот ус-суфия», Фаридиддин Аттор (1145—1221)нинг «Тазкират ул-авлиё», Абдурахмон Жомий (1414—1492)нинг «Нафақот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс», Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» асарларида ҳам келтирилади. Жумладан, «Тазкират ул-авлиё»да турли мавзуларга оид ҳикматлар жамланган, шулардан айримларига эътибор қаратсак. Ҳаким Термизийдан тақво (парҳезкорлик) ва жавонмард (саховатпеша)лик ҳақида сўрашганда берган қуйидаги жавоблари ўта салмоқли: «Тақво шуки, қиёматда ҳеч ким сенинг этагингни тутмаса ва жавонмардлик шуки, сен бирор кимсанинг этагидан тутмасанг». Аллоҳ йўлида қилинган тақво шу даражада мукамал ва бенуқсон бўлиши лозимки, охират куни сени безовта қилмасин. Жавонмардликнинг бош мезони тамани унутиш, қилинган яхши амал бадалига тамағирлик изҳор этмаслик талаби етакчи ўринда туради. Ижросини топган дуою фотиҳа, салоту савмлар, закоту ҳажлар охиратда жаннат илинжида қилинган бўлса, уларнинг савобу самараси беҳуда саробга айланиши муқаррар. Фикримизнинг исботи сифатида аллома ҳикматларидан баъзиларини мисол тариқасида келтиришни мақбул топдик.

## ҲИКМАТЛАР

— Азиз одам шуки, гуноҳ уни хор қилмаган бўлсин.

— Озод одам шуки, тама уни қул қилмаган бўлсин.

— Хожа улки, шайтон уни асир этмаган бўлсин.





— Оқил улки, Худо йўлида зарарли қилиқлардан ўзини тийса ва ўз нафсининг хисобини қилса.

— Асл мусулмонлик икки нарсада намоён бўлади, бири эзгулик истаги ва иккинчиси Худо олдида қўрқишдан жудолик.

— Йўқотилган нарсага эмас, ниятнинг йўқолишига қайғуриш керак, зеро ҳеч бир эзгу иш ниятсиз бўлмас.

— Сен истайсанки, нафс билан Ҳақни танишни, ваҳоланки нафсинг ўзини танимаса ва танишни истамаса, қандай қилиб Ҳақни танигай?

— Одам айби шуки, у ўзига зиён келтирувчи нарсаларга махлиё ва хушнуддир.

— Жавонмардлик шуки, унинг наздида мусофир ва муқим кишилар тенгдир.

— Ҳақ таоло бандаларининг ризқини кафолатлаб қўйган, лекин бандалар хамиша таваккал қилади.

(Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Чопи панжум. — Техрон: Беҳзод, 1375. — С. 942. Б. Муртазоев таржимаси).

— Мўмин (иймонли) банда Аллохнинг хабиби — дўсти (— Б. 12.).

— Аллохнинг амрига мунтазир бўлиш ҳам ибодатдир (— Б. 13.).

— Саховатпешалар инъом этмоқликни олмоқликдан яхши қўрадилар (— Б. 13.).

— Инсоннинг умидсизликка тушиши, бу унинг Аллохни билмаганидандир (— Б. 14.).

— Одамзод ҳалокати билан барча жонзотлар ҳалок бўлади, зеро, улар одамзод учун яратилган дир (— Б. 19.).

— Аллоҳ сенга илм, ақл, ҳидоят берди, сен унинг тақдирига рози бўл, қисматингдан нолима, ўзингнинг ёмон нафсингдан ўпкалан (— Б. 23.).

— Нотиқлар икки хил бўлади: улардан бири илм ҳақида китоблардан ёдлаб, одамлар оғзидан илиб олиб сўзлайди. Иккинчиси эса ушбу илмни Аллоҳдан олиб сўзлайди (— Б. 31.).

— Али ибн Хусайн (р.а.) тиланчига нарса берса, аввал ўша нарсасини ўпиб, кейин уни тиланчининг қўлига тутқазар эди (— Б. 35.).

— Агар банда ҳар ойда уч кундан рўза тутиб борса, у бутун умр рўза тутгандек бўлади (— Б. 39.).

— Абу Бакр (р.а.) дедилар: «Ассалом бандалар орасида омонлик гаровидир» (— Б. 50.).

— Аллоҳ таоло бандаларига бу дунёда бойлик, фақирлик, иззат, хорлик, улуғлик ва тубанлик каби хислатларни ато этиб, уларни имтиҳон қилади (— Б. 50.).

— Мурувват — муборак ва маҳбуб хулқдир (— Б. 54.).

(Ҳаким ат-Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. «Наводир ал-усул» асари асосида (араб тилидан таржима). Таржима ва муқаддима муаллифи Иброҳимжон Усмонов. — Тошкент: Мовароуннахр, 2006. — Б. 60.)

— Иймон ... Ҳақни тасдиқ этиш, қалб билан қабул қилиш ва тил билан тасдиқлашдир (— Б. 16—17.).

— Энг яхши касб тақво билан қилинган тижоратдир (— Б. 20.).

— Жаннатда анбиёлар авлиёлардан тепада жойлашадилар, чунки набийлик даражаси валийликдан юқоридир (— Б. 22.).

— Камбағалга кам ҳам кўп кўринади, чунки у бунга одатланган (— Б. 24.).

— Султон ва валийларга ҳам ўз мавқеига яраша муомала қилинади (— Б. 24.).

— Подшоҳлар — Аллоҳнинг ердаги сояси (— Б. 24.).

— Бойлардаги мол-дунё уларни имтиҳон қилиш учун берилган (— Б. 24.).

— Иймон қалбингни нур билан тўлдириб, кўксинг (садр)ни ёритади (— Б. 37.).

— Нафс айб ва нуқсонлари билан бутунлай машғул бўлиш — чуқур адашишдир (— Б. 46.).

— Кимки ҳадис тингламаса, у жоҳил... жоҳил эса роббисига бандалик қилишни ўз ўрнига қўя олмайди (— Б. 90.).

— Бир дона ҳарф билан маъно мутлақ ўзгариб кетиши мумкин (— Б. 90.).

— Ҳикма (ҳикмат) бу ишларнинг ботини ва илмнинг сирларидир (— Б. 106.).

— Илм — нарсаларнинг зоҳирий томонларини англаб етиш, ҳикма (ҳикмат) эса ашёларнинг моҳиятини, ички борлигини билишдир (— Б. 106.).

— Илм — бу шариатнинг баёни, ҳикма эса ҳақиқат баёнидир (— Б. 106.).

— Ҳақим — бу Аллоҳга талпинувчи инсондир (— Б. 106.).

— Илм ал-ботин ва илм аз-зоҳир бир-бирига ошна (— Б. 107.).

— Аллоҳ ҳузуридаги илм — денгиздир. Аллоҳ бу денгиздан расулларга дарё ато этади, расуллар бу дарёдан уламоларга анҳорни берадилар, уламолар эса оммага кичик ариқни улашадилар (— Б. 108.).

— Аллоҳ рамазоннинг 30 (ўттиз) кун рўзасига 300 (уч юз) кун рўза тутган савобини беради (— Б. 116.).

— Ҳаё икки кўздадир (— Б. 117.).

— Руҳнинг қароргоҳи инсон бошида, нафснинг қароргоҳи инсон қорнида (— Б. 117.).

— Нон тана ва руҳ тетиклиги учун озуқадир (— Б. 118.).

— Қалб Аллоҳнинг раҳматини, Унинг нури хусусиятларини ва булардаги сирларни идрок этади (— Б. 119.).

— Ақл эса Аллоҳнинг тадбири ва унинг хусусиятлари ҳамда ундаги ҳикматни англайди (— Б. 119.).

— Қалб ақл устидан ҳукмрондир (— Б. 119.). Алломанинг ана шу хил қарашларини Ибн ал-Арабий (1165—1240) ривожлантириб: «Инсон дунёсининг асоси — қалбдир, унинг вазири — ақлдир», дейди (— Б. 123.).

— Бўхтон — қалбни хайрон қолдиради, у энг оғир гуноҳдир (— Б. 126.).

— Жаннатий одам — мол-дунё келганда хурсанд бўлмайдиган, мол-дунё кетса хафа бўлмайдиган одамдир (— Б. 127.).

— Энг яхши мўмин қалби тоза, тили ростгўй одамдир (— Б. 127.).

— Аҳл ал-байт бу Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг орқаларидан эргашган сиддиқлар...(— Б. 127.).

— Илм уч хилдир: Аллоҳни билиш; Аллоҳнинг тадбирларини билиш; Аллоҳнинг амрларини билиш (— Б. 127.).

— Аллоҳ таоло бандаларни турли тоифа қилиб яратди ва уларга зарур бўлган илмни берди. Улар илм билан Парвардигорларини танийдилар, илм билан Унга ибодат қиладилар (— Б. 127—128.).

(Иброҳимжон Усмонов. «Наводир ал-усул» ҳикматлари. — Тошкент: Фан, 2009. — Б. 176.)

— Нафс учун хурсандчилик худди балиқ учун сув кабидир. Балиқнинг ҳаёти сув билан (— Б. 25.).

— Қалб ва нафс танада шерикдирлар. Қалб — маърифат, ақл, илм, фаҳм, зехн, фаросат, хифз ва ... ҳаёт кучидан қувват олади (— Б. 26.).

— Нафс эса шаҳват, хоҳиш-истаклар, шон-шухрат, иззатталаблик, ҳою-ҳаволарга эргашиш ва лаззатлардан куч олади (— Б. 26.).

— Ҳою-хаво нафснинг подшоси, маърифат эса қалбнинг подшоси (— Б. 26.).

— Ўз нафсига қул банд эса яхшилик ва ёмонлик аралашмаси — ифлослик ботқоғида қолаверади... (— Б. 27.).

— Қалбдаги иймон ақл билан безатилгандир (— Б. 31.).

— Рух — самовий шабада бўлиб, у ҳаёт шабада-сидир (— Б. 37.).

— Шаҳват — зийнат, шодонлик, роҳат ва ҳузур-халоват, кайфу сафо бўлиб, оловдан яратилган (— Б. 37.).

— Васваса икки хилдир: нафс васвасаси ва душман (шайтон) васвасаси (— Б. 40.).

— Шуни билингки, банда ибодат учун яратилган (— Б. 55.).

— Одамларнинг асли тупрокдандир (— Б. 57.).

— Фарз — кўпчилик амал киладиган ибодат... (— Б. 69.).

— Одамлар фарз амалларини бажаришда тенгдирлар (— Б. 69.).

— Қалб ботиний (ички) жиҳатларнинг барчасини ўз ичига қамраб оладиган сўздир (— Б. 76.).

— Ҳар бир илм қалбдаги жойига кўра даражаси юқорироқ бўлади (— Б. 76.).

— Қалб — иймоннинг ватани (— Б. 81.).

— Қалбнинг ҳам кўриш хусусияти бор дейилади, аммо у ўзининг ичидаги нури орқали кўради (— Б. 82.).

(Ҳаким ат-Термизий. Нодир масалалар. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи: Иброҳимжон Усмонов. — Тошкент: Мовароуннаҳр, 2007. — Б. 88).

\* \* \*

— Мўмин-мусулмон кўнгил сўраш, ҳамдардлик билдиришни яхши кўради, чунки кўнгил сўраш, ҳамдардлик билдириш қалбни мулойим, таъсирчан қилади.

— Маърифат қалбнинг тил билан иқроп бўлган ҳолдаги тасдиғидир.

— Тавозенинг зидди такаббурликдир.

— Шафқатнинг зидди адоватдир.

— Адоват ва ҳасад бир-бирини келтириб чиқаради.

— Ҳасаднинг зидди насиҳатдир.

— Шафқат ва насиҳат ҳамшаклдир, яъни бир-бирини келтириб чиқаради.

— Мушфиқнинг уч аломати бор: адоватни, ҳасадни, шошилишни, кишиларга зарба беришни ёмон кўради.

— Уч иш мушфиқнинг феълларидандир: лутф (ёқимлилиқ), хилм (мулойимлик) ва хамма мусулмонларни яхши кўриш.

— Мурасаю мадоранинг зидди лаганбардорлик. Лаганбардорлик ва дунё — бойлик учун тилёғламалиқ қилиш бир хилдир.

— Чин мўмин банда нарсанинг озини, гапнинг озини, овқатнинг озини яхши кўради, чунки бу қалб ва тафаккур учун йўл очади.

— Ният қилувчида тўрт нарса бўлади: бойликка бўлган ноўрин рағбатини синдириш, хавойи орзу-умидларда тежамкор бўлиш, ҳаётни ғанимат билиш, охират талаби билан машғул бўлиш (Ҳаким ат-Термизий. Ақл ва ҳаво. Рисоланинг 84—107-бетларига қаранг. Асарни араб тилидан таржимасини амалга оширган илмий тадқиқотчи Жўрабек Чўтматовга муаллифлар миннатдорчилик изҳор этадилар).

\* \* \*

— Маърифат (таниш) таълими — илмнинг боши.

— Олим бўлганлар (ал-уламо) — нафсни таниганлар, уларни алдашни умид қилиш учун шайтоннинг бу ўринда (қуввати) оз ва хордир.

— Кимнинг маърифати ёлқинланса, унинг ишлари аниқ-равшан хужжат ва очиқ кўриш билан бўлади.

— Шахват сени ҳалокат водийсига ташлайди.

— Нафс қачонки изтиробга тушса, у фақатгина маърифат билан сокин бўлади.

— Мол-дунёга бўлган майл охир-оқибат фитнага айланади. Ундаги эртаю кеч лаззатланадиган хушларни тўхтаб, унинг ўрни очлик ва сўлиш, кулгининг ўрни йиғи, шодликнинг ўрни ҳузн (ҳазинлик), сурурнинг ўрни ғам, роҳатнинг ўрни машаққат, уйқунинг ўрни бедорлик, сокин хордиқнинг ўрни чарчашу торлик, бойликнинг ўрни фақирлик, иззатнинг ўрни хорлик, мадҳнинг ўрни мазаммат (ҳажв), мақтовнинг ўрни таънаю айб билан алмашади.

— Иймонга зид ушбулар ҳаром қилинди. Энди уларга бир-бирларининг қонларини, молларини ва обрўларини ҳаром қилди. Уларга ғийбат, бўҳтон, ёлгон, жосуслик, ёмон гумон, чимматни йиртиш (орадаги хурматни йўқотиш), айбларни қидириш, ёмон сўзни ошқора айтиш (бу билан юзларнинг сувини кетказиш), озор беришни ҳам ҳаром қилди. Зинони ҳаром қилди, чунки унда рашк ва баъзиларнинг баъзиларга азият етказиши бордир (яъни, зино қилинган аёл кимнингдир кими, эркак ҳам). Хамр (маст қилувчи ва бўшаштириб, ақлни олувчи барча нарсалар)ни ҳам ҳаром қилди. Чунки унда азият, жоннинг талафоти ва ҳалокати бор. Кимнинг қалби маърифат билан ёлқинланса, қалби сокин бўлади.

— Инсонда табиатан туғма етти хулқ бор: ғазаб, рағбат, раҳбат (ҳадик, қўрқув), шаҳват, ғафлат, шак, ширк.

— Нафсни хотиржам қилиш учун қалбни унинг васвасаларидан халос бўлишига интилиш лозим (Ҳаким ат-Термизий. Адаб ун-нафс. Нашр этилмаган. Араб тилидан Жўрабек Чўтматов таржимаси).

# ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ ТАФАККУРИДА ҲАДИС ВА РИВОЯТЛАР

## ҲАДИСЛАР

\* \* \*

Анас (р.а.) ривояти: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Дуо ибодатнинг мағзидир» (— Б. 36.).

\* \* \*

Расулуллоҳ дедилар: «Катгаларимизни ҳурмат қилмаганлар биздан эмасдирлар» (— Б. 47.).

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мўминлар бир киши ка-бидир», яъни бир тан бир жон дедилар (— Б. 49.).

\* \* \*

Ибн Аббос (р.а.) ривояти: «Бойга иззат-икром кўрсагиб, фақирни хўрлаганга лаънат бўлсин» (— Б. 52.).

\* \* \*

Ойиша (р.а.) ривояти, Расулуллоҳ дедилар: «Аллоҳ таоло ҳар қандай мурувватни яхши кўради» (— Б. 54.).

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Хўрозни сўкманг, зеро, у намозга чақиради» (— Б. 21.).

\* \* \*

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Мискиннинг қўлига (садақа) тутқазिश, ёмон ўлим топишдан сақлайди» (— Б. 34.).

(Ҳаким ат-Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. «Наводир ал-усул» асари асосида (араб тилидан таржима). Таржима ва



мукаддима муаллифи Иброҳимжон Усмонов. — Тошкент: Мовароуннахр, 2006. — Б. 60.)

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Қоқилмасдан киши ҳалим бўлолмаганидек, тажрибасиз ҳам ҳаким бўлмайди» (— Б. 105.).

\* \* \*

Абу Хурайра Расулulloҳ (с.а.в.)дан куйидаги ҳадисни ривоят қилган: «(Никоҳда) Бокирадан изн сўралади, тулдан амр олинади» (— Б. 113.).

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй Аллоҳим, умматимга уларнинг тонгларида барака бер!» (— Б. 117.).

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Аёл зийнатларига қараш шайтоннинг заҳарланган ўқларидандир» (— Б. 117.).

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ таоло дардини давоси билан беради, уни билган билади, билмаган билмайди» (— Б. 118.).

(Иброҳимжон Усмонов. «Наводир ал-усул» ҳикматлари. — Тошкент: Фан, 2009. — Б. 176.)

## РИВОЯТЛАР

\* \* \*

Ваҳб ибн Мунаббих ривояти: «Аллоҳ Азза ва Жалла Одам (а.с.) ва унинг завжасини жаннатига жойлаштирди. Жаннатда шохлари бир-бирига чирмашиб кетган дарахт бўлиб, унинг мевасидан фаришталар истеъмол қилар ва абадий яшар эдилар. Аллоҳ таоло Одам (а.с.) ва унинг завжа-

сига ушбу мевани ейишни тақиқлаган эди. Иблис Одам (а.с.) ва унинг завжасини йўлдан урмоқчи бўлиб, илоннинг ичида жаннатга кирди. Ушанда илон туяга ўхшаш тўрт оёқли бўлиб, Аллоҳ таоло яратган энг чиройли жонивор эди. Илон жаннатга киргач, Иблис унинг ичидан чиқди. Ман этилган дарахтдан мевани олиб Момо Ҳаввонинг олдиларига келиб: «Бу мевани қара, хиди қандай хушбўй, таъми қанчалик тотли, ранги эса шунчалик ёқимли», — деди. Момо Ҳавво мевани олиб татиб кўрдилар. Сўнгра Одам (а.с.)нинг олдиларига бориб: «Бу мевага қаранг, хиди қандай хушбўй, таъми қанчалик тотли, ранги эса шунчалик ёқимли экан», — дедилар. Одам (а.с.) ҳам ундан едилар. Шунда уларнинг икковлари ҳам яланғоч эканликлари намоён бўлиб қолади. Одам (а.с.) дарахт ичига яшириниб олдилар. Шунда Аллоҳ таолонинг нидоси келди: «Қаердасан?». Одам (а.с.): «Мен шу ердман», — дедилар. Аллоҳ: «Чикмайсанми?» — деди. Одам (а.с.): «Сендан ҳаё қиламан, Роббим», — дедилар. Аллоҳ таоло: «Мен сени (тупроғини олиб) яратган ерга туш!» — деди. Одам (а.с.): «Мен яратилган ерга меваларини тиканларга айлантирадиган лаънат бўлди», — дедилар. Сўнгра Аллоҳ таоло Ҳаввога деди: «Эй Ҳавво, бандамни адаштирдинг, энди сен ҳомиладор бўлсанг, қийналиб ҳомилани кўтариб юрасан, қорнингдагини туғадиган бўлсанг, бир неча бор ўлимга яқин келасан». Аллоҳ илонга деди: «Малъун (Иблис) сенинг ичингда (жаннатга) кириб, бандамни йўлдан оздирди. Сенга лаънат бўлсин, ушбу лаънат туфайли оёқларинг қорнингда, ризқинг эса тупроқ бўлади. Сен одамзоднинг душманисан, улар ҳам сенинг душманинг. Улардан бирини учратиб қолсанг, чақасан. Улар сени кўриб қолсалар, бошингни мажақлайдилар» (— Б. 54—56). (Ҳаким ат-Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. «Наводир ал-усул» асари асосида (араб тилидан таржима). Таржима ва

\* \* \*

Ҳаким ат-Термизий илм ҳақида ушбу рамзий ривоятни мисол тариқасида келтиради:

— Бизнинг наздимизда бунинг мисоли, бир кишидекдирки, у ўзи танимаган, фақат юзини кўриб турган бир қавми кўрди. Сўнг уларнинг ахволи билан таништирилди. Унга бир-бир кишидан васф қилинди. Унга дейилди: «Аmmo мана бу киши, эгаллаган илми чуқурлиги сабабли тенги топилмайдиган олим». Унинг кўзига ўша улур кўринди ва қалбининг бир чеккасини эгаллади. Сўнгра унга дейилди: «Мана бу киши эса бой бўлиб, бойликда унинг тенги топилмайди». Унинг кўзига ўша улур кўринди ва қалбининг бир чеккасини эгаллади. Сўнг унга дейилди: «Мана бу карийм (саховатли), карамда унга тенг киши йўқ». Унинг кўзига ўша улур кўринди ва қалбининг бир чеккасини эгаллади. Яна унга дейилди: «Бу эса ашёлар ясовчи (хунарманд), ҳамма соҳада унга тенг келадигани топилмайди». Унинг кўзига ўша улур кўринди ва қалбининг бир чеккасини эгаллади. Яна унга дейилди: «Бу кафил. Бевалар, етимлар, заифлар ва камбағалларга кафил бўлади. Меҳр-шафқат ва раҳматда унга тенг келадигани йўқ». Унинг кўзига ўша улур кўринди ва қалбининг бир чеккасини эгаллади. Сўнг унга дейилди: «Бу — шукур қилувчи. Ҳақ-ҳуқуқларни биладиган. Унга энг оз нарсани берсанг ҳам, сенга кўп шукур қилади ва сен ҳақингда яхши, гўзал гапларни ёяди». Унинг кўзига ўша улур кўринди ва қалбининг бир чеккасини эгаллади. Яна унга дейилди: «Мана бунинг эса мамлакати, куч-қудрати, мустаҳкам қалбалари ва султон (ҳокимият)и бор. Батаҳқиқ, бу машриқу мағрибни эгаллаган». Унинг кўзига ўша киши улур кўринди ва қалбининг бир чеккасини эгаллади. Яна унга дейилди: «Бу киши

эса шундай қувватлики, унга тоқат йўқ. Унда минг эркакнинг қуввати бор». Унинг кўзига ўша киши улуг кўринди ва қалбининг бир чеккасини эгаллади. Бас, улардаги бу хислатлардан ҳар бири билан васф қилинган ҳар бир киши қалбининг бир чеккаси-дан жой эгаллади ва унинг иши сенинг кўзингга улуг бўлиб кўринди. Бундан олдин улар сенинг қалбингда бундай эмас эдилар. (Изох: Юқоридаги нақл афтидан дарс жараёнида устознинг шогирдга маълум бир мавзунини содда усулда тушунтириши ва бу кўргазмалиликнинг намунавий дастурига ажойиб мисол бўла олади. Шунингдек, бу усул қадимда аждодларимиз фойдаланган ўқув услубидан бизга бекиёс ва теран сабоқ беради).

\* \* \*

Қуйида ҳам юқоридаги каби устознинг шогирдга изоҳли тарзда тушунтиришининг ибратли ўқув услубидан яна бир қарра намоён этилади.

Билгинки, собир розининг мақомидан ожиздир. Розининг яқин (ишонч) билан бунга етишган, чунки у ишларнинг оқибатини (кўзи билан кўргандек) кўради. Бу (иккиси) шундай инсон кабики, унинг бир қопчиқ дирҳами бор эди. Уни қўйган жойидан йўқотди. Унинг бундан бошқа мулки йўқ эди. Бас, жуда ҳовлиқиб, безовта бўлиб, тўс-тўполон кўтарди. Уни йўқотганидан бўлган жазаванинг шиддати ҳатто, унинг ҳоли ва юзидан очиқ-равшан бўлиб қолди ва унинг бу билан бўлган ғаму хафагарчилиги зохир бўлди. Шунда унга бир бой ва яхшилик борасида сидқидил киши айтди: «Мен сенга йилнинг бошида ҳар бир дирҳамининг жойига динор берман». Бас, унинг сўзи билан сокин бўлди. Ва ундаги жазаванинг баъзиси (ҳаммаси эмас) ҳам сокин бўлди. Энди у ғамдан (буткул) холи бўлмайди ва бу муддатнинг (қачон) ўтиб бўлиши борасида кўкси сиқилади. У қарих (ёмон) кўриш билан сабр қилади (чидайди). Фақат унинг бу борадаги тамаъ-

си нафсидаги жазавасига аралашган (яъни, шунинг учун сабр қилиб турибди). Бас, ундаги нарса (жазава) енгиллашди ва турмуш кўрган холда сабр қилувчидир.

Бошқа бир киши ҳам бир қопчиқ дирҳамини йўқотди. Унинг мол-мулкида эса жавохирлар билан тўла уйлар бор. Ҳар бири бир жавҳарки, унинг қийматини биров билмайди. Энди унга бу қопчиқнинг йўқолганлиги билинмади ҳам. Унга парво ҳам қилмади. У бу борада худди ҳузурда бир қопчиқ дирҳам бўлгани холда фулус (мис танга) йўқотган кишидек. Аввалгиси мол билан ғаний (бой-беҳожат), кейингиси эса собири ила подшоҳ ва ғанийдир. Аввалгиси мол ва аҳвол билан шод, кейингиси қаноат билан шод. (Ҳаким ат-Термизий. Адаб ун-нафс. Нашр этилмаган. Араб тилидан Жўрабек Чўтматов таржимаси).

### **«Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асари мундарижаси**

*«Қалб қанчалар гуноҳдан покланса,  
илм шу қадар мунаввар ва мукамал бўлади».*

Ҳаким ат-Термизий

«Манозил ул-ибод мин ал-ибода» (Т.: 2003. — Б. 108.) асари икки бобдан иборат, биринчи бобда бандачиликнинг етти манзили, унинг қонунлари мухтасар таърифланади. Бу манзиллар қуйидагилар: Тавба, Зоҳидлик, Адоват ун-нафс, Муҳаббат, Қатъ ул-хаво, Қўрқув, Қурбат (Яқинлик). Иккинчи бобда айни биринчи боб манзилларидаги мавзулар такрор таҳлилга жалб этилади ва атрофлича тафсилотлар билан тўлдирилади. Биринчи бобдаги маълум мавзуга доир шарҳлар иккинчи бобда сура ва оятлар, ҳадиси шарифлар ва диний ривоятлар асосида қатъий мустаҳкамланган. Бу хил усул гоҳо биринчи бобнинг айрим манзил (иккинчи, учинчи)ларида

кўзга ташланса-да, асосан, иккинчи бобга кўпроқ хос. Қўринадики, иккинчи бобда айни биринчи боб мавзулари такрор таҳлил ва шарҳ қилиниб, ҳар икки бобнинг узвийлигини таъминлашга эришилган.

Асарнинг биринчи боби «Тавба манзили»да ушбу фикрлар изҳор этилади: «Тавба манзили — Аллоҳни изловчилар ва унга талпинувчиларнинг энг аввалги манзилидир. Бу манзилга етишиш шарафига муяссар бўлган бандалар Аллоҳнинг буйруқларига сўзсиз итоат этувчи, унинг ман этилган нарсаларидан ҳеч иккиланмай тийилувчи бўлиб қолади» (— Б. 9). Биринчи бобдаги илк манзилга доир шарҳлар иккинчи бобнинг «Биринчи манзилга оид зикр қилинганлар» қисмида давом эттирилади. Муҳими нафсга, кибру ҳавасга қарши жиҳод (кураш) ва Аллоҳга итоат замирида тавба туриши уқтирилади. Ҳаким ат-Термизий жиҳод (кураш)нинг икки — ботиний (ички) ва зоҳирий (ташқи) турига изоҳ беради, чунончи, нафсга, ҳою ҳавасга, ҳасадга қарши туриш ички (ботиний) жиҳоддир. «Душманга қарши камон, найза билан уришиб, унинг молини тортиб олиш зоҳирий жиҳоддир» (— Б. 22.). Шу муносабат билан Иброҳим (а.с.)нинг ўтга ташланиши, ўғли Исмоил (а.с.)нинг қурбонликка буюрилиши ҳодисалари эслатилади. Иброҳим Халилуллоҳ (Аллоҳнинг дўсти) тавба қилиши, нафсга эътиборсизлиги, ҳою ҳавасга лоқайдлиги, Аллоҳга итоати ва иймони бутунлиги боис Аллоҳ синовларидан муваффақиятли ўтади, чунки итоат иймонда намоён бўлади.

Биринчи бобнинг иккинчи манзилида зоҳид (парҳезкор)лик йўлига кирганларнинг одатлари шарҳланади. Зоҳид (нобоп ҳаракат ва нопок қилиқлардан тийилиш)лик йўли машаққатли йўл, уни босиб ўтиш ва забт этиш учун сабот ва собитлик талаби устувор туради, зотан «дунё шайтон тузоқлари»га (— Б. 9.) лиммо-лимдир. Аввало, банда айбу гуноҳлардан покланиши лозим, сўнг у ўзида нурни сезади ва «зоҳидлик йўлини ихтиёр қила»ди

(— Б. 9.). Аллоҳнинг содиқ ва солиҳ бандалари пайғамбару авлиёлар нечун «молу дунёдан бебахра қолганини зоҳидлик йўлига кирганлар билар» (— Б. 10.) экан. Мазкур машаққатли довонни қалб кўзи ила дунёнинг ботинига назар ташлай оладиган Аллоҳ бандалари — зоҳидлар бемалол босиб ўта оладилар. Ҳадисларда айтилишича «Бу дунё мўмин киши учун ҳибсхона ва куфр аҳли учун жаннат» (— Б. 11.). Ҳибсхонадан қутулиш мўмин банданинг асосий муроди, у бу йўлда қатор тўсиқларни енгиб ўтишга астойдил интилади. Иккинчи бобнинг «Иккинчи манзилга оид зикр қилинганлар» қисмида «дунё зебу зийнатидан юз ўгириб сабр қилган» (— Б. 26.) зоҳид табиатига тегишли беш оят ва учта ҳадис мавжуд. Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадисларида айтадилар: «Зеро умр қисқа. ...Мен дунё (бойлик) учун ва дунё (бойлик) мен учун яратилган эмас. Бу дунё (бойлик тўплаш) бамисоли ўйингоҳ (қиморхона)дир» (— Б. 27.). Сабаби аксарият оддий кишилар дунё (зебу зийнат)га маҳлиё бўлиб охиратларини унутиб қўядилар.

Биринчи бобнинг учинчи адоватун нафс(га душманлик) манзили бизга таниш: «Аллоҳнинг шундай бандалари борки, улар ушбу машаққатли довонни ошиб ўтганлар» (— Б. 12.) жумласи билан бошланади. Бу манзил бандалари нафсга қарши жиҳод қилишга буюрилганлар ва унга қарши жиддий жанг олиб борганлар. Улар нафсни енгитиб йўлида уни махсус тарбия қилишган, бу йўлда жон фидо қилганлар ва нафс ҳою ҳавасларини мағлуб этиб «шаҳвоний эҳтиросни сўндиришга муяссар бўлганлар» (— Б. 12.). Толмай қилинган жиҳод ўз самараларини беради ва нафс каби балою офат бу бандалари учун ювош ҳамда итоатгўй бўлиб қолади. Шу тариқа нафснинг молу дунё ва шаҳвоний ҳирс сингари икки жиҳатига эътибор қаратилиб, Аллоҳ бандалари уларга қарши жиҳодга даъват этилади. Ҳаким Термизий нафсга жиҳод «Бу — халқ учун

мезон. У билан одамларнинг даражаси ўлчанади... Чунки нафс Аллоҳнинг душманидир» (— Б. 13—14.), дейди. Иккинчи бобнинг «Учинчи манзилга оид зикр қилинганлар» (нафснинг душманлиги) бўлимида юқорида айтилган фикрларни далиллашга ўтилади. «Биз Қуръони каримда нафсга нисбат берилган бирорта яхши таърифни топмадик» (— Б. 28.), деган аллома шу айтилганларни «Унинг (Кобилнинг) нафси иниси (Хобил)ни қатл этиш учун унга маъқуллади» (— Б. 28.) оятини келтириш билан қувватлайди. Ҳаким Термизий нафс мавзуини назардан ўтказар экан «Қуръони каримнинг кўп оятларида нафс барча ёвузликларнинг манбаи, деб талқин қилинади» (— Б. 28), деган хулосага келади.

Тўртинчи манзил (муҳаббат манзили)да: «Аллоҳнинг шундай бандалари борки... Улар нафсни хотирдан мутлақо чиқариб, уни унутлик қаърига итқитиб юборганлар» (— Б. 14.) дейилиб, нафс(ни енгиш) мавзуи такрор баҳсга тортилади. Ҳаким Термизий нафс мавзуига қайтар экан, ҳаёт мураккабликларига диққатни қаратиб, кишиларни «Бу дунёдаги муҳтожлигу тўқинчилик, иззату хорлик, фақирлигу давлатмандлик, иссиқлигу совуқлик каби ҳаёт ташвишларига бўлган эҳтиёжларни унутиб юбор»ишга чорлайди (— Б. 14.). Нафсни жиловлай олиш Аллоҳга муҳаббат воситасида рўёбга чиқиб, шу залда «Муҳаббат улар (бундай бандалар)нинг баданини камраб ол»ади, деган хулосага келади (— Б. 15.). Муҳаббат калом, унинг ижтимоий негизи, ҳаётий ўзаги тасаввуф илмида тамоман ўзгача ифода этилади. «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асарида «муҳаббат» сўзи «ҳаббат ул-қалб» («қалбнинг бир парчаси») деган иборадан олинган дейилиб, қалбнинг «бўлса томирлар жам бўладиган макон» (— Б. 15.)лиги таъкидланади. Аллоҳ муҳаббати, Аллоҳга муҳаббат ибораларининг тағ маъноси Аллоҳга интилиш, унинг васлига илҳақликдир, бу эса Аллоҳга тақво,



Аллоҳдан кўрқиш орқали содир этилади. Иккинчи бобнинг «Тўртинчи манзилга оид зикр қилинганлар» қисми (Муҳаббат аҳли тўғриси)да худди шу мавзу чуқур тавсифланади. Аллоҳ муҳаббати (васли)га эришиш учун банда, энг аввало, покланиши лозим, покланишга эса тавба, зоҳидлик, нафсни тийиш манзилларидан ўтиш билан эришилади. Бунинг учун жиҳод лозим, «Зеро, ҳою ҳавасга қарши жиҳод қилиш, ўзликни поклаш демакдир» (— Б. 29—30.). Нафсга жиҳод бу бўлимнинг ҳам етакчи мавзуи, шунга монанд Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг бир ажойиб ҳадислари келтирилади: «Банданинг ўз нафсига қарши қилган жиҳоди энг яхши жиҳоддир» (— Б. 31.).

Бешинчи манзил (Қатъул ҳаво манзили)да ҳою ҳавас (маишат)га мойиллик доvonини ошиб ўтишнинг машаққатлари, банда ва ҳою ҳавас зиддияти нечоғлик жиддийлиги кузатилади. Бандалар (Аллоҳ қуллари) ва ҳою ҳавас (нафснинг шиддатли хоҳишлари) ўртасидаги курашда ҳою ҳавас узок муддат мутгасил бандалар устидан ғолиб келади. Зеро ҳою ҳавас ўта яшовчан, у бандаларни мағлуб этиши, уларни, шубҳасиз, маҳв этиши муқаррар. Бандалар ҳою ҳавасга қарши курашда ирода кучини ишга солиб, «ҳою ҳавасни тағ-томири билан кўпориб ташлаш»га (— Б. 15.) интиладилар. Буни амалга ошириш мушкул, ғолибликка осонгина эришиб бўлмайди, фақат Аллоҳ кўмагида, Аллоҳга илтижолар воситасида ҳою ҳавасни ўртадан итқитиш мумкин. Ҳою ҳавас мавзуи «Бешинчи манзилга оид зикр қилинганлар» сарлавҳасида иккинчи бобда давом этирилиб, биринчи қисм шу йўсин тўлдирилади. Ушбу қисмда тўрт оят, битта ривоят ва битта ҳадис билан айтилган фикрлар тасдиқланиб, тааллуқли хулосалар чиқарилади. Оятлар «Тоҳо» (иккита), «Аъло» (битта), «Тавба» (битта) сураларидан келтирилади. Банда нимадан кўрқса, Аллоҳ ўша нарсани банда устидан ғолиб қилиб қўяди. Агар Одам

боласи Аллоҳдан ўзгадан кўркмаса, Аллоҳ унга ҳеч кимни ва ҳеч нарсани ғолиб қилиб қўймайди (— Б. 35.).

Олтинчи манзил — кўркув манзилида Аллоҳ ва бандасининг сирли узоқлашувлари, яъни банданинг Аллоҳга шак келтириши, сеҳрли боғланиши, яъни банданинг Аллоҳга садоқат қилиб, ёмон йўллардан қайтиши баён этилади. Аллоҳ бандаларининг ўз раббилари Аллоҳ марҳаматини унутиб, ҳою ҳавас йўлига кириб қолишларини аллома Ҳаким Термизий «Кўркув манзили» деб атайди. Бу манзил кенг бўшлиқ, интиҳосиз денгиз бўлиб, ушбу ажал денгизининг на ҳудуди (чегараси) ва на ниҳояси бор экан, адашган бандалар кўркув денгизида сузиб ҳолдан тояр эканлар. Аллоҳ ўз бандаларига яхшиликни раво кўради, бандаларининг илтижолари, додвойлари уларни Аллоҳ лутфига сазовор этади. Бандалари Аллоҳни таниш даражасига етгач, Аллоҳнинг Олий Макони (Аллоҳ васлига етиш)да ўзлари ҳеч нарса эмасликларини билиб, қилган ҳою ҳаваслари учун изза бўлиб, хижолат чекадилар. Ҳатто бандалари эндиликда «Аллоҳдан қочиб юрган кунларини эслаб, даҳшатга туш»иб (— Б. 17), кўрқиб кетадилар, бу кўркув ва ҳадик ҳисси ҳали бандалари қалбида ҳою ҳавас тириклиги аломатидир.

«Олтинчи манзилга оид зикр қилинганлар» қисми (хашият аҳлининг манзили)да юқоридаги мавзу яна таҳлил этилади. Хашият (кўрқоқ) аҳлининг манзили, Ҳаким Термизийнинг эътирофича, Қуръони каримда тавсиф қилинган ва унинг сиру синоати тайин этилган экан. Дарҳақиқат иккинчи бобнинг олтинчи манзили бошқа қисмлардан кескин фарқ қилади, унинг асосий мағзи инсонни Аллоҳ маърифатига йўллашдан иборат. Бу хил Аллоҳга даъват, Аллоҳ мағфиратига йўллаш, Аллоҳ маърифатига тарғиб, зотан барча боб ва қисмлар учун муштарак ҳолатдир. Ана шу қисм (хашият — кўрқоқлик)да мавзу-

га оид саккиз оят ва учта нақл мисол тариқасида берилиб, айтилувчи фикр қувватланиб, тааллуқли хулосалар чиқарилади. Бу қисмда хашият ва ғашият сўзларига тафсир битилиб, «...хашият қалбнинг Аллоҳ нури билан ўраб олиними» (— Б. 36.) бўлиб, у бандаларини навбатдаги манзилга тайёрлаб боради. Ғашият бўлса, «гуноҳларнинг бир кўриниши», деган Ҳаким Термизий инсон йиғисини кўрқинч кўз ёшлари тарзида ифодалаб, уни ғашият ва қурбат билан боғлайди. Ана шу ҳолатда, аллома таъкидлаганидек, «қалбнинг юмшаши ва мушфиқлиги намоен бўлади» (— Б. 36), бу инсон томонидан Аллоҳ нурининг ғойибона тасавури ёки кўриши билан рўй беради. Сўз юритилаётган манзилда аллома чиройли ташбихлар қўллайди ва бу билан айтилувчи фикрнинг таъсирини оширишга эришади, чунончи, Аллоҳ ишқи ва нафс мавзуи шулар воситасида ечимини топади. «Нажм» сурасининг 16- ва 17-оятларида нилуфар гули ҳақида гапирилиб, нилуфарнинг ҳар бир баргида Аллоҳ ишқида қўним топган фаришталар қарғаларга ўхшатилади. Ёки Аллоҳдан кўрқиш, умуман, кўрқмоқлик инсондаги титраш ва ёнишнинг сабабчиси бўлиб, титроқ инсон қалбининг Аллоҳдан кўрқиши туфайли содир бўлади. Ёниш эса, яъни инсон қалбининг Аллоҳ зикрида аланга олиши нафсни хотирга туширишдан ҳосил бўлар экан, қалб шунда хурмо баргидек ёнади. «Агар у (яъни, банда) нафсини унутса, титроқ йўқолади ва у (яъни Аллоҳ қули) дуо ҳаловатини хис этади» (— Б. 36—37.), буларга Қуръони каримдан талай мисоллар келтирилади. Қуръони карим оятлари билан бирга, айтилган фикрларнинг тасдиғи учун Молик ибн Дийнор, Саид ибн Жубайр ва Умм ад-Дардо сўзларининг келтирилиши анча эътиборлидир. Хуллас, ўз нафсидан юз ўгирган банда Аллоҳ зикрига ўтади ва кўнгли таскин топиб, хотиржамликка эришади, чунки банда буларга Аллоҳга содиқлиги натижасида етишади.

Еттинчи манзил — бу Қурбат (яқинлик) манзилдир, бу манзилга бандалари энг оғир синовлар бадалига восил бўлади. Бандалар «...хою хавас жабридан кутулиш учун» (— Б. 17.) Аллоҳдан мадад сўраш ва Аллоҳга ихлос билан юзланишлари лозим. Демак, хою хавас (нафс шиддати)ни унутган, «нафсоний шаҳватларини чилпарчин қил»ган (— Б. 18.) бандалари Аллоҳ васлига муносиб топилиб, қурбат манзилдан мустаҳкам мақом эгаллайдилар. Боб ушбу сўзлар билан поёнига етади: «Ҳидоят (тўғри сўз), тавфиқ (мадад), қўрқув ва қувват — барчаси улуғ Аллоҳдандир» (— Б. 19.). «Еттинчи манзилга оид зикр қилинган»лар қурбат аҳлининг манзили қисми (иккинчи боб)да мавзу давом эттирилиб, «Ушбу манзил хою хавасни занжирбанд этган ва ундан ҳазар қилган бандаларнинг манзилидир» (— Б. 37.), дейилади. Бу қисмда нафс ва дунё бойликларига хирс қўйишдек ёмон нуқсонлар танқид қилиниб, «Дунё (бойлик) севгиси — аччиқ сув, нафс (хою хавас) севгиси — шўр сув...» (— Б. 38.) дея салбий ифодадан истифода этилади. Ҳаким Термизий хою хавас, шаҳвоний ҳиссиёт, нафсга асирлик иллатларини бандаларининг ожизлигидан излайди. Аллома Аллоҳ бандаларини уч тоифага тақсимлайди, яъни: Аллоҳ маҳбуслари — мўминлар, шаҳват маҳбуслари — фосиқлар, шайтон маҳбуслари — кофирлар.

«Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асарида Аллоҳ бандаларининг етти маънавий манзиллари хусусида сўз юритилади. Ҳар бир манзилнинг асл хусусиятлари, уларнинг талаблари, мақоми ва мавқеи баён этилиб, ўзига хос хулосалар ясалади. Барча манзилларни ишғол этиш учун нафс ҳукмронлигини енгиш зарур, зотан нафс балоси кўзни қўр, кулоқни қар қилади, нафсга қарши жиҳод қалб кўзини равшан қилади. Кўринадики, асар умрбоқий мавзуда сўз юритилгани билан кишини бефарқ қолдирмайди, балки теран мушоҳадага етаклайди. Асар-

нинг қиммати шундаки, биринчи навбатда, Аллоҳга ихлосни, эътиқодни, итоатни, иймонни, сўнг илмга амал қилишни тарғибу ташвиқ этади. Ушбу китоб бизни асрлар давомида шаклланган исломий маънавиятимизнинг теран томирларини тушунишга чорлайди, уларни англашга даъват этади, ёш авлодни камолот сари етаклайди.

Асарда ривоят қилинган ҳадисларни айтган ровийларнинг исми шарифлари ҳам эътиборлидир, боиси уларни билиб қўйиш фойдадан холи эмас. Ровийларнинг исми шарифларини билиш, қадим маънавиятимиз дарғаларининг ибратли ҳаёт йўлига бир назар ташлаш бўлса, исломий тарихимизнинг зарварақларини фаҳмлашда қўл келишини зинҳор унутмаслик лозим. Яна бир илова, аллома ушбу рисоласининг бир ўрини (– Б. 12.)да ўз ижод бисотига тааллуқли китобларидан «Ғавр ул-умур» (Ишларнинг асоси)ни эслатади, истеъдодли исломшунос олим И. Усмонов тадқиқотларида бу асарнинг уч қўлёзма нусхаси мавжудлиги ҳақида маълумот берганди<sup>1</sup>.

«Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асарида зикри-ни топган ҳадис ровийлари: Абу Бакр ас-Сиддик (572–634), Умар ибн ал-Ҳаттоб (582–644), Усмон ибн Аффон (576–655), Али ибн Абу Толиб (598–661), Абу Хурайра, Салмон Форсий, ал-Муставрид ибн Шаддод ал-Қураший (саҳобий), Абу Саид ал-Худрий, Абу Молик ал-Ашъарий, ал-Ҳасан ал-Басрий, Абу Дардо, Ан-Назр ибн Арабий, Омир ибн Абди Қайс (замонасининг йирик зоҳидларидан), Абдуллоҳ ибн Умар, Молик ибн Дийнор, Саид ибн Жубайр, Умм ад-Дардо, Нуъмон Башир, Саҳл ибн Саъд, Анас ибн Молик, ал-Аъмаш ал-Коҳилий, Саҳл ибн Салим.

<sup>1</sup> Усмонов Иброҳимжон. «Наводир ал-усул» хикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 154.

## «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» ҳикматлари

- Улуғ ва буюк Аллоҳнинг қудратига тенг келадиган куч ва қувват йўқ (— Б. 7).
- Савоб шундай амалки, уни бажарганингда қалбингда хузур-халоват, ором ва таскинлик пайдо бўлади (— Б. 9.).
- Тавба қилувчилар ўзларини барча гуноҳлардан пок қилиб, Аллоҳ муҳаббатига сазовор бўладилар (— Б. 9.).
- Дунё шайтон тузоқларидан иборат (— Б. 9.).
- Дунё (бойлик) Аллоҳ ҳузурда қадр жиҳатдан ҳеч нарса эмас (— Б. 10.).
- Дарҳақиқат, нафс на хотиржамликни, на ҳаётни, на ғурурни ва на ҳаловатни билади. У худди бамисоли молга ўхшайди (— Б. 12.).
- Ким дунё (бойлик)ни севса, дунё уни кўр ва кар қилиб қўяди (— Б. 13.).
- Нафс эса Аллоҳга зид... (— Б. 13.).
- Ким нафсни севса, нафс уни Аллоҳга нисбатан кўр ва кар қилиб қўяди (— Б. 13.).
- Ким Аллоҳни севса, Аллоҳ уни нафсга нисбатан кўр ва кар қилиб қўяди (— Б. 13.).
- Чунки нафс Аллоҳнинг душманидир (— Б. 14.).
- Ҳаёт — Аллоҳга илтижо ва муножот қилиш, охират — Аллоҳнинг мағфиратига сазовор бўлиш, жаннат — Аллоҳни зиёрат қилиш учун керак (— Б. 15.).
- Савоб — денгиздир. Бу денгизнинг на ниҳояси ва на чиқадиган жойи бор (— Б. 15.).
- Ҳою ҳавас (нафс шиддати) ундан (яъни, шайтондан) кўра ҳам хатарлироқ ва ҳокимлиги кучлироқдир (— Б. 16.).
- Иблис маърифат денгизида Аллоҳ хибсхонасида занжирбанд этиб қўйилган бўлса ҳам, модомики у тирик экан, қалб ва нафсни ёмонликлар билан тўлдириб ташламаслигига асло қафолат йўқ (— Б. 16.).

— Аллоҳнинг авлиёлари ернинг таянчидир (— Б. 19.).

— Ҳидоят (тўғри йўл кўрсатиш), тавфиқ (мадад бериш), кўрқув (Худодан кўрқиш) ва қувват — барчаси улуғ Аллоҳдандир (— Б. 19.).

— Аллоҳ тавба учун (инсонга) нажотни ваъда қилган (— Б. 20.).

— Нафс, хою ҳавас билан курашиш ботиний жиходдир (— Б. 22.).

— Агар Иброҳим алайҳиссалом нафсини ўйлаганда эди, Аллоҳ буйруғини бажаришдан ожизлик қилган бўлар эди (— Б. 24.).

— Биз Қуръони каримда нафсга нисбат берилган яхши таърифни бошқа манбадан топмадик (— Б. 27.).

— Қуръони каримнинг кўп оятларида нафс барча ёвузликларнинг манбаи, — деб талқин қилинади (— Б. 28.).

— Хою ҳавас (нафс шиддати)га қарши жиход қилиш ўзликни поклаш демакдир (— Б. 30.).

— Кимки Аллоҳ фарзларини, Унинг кўрсатмаларини бажарса ва гуноҳ қилишдан ўзини тийса, Аллоҳ уни ҳисоб-китобсиз жаннатга киргизади (— Б. 32.).

— Мўмин банда иймоннинг ҳақиқийлиги билан мўмин деган сифатга лойиқ (— Б. 43.).

### «Манозил ул-ибод мин ал-ибода»дан ҳадислар

— Савоб шундай амалки, уни бажарганингда қалбингда ҳузур-халоват, ором ва таскинлик пайдо бўлади. Гуноҳ шундай амалки, уни қилганингда кўнглингда ҳадик, иккиланиш ва афсусу надомат туйғуси пайдо бўлади (— Б. 9.).

\* \* \*

— Бу дунё мўмин (иймонли) киши учун хибсона ва куфр аҳли (иймонсизлар) учун жаннатдир.

Маҳбусларнинг мақсади хибсхонадан қутулишдир  
(— Б. 11.).

\* \* \*

Абу ад-Дардо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар:

— Бирор нарсага бўлган муҳаббатинг сени кўр ва кар қилиб қўяди (— Б. 13.).

Абу Хурайра Пайғамбаримиз (а.с.)дан ушбу ҳадисни ривоят қилган:

— Банда гуноҳ қилса, унинг қалбида қора доғ пайдо бўлади. Агар у гуноҳдан қайтиб тавба қилса, унинг қалби доғдан фориғ бўлади (— Б. 25.).

\* \* \*

Салмон Форсий нақл қиладилар:

— Ул зот биз билан ахдлаша туриб дедилар: «Бир отлик сафарга чиқиб, бир жойга кўнибди, отини ўтлатибди ва ўзи ҳам еб-ичиб олибди. У йўлида давом этиб яна бир манзилга тушибди, отини ўтлатибди ва ўзи ҳам қорнини тўйғазиб олибди. У яна йўлда давом этибди, манзилга етгунча сафарга олган йўл озукаси тугабди. Сизнинг дунёдан оладиган нарсангиз ҳам ушбу отликнинг йўл озукаси каби бўлсин» (— Б. 26—27.).

\* \* \*

Ал-Муставрид ибн Шаддод ал-Қураший (саҳоба) Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан қуйидаги ҳадисни эшитганини ривоят қилган:

— Бу дунё бойликлари охират неъматларига нисбатан денгизга тиқиб олинган бармоққа илашиб чиққан нарса кабидир (— Б. 27.).

\* \* \*

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан Абу Саид ал-Худрий шундай ҳадис ривоят қилади:

— ...Умр жуда қисқа. Мен дунё учун ва дунё мен учун яратилган эмас. Бу дунё бамисоли ўйингоҳ (— Б. 27.).





\* \* \*

Абу Молик ал-Ашъарий Пайғамбаримиз алайҳис-саломдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилади. Онҳазрат демишлар: Бир одам (ноҳақ) сени ўлдириб қўйса ва шу туфайли Аллоҳ сени жаннатга дохил қилса, билки, у қотил сенинг душманинг эмас. Душманингнинг душмани, аввало, сени нафсинг, сўнгра пушти камарингдан бўлган фарзандинг, сўнгра ёстикдош хотининг ва сўнгра қўл остингдаги молу дунёингдир (— Б. 28.).

\* \* \*

Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анҳу ушбу ҳадисни нақл қиладилар:

— Аллоҳ учун нафсини ғазабдан тийган бандани қиёмат куни Аллоҳ уни ўз ғазабидан омон сақлайди (— Б. 28.).

\* \* \*

Ал-Ҳасан ал-Басрий ривоят қиладиларки, бир куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобаларга шундай дедилар:

— Фараз қилинги, сизнинг бир биродарингиз бор. Уни меҳмон қилдингиз, тўйдирдингиз, чанқоғини қондирдингиз, кийим-кечак билан сийладингиз. У эса сизни ёмон йўлга бошлади. Бу биродарингиз ҳақида нима деган бўлардингиз? — деб сўрадилар. Саҳобалар бир овоздан:

— У ер юзидаги энг ёмон одам, — дедилар. Шунда Пайғамбаримиз (а.с.) дедилар: «Менинг жоним қўлида бўлган Зот — Аллоҳга қасамки, мазкур одам ичингиздаги нафсингиздир» (— Б. 28—29).

\* \* \*

— Жиходнинг қайси бири яхшироқ, деб Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўрадилар. У зот жавоб бердилар:

— Банданинг ўз нафсига қарши қилган жиходи энг яхши жиходдир. Шундан сўнг «Аллоҳнинг йўлида одамларни эзгуликка буюриш ва ёвузликдан

қайтариш — камолотдир», деб қўшиб қўйдилар. Бу ҳадисни Абу Дардо ривоят қилган (— Б. 31.).

\* \* \*

Пайгамбаримиз алайҳиссалом:

— Банда учун мустаҳкам иймондан кўра яхшироқ неъмат йўқ, — деганлар (— Б. 39.).

### «Манозил ул-ибод мин ал-ибода»дан ривоятлар

... Омир ибн Қайс деди:

— Дунёда одамлар хаётини тўрт нарсага боғлиқлигини кўрдим: аёл, либос, таом ва уйқу. Мен аёлга жуда бепарвоман. Хотиним билан бирга ётганимда, аёл нимаю девор нима, менга барибир. Либос эса авратимни беркитишга етса, кифоя. Аммо таом билан уйқуга ғолиб келолмадим. Қанча куч сарф қилсам ҳам уларни енга олмадим (— Б. 33.).

\* \* \*

Омир ибн Қайсга дедилар:

— Ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳу (учинчи халифа) шаҳид бўлдилар. Сиз Басрадаги аскарларингиз ва иниларингиз олдига қайтмайсизми?

— Агар ўз нафсимни қондириш мақсадида хою ҳавас сафарига отланиш ниятим бўлганида эди, албатта, қайтган бўлар эдим. Мен Басрада Аллоҳ йўлида бирга улфатлашган, суҳбатлашган ва сувсизлик машаққатларини бирга бошдан кечирган биродарларимни кўришдан умидворман.

Омир ибн Қайс сўзларининг ниҳоясида:

— Ҳар қандай нарсагаки, кўзим тушса, Аллоҳни ундан кўра ўзимга яқинроқ деб билдим, — дедилар (— Б. 33.).

\* \* \*

... Абдуллоҳ ибн Умардан хикоя қиладиларки, у зот бир куни сафарга чиқибдилар ва йўлда тўпланиб

турган одамларга дуч келиб, улардан: «Нима гап ўзи?» — деб сўрабдилар. Улар бир йўлбарс йўлни тўсиб олганини айтишибди. Шунда Абдуллоҳ ибн Умар тикка йўлбарсга қараб юрибдилар. Йўлбарс кўрқиб кетганидан кўллари титраб, дарҳол йўлни бўшатиб берибди. Шунда у зот: «Расулуллоҳ (с.а.в.) қуйидаги ҳадисни айтганларида қандай ҳам ростгўй бўлган эканлар», деб ушбу ҳадисни айтиб берибдилар:

— Банда нимадан кўрқса Аллоҳ ўша нарсани банда устидан ғолиб қилиб қўяди. Агар Одам боласи Аллоҳдан ўзгандан кўрқмаса, Аллоҳ унга ҳеч кимни ва ҳеч нарсани ғолиб қилиб қўймайди. Одатан, Одам боласи умид қилиб ўз тақдирини Аллоҳгагина топшириб қўйса, Аллоҳ унинг тақдирини ўзидан бошқага асло топшириб қўймайди (— Б.35.).

\* \* \*

Ал-Аъмаш ал-Коҳилий шундай ҳикоя қилади:

«Бир куни Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) ҳузурларига бир киши келиб: «Али менинг бошимни ёриб қўйди», — деди. Ҳазрат Умар Алига:

— Нега унинг бошини ёриб қўйдинг? — дедилар. Ҳазрат Али карамаллоҳу важҳаҳу:

— Мен унинг ёнидан ўтиб кетаётган эдим. Бир хотин билан жанжаллашаётган экан. Унинг гапларига кулоқ солдим. Ундан шундай ёмон сўзларни эшитдимки, чидаб туролмадим, — деб жавоб бердилар.

Ҳазрат Умар (р.а.) атрофдагиларга қараб дедилар:

— Билиб қўйинглarki, Ер юзида Аллоҳнинг кўзлари — зимдан кузатиб турувчилари бор. Али улардан биридир (— Б. 41.).

(Ҳаким ат-Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода. Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. — Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. — Б. 108.)



## Учинчи боб

### Алломалар Ҳаким ат-Термизий асарлари ҳақида

#### ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ РИВОЯТЛАР

##### Алломалар Ҳаким ат-Термизий ҳақида

1. «Муҳаммад тариқат илмида ягона дурдир, бутун оламда унинг тенги йўқдир». **Абулфазл Ҳасан Хатлий (XI аср).**

Изоҳ: Абулфазл бинни Ҳасан аслида «Кашф ул-маҳжуб» асари муаллифи Хужвирийнинг устози (пири)дир.

2. «Шайх Муҳаммад Али Ҳаким Термизий Аллоҳнинг муқаддас ва эъзозли махрамидир, у илму фанда комил, шариату тариқатда ягонадир, у авлиёларнинг ҳакими (донишманди)дир. У суннат бўлиғи, миллат улуғи, авлиёларнинг қутлуғи, сўфийларнинг ягонасидир». **Фаридиддин Аттор (1145—1221).**

3. «Ҳаким Термизий — авлиёларнинг бошланиши, пайғамбарларнинг охиридир». **Шайх Абдулмакорим Рукнуддин Алоуддавла Симноний (1258—1335).** Бу хусусда қаранг: Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат». — Б. 309.).

4. «Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким Али Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар». **Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389).** Изоҳ: бесифат сўзи беқиёс маъносини беради. (Манба: Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. — Тошкент: Ёзувчи, 1993. — Б. 32.).

## РИВОЯТЛАР

### Термиз шахрининг пайдо бўлиши

Айтишларича, Термиз шахрининг пайдо бўлиши ал-Ҳаким ат-Термизий номи билан боғлиқ эмиш. Ҳаким ота-онаси билан Жайхун бўйида истиқомат қиларкан. Отаси дарёга тўр ташлаб, балиқ овлар, ўн яшар Ҳакимбек эса дала-даштдан ўтин териб келар, онаси уларга овқат тайёрлар экан.

Кунлардан бир куни Ҳакимбек бир боғ ўтинни орқалаб келаётиб, оппоқ соқолли нуруний чолга дуч келибди. Бола ўтинни ерга қўйиб, нуруний чол билан қўл олишиб кўришибди. Ўша заҳотиёк болада ғойибдан илму қудрат зоҳир бўлиб, кароматли одамга айланиб қолибди. Ўн яшар боланинг жуда ўтқир мулла бўлиб қолганлиги эл-юртга овоза бўлиб кетибди. Ён-атрофдаги эллардан пирни зиёрат қилиш учун келаётган одамлар оқимининг кети узилмабди. Улардан айримлари пирга қўл бериб, мурид бўлиб, унинг хизматини қилиш учун шу ерда қолиб кетибди. Аста-секин Ҳакимбекнинг уйи атрофига иморатлар қурилиб, катта қишлоқ пайдо бўлибди. Ҳакимбек ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган вақтда ҳам Ҳақ сўзини тилидан ташламас, куни бўйи тоат-ибодатдан бўшамас экан.

Бир куни уларнинг юртига душман бостириб келибди. Ёшу қари, хотин-халаж демай барини битта қўймай қиличдан ўтказибди. Ўша пайтда Ҳаким масжидда Қуръон тиловат қилиб ўтирган экан, душман сарбозлари масжидга бостириб кириб, алломпинг бошини танидан жудо қилибдилар. Унинг жонсиз танаси жойнамоз устига тушиб йиқилибди. Ал-Ҳакимнинг шогирдлари, ихлосмандлари йиғилишиб, унинг жасадини ювиб-гараб, кафанлаб кўмибдилар, мозори устига тошлардан сағана ясаб, унинг атрофида фарёд уриб йиғлабдилар. Шу пайт сағана ичидан авлиёнинг: «Тирикмиз!», яъни тиримиз, ти-

римиз деган овози келибди. Ўшандан буён шаҳар номи Тирмиз бўлиб қолган экан. (Ипак йўли афсоналари. — Б. 66—67.) Худди шу ривоят Ш. Сафаров (Термиз ва термизийлар. — Б. 69—70.) ва Ж. Омонтурдиев (Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. — Б. 7—8.)лар томонидан ҳам келтирилади.

## ПАЙҒАМБАР ОРОЛИ

Қадим замонларда Калиф деган жойда улуг авлиё-анбиёлардан бири яшаган экан. У фоний дунё чимматини юзига тортишдан аввал ўзининг барча муриду шогирдларини ёнига чақириб:

— Мен яқинда бу дунёни тарк этаман. Вафотимдан сўнг жасадимни ёғоч сандиққа солиб, Жайхун тўлқинларига ташланглар, — деб васият қилибди.

Авлиёнинг амри ва васияти вожиб. У ўлгандан кейин муридлари ва шогирдлари авлиё жасадини ўзи айтганидай қилиб, ёғоч сандиққа солиб, тўлқинлари қирғоққа урилиб оқаётган дарёга ташлабдилар. Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлаб қолибди, сандиқ оқим бўйлаб эмас, балки оқимга қарши суза бошлабди. Шунда дарёнинг икки бетида маросимни кузатиб турган оломон айюҳаннос солиб, сандиқ изидан кўтарила бошлабди. «Авлиёни ранжитибмиз, бу иш биздан лозим эмас эди!» — деб юзини тимдалаган қанча, сочини юлганнинг сон-саноғи йўқ. Сандиқ Жайхуннинг асов тўлқинлари билан курашиб, оқимни ёриб ўтганча сузаверибди, халойиқ ҳам унга эргашиб бораверибди. Ва ниҳоят Термиз рўпарасига етгач, сандиқ тўхтабди. Авлиё жасади солинган сандиқнинг ногаҳон тўхтаганини кўрган халойиқ ҳам бирор мўъжиза рўй берадигандай тақатқ тўхтабди. Шу пайт сандиқнинг қопқоғи очилиб, ундан авлиёнинг боши кўринибди. Авлиё қирғоқда лол бўлиб турган халойиққа мурожаат қилиб:

— Бу ёғида Термиз ота (яъни, Ҳаким Термизий) ётибдилар. У кишининг устиларидан ҳатлаб

Ўтишга ҳаддим йўқ. Шу ерга, у кишининг пойи му-  
боракларига етилиш орзуим эди, Худога минг қатла  
шукурки, ниятимга етдим! — дебди. Шу пайт сандиқ  
қопқоғи ёпилибди. Ўша заҳотиёқ сандиқ тагидан  
орол қалқиб чиқа бошлабди. Бу муъжизани куза-  
тиб турган оломон уни Пайғамбар ороли деб атай  
бошлабди (Ипак йўли афсоналари. — Тошкент: Фан,  
1993. — Б. 104—105. Бу ривоят Менгзиё Сафаров-  
нинг «Пайғамбар ороли» асаида ҳам келтирилган).

## АЛЛОМА АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

*«Банда қисматдан эмас,  
ўзининг ёмон нафсидан  
ўткалаши лозим».*

Ҳаким ат-Термизий

### «НАВРЎЗНОМА»

#### Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ситоиши беқиёс (ҳисобсиз мақтовлар) собит  
бўлсин Парвардигори оламгаки, ўн саккиз минг  
оламни йўқликдин борликга мубаддал қилди (айлан-  
тирди) ва тамоми ҳиммати бирлан оламни гулистон  
қилди. Дуруди беадад (сон-саноксиз дуолар) но-  
зил бўлсин унинг Расулигаки, бизларни роҳи-ростга  
(тўғри йўлга) ҳидоят қилдилар (йўлладилар) ва  
жамии асҳоблари (дўстлари)гаким, фидо қилдилар  
мол-жонларини тақвияти динга (динни кучайтириш-  
га), ризвонуллоҳу таоло алайҳим ажмаин (уларнинг  
барчасига Аллоҳнинг ризолиги бўлсин!).

Нақл қилибдурларким, бир замонда бир ҳаким  
бор эрди, уни номини Хожа Али Ҳаким Термизий  
дер эрдилар. Аллоҳу таоло анга бир юз йигирма  
йил умр бериб эрди. Олим, фозил ва муттақий  
(художўй) эрдилар. Илми ҳикматда ниҳоят дара-  
жада комил ва жамии фунун (фан)ларда вофир

(комил) эрди. Кўп йиллар умр кўруб, вужудоти ихтилоф (низо, зиддият) замонларни кўп кўруб тўрт фасл йилларидан кўп тажриба қилган эрди, ҳаттоки ўз замонидаги подшоҳ ва деҳқонлар ҳар иш қилсалар ва ҳар нарса эксалар, ушбу ҳакимни маслаҳатига мувофиқ қилиб (иш) қилсалар ва эксалар кўп фойда ва манфаат топар эрдилар.

Шул жиҳатдин подшоҳи замон ул ҳакимга кўп гамаллуқ қилиб (илтижо қилиб) буюрдиким: «Сиз бизларга бир рисола жам қилиб берсангиз, ўзингизда ниҳоят даражада тажриба бўлган умури заруриёт (зарурий иш)ларни ёзиб берсангиз, токи ғоибона ва ҳозирона (ғойибда ҳам, юзма-юз ҳолда ҳам), ҳаттоки қиёматгача сиздан ёдгор бўлиб, жамии ўқиган ва эшитган одамларга нафъи омм (тўлиқ фойда) бўлиб, садакаи жория бўлса», — деб илтимос қилди.

Подшоҳнинг амрига фармондорлик қилиб (қулоқ солиб) ушбу фойдани ўз забони бирлан тақрир (баён) қилди. Айтдиларки, Аллоҳу таоло менга юз йигирма йил умр берди, аксарини (кўпини) илми нужум (астрономия) ва ҳикмат (фалсафа)га сарф этдим, ихтилофи замон (замон ўзгариши) ва мурури айёмдин (кунларнинг ўтишидан) кўп тажрибалар ҳосил қилдим. Ҳаракати афлок (осмон) ва кавокиб (юлдузлар), сайёра ва нужум (ёриткич)ларни ҳар қайсисини тулуъ (чиқиш) вақтининг ва ғуруб (ботиш) вақтининг қайси фалақда турар ва қайси буржда ва қайси вақтда чиқиб ва қайси вақтда ғуруб қилиб (ботиб) ва қайси нарсага далолат қилур, қайси нарсани тарбият қилур ва қайси нарсага саъд (яхши) ва қайси нарсага наҳс (ёмон) бўлуруни хўб (яхши) тажриба қилдим. Ва кўп машаққатлар тортиб Наврўзи Олам янги бўлиши бирлан шул йил ичинда бўладирган нарсаларнинг аломатларидин фаҳм қилиб, аҳволлардин хабар берур эрдим, то илми нужумни бир ҳафтага келтурдим ва ҳар рўз (кун)ни аҳволи нечук бўлуруни топтим ва тажриба қилиб, ушбу нусха (китоб)ни ёздим. Токи мусул-



монлар наф олсунлар, хусусан, деҳқонлар киштикор (экин)ларни шунга қараб эксалар, биладурларки, бу йил қайси экин яхши бўлур ва қайси экинлар қиммат ва қайси ғаллалари арзон бўлур, шунга қараб амал қиладурлар.

Ва аҳволи кўҳ (тоғ) ва дашт ва аҳволи подшоҳ ва фуқаролар ва савдогар ва ханнот (дон олиб сотувчи савдогар) ва чорпо (ҳайвон)ларни аҳволи йилни аввалинда ва автасинда (ўртасида) ва охиринада нечук бўлурни аз рўйи тажриба (юзасидан) ёздим, токи ҳар ким ўқиса тақвимга мухтож бўлмас, ва ҳарчанд (қанча) замон ўтса ҳам бу нусха мансух (эски) бўлмас. Валлоху аълам биссаваб (Аллох тўғрилики билувчидир).

Агар **Наврўзи Олам якшанба куни** дохил бўлса (кирса), Шамс (Қуёш)га тааллуқли бўлур. Ул сол (йил) неъматлар кўп бўлиб, тўқлик бўлгай, фитна ва ёмонлиқ оз бўлгай, ғўзаларга яхши бўлгай, тоғлардаги полизлар ва экинлар яхши бўлгай ва деҳқонларнинг экинлари биткай. Йилнинг аввалинда арзони (арзончилик) бўлгай, охиринада андак қиммати (қимматчилик) бўлгай, аммо тез ўтгай. Халқ орасида муҳолифатчилик (қарама-қаршилиқ) бисёр бўлгай. Халойиқ орасида вабо бўлгай. Ва машриқ тарафидин андак фитна ва хавфи хунрези (қон тўкиш) бўлгай ва оғирлик охири бахайр бўлгай. Экинларни эртароқ эқмоқ керак. Валлоху аълам биссаваб.

Агар **Наврўзи Олам душанба куни** дохил бўлса, Қамар (ой)га тааллуқли бўлгай. Ул йил тўқлик бўлгай, неъматлар кўп бўлгай, ёмғир кўп ёқгай. Подшоҳларга андак хавфлик бўлгай ва баъзи савдогарлар ҳоли заиф бўлгай. Ғўза экин яхши бўлгай. Кунжут, тариқ қўноқ миёна (ўртача) бўлгай, қорёмғир йилнинг аввалинда бўлгай. Тоғларда ва Ироқда зилзила бўлгай. Ва баъзи полизларга офат етгай ва баъзига давлат бўлур. Аммо буғдой ширин бўлур, тез ўтгай, савдогарлик баста (ёмон) бўлгай.

Бу йил заифларнинг аҳволи хўб бўлгай. Аммо катталарга бисёр мансабдорлик бўлгайлар. Валлоҳу аълам биссаваб.

Агар **Наврӯзи Олам сешанба куни** дохил бўлса, Миррих (Марс)га тааллуқли бўлур. Ул йил фарах (шодлик)лик бўлгай ва кундан-кун таомлар кўп бўлгай, чаҳорполар (хайвонлар)га маъмурчилик бўлгай. Аммо одамлар орасида жанжал кўп бўлгай. Машриқ тарафнинг подшоҳига ташвиш кўп етқай. Ул йил экинларни эрта экса, яхши бўлгай, кечига офат текгай ва мевалар оз бўлгай. Йил охирида сел кўп бўлгай, ул йил ёмғир кам бўлгай. Бу йилда ҳам неъмат кўп бўлгай ва нархлар арзон бўлган ва гиёҳлар бисёр бўлгай. Аммо бу йилда узум кўп бўлгай ва заифларнинг аҳволи танг бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

Агар **Наврӯзи Олам чаҳоршанба (чоршанба) куни** дохил бўлса, Аторуд (Меркурий)га тааллуқли бўлгай. Ул йил қаҳатчилик бўлгай, қон тўкмоқ ва фитна-фасод кўп бўлгай. Аммо тезлик бирлан бартараф бўлгай. Ул йил полизлар кўп яхши бўлгай, аммо Хуросон тарафида арпа, буғдой қиммат бўлгай, мош, ловия, тарик, қўноқлар кўп бўлгай. Ул йил йилон, чиён, қуртлар кўп бўлгай. Ўлим заифларга ва ёш болаларга кўп бўлгай, аммо савдогарчилик кўп яхши бўлгай. Аммо халойиқлар орасида кўз офриғи кўп бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

Агар **Наврӯзи Олам панжшанба (пайшанба) куни** дохил бўлса, Муштарий (Юпитер)га тааллуқли бўлгай. Ул йил баъзи жойларда неъматлар кўп бўлуб ва баъзи жойларда оз бўлгай. Ёмғирлар ўз вақтида ёқгай, қор-ёмғир кўп бўлгай. Подшоҳлар ҳоллари яхши бўлгай ва ҳамма хунаrpеша (хунаpманд)лар касбларидин хурсанд бўлгайлар. Ва дарёлардаги киштилар (кемалар)га саломатлик бўлгай, лекин халойиқлар орасида ёлғон сўз кўп бўлгай, беморлик кўп бўлгай, савдогарлик яхши бўлгай. Ул йил сипоҳ (лашкар)ларнинг аҳволи хўб бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

Агар **Наврӯзи олам жума куни** дохил бўлса, Зухра (Венера)га тааллуқли бўлгай. Ул йил фароҳ (шод)лик ва фаровонлик бўлгай. Ёмғир кўп ёқгай, совуқ қаттиқ, қиш узун, йил охирида андак қиммат(чилик) бўлгай. Галла сақламоқ керак, бозургонлик савдогарчилик кўп яхши бўлгай ва кечки (зироат)га офат етгай. Ул йилда нархлар арзон бўлгай, неъмат фароҳ (кўп) бўлгай, зироатлар хўб бўлгай. Кунжут миёна (ўртача) бўлгай. Сипоҳ (лашкар)ларнинг холи забун (оғир) бўлгай. Валлоху аълам биссаваб.

Агар **Наврӯзи олам шанба куни** дохил бўлса, Зуҳал (Сатурн)га тааллуқлидур. У йил баъзи шаҳарларда қаҳатчилик бўлгай, ёмғир кўп ёқгай, хунрезлик (қон тўкишлик) ҳам кўп бўлгай. Жануб соридин (томондин) лашкар пайдо бўлур, уруш ва суқуш, ўғри ва қароқчи кўп бўлгай, фитна ва ёлғон фош бўлгай. Кузги экинлар яхши бўлгай ва мевалар камроқ бўлгай, йил охирида совуқ қаттиқ бўлгай, қиши узоқ бўлгай. Валлоху аълам биссаваб.

\* \* \*

«Наврӯзнама»нинг форс тилидаги Туркиянинг Сулаймония шаҳридаги Асирафанди кутубхонаси, 1430 рақамли нусхаси билан ўзбек тилидаги нашр нусхасини ўзаро солиштирганимизда матнда фарқлар борлиги кузатилди. Сулаймония нусхаси қуйидагича бошланади: Рисолаи фи баёни аҳкоми наврӯз. Чунин гўяд Хожа Абулқосим Муҳаммад бин Али Ҳаким Тармадий қаддасаллоху руҳаху ки Худой азза-жалла маро саду бисту панж сол умр дод... Оғози китоб, чун наврӯз якшанба бошад он рӯз Офтобро бувад, он сол фароҳи бошад ва дар миёни мардумон фитна камтар бувад. Панбазорхо бехтар бувад ва полизҳои куҳиро равож бувад ва киштҳо чунон ки намоя наёяд ва ба охири сол танги бувад ва зуд бигузарад ва марг андак бувад.

Мазмуни:

Наврӯз аҳкоми баёни рисоласи. Хожа Абулқосим Муҳаммад бин Али Ҳаким Тармадий, Аллоҳ таоло унинг руҳини муқаддас қилсин, шундай дейди: менга қудратли ва улуғ Аллоҳ бир юз йигирма беш йил умр берди... Китобнинг бошланиши, агар наврӯз якшанба куни кирса, у Офтоб (Қуёш)га тааллуқли бўлади, йил фаровон келади ва одамлар ўртасида фитна кам бўлади. Пахта ҳосили яхши бўлади, тоғ этакларидаги полизлар ривож топади, экинзорлар бошқа йилларга нисбатан зўр бўлади ва йил охирида озгина танглик бўлади, лекин тез ўтиб кетади, ўлим кам бўлади (Матндаги якшанба кун билан ушбу матн солиштирилса, катта фарқ борлиги сезилади. Демак, келажакда «Наврӯзнама»нинг форсий ва туркий матнларини ўзаро қиёсий текшириш талаб этилади).

**Изоҳ:** Қадим Шарқда ҳафта шанбадан бошланган ва шанба ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланган, пайшанба ҳафтанинг охири ва жума дам олиш куни бўлган. «Наврӯзнама»даги шарҳлар якшанба, яъни ҳафтанинг иккинчи (ҳозирда дам олиш) кунидан бошланади ва шу кун Шамс (Қуёш)га тааллуқли дейилади, ўтмишда кунлар маълум сайёра номи билан аталган. Уларнинг, яъни ҳар бир сайёра (планета) нинг ўз ранги бўлган, чунончи қора — Зухал (Сатурн) — шанба, сариқ — Қуёш — якшанба, яшил — Ой — душанба, қизил — Миррих (Марс) — сешанба, кўк — Аторуд (Меркурий) — чоршанба, жигарранг — Муштарий (Юпитер) — пайшанба, ниҳоят оқ — Зухра (Венера) — жума. Алкимё назарияси сайёраларни куйидагича талқин этади: Зухал (Сатурн) — қўрғошин, Қуёш — олтин, Ой — кумуш, Миррих (Марс) — темир, Аторуд (Меркурий) — симоб, Муштарий (Юпитер) — қалай, Зухра (Венера) — мис. Шунингдек, Зухал — бахт-толе белгиси, Қуёш — олов ва адолат рамзи, Ой — сокинлик ва

маърифат ифодаси, Миррих — жанг ва момақалдиروق тангриси, Аторуд — адиблар хомийси, Муштарий — фалак козиси, Зухра — само созандаси. Йилнинг ўн икки ойлари ҳам маълум ақидалар асосида етти сайёра туркумларига алоқадор деб фараз қилинади: Зухалга — жадди (эчки) ва далв (қовға), Қуёшга — асад (шер), Ойга — саратон (қисқичбақа), Миррихга — ҳамал (барра) ва акраб (чаён), Аторудга — жавзо (эгизак) ва сунбула (бошок), Муштарийга — қавс (ёй) ва хут (балиқ), Зухрага — савр (хўкиз) ва мезон (тарози) тобин экан.

Бу хил етти сайёра, етти кун (хафта), умуман, етти рақами билан боғлиқ ходисалар араб алифбо-сидаги етти хил хаттотлик санъати, наврўзда тайёрланувчи етти хил таомлар, Шарқ ақидасига кўра қуруқликни етти денгиз ўраб туради, етти иқлим, жаҳондаги етти мўъжиза, мусикада етти мақом ва етти парда, инсон танасидаги етти муҳим аъзолар. Жоҳилиятдан кейинги замонларда араблар хафта кунларини абжад номлари билан юритганлар деган ривоят ҳам бор. Юқоридагилардан етти иқлим, етти мақом ва етти парда, инсон танаси аъзолари сайёралар билан ҳамда етти кун абжад билан ҳамоҳанглик касб этади. Масалан етти иқлим: Ҳиндистон — Зухал, Хуросон — Қуёш, Бақтр (Балх) — Ой, Туркистон — Миррих, Рум (Румо) — Аторуд, Чин — Муштарий, Мовароуннаҳр — Зухра; етти мусиқа пардалари ва етти мақом: До — Зирафканд — Юпитер, Ре — Раҳовий — Сатурн, Ми — Наво — Ой, Фа — Бусалиқ — Меркурий, Соль — Рост — Венера, Ля — Ироқ — Қуёш, Си — Ушшоқ — Марс; инсон аъзолари: орқа мия — Зухал, қалб (қон айланиш тизими) — Қуёш, ошқозон — Ой, бош мия — Миррих, ўпка (нафас йўллари) — Аторуд, жигар — Муштарий, буйрак — Зухра; хафта кун номлари ва абжад: шанба — абжад, якшанба — ҳавваз, душанба — хутти, сешанба — каламан, чоршанба — сауфас, пайшанба — қарашат, жума — саххаз

ёки арубате атиги зазгаф соқит этилмоқда (Қаранг: Муртазов Бобоназар. «Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» ва Хисрав Дехлавий «Ҳашт беҳишт» дostonларининг қиёсий таҳлили». Номзодлик диссертацияси. — Тошкент, 1991. — Б. 96—108.

## «СОЛНОМА»

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Баъдаз (кейин) улул-албоб (донишманд)ларга андоғ маълум бўлсинким, уламодин ва ҳукамоий шаръи матин (мустаҳкам шариат ҳақимлари — донишмандлари) ва донишварони аҳли Ажам (Ажам донишмандлари), хусусан, ҳукамоий Ҳиндустонлардин умри дароз (узун умр) кўриб, жаҳонни айш-ишрат, ранж ва машаққат, роҳат-фароҳат, меҳнат ва кулфат, фитна ва фасодни, беморлик ва сихатлик, иссиқлик ва совуқлик, очлик ва тўқлик, борлик ва йўқликларини ниҳоят даражада кўруб, ибрат назарлари бирлан қараб, ақл ва донишларини истеъдодлари борича фикрга сарф этиб, замоннинг ўтмишидин ва ҳолларнинг онанфаънан (гоҳ-гоҳ) тағйир (ўзгариш) ва табдил (янгилавиш) топишидин бирор дақиқа таофил қилмай (ғафлатда қолмай), шабурўз (кеча-кундуз) ой-куннинг ва кавкаб (юлдуз)ларнинг маркази ва хуруж (чиқиш) ва ғуруб (ботиш) вақтидин хабардор бўлиб ва ҳар қайсисини ва нима хосият ва нима тарбият қилурини ва нима таъсир қилурини тажриба қилиб, ҳар йилни бир жониворга нисбатлик қилиб, ўн икки йилни жониворга нисбатан бериб, шулардин зухур қиладургон (пайдо бўладиган) таассуротларини баён қилибдурлар.

Нисбат берилган ҳайвонлар ушбулардур: муш (сичқон), бақар (сигир, асли хўкиз), паланг (йўлбарс), харғўш (қуён), наҳанг (балик), мор (илол), асп (от), ғўсфанд (қўй), ҳамдуна (маймун), мурғ (товуқ), сак (ит), хўк (тўнғиз).

## **Йилларнинг баёни ушбулардир:**

**Агар муш (сичқон) йили** кирса, ул йилнинг киши хушлик бўлгай, лекин ёзда ёмғир кўп бўлгай, чахорпо (хайвон)ларга хуш бўлгай, дарвиш, ғариб, фуқароларга ҳам хуш бўлгай. Машриқ сари неклик (яхшилик) бўлгай, мағриб сари андак фитна бўлгай. Ул йил қонлар кўп тўкилгай, подшоҳлар ва бекларга ташвиш кўп бўлгай. Ул йил бозургонларни (савдогарларни) холи яхши бўлгайлар, йўлларда қароқчилар пайдо бўлур, савдогарлар кўп хавфда бўлгайлар. Баъзи жойларда вабо бўлгай. Қиши узок бўлгай, йил охири хавфлик бўлгай, йил ўртасинда мушлар (сичқон) кўп бўлгай, ғаллаларга зиён бергай, йил ичида ўғрилардин ва қароқчилардин кўрқинч бўлгай, ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғулса, зийрак, хўбсурат ва хушфеъл ва хушхўй ва давлатманд бўлгай, ё авсатинда (ўртасида) туғулса, бадкирдор (ярамас) хийлагар ва ҳасадгор бўлгай, йилнинг охирида туғулса дуруғғўй (ёлғончи) ва фирибгар бўлгай. Валлоху аълам биссавоб.

**Ва агар сигир (хўкиз, боиси бақар — хўкиз, бақара — сигир, аммо бақар арабчада ҳар икки маънони ҳам ифодалайди) йили** кирса, баъзи жойларда бош оғриқ, беморлик кўп бўлгай. Қиши қаттиқ бўлиб, кўтоҳ (қисқа) бўлгай, меваларга андак офат етгай. Ва атроф-жаҳондин фитналар қўзғолиб, подшоҳларга ташвиш кўп бўлгай, йил охирида арзон(чилик) бўлгай, халқларга тинчлик бўлгай. Ва ҳар фарзандки йилнинг аввалида туғулса, зийрак ва диндор, андишали бўлгай, лекин бегоналар(нинг) ишларига машғулоти кўп бўлур. Йил авсатинда (ўртасида) туғулса, хўбрўй (ёкимли) ва шодмон бўлгай, йилнинг охирида туғулса ғамнок (ғамгин) ва паришонҳол бўлгай. Валлоху аълам биссавоб.

**Ва агар паланг (йўлбарс) йили** кирса, подшоҳлар ўртасидаги адоват ва гина кўп бўлгай, жанг-жадал (уруш) ва хунрези (қон тўкиш) кўп бўлгай, хусусан, Эрон тарафида муҳолифат (зиддият) кўп бўлгай,

чаҳорполар (хайвонлар)га ҳалокат кўп бўлгай. Тоғларда дарранда (йиртқич хайвон)лар кўп бўлгай, дарёда кишти (кема)ларга офат етгай ва мевалар кам бўлгай, сол (йил) охири яхшилик бўлгай.

Ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғулса, далир (далер — ботир), мардона ва хушрўй (чиройли) бўлгай ва ҳамиша давлат (манд) ва бузург (улуғ) бўлгай. Ва ҳар фарзандки йил ўртасинда туғулса, кушодарўй (очик юзли), хушхулқ ва тавозели бўлгай. Ва ҳар фарзандки йил охиринда туғулса, бадмижоз (ахлоқи бузук), коҳил (дангаса), кўрқоқ ва бемурувват ва бадфеъл бўлгай. Валлоҳу аълам биссабоб.

**Ва агар харгўш (куён) йили** кирса, ул йил неъмат ва мевалар кўп бўлгай. Қиши қуруклик бирлан ўтгай, ёзда бўрон ва зилзила бўлгай, баъзи жойларга марг (ўлим) етгай, хусус (ан) сибоълар (йиртқич хайвон)ларга кўп офат бўлгай.

Ҳар фарзандки йил аввалинда туғулса, шитобкор ва сабук (енгилтак, шошқалоқ) бўлгай. Ва лекин молдор ва гани (бой) бўлгай, бадхўй (бадфеъл), вафолик бўлгай. Йил авсатинда (ўртасинда) туғулган фарзанд хушхулқ ва хушфеъл бўлгай. Ҳар фарзандки, йилнинг охиринда туғулса, сергап ва бевафо бўлгай. Валлоҳу аълам биссабоб.

**Ва агар наҳанг (балиқ) йили** кирса, ул йил фитна ва фасод кўп бўлгай, ҳалойиқлар орасинда адоват ва шарорат (ёмонлик) кўп бўлгай. Чоҳарпо (хайвон)ларга ҳалокат кўп етгай. Қиши узоқ бўлгай, подшоҳлар орасинда жанг-жадал кўп бўлгай, хусусан, Эрон тарафинда муҳолафат (зиддият) кўп бўлгай. Қуҳ (тоғ), саҳроларда даррандалар кўп, дарёларда кишти (кема)ларга офат кўп етгай, ангур (узум), мевалар кам бўлгай.

Ва ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғулса, далир (далер — ботир), мардона ва хўбрўй бўлгай ва лекин носоз, бадтаъб (табиати кир) бўлгай, сочи ва соқоли барвақт оқаргай. Ва ҳар фарзандки йил



ўртасинда туғулса, хуштаъб ва хайрхох бўлгай. Агар йилнинг охиринда туғулса, бешарм ва беҳаё, тезкор (шиддатли, чаққон) бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

**Ва агар мор (илон) йили** кирса, хушклик (куруклик) бўлгай, киши қаттиқ бўлуб, кўп дарахт ва узумларни совуқ ургаи ва ғаллалар қимматчилик бўлгай, қаҳр-ғазаб, бугз (адоват) халойиқлар ўртасинда кўп бўлгай. Саҳроларда илонлар кўп бўлгай.

Ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғулса, дурандиш (узокни ўйловчи) ва камсухан бўлгай, фаровон ва хушфеъл ва хушгуфтор бўлгай. Агар йилнинг ўртасинда туғулса, бадкирдор (ярамас) ва бадхулқ бўлгай, йилнинг охиринда туғулса, беҳаё ва бевафо бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

**Ва агар асп (от) йили** кирса, подшоҳлар орасинда жанг-жадал ва хунрези (қон тўкиш) кўп бўлгай. Ёз ва қиши хўб мўътадил (ўртача) бўлуб, мевалар ва ғаллалар кўп бўлгай. Ва лекин чаҳорпо (хайвон) ларга андак ҳалокат теккай. Қиши узун бўлгай, дарёда кишти (кема)лар яхши бўлгай.

Ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғулса, захионатлик бўлгай ва лекин дониш (билим)лик ва ҳикмат (донишманд)лик бўлуб, подшоҳларга сўзи маъқул ва мардона бўлгай. Ва йилнинг ўртасинда туғулса, хушфеъл ва хушгуфтор бўлгай. Ва йилнинг охиринда туғулса, бадхўй, ғамли ва бадгўй (қўпол сўзли) бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

**Ва агар гўсфанд (қўй) йили** кирса, қиш қаттиғ ва дароз (узун) бўлуб, дарёда кишти (кема)ларга кўп офат бўлгай, халойиқлар орасинда беморлик пайдо бўлгай. Подшоҳлар орасинда жанг-фитна бўлгай ва лекин барвақт сулҳу салоҳ (ярашув) бўлгай, халойиқлар орасинда хайр-эҳсон кўп бўлгай.

Ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғулса, дўст-рўй (севимли), беозор ва ғани (бой) бўлгай ва меҳр-шафқатлик бўлгай. Ва йилнинг ўртасинда туғулса, бадкирдор (ярамас) ва бешафқат бўлгай.

лар чиқарилганидан ҳам англаш мумкин. Шунингдек, у зотнинг сўзлардан моҳирона фойдалана олиши истеъдоди ва маъноларни йўналтира олиши, сўзнинг кучини намоёиш этиши кишини ҳайратга солади. Зеро, муаллиф ўзининг «ҳаким» нисбаси тақозоси ўлароқ, доимо қисқа ва бир қарашда оддий матнларда улкан маъноларни жойлаштиради. Бу у зотнинг барча асарларига хосдир. Аллома бошқа асарларида ҳам ақл тўғрисида тўхталган, аммо ҳозирча ушбу ўринда келгани сингари шаклини топмадик. Ҳозирча ўқувчининг ўзини мулоҳазага чорлаган ҳолда, шарҳ анчайин кенглигини инобатга олиб унинг шарҳини ва бошқа бобларнинг шарҳини кейинги нашрларда қўшиш ниятидамиз. Ушбу нашрда кейинги боблардаги маънолар ва уларнинг шарҳларини имкон қадар қисқароқ келтирдик. Масалан, фаҳм, унинг шакли басардир. Зидди ваҳмдир. Аломати эса учта: ҳалокатдан омонлик, хилм ва Аллоҳнинг ишидан ажабланишнинг йўқлиги. Бу уч нарса билан бўлади: қалб фароғати, Аллоҳга тазарруъ қилиш, токи Аллоҳ унга фаҳмлатади ва ўзаро савол-жавоб, мунозара, музокара қилиш билан. Фаҳмли учун уч хислат бор: каломдаги маҳорат, топқирлик, ҳужжатдаги басар ва дин аҳкомлари билан машғул бўлиш. Қолганлари ҳам шу тарзда.

Рисола «Shamela» электрон кутубхонасидан ва ушбу асарнинг [www.al-mostafa.com](http://www.al-mostafa.com) дан олинган нусхаларидан таржима қилинди. Ҳадис саналари имкон қадар чиқарилди. А.С. Фурат ушбу рисолани Sarkiyat Mestuasii журналининг 1968 йил №5 соҳида, 119–133-бетларда чоп эттирган.

### **Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**

Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Ва Унинг Расули Муҳаммад (с.а.в.)га ва унинг барча оила аъзоларига салот бўлсин.

## Ақл ва ҳаво боби

### Ақлнинг ёрдамчилари элликта

Ақлнинг элликта ёрдамчилари бор. Ва ҳавонинг ҳам эллик иккита ёрдамчилари бор. Абу Абдуллоҳ, Аллоҳ у кишига раҳм қилсин, дейдилар: «Уларнинг биринчиси ақл(нинг ўзи)дир. Сўнг фаҳм, басар (кўриш), маърифат (билиш), яқийн (шак-шубҳасиз), фикҳ, вақф (тўхтаб туриш), ҳилм (юмшоқлик), илҳом, ихлос, тавозуъ, саховат, тўғрилик, насиҳат, ҳисба, ният, шафқат, муросою мадора, вараъ, шукр, ризо, сабр, хавф, тақво, жаҳд, истиқомат, зуҳд, фаросат, улфат, инобат, шавқ, тазарруъ, муҳаббат, ҳифз, сидқ, ҳидоят, зеҳн, фароғат, омонлик, таваккул, ишонч, қаноат, тўлиб-тошмоқ, офият, роҳат, хушуъ, тафаккур, ибрат, истихора, саломатлик, хурмат-эътибор, узлат, тайёргарлик».

### Басар ва унинг зидди бўлган исённинг тафсири. Басар боби тафсири

Басар — басийрдан бўлиб, у етти нарса билан бўлади:

1. Ихтилоф ва (унинг зидди бўлган) мувофиқлик илмидан хабардор бўлиш, мувофақат ва ҳужжатга тобе ҳолда, хилофга тобе ҳолда эмас.

2. Муҳкам ва муташобеҳни билиш, муҳкамга тобе ҳолда, муташобеҳга тобе ҳолда эмас (бунда Қуръондаги муҳкам — аниқ-равшан ва муташобеҳ — маъносини Аллоҳ билувчи оятлар назарда тутилмоқда).

3. Носих (бекор қилувчи) ва мансух (бекор қилинган)ни таниш, носихга тобе ҳолда, мансухга тобе ҳолда эмас (бу ўринда шариат ҳукмларининг жорий бўлиш жараёнида уларнинг баъзилари баъзиларини алмаштириши назарда тутилади).

4. Суннат ва (унинг зидди бўлган) бидъатни фарқлаш, тушуниш, суннатга тобе ҳолда, бидъатга тобе ҳолда эмас.

5. Жамоат ва (унинг зидди бўлган) фирқа боразида ақл юритиш, жамоатга тобе ҳолда, фирқага тобе ҳолда эмас.

6. Хужжат ва (унинг зидди бўлган) тойилувчи, рад қилинувчи нарсани дақиқ тушуниш (хужжатга тобе ҳолда, инкор қилинган нарсага тобе ҳолда эмас). Чунки қиёмат кунда нажот хужжат билан бўлади.

Аллоҳ таоло деди:

«Хужжатларингизни келтиринглар» (Бақара, 111).

Демадики: «Одамларингизни келтиринглар». Шунинг учун таълим олувчи учун лозимки, олимдан илмни фақатгина хужжат билан олсин. Ундан хужжатсиз қабул қилмасин.

Басар ва маърифат шаклдир (яъни, бири бири келтириб чиқаради). Басарнинг зидди исён дир (яъни, исён кўрликда қилинади). Басарнинг учта аломати бор:

1. Муросаю мадорани яхши кўради, чунки муросаю мадора унда (кишида) билинган ва кўрилган (ёмон) нарсани зоҳир бўлишидан унинг учун тўсик дир.

2. Кўнгил сўраш, ҳамдардлик билдиришни яхши кўради. Чунки кўнгил сўраш, ҳамдардлик билдириш қалбни мулойим, таъсирчан қилади.

3. Яхши соғлиқ, (ортиқча нарсалардан, машғулотлардан) озод бўлиш, қутулиш. Бу билан жамоатга бўлган муҳаббати зиёда бўлади (яъни, жамоатга қўшилиш учун вақт ва имкон топади).

Уч нарса басийрнинг феълларидандир:

1. Бирор нарсада динининг амрини тарк этмаслик. Чунки у кишиларнинг айбига басийр дир (яъни, уларнинг айби мана шундан – динининг амрини тарк этишдан келиб чиқишини яхши билади).

2. Динининг амрига хасис бўлади (яъни, уни кўлдан бермайди). Чунки у кўра оладики, динининг

амрини тарк этиш унинг учун гўштини узиб олиш ва конини оқизишдан шиддатлироқдир. Шунинг учун динининг амрига мушфиқ бўлади.

3. Одамларнинг қўлидаги нарсага тамагир бўлмайди. Чунки у қалби ила ёдда тутадик, ким одамлар қўлидаги нарсадан тама қилса, қалби фосид бўлади.

Басийр бун (даража)га умматнинг ихтилофида хужжатли илмга ва басорга тобе бўлиш билангина етади, токи (ўшандай вақтларда) олимлар билан аралашганда (шаръий масалалардаги) носих ва мансух (яъни, нимага эргашиш ва нимани тарк қилиш лозимлиги) билинади.

### **Маърифат ва унинг зидди бўлган номаълумлик, ноаниқлик тафсири. Маърифат тафсири**

Басар, маърифат ва яқийн ўхшашдир. Маърифатнинг зидди номаълумлик, ноаниқликдир. Маърифатнинг тафсири тасдиқдир, форсчада «Рост шунохтан»

Бу худдики Аллоҳ таоло Ўз китобида айтганидек:

«Бас, Аллоҳ, албатта, содиқ бўлганларни ҳам билажак, ёлғончиларни ҳам билажак» (Анкабут, 3).

Бас, маърифат (билиш) қалбнинг тил билан иқрор бўлган ҳолдаги тасдиғидир (яъни, ҳақиқатни уни тасдиқлаш даражасида кўра олган киши маърифат соҳиби дейилишга ҳақли. Тасдиқ эса таҳқиқ-ҳаққи рост билишнинг ортидан келади). Маърифати билинган, танилган Аллоҳ Ўзининг (Ўзига берган) таърифлари билан танилган, токи ориф (танувчи) Аллоҳ тўғрисидаги ҳақиқатларни ва (Аллоҳ) Ўзини у билан таърифлаган (таъриф)лари ҳақиқатини танийди. Аллоҳга басийр бўлган (яъни, уни қалбу фаросати билан кўрган) уни (Аллоҳнинг) Ўзи кўрсатиши орқали Уни кўради, токи басийрга, Уни

кўрувчига Ўзини унга кўрсатиладигандек (яъни, унинг тоқатига, ахволига мослаб) кўрсатади. Халойиқ учун бу (аслий кўриш)ни кўтаришга тоқат ва қобилият йўқ. Фаҳм ҳам худди шундай ва яқийн ҳам (яъни, булар Аллоҳ таоло белгилаб қўйгандек бўлади. Чунончи, аслий фаҳм ва яқийнга инсонда тоқат йўқ). Чунки бу иккиси фақатгина Аллоҳ таолонинг иши, феъли билангина бўлади (чунки булар Аллоҳ таоло берадиган ҳидоятнинг ортидан келувчи нарсалардир. Бас, Аллоҳ уни Ўзи хоҳлагандек тасарруф қилаверади).

### **Яқийн ва унинг зидди бўлган шак ва тахаййур тафсири.** **Яқийн тафсири**

Яқийн (ишончли билиш, чуқур эътиқод, шаксизлик ва аниқ-тиниқлик), фаҳм, басар ва маърифат ўхшашдир. Яқийннинг зидди шакдир. Шак ва тахаййур (хайрон бўлиб қолиш, эсанкираб қолиш, қотиб қолиш, довдираб ўзини йўқотиб қўйиш) ўхшашдир.

Мўминнинг аломати учтадир:

1. Нафс ва қўл остидаги аёл, бола-чақаларининг (ҳавойи) манфаат-маслаҳатларига эътибор бермайди, агарки у ва улар таом ва бирон нарса йўқлигидан халокатда ингровчи бўлсалар ҳам. Махлуқотнинг манфаатлари уларга Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган вақтларда маълум миқдорда етишига ишончи борлиги туфайли.

2. Аллоҳга ибодат қилади ва Аллоҳни зикр қилган ҳолида эслайди (яъни, ўзича эмас, ўзига керак бўлиб қолганда, бировнинг вафотида ёки мажбур бўлганда, ёхуд шартли, беихтиёр рефлекс бўлиб қолган тарзда эмас, балки Аллоҳ буюрган ва Унинг Расули кўрсатиб берган тарзда эслайди, зикр қилади). Аллоҳ учун шундай амал қиладики, худдики у Аллоҳни очиқ-ойдин кўриб турибди. Аллоҳ

таоло уни ва унинг қалбини, аъзоларини ва барча саъй-ҳаракатларини очик-ойдин кўришига яқийни туфайли. Унинг кўриб туришидан ва буларнинг барини кўриб туришидан кўз очиб юмгунчалик ҳам рофил бўлмайди.

3. Ўлим учун қалби билан унга йўналган ҳолда тайёр бўлиб туриш. Ҳар бир саъй-ҳаракатининг мустаҳкам, аниқ, мукаммал бўлишига шу яқийннинг ичида туриб етишадики, у яқийн у (киши ёки амал) нинг ичида бўлиб, Аллоҳ учун холисликка ҳужжатдир. Худдики (ҳар бир) саъй-ҳаракати унинг учун бу дунёдаги охиргиси бўлиб, (ҳатто) унга тушадиган ҳамма шиддат (қийинчиликлар)ни ғанимат билиш, ундан фойдаланиш билан ҳам бўлади (яъни, қийинчиликда сабр ва тақвони лозим тутиш билан ундан фойдаланиш мумкин, бунда кишига руҳоний кашфлар ва ажрлар етади). Бу дунёдан кўчиши, ўша билан роҳатлар нозил бўлиши ва ҳар бир нафасда унинг савобини кўришга бўлган яқийни туфайли. Унинг учун қазо қилинган нарса ўз вақтидан хато қилмаслигига бўлган яқийни туфайли. Сўнгра (ўзидаги) ҳужжатнинг етуклиги туфайли инсонларнинг маломатига парво ҳам қилмайди. Ва ўлимнинг у тик турган ҳолида ҳам тўсатдан келиб қолишига ҳам эътибор бермайди, шу биланки у ўзидаги яқийн узра Аллоҳга муҳаббат қилади ва Ундан рози бўлади (яъни бундай ҳолда ўлиш ёмон эмас, балки айни муддао ва яхшиликдир).

### **Фикҳ ва унинг зидди бўлган таҳаййур тафсири.** **Фикҳ тафсири**

Фикҳ фақихдан бўлиб, уч нарса билан бўлади:

1. Мунозара ва музокара билан.
2. Мудораса (ўзаро дарс, ўрганиш) билан.
3. Хукмлар ҳужжатини фаҳмлаш билан. Бу бирон ҳақ ҳукм, масала, калима йўкки, илло унинг учун ҳужжат-далил борлигини билишидир.

Бас, дин ишида фикҳ ва басар шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Фикҳнинг зидди эса таҳаййурдир. Таҳаййур ва шак эса ўхшашдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради).

Уч нарса фақиҳнинг аломатларидандир:

1. Халқдан умидини узган бўлмоғи, чунки фикҳ уни қаноатли қилади ва одамлардан беҳожат қилади.

2. Фикҳ билан гапирадиганлар билан аралашини яхши кўрмоғи, токи дин ишида ҳар куни фикҳи зиёда бўлади.

3. Яширин ва ошқора гапиришдан хавф қилмайди, чунки фикҳ унга каломнинг тўғирланиши, яхшилашиб бориши ва зийнатли бўлишида ёрдам беради.

Уч нарса фақиҳнинг феълларидандир:

1. Ҳалол ва ҳаром (масалалари)да диннинг амри (доираси)да гапириш (яъни, ҳавоий нафсидан ёки ботил ҳужжатлар билан гапирмайди), токи (ана ўшанда) одамларга ҳақ ва ботилнинг баёни очиқойдин бўлади.

2. Амримаъруф ва наҳий мункар қилиш, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи учун:

«(Эй уммати Муҳаммад), сиз одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Амримаъруф қиласиз, наҳий мункар қиласиз...» (Оли Имрон, 110).

3. Одамлар орасида фатволар ва ҳукмлар боразида гапиради. Фақиҳ фақатгина дин ишида фақиҳ ва басийр бўлганлар билан эслаш, мунозара қилиш билангина фикҳга етишади (яъни, ўзича, ўзбошимчалик билан эмас, балки устозлар ва ҳаммаслак дарсдошлари билан бунга етишади).

### **Вақф ва унинг зидди бўлган шошқалоқлик тафсири. Вақф тафсири**

Вақф — воқифдан бўлиб («вақф» сўзи луғатда қуйидаги маъноларни билдиради: 1) туриш; 2) бе-



кат; 3) танаффус. Шунингдек, «тутиб туриш» маъноси ҳам борлиги айтилади. Бу ўринларда рухий маънодаги вақф — тўхташ ҳақида сўз кетган. Шунинг учун вақф сўзидан келиб чиққан «воқиф» сўзи «огоҳ, хабардор, билувчи» маъносини ҳам билдириб, ўзбек тилида ҳам ишлатилади. Шунинг учун бу сўзларнинг асли қолдирилди), у тўққиз нарса билан бўлади:

1. Хавфли оқибатни ёдда тутиш билан.

2. Ақл (билан қилинган иш)нинг хотимасини ёдда тутиш билан (яъни, ўзидан олдингининг зиддини... яъни, яхши ва ёмон ишлар оқибатини).

3. (Хавойи) орзу-умидлар хотимасининг хавфини ва ажал хотимасининг хавфини ёдда тутиш билан.

4. (Дунёю охиратдаги яхши амал учун) мукофотни ёдда тутиш билан.

5. (Дунёю охиратдаги ёмон ишлар учун) азобни ёдда тутиш билан.

6. Аллоҳни ёдда тутиш билан.

7. (Яхши ва ёмон ишларини ёзиб бориш учун ўзига бириктирилган) ҳафаза (ҳифз, яъни муҳофаза қилиб турувчи) фаришталарини ёдда тутиш билан.

8. Ўлим фариштасининг тўсатдан келиши хавфини ёдда тутиш билан (яъни, у ҳеч қачон айтиб келмайди, балки тўсатдан келади).

9. Вақфнинг манфаатларини ёдда тутиш билан.

Воқифнинг уч аломати бор:

1. Агар бир амалга киришишни ирода қилса, бас, вақф қилади ва унинг оқибати ҳақида тафаккур қилади. Агар у рушд ёки тўғрилиқ, соғлом ақлга мос бўлса, уни қилишга ўтади. Агар адашиш, гуноҳ, йўлдан урадиган, (ҳавойи нафсни) қизиқтирадиган ва хато бўлса тўхтади.

2. Вақф қилади, токи ушбу иш борасида тафаккур қилади (яъни, тўхтамай туриб, тафаккур қилиб бўлмайди). Бу қандай иш? Савобидан умид қилинадиган амалми бу ёки иқобидан хавф қилинадиганми?

3. Вақф қилади, токи бу ишнинг (шаръий) хужжати ҳақида тафаккур қилади. Ўзини унинг хужжатини талаб қилиш билан машғул қилади. Чунки Аллоҳ таоло қачонки уни (қиёмат кунида) Ўз олдида (савол-жавоб учун) қоим қилганида дейдики: «Нега (нимага асосланиб) бу ишни қилдинг?». Ва у жавоб бериши лозим бўлади.

Тўрт иш воқифнинг ишларидандир:

1. Сабр. Чунки воқиф учун сабр лозимдир, токи ўша ишнинг хужжатини фаҳмлайди ва уни қоим қилади.

2. Жидду жаҳд. Чунки воқиф фақат жидду жаҳд билангина ишнинг хужжатини қоим қилишга қодир бўлади.

3. Ўзи ва Аллоҳ аzza ва жалла ўртасида қалби билан тазарру қилишни лозим тутиш, токи (Аллоҳ таоло) ўша ишнинг хужжатини унга билдиради ва Роббиси уни фаҳмлашда ёрдам беради.

4. Ирода. Вақф воқиф учун комил бўлмайди, илло иродани сақлаш, тутиш билан (яъни, киши ўзини ўзи тўхтатиб қолиши ёки тўхтатиши учун, албатта, ирода лозимдир. Бўлмаса, албатта, ҳавоий нафсга тобе бўлган бўлади. Зеро, Имом Термизий ва Байҳақийлар ривоят қилишган ҳадиси шарифда: «Шошилмаслик Аллоҳдандир, шошқалоқлик шайтондан» дейилади).

Киши вақфга фақатгина (ишлардаги) оқибатнинг хавфи(ни ўйлаш, сезиш) билангина етади. Чунки у (воқиф киши, амалдан олдин аввало мана шуни) эсловчи — зикр қилувчидир. У худдики жаҳаннамнинг лабида тургандек. (Эслайдики): «Агар Жаббор (Аллоҳ) ҳукм қилгандек гапирмасам, мени унга ташлайди». Биладики: «Қачонки гапирганимизда бу сўзлар Жаббор ҳукм қилгандек бўлмаса, мени алангаси ловуллаб турган оловда қуйдиради» (Бу ўринда қуйидаги ояти каримага ишора қилинмоқда: «Бас, (эй инсонлар), Мен сизларни ловуллаб ёниб турган олов — дўзахдан огоҳлантирдим» (Вал-Лайл,

14)). Агар бирор амалда бўлса, (у ҳам Жаббор хукм қилгандек бўлмаса), бас, билладики, у Аллоҳ яхши кўрадиган ва ундан рози бўладиганлардан бўлмайди. (У бунинг оқибатидан қўрқадики): «Бас, мени (Аллоҳ) иқобга олади». Ва ундан бўлган ҳар бир феъл шундайдир.

Вақф қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни вақф билан воқиф қилган (тўхтатган) кишига тубо (1) яхшилиқ, эзгулик; бахт-саодат, хузур-ҳаловат, роҳат-фароғат, бахтиёрлик, 2) жаннатдаги дарахтнинг номи) бўлсин. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Мўмин воқиф, мунофиқ эса ирғовчандир» (Замахшарий «Робийбул аброр»ида, Исмоил Ҳаққий «Рухул байон» номли тафсирида, Мовардий «Ал-Ховий фий фикҳил Шофеъий» китобида келтирилган бўлиб, барчасида «воқиф»нинг ўрнига «вақф» ишлатилган).

Бизга Солих ибн Абдуллоҳ ат-Термизий ва Жарийр ибн Абдулхамид аз-Зобийлар Ато ибн Соибдан, у Мухориб ибн Дассордан ривоят қилди, у зот дедилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабалга дедилар: «Эй Муоз, Қуръон мўминни нафси хоҳлаган кўп нарсалар ва унинг шахватларидан боғлаб, кишанлаб қўяди ва у ва нафси истаган нарсаларда ҳалок бўлиши орасини Аллоҳнинг изни билан тўсади. Эй Муоз, албатта, мўмин ўлимни эртаю кеч кутувчи (яъни, уни жуда-жуда яқин билувчи), ундан хавфда турувчидир. Эй Муоз, албатта, мўмин қалби эмин бўлмайди, хатари сўнмайди, изтиробларидан буткул хотир-жам бўлмайди, хатто, жаҳаннам кўпригини ортида қолдирмагунича. Эй Муоз, албатта, мўмин унинг қулоғини, кўзини, тилини, қўлини, икки оёғини, қорнини, фаржини, кўз очиб-юмишларини, икки кўзи сурмасини ва ҳамма саъй-ҳаракатини кузатувчи бор эканлигини билган кишидир. Бас, тақво

унинг рафийқидир, Қуръон далили, хавф мухтож бўладиган нарсаси, шавқ минадиган нарсаси, эҳтиёткорлик, ҳазирлик йўлдоши, кўрқув шиори. Намоз гори (бошпанаси), рўза тўсувчиси, садақа қутулиши, озод бўлиши. Сидқ вазири. Ҳаё амири. Ва Роббиси бунинг ортида уни кузатиб туришдадир. Эй Муоз, албатта, мен сен учун ўзим яхши кўрган нарсани яхши кўраман. Батаҳқиқ, сенга Жаброил менга етказган нарсаларни етказдим. (Буларга амал қилиш сенга насиб этса), бас, ҳеч ким сендан кўра Аллоҳ берган нарсалар билан энг бахтлироқ бўла олмайди» (Абу Нуъайм «Ҳиляту-л-авлиё»сида, Ибн Касийр ва Ибн Абу Ҳотимлар «Тафсир»ларида, Тобароний «Муснади Шомийийн»ида (барчалари бошқа санад билан) ривоят қилишган. Жалололдин Суютийнинг «Жамъу-л-жавомий» ва ал-Муттакий ал-Ҳиндийнинг «Канзу-л-уммол»ида манба сифатида «Ҳиляту-л-авлиё» кўрсатилади).

### **Ҳилм ва унинг зидди бўлган жиззакилик тафсири.** **Ҳилм тафсири**

Ҳилм ҳалимдан бўлиб, уч нарса билан бўлади:

1. Ақл билан (яъни, унга итоат этиш билан).
2. Илм билан (яъни, ишларнинг ҳақиқатига этиш билан).
3. Жаббор бўлган Малик (Аллоҳ)дан ҳаё қилиш билан (яъни, нимаики иш бўлса, Унинг фоили Аллоҳ. Бас, жаҳл қилишдан Ундан ҳаё қилади, натижада ҳалим бўлиб қолади).

Ҳилмнинг шакли сакийнатдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Унинг зидди эса жиззакилик («сакийнат» сўзи луғатда қўйидаги маъноларни билдиради: 1) хотиржамлик, осудалик, жимжитлик, сокинлик; 2) улуғлик, виқор, ҳайбат. «Жиззакилик» деб таржима қилинган «ҳиддат (ун)» сўзи луғатда яна «аччиғи тезлик, қизиққонлик, тажанглик, ғазаб» каби маъноларни ҳам билдиради).

Ҳилмнинг уч аломати бор:

1. Тортишувни ёмон кўради. Чунки тортишувда хайр йўқ (ҳилм-ку, умуман қолмайди!).

2. Мусулмонларнинг шаън, обрў-эътиборида тўхтайди (яъни, бу масалага тегмайди). Чунки у батаҳқиқ ҳилмга етгандир.

3. Мусулмонларга таъна қилувчиларга ғазаб қилади. Чунки бидъатчи ёки фисқи билан машхур фосиқ бўлмаганидан кейин мусулмонларга таъна қилиш улкан гуноҳдир (яъни, ҳилм — ғазабнинг умуман йўқлиги эмас, балки унинг кераксиз ўринни четлаб ўтиб, керакли ўринда ишлатилишидир).

Уч иш ҳилмнинг ишларидандир:

1. (Зоҳиран ва ботинан) чиройли, яхши бўлиши (чунки ҳилмнинг ўзи гўзал).

2. Каломи меҳр-шафқат ва мулойимлик билан бўлиши. Чунки у ҳилм эгасидир.

3. Биродарларининг юзларига табассум қилувчи бўлиш.

Ҳалим токи Аллоҳдан ҳаё қилмагунича ҳилмга ета олмайди. Бас, агар Аллоҳдан ҳаё қилса, ўзининг ҳаққини пеш қилиб, ҳеч кимга ғаразгўйлик қилмайди. Ҳилм қандай ҳам яхши нарса. Аллоҳ уни ҳилм билан воқиф қилган (тўхтатган) кишига тубо бўлсин!

## **Илҳом ва унинг зидди бўлган васвасанинг тафсири. Илҳомнинг тафсири**

Илҳомнинг ўхшаши яхшиликка далолатдир. Яхшиликка далолатнинг зидди ёмонликка далолатдир. Ёмонликка далолат ва васваса ўхшашдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Илҳомнинг зидди васвасадир. Ҳар бир мўмин учун илҳомни васвасадан ажратиб олиш муҳим. Агар у (васваса) ни билмоқчи бўлсанг, амалга киришишингдан олдин назар қил. Кўрасанки, қалбингда тезлаш ва амалга киришишингдан олдин тафаккур қилиб кўрганингда,

бу иш оқибатидан бўлган хавфинг кетган ва сени (ҳалитдан, у ишни қилмасдан) ўша (амал)нинг ҳаловати эгаллаган. Бас, билки, бу васвас (васвас килувчи — шайтони лаъин)дандир. Бу амалнинг далолати ҳам ундан бўлади. Агар амалга киришсанг, унинг оқибатини ёдда тутувчи ва уқубатидан хавфда бўлсанг ҳамда хавфинг зиёдалашишда бўлса ва умидинг Аллоҳ сени бу билан хавф-хатарга йўлламаздан, Аллоҳнинг сен учун қилиб қўядиган тўғрилиқ ҳимоясида бўлса, бас, билгинки, мана шу (тарзда) ёдда тутиш илҳомдир ва мана шу нарса (яъни, илҳом) сени далолат қилди (яъни, ишларни манмансираб, ўзига ишониб эмас, балки хокисорлик билан, Аллоҳга суяниб қилиш лозим). Энди хурсанд бўл ва Аллоҳнинг ўз илми билан буни сенга фахмлатгани учун Аллоҳнинг саховатини, яхшилигини ёдда тутувчи бўл. Аллоҳ уни илҳом билан воқиф қилган (тўхтатган) кишига тубо бўлсин! Инсонлар илҳом борасида тўққиз турдадирлар.

### **Ихлос ва унинг зидди бўлган риёнинг тафсири. Ихлоснинг тафсири**

Ихлос (бу сўз «халос бўлмоқ», яъни «ўзгандан холис бўлиб, керакли нарсанинг фақат ўзига йўналмоқ» маъносидадир. Диний истилоҳ сифатидаги маъноси Аллоҳдан бошқа барча нарсадан халос бўлиб, холис Унинг ўзига юзланишдир) мухлисдан бўлиб, олти нарса билан бўлади:

1. Аллоҳга таваккул билан.
2. (Барча иш ва амалларини) Аллоҳга (ишониб) топшириш билан.
3. Махлуқотдан умидини узиш билан.
4. Қудрат, азизликни ва баландлатиш ҳамда туширишни махлуқотдан эмас, Аллоҳдан эканлигини ёдда тутиш билан.

Бу Аллоҳ таолонинг сўзидир:

«Айт: «Эй мулк эгаси бўлган Аллоҳим, Сен ўзинг истаган кишинга мулк ато қилурсан ва ис-

таган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилиқ ёлғиз Сенинг қўлингдadir. Албатта, Сен барча нарсага қодирсан. Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда истаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан» (Оли Имрон, 26—27).

5. Ўлимдан кейин мезон олдида амалларнинг (яхши ёки ёмон) мукофоти бўлишини ва жаннатни ёдда тутиш билан.

6. Шайтоннинг унга бўладиган васвасасини, риё, мақтов, мадх унда қабул бўлмаслигини ёдда тутиш билан.

Ихлоснинг шакли мана шундай амалда истикоматдир (яъни, тўғрилиқда бардавом бўлишдир. Шунингдек, бири бирини келтириб чиқаради. Юқорида саналган барча омиллар банданинг фақат Аллохга йўналиши масаласидадир). Ихлоснинг зидди риёдир.

Мухлиснинг уч аломати бор:

1. Мадху мақтовдан қўрқади. Чунки у амалини ботил қилади ва умрини шу каби амаллар бузиб, яроксиз қилиб қўяди. Шундай экан (амал учун бўлган) савобни фақат Аллохдан умид қилади.

2. Маломатчиларнинг маломатидан қўркмайди. Чунки ким маломатчининг маломатидан қўркса, унда Аллохнинг розилиги бўлган кўплаб нарсаларни тарк қилади. Шундай экан, мухлиснинг хавфи фақатгина Аллохнинг маломатидан бўлади.

3. Узр сўралувчи ишларни ёқтирмайди. Чунки узр сўралувчи ишлар эгаси мухлис ҳолида бўлмайди (яъни, узрга сабаб ишларни қилувчи шу ишларни қилган ҳолида мухлис эмасдир).

Уч нарса мухлиснинг феълларидандир:

1. Ҳақ ила гапириш — агарда аччиқ бўлса ҳам. Ҳақнинг кимдан эканлигига ҳам парво қилмайди (яъни, ҳақни одамларга, уларнинг мартабасига қараб ўлчамайди).

2. Ҳақ ила амал қилиш. Ва уни одамлардан қўрқиб тарк қилмайди, агар унга (бу йўлда одамлардан) ёрдам бўлмаса ҳам. Чунки Аллоҳ таоло Ўзига бўлган тоат йўлида унга ёрдам беради.

3. Агар Аллоҳдан хавф қилиб, (бирор) амал қилишни ирода қилса, (унда) инсонлардан бўлган хавфни деб бирор нарсани тарк қилмайди. Бас, албатта, Аллоҳдан бўлган хавф унинг қалбини одамлардан бўлган хавфдан ман қилади (тўсади).

Икки хислатда жидду жаҳд қилмагунича киши мухлис бўлмайди:

1. Жидду жаҳд қилади, токи Аллоҳ таоло уни эминлик билан икром қилади ва (бунинг маъноси, натижаси шуки), батаҳқиқ, нафсининг хийла-найрангларидан кафолатлайди.

2. Инсонларнинг (манфаат ва зарар беришда) заифлигини ёдда тутувчи бўлиш. Улар унга Аллоҳ унга тақдир қилган нарсадан бошқасини қилишга қодир бўлмайдилар. Бас, амали холис Аллоҳ учун бўлади.

Ихлос қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни ихлос билан ризқлантирган ва шунга муваффақ қилган кишига тубо бўлсин!

### **Тавозуъ ва унинг зидди бўлган такаббур ва калондимовлик тафсири. Тавозуънинг тафсири**

Тавозуъ (асли «пастлаш» — шунингдек, «қўймоқ», яъни, ортиқча даъволарни қўймоқ) мутавозуъ (1) камтар, оддий, одми, тавозуъли; 2) тубан; 3) аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган)дан бўлиб, тўрт нарса билан бўлади:

1. Ўзининг аввалини ёдда тутиш биланки, у нутфадан яралгандир.

2. Ўзининг ўртасини ёдда тутиш биланки, у бавл, ахлат, бадбўйлик, (ўша нарсалари билан) жирканчлилик ва бошқа айбли сифатлар эгасидир.



3. Ўзининг заифлиги ва унга тушаётган энг кичик, оз миқдордаги қийинчиликлар олдида ҳам тадбири, иложи камлигини, ўзидан уларни қайтара олишга қодир эмаслигини ёдда тутиш билан.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Бирор банда Аллоҳ азза ва жалла учун (яъни, бошқа нарса учун эмас) тавозуъ қилмайди, илло (бу билан) Аллоҳ уни кўтаради» («Ким Аллоҳ учун тавозуъ қилса, Аллоҳ уни кўтаради». Абу Нуъайм «Ҳиляту-л-авлиё»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан чиқарган ва «ғариб» деган. «Жамъу-л-жавомийъ». Ушбу сийға Умар ибн Хаттоб марфуъ ҳолда ривоят қилинган (у зот Пайғамбар алайҳиссаломдан эшитганларини айтганлар). Бу сийғани Имом Аҳмад, Баззорлар «Муснад»ларида ривоят қилган бўлиб, Ҳайсамий уларнинг ровийларини «сахих» дейди. Шунга ўхшашини Имом Муслим, Термизий ва Моликлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ҳам ривоят қилишган).

4. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламининг куйидаги сўзларини ёдда тутиш билан:

«Албатта, (кишининг) аввали нутфа ва ўртаси йиринг, қон, бавл, ахлат ва охири қабрдаги ўлакса» (Шунга яқин маънони ичига олган узунроқ ҳадис баъзи китобларда ва тафсирларда келган. Жумладан, Нийсобурийнинг «Ғароибу-л-Қуръон» ва Розийнинг «Мафатийҳу-л-ғойб»ига қаранг: «Унинг яратикларини кўриб, Аллоҳ борасида шак қилувчига ажабдан-ажаб, аввалги яратилишни кўриб-билиб, сўнг охиратдагисини инкор қилганга ажаб, ҳар куни ўлиб-тирилиб (яъни, уйқу ва ҳушёрлик), қайта тирилишни инкор қилганга ажаб, жаннат ва ундаги неъматларга иймон келтириб, сўнгра (бутунлай) ғурур диёри учун саъй қилганга ажаб, аввали нопок нутфа ва охири мурдор ўлаксаллигини билиб туриб, кибру фахр қилувчига ажаб». Муаллифнинг матнига яқин бошқа матнлар китобларда ҳазрати Али каррамоллоҳу ваъжҳудан ҳам ривоят қилинган.

Фахриддин Тарийҳийнинг «Мажмаъу-л-бахрайн» асарида «ҳадисда» деб қуйидагича берилади: «Инсон — аввали нопок нутфа, охири мурдор ўлакса ва у буларнинг орасида (яъни, ҳаёти давомида) чикит тошувчидир»).

Тавозуънинг зидди такаббурликдир. Такаббур ва ужб (манманлик) шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Мутавозуъ (тавозуъли киши)нинг уч аломати бор:

1. Жун ва эски кийимларни кийиш, чунки бунда нафсни хорлаш бор (яъни, йўқ бўлганда ушбу кийимлардан орланмайди. Муаллиф бошқа асарларида жун ва эски кийимларни кийиб, сўфий кўринишга уринишларни қоралаган. Шундан келиб чиқилса, бу кези келганда ушбу либослардан орланмай, уларни ўз вақти замонига мувофиқ қилиб кийишдир, қолаверса, мақсад нафсни хорлаш бўлгани ҳолда, маълум вақт маълум вазиятларда бўлиш тариқат қоидаларидандир).

2. Ғурбат, чунки ғурбат унинг нафси учун хорлик маконидир.

3. Кишиларнинг уни (алоҳида) танишини севмаслиги, чунки кишиларнинг танишида иззат бор.

Уч нарса мутавозуънинг ишларидандир:

1. Ўзини залил (хор) тутиши, ўзини оқлаш билан машғул бўлмаслик, чунки ўзини оқлашда ўз нафсидан етадиган хорликка тушиш ва нафсига иззат билан ёрдам бериш бор.

2. Ҳеч кимга нафсининг ҳавоси билан (яъни, иззат нафси учун) ғазаб қилмаслиги, чунки (бундай) ғазаб жаббор (зўравон)ларнинг феълларидандир.

3. Агар яхши амаллардан бирортасига амал қилса, уни сирли бўлиши, бас, уни зоҳир қилмайди. Уни зоҳир қилишда иззатлилик бор. Қачонки иззатни талаб қилса, тавозуъни тарк қилади.

Киши токи нимадан яралганини эсда тутувчи бўлмагунича, мутавозуъ бўла олмайди, у бир қўланса нутфадан яралгандир. Ва оқибатда охири

нимага айланишини ва келажакда ўлаксага айланишини ёдда тутувчи бўлади.

Хасан (Басрий) дедилар: «Одам боласи қандай фахрланадики, батаҳқиқ, у икки сийдик йўли (яъни, эркаклик аъзоси)дан чиққандир». Ва яна дедилар: «Қандай фахр қиласанки, аввалинг нутфа, охириг ўлакса».

Тавозуъ қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни тавозуъ ила воқиф қилган (тўхтатган) бандага тубо бўлсин!

### **Саховат ва унинг зидди бўлган бахиллик тафсири. Саховатнинг тафсири**

Саховат («саховат» сўзи асли арабча сўз бўлиб, бизнинг тилимизда бир нарсанинг ғоятда кенглигини билдиради. Ахлоқ илми уламолари саховатни «ҳожат тушганда керакли нарсани бировнинг сўровисиз кераклигича бериш» деганлар — Шайх Муҳаммад Содик) сахийдан бўлиб, беш нарса билан бўлади:

1. Барча нарсанинг олдиндан белгилаб қўйилганлигини ёдда тутиш билан.
2. Ортидаги (охират)ни ёдда тутиш билан.
3. Орзу-умидларни қисқа қилиш билан.
4. Ўлимга ижобат қилиш тайёргарлиги учун (дунё матоҳларидан) форифликни ёдда тутиш билан.
5. Охиратга қолган (боқий жаннатдаги) нарсаларнинг (бу дунёнинг фоний нарсаларидан) кўплигини ва ҳисоб-китобдаги енгилликни ёдда тутиш билан.

Саховат ва қалб беҳожатлиги, бойлиги (бошқача айтганда: кўзи, илиги тўқлик. Шунингдек, тамадан, яъни одамлардан беҳожатлик) шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Саховатнинг зидди бахилликдир. Бахиллик ва қалб фақирлиги (кўзи очлик ва доимоий юлғичликка интилиш) шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради).

Сахийнинг уч аломати бор:

1. Бирор нарсага муҳаббат қўювчи бўлмаслик. Чунки ким бирор нарсани яхши кўрса, саховатга кодир бўлмайди.

2. Меҳмонни яхши кўради, токи унинг ҳузуридаги дунё қолдиқлари (ўша меҳмон билан, унинг ҳам фойдаланиши билан) камаяди. Аллоҳ ҳузуридаги даражаси эса (матохлар камайиши ва меҳмондўстлиги учун) зиёда бўлади.

3. Нарсани ўзининг нафси учун юк, оғирлик сифатида кўради ва енгил ҳолида амал қилади (албатта, матоҳи кўпнинг ўйи ва ғами ҳам кўп бўлади, илло Худога яқин банда бўлса ундай эмас).

Уч нарса сахийнинг феълларидандир:

1. Нарсани ўз ўрнидан ман қилмаслик. Чунки унинг саховати унинг ман қилишига йўл қўймайди.

2. Агар унга бирор нарса етса, унинг машғулоти (уни) фақатгина ўша нарса қўйиладиган (ҳақли) жойга етказиш бўлади.

3. Ўзи ва тақводорлар ўртасида биродарлик (бўлиши)ни яхши кўриш, токи улар унинг нарсаларидан ейдилар («Фақат мўмин ила соҳиб (дўст) бўл. Таомингни фақатгина тақводор есин» (Имом Абу Давуд, Термизий, Аҳмад ва Ҳокимлар ривоят қилишган) ҳадиси шарифига ишорадек, бу ерда сирдош, жондош алоқалар ҳақида гап кетмоқда). Чунки у аҳли саховатдир (яъни, саховат эгасидир).

Сахий саховатга фақат икки хислат билангина етади:

1. (Дунёвий) орзу-умидларни тежаш (яъни, орзу-умиди кўп киши саховатли бўла олмайди).

2. Ўлим учун тайёргарлик кўриш билан (яъни, сафарга чиқаётган одам зод йигади. Охират сафарининг зоди эса фақат олиш эмас, бериш ҳамдир).

Саховат қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни саховат билан воқиф қилган (тўхтатган) бандага тубо бўлсин! Чунки у бировнинг молидан ўзи учун сахийлик қилади («Нега сизлар Аллоҳ йўлида эҳсон қилмаяпсизлар?! Ҳолбуки, осмонлар ва ернинг во-

рислиги ёлғиз Аллохники-ку!» ояти каримасига ишора). Умрида ўзи учун (булар) доимий, боқий, кўп савоб бўлган ҳолда қолади. Ким умр кўрса, бас, у фонийдир. Мол кетгувчидир. Шундай экан бандани (асл бахтлилик ва бадбахтлик масалаларида) бирор нарсадан беҳожат қила олмайдиган, (аслида) ҳеч нарса бўлмаган нарсани тарк қилишдан кўра ҳам енгилроғи борми? Чунки у киши фоний бўлиб кетгач (ўлгач), улар (унинг учун) ҳеч нарса (қийматсиз) га айланиб қолади. Агар у бор вақтида (яъни, бирор нарсага арзийдиган пайтда, ҳаётлик вақтда) бир мартагина тарк қилинмаса (яъни, сарфланмаса), ўша нарса (унинг учун) боқий қолади. Балки Аллоҳ таоло у молни кишига ундан фориф бўлиши билан ўлимни қабул қиладиган вақтида (яъни, унинг шиддатлари вақтида энг ёрдамга муҳтож бўлиб қоладиган ўшандай вақтида) уни азизлик ва хурсандлик ила беҳожат қилиши билан наф беради.

### **Тўғрилиқ ва унинг зидди бўлган хатонинг тафсири. Тўғрилиқнинг тафсири**

Тўғрилиқ («тўғрилиқ» деб таржима қилинган «савоб» сўзи луғатда қуйидаги маъноларни англатади: 1) (мўлжалга) теккизмок, урмок; 2) (муваффақият) қозонмок, эришмок; 3) тўғри йўл тутмок, ҳақ бўлмок, ҳақ бўлиб чиқмок; 4) топмок, топиб олмок, фаҳмлаб олмок; 5) олмок, эришмок, эришилмок. Бу «яхши иш» маъносидаги «савоб» сўзи эмас. Булардаги «с» ҳарфи икки хил) мусийб (тўғрилиқка, «савоб»га етувчи)дан бўлиб, уч нарса билан бўлади:

1. Илми ҳужжат билан бўлади, токи (натижада ҳавойи нафсидан гапирмайди ва) сўзи тўғрилиқ билан бўлади.

2. Нафсининг айбларидан чиқади, токи (натижада танаси гуноҳлар билан булганмагач) аъзолари тўғрилиқ билан бўлади.

3. Қалбидан офатларни чиқаради, токи (натижада Аллоҳга етишгач) қалби тўғрилиқ билан бўлади.

Тўғрилиқнинг ўхшаши ҳақдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Зидди эса хатодир. Хато ва ботил ўхшашдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради).

Мусийбнинг уч аломати бор:

1. Тилғламалиқ ва лаганбардорликни ёқтирмайди, чунки бундай киши тўғрилиққа қодир бўлмайди.

2. Хусумат ва тортишувни севмайди, чунки бунда кишининг нуқсони ва адовати бор (яъни, бирортани айблашга ҳаракат ва унга бекордан-бекорга адоват қилишга ўтиб қолиш бор, натижада тўғрилиқдан четланади).

3. Оқибат (ўйлаш)ни яхши кўради, чунки унда динининг иши учун саломатлик бор.

Уч нарса мусийбнинг ишларидандир:

1. Гувоҳликни яширмаслик – унга яхшилиқ қилганга бўлсин, ёмонлик қилганга бўлсин ёки уни мақтаганга бўлсин, уни ёмонлаганга бўлсин. Чунки уни қоим қилиши билан тўғрилиғи кўпаяди.

2. (Аллоҳ ва одамлар олдидаги динига ва дунёсига тегишли) аҳдига вафодор бўлиш (Бу билан тўғрилиқда бардавом бўлади).

3. (Аллоҳ ва одамларга тегишли) омонатларни адо қилувчи бўлиш. Чунки у тўғрилиқ йўлига тушган, етган.

Киши қалбидан офатларни ва нафсидан барча айбларни чиқармагунича тўғрилиққа етмайди.

Тўғрилиқ билан қоим бўлиш қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни тўғрилиқ билан воқиф қилган (тўхтатган) бандага тубо бўлсин! Чунки бу билан кишига азизлик, сурур, бадан роҳати ва Аллоҳнинг уқубатлари ва маломатидан омонлик бор. Ва одамларнинг (юқоридаги мусийбнинг сифатлари тескари-сига эга бўлганда етадиган) уқубати ва маломатидан ҳам (омонлик бор). Чунки мусийб амийн(ишончли), масрур, мукаррам (хурматли), мақталган, азиздир.

Хато қилувчи эса (ишлари оқибатидан) қўрқиб турувчи, хўрланган, (қилмишлари юкидан) ҳорғиндир.

## Насихат ва унинг зидди бўлган ҳасад тафсири. Насихатнинг тафсири

Насихат («насихат» сўзи луғатда куйидаги маъноларни билдиради: 1) чин кўнгилдан берилган маслаҳат, яхши насихат; 2) самимийлик, хайрихоҳлик. Яна «насихат» сўзи луғатда «холис», «покиза», «содиқ» каби маъноларни англатади. Урфда эса, бир кишининг бошқасига холис ният, содиқлик билан яхши йўл-йўриқларни айтишидир» — Шайх Муҳаммад Содиқ. Куйидаги ўринларда «насихат»нинг барча маъноларини назарда тутиш лозим) насихат қилувчидан бўлиб, уч нарса билан бўлади:

1. Қалбидаги мўминлар учун бўлган қадрлаш ва хурмат билан.

2. Ўзининг нажотини уларга нисбатан насихатда бўлишда кўриш.

3. Нусрат ва давлат алал-оқибатда насихат билан бўлиши.

Насихатнинг шакли шафқатдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Зидди эса ҳасаддир.

Насихат эгасининг уч аломати бор:

1. Мусулмонларга бирор (ёмон) нарсани ихтиёр этмаслиги. Кимки мусулмонларга бирор (ёмон) нарсани ихтиёр этар экан, қандай қилиб уларга нисбатан насихатда бўлади?

2. Уларнинг қадрини улур тутади, ҳатто улар (бу ҳақ ва гўзал муомала натижасида) охиратга (янада) рағбат қиладилар.

3. Уларнинг қўлларидаги нарсаларга рағбат қилмайди. Бас, агар уларнинг қўлларидаги нарсага рағбат қилса, батаҳқиқ, уларга нисбатан насихатни тарк қилган бўлади.

Насихат соҳиби насихатга токи ўзининг нажотини Аллоҳ таоло уларга ато қилган каромат (яъни, ий-

мон ва тоат) важидан мусулмонларга боғламагунича етолмайди. Аллоҳ уни насихатда воқиф қилган бандага тубо бўлсин! Батаҳқиқ,

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Огоҳ бўлинглар, дин насихатдир», деганлар (Ушбу лафз ила Ибн Ҳиббоннинг «Саҳиҳ»ида келган. Уч бор айтилади. «Огоҳ бўлинг» лафзисиз эса кўплаб манбаларда келган ва «саҳиҳ»лари ҳам бор. Давоми: «Ким учун, эй Аллоҳнинг Расули?» «Аллоҳ, Унинг Китоби, Расули, мусулмонлар имомлари ва уларнинг оммаси учун»).

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу дедилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳар бир мусулмон учун насихатда бўлишга байъат қилдим» («Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга намозни қоим қилиш, закот бериш ва ҳар бир мусулмонга насихатда бўлиш борасида байъат қилдим» (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ва бошқалар ривояти).

Чунки у (насихат соҳиби) буларнинг барида ўзи учун насихатда бўлувчидир. Чунки бунда унинг учун ажр бор. Шунингдек, ўз моли билан узлуксиз насихатни етказиб турувчилар ажрлари мислига ҳам етишадик, унинг учун бу билан иззат-ҳурмат, роҳат, муҳаббат, чиройли мақтов ва дуо бўлади. Чунки насихат соҳиби дунё ва охиратда азиздир. Ва у (дунёю охират)нинг шарафи ва суруридадир. Хоин эса дунё ва охиратда хор ва ҳўрликдадир.

**Ҳисба (шариат амрларининг бажарилишини назорат қилиш ёки яхшилик умиди, ажр) ва унинг зидди бўлган яхшиликлардан беҳожатлик тафсири.  
Ҳисбанинг тафсири**

Ҳисба муҳтасиб (яъни, шу ишни қилувчи)дан бўлиб, уч нарса билан бўлади:

1. Ушбу маъруф ва яхшиликларга ҳожати борлигини ёдда тутиш.



2. Ушбу маъруф ва яхшиликларнинг савобига хожати борлигини ёдда тутиш.

3. Ушбу маъруф ва яхшиликлар билан Аллоҳнинг розилигига хожати борлигини ёдда тутиш.

Ҳисбанинг шакли (яхши) ниятдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Зидди эса ушбу яхшиликлардан беҳожатлик.

Муҳтасибнинг уч аломати бор:

1. Халққа манфаатлилик.

2. Уларни дунёнинг ёмонликлари ва охират азобидан кўрकिлади.

3. Уларга илм, ибодат лозим.

Уч иш муҳтасибнинг феълларидандир:

1. Аллоҳ йўлида яхши кўрадиган барча кишиларини зиёрат қилиши, токи уларнинг холи ва иши қандайлигини кўради.

2. Уларнинг диний ишларида мусулмонларнинг эҳтиёжлари учун ўзини бағишлаши.

3. Ҳеч кимга уларга кўрсатган манфаати юзасидан миннат қилмаслиги.

Киши токи Аллоҳнинг розилиги ва унинг савобига муҳтожлигини эсламагунича ҳисбага ета олмайди ва унга қодир бўла олмайди. Бас, агар шуни эсласа, ҳисба учун унга қодир бўлади. Ҳисба қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни ҳисбада воқиф қилган (тўхтатган) бандага тубо бўлсин! Чунки ким охират (ниятидаги) амаллар савобини эсласа, у ўша билан хурсанд, ёқимли, хушҳол бўлади ва унга рағбат қилади ҳамда унга ҳарис бўлади. Дунёга эса бепарво бўлади, унинг яхшилиги камлиги ва офати кўплиги учун, ҳатто, уни ҳеч нарсадек кўриб қолади.

### **Ният ва хайрли ниятнинг зидди бўлган ёмон ниятнинг тафсири. Ниятнинг тафсири**

Ният ният қилувчидан бўлиб, тўрт нарса билан бўлади:

1. Дунёга бўлган (ноўрин) раббатини синдириш.
2. (Ҳавойи) орзу-умидларда тежамкор бўлиш.
3. Ҳаётни (тоат-ибодат ва солиҳ амаллар учун) ғанимат билиш.

4. Охират талаби билан машғул бўлиш.

Ёмон ният орзу-умидларнинг узунлиги билан бирга шаклдир. Орзу-умидлар узунлигининг зидди орзу-умидларнинг қисқалигидир. Ва орзу-умидларнинг қисқалиги хайрли ният билан бирга, шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради).

Ният қилувчининг қуйидаги аломати бор:

Ўша нияти билан хатолардан маъсум (сақланган) бўлади, чунки унинг нияти бошқа нарса саридир (яъни, яхшилик сари, хато сари эмас, демак у ниятига яраша савоб олади.

Уч иш ният қилувчининг феълларидандир:

1. Тўхташ билан амал қилиш, токи унинг учун (ўша амал ҳақиқати, ундаги ниятнинг қай ҳолдалиги) очиқ-равшан бўлади (яъни, у холис Аллоҳ учунми ёки бошқа гапи борми?).

2. Тафаккур қилиш, токи унга (қилаётган амалидаги хайрли) ният билан орзу-умиднинг фарқи очиқ-равшан бўлади (бу ҳақда илҳом ва васваса бобида тўхтаб ўтилган эди).

3. Нафс ҳавоси ва шахсий фикрларидан огоҳ бўлади, хатто, уларни синдиради (чунки уларни синдирмаса, булар, шубҳасиз, унинг ниятини синдиради, сўнг амаллари ҳавога учиб кетади, яъни ундан дунёю охиратда бирор фойдага эга бўла олмайди) ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашувчи бўлади (яъни, юқоридаги ишга қодир бўлишнинг бирдан-бир йўли шу. Чунки у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирон-бир ишда ҳавойи нафсларига эргашмаганлар).

Ният қилувчи токи орзу-умидларга бўлган раббатни синдирмагунча, ниятга ета олмайди (кишилар ҳаётда ният қилиб юриб, бирор хайрли амалга қодир бўла олмай, яроксиз бўлиб қолишлари доимо куза-

тилади). Ва ўзини охираат амаллари билан машғул қилади. Ният қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни ният учун тўхтатган бандага тубо бўлсин! Чунки ният қилувчининг нияти, худдики савдогарнинг асосий сармояси кабидир. Яна, охираат толибининг бу иши билан ҳамма ишлари солиҳ бўладиган умри кабидир. Албатта, у (ният қилувчи) азизу мукаррам, роҳатда бўлувчидир. Орзу-умидлар соҳиби дунёю охираатда хор, хўрланган, (улар ҳеч тугамас, ўлимдан бошқа охири бўлмаган машаққатларидан) чарчовчидир.

### Шафқат ва унинг зидди бўлган адоват тафсири. Шафқатнинг тафсири

Шафқат мушфиқдан бўлиб, уч нарса билан бўлади:

1. Мўминларнинг Аллоҳ ҳузуридаги мартабаларини ва Унинг наздидаги ҳурматларини ёдда тутиш билан.

2. Мўмин-мусулмонларнинг ўзига бўладиган ёрдамига ҳожати борлигини ёдда тутиш билан, қачонки, у биладикки, у якка холида заифдир ва уларнинг ёрдами билангина динининг амрларида ҳукм қилишга қодир бўлади.

3. Қиёмат кунида уларнинг шафоатларига ҳожати борлигини ёдда тутиш билан. Унинг нажоти уларнинг шафоати билан бўлиши мумкин ишдир (яъни, қиёмат куни мусулмонлар ундан зулм кўрганлиги сабабидан ҳақларини талаб қилмайдилар, демак, яхшилик билан гувоҳлик берадилар).

Шафқатнинг зидди адоватдир. Адоват ва ҳасад шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Ҳасаднинг зидди насихатдир. Шафқат ва насихат шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради).

Мушфиқнинг уч аломати бор:

1. Адоватни ёмон кўради.
2. Ҳасадни ёмон кўради.

3. Шошилиб олдинлаш ва (кишиларга маънан) санчиш, зарба беришни ёмон кўради.

Уч иш мушфикнинг феълларидандир:

1. Лутф (луғатда: мулойимлик, латифлик, ширинсуханлик, ёқимлилик).

2. Хилм.

3. Барча мусулмонларни яхши кўриш.

Киши токи мўминларнинг Аллоҳ ҳузуридаги мартабасини ёдда тутмагунича, шафқатга ета олмайди. Шафқат қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни шафқат билан воқиф қилган (тўхтатган) бандага тубо бўлсин! Чунки уларга бўлган шафқати кишининг у (шафқат) билан дунё ва охиратда ўзи учун бўладиган яхшиликлар, узлуксиз дуо билан ўзига бўлган (Аллоҳнинг) шафқатини хошлашга бошлайди. Чунки у азизу мукаррам, омонликда. Ҳасадчи эса дунёю охиратда хор, хўрланган, хавфда тургувчидир.

### **Мурсою мадора ва унинг зидди бўлган лаганбардорлик тафсири. Мурсою мадора тафсири**

Мурсою мадора мурсою мадора қилувчидан бўлиб, уч нарса билан бўлади:

1. Жамоатнинг фазлини ёдда тутиш билан. Ва жамоат намози, ҳаж, икки ийд намозлари ва шунга ўхшашларни ҳам.

2. Якка-ёлғизликнинг фасодини ёдда тутиш билан (бу ҳолда доимий бўлган киши мурсою мадорадан беҳабар қолиши мумкин). Чунки сен учун лозим бўлгани у (дунё ва одам)лардан қалбинг билан узлатда бўлмоғингдир, аъзоларинг билан узлатда бўлмоғинг эмас (бу Нақшбандиянинг «хилват дар анжуман» қондаси тарихидан тарж.).

3. Аллоҳ ва Унинг Расули ҳамда мўминлар учун насихатни ёдда тутиш билан (албатта, ҳақиқий, тўғри мурсою мадора фақатгина мана шу ва мана

шу билан тўғри бўлади. Акс ҳолда, у лаганбардорликнинг ўзгинаси).

Муросаю мадоранинг зидди лаганбардорлик. Лаганбардорлик ва дунё учун тилёғламалик қилиш шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Дунё учун тилёғламаликнинг зидди дин ишларида тилёғламаликдир (яъни, уларга етишиш йўлида).

Муросаю мадора қилувчининг уч аломати бор:

1. Жамоатни яхши кўради.
2. Узлат (офатлари)дан қўрқади.
3. Тоқату бардошни яхши кўради (муросаю мадора учун буюк бардош лозим).

Уч нарса муросаю мадора қилувчининг ишларидандир:

1. Дин амри ва жамоат муҳаббатидан бирор нарсани устун қўймайди.

2. Бирор кишидан (уни ҳақир кўриб ё бошқа сабаб билан) каломни ман қилмайди (чунки муросаю мадора дегани ҳамма билан бўлмаса – бу номга лойиқ эмас, балки у лаганбардорлик сифатида баҳоланишга яқинроқдир).

3. Халқнинг суҳбатида бўлади, бас, муросаю мадора қиладики, улар билан биргалиги зиёда бўлиши учун.

Киши токи жамоатнинг фазли ва якка-ёлғизликнинг фасодини ёдда тутувчи бўлмагунича муросаю мадорага ета олмайди. Сўнг нафсининг ҳавосидан хавф қилади. Агар нафсининг ҳавосидан қўрқса, кишилар орасида муросаю мадорага қодир бўлади. Муросаю мадора қандай ҳам яхши бобки, Аллоҳ уни муросаю мадора билан воқиф қилган (тўхтатган) бандага тубо бўлсин! Чунки муросаю мадора қилувчи одамлар орасида (чиройли хулқию муомаласи билан яхши ишларга) мажбур қилувчидир (чунки у келишишнинг йўлини топади, билади). Бас, Аллоҳнинг розилигини талаб қилиш билан нафсини ҳифз қилиш (сақлаш)ни, Аллоҳ кўрган нарсалардан четланиш билан Унинг муҳаббатини

дўст тутади. Мана шу нарсалар учун улар (ўзи билан терс келишганда уларга етадиган)га гуноҳни раво кўрмайди.

### **Вараъ ва унинг зидди бўлган иқбол тафсири. Вараъ тафсири**

Вараъ (художўйлик, диёнатлилик) таварруъдан бўлиб, беш нарса билан бўлади:

1. Илм билан (бу уни бу йўлдаги ноўрин васвасалар ва адашиб кетишдан химоя қилади).

2. Ўша нарса (илм ёки вараъ)дан унга нима улуш борлигини ва ундаги ўзи учун бўлган (фойдали) нарсага рағбат қилишни ёдда тутиш билан.

3. Аллоҳнинг азаматини, жалолини, қудратини ва султонини ёдда тутиш билан.

4. Малик ва Жаббор (Аллоҳ)дан ҳаёни ёдда тутиш билан.

5. Аллоҳнинг унга ғазабидан ва шунга ўхшаш нарасада қолишини ёдда тутиш билан.

Вараънинг шакли ҳазирликдир. Вараънинг зидди (ҳар бир нарсага уни текширмасдан қилинган) иқболдир. Ҳазирликнинг зидди жафодир. Жафо ва иқбол (бу ерда: яқинлашиш, кизиқиш, яъни, кераксиз, ноўрин нарсаларга) шаклдир (яъни бири бирини келтириб чиқаради).

Мутаварриънинг уч аломати бор:

1. Нарсанинг озини яхши кўради. Чунки нарсанинг озлиги унинг учун дин ишида саломатликдир (яъни, ноўрин машғуллиги ва Аллоҳнинг ҳузуридagi ҳисоб-китоби камаяди ва енгил бўлади).

2. Гапнинг озини. Аллоҳнинг унга бўладиган сўроқ-саволидан нажотда бўлиш учун: «Бу билан нимани ирода қилдинг?» (дейишидан).

3. Ейишнинг озини. Чунки унда бадан (даги зарарли нарсалар)ни синдириш, даражаларнинг зиёдалиги, қалб учун очилиш, кенгайиш, вараъга йўл ва тафаккур бор.

Уч нарса мутаварриънинг ишларидандир:

1. Каломи ўлчов, хужжат ва хавф билан бўлиши (яъни, меъёрида, илм билан ва эҳтиёткорлик билан).

2. Кеча ва кундуз ҳазирликда қоим туриш (яъни, офатни каттаю кичикка ажратмасдан хушёр бўлади).

3. Ўзи билан машғул бўлиш, бас, (бунинг натижасида) одамларнинг айби учун фориг (бўш) бўлмайди (одамлар ҳам, уларнинг айби ҳам кўп. Бу билан машғул бўлганнинг унга умри етмайди. Натижада ўзининг ислоҳига вақт топа олмай, ҳатто, ажали етади).

Киши токи Аллоҳнинг азамати, қудрати, ҳайбати ва султони тўғрисида тафаккур қилмагунича вараъга ега олмайди. Бас, (ана шунда) ундан қўрқади ва ҳаё қилади. Ундан ҳаё қилганда эса вараъга қодир бўлади. «Вараъ» арабларнинг каломида «вакф» (тўхтамок)дир. Дейилади: «Эй йигит, вараъ қил» («Арваъ, йаа ғулом»), яъни «тўхта». Ва у ҳалол ва ҳаром орасида тўхташдир. Аллоҳ уни ризқлантирган банда учун вараъ қандай ҳам яхши боб. Аллоҳ уни вараъ билан воқиф қилган (тўхтатган) бандага тубо бўлсин!

### **Шукр ва унинг зидди бўлган неъматларга куфрнинг тафсири. Шукрнинг тафсири**

Шукр шокирдан бўлиб, уч нарса билан бўлади:

1. (Шукр билан бўладиган) зиёдалиқни ёдда тутиш билан. Чунки Аллоҳ таоло дейди:

«Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман».

2. Аллоҳнинг унга бўлган хайру саховат, яхшиликларини ёдда тутиш билан.

3. Аллоҳ тақсимлаган қадар ва қисматни ёдда тутиш билан, токи нозил бўлган қийинчиликлар билан Аллоҳ неъматларининг қадрини билади (яъни,

Аллоҳнинг қазою қадарига иймон келтирган бандда ўзига келган шиддатларни ҳам яхшилик ўрнида кўриб шукр қилади. Чунки у биладики, Аллоҳнинг қадари ҳақ ила ва У мўмин-мусулмонга яхшиликдан бошқа нарсани ирода қилмайди. Чунки У зулмдан пок зотдир. Шиддатларни эса У зот мўминга фақатгина унинг иймонию амаллари мўрт бўлиб қолмай, шиддатли, мустаҳкам бўлиши учун ва бошқалардан узилиб фақат ўзига йўналиши учун туширади. Бу маънолар кўплаб ояти карималар ва ҳадиси шарифларда келган).

Шукрнинг зидди неъматга куфрдир. Неъматга куфр ва шикоят шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради). Шикоятнинг зидди ҳамддир. Шукр ва ҳамд шаклдир (яъни, бири бирини келтириб чиқаради).

Шокир (шукр қилувчи)нинг қўйидаги аломати бор:

1. Тазарруъни ёдда тутиш билан (бу билан шукр бардавом бўлади).

2. Ибодатни яхши кўради, токи бу Аллоҳнинг унга бўлган атоларига далолат қилади.

Уч нарса шокирларнинг ишларидандир:

1. Аллоҳнинг унга бўлган шукри (яъни, оз нарсаси амалига кўп нарса бериши самараси) бўлган хайру саховат, яхшиликларини кўп эслаш.

2. Аллоҳ уларни саховат ва саодат билан мубтало қилганларга эътибор қилади. Бу Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзи туфайли:

«Биз сизларни ёмонлик ва (ҳам) яхшилик билан фитналантирган ҳолда (яъни, имтиҳон учун) синаймиз» (Анбиё, 35). (Бас, яхши ҳолида ҳам, ўзига ёмонлик бўлиб кўринган ҳолида ҳам шукрни тарк қилмайди).

3. Ижтиҳод қилиш, токи (бу) шукрга далолат қилади.



## Тўртинчи боб

### Темурийлар ва Алишер Навоийнинг Ҳаким ат-Термизий таълимотига муносабати

#### ТЕМУРИЙЛАР ВА ТЕРМИЗ ШАҲРИ

*«Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг айнан мана шу Термиз атрофида ўзининг пири бузруквори Саййид Барака ҳазратларидан ҳокимият рамзи бўлган байроқ ва жанговар ногорани қабул қилиб олгани ҳам бу тупроқнинг нечоғли хосиятли эканини кўрсатиб турибди».*

ИСЛОМ КАРИМОВ

Соҳибқирон бобомиз Амир Темури (1336—1405) ва Термиз шаҳри билан боғлиқ турфа воқеалар тарих зарварақларида муҳрланган. Амир Темурининг ҳокимият тепасига келиши жараёнида термизлик саййидлар тутган беқиёс саъй-ҳаракат муаррихлар гарафидан эътирофини топган. Ҳатто, 1370 йилда Термиз яқинидаги мавзелардан бири Биё<sup>1</sup> (Бўё, Буё; Яздий. Зафарнома. — Т.: 1997. *Бева* мавзеси<sup>2</sup>) да соҳибқирон Амир Темури Термиз саййидларидан бўлмиш ўз пири Саййид Баракадан давлат белгиси бўлган байроқ ва ногорани қабул қилиб олган. Биё, яъни тарихий манбаларда Буғ кишлоғининг таълимини мақсад ушбу кишлокда Термизийларнинг йирик вакилларидан Имом Исо Термизий

<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Амир Темури дарслари. 2-нашри. — Тошкент: Шарқ, 2001. — Б. 46

<sup>2</sup> Яздий Шарафиддин Али. Зафарнома. — Тошкент: Шарқ, 1997. — Б. 64.

туғилган. Қишлоқ илм-маърифат маркази бўлиши билан бирга, Буғ худуди аҳолиси зич жойлашган, савдо-сотик ва ҳунармандчилик ривож топган ҳамда Буюк ипак йўли устида жойлашган, шунингдек, Равотак ариғи суви билан таъминланган, ҳарбий-стратегик жиҳатдан қулай, душманлардан ҳимоя қилувчи қалъалари мавжуд макон ҳисобланган. Худди шу тарихий воқеалар тафсилоти Низомиддин Шомий (ваф. 1405)нинг ҳам «Зафарнома» аса-рида ушбу хилда берилади: «Шу ҳолатда Аллох таоло уни шарафли этгур Макка саййидлари жамоатидан бўлмиш улуғ амир ва мухтарам Саййид Барака етиб келади. У Амир Соҳибқиронга катта ноғора (табл) ва ялов (байроқ) тортиқ қилди. Амир Соҳибқирон буни муборак фол деб билиб, тўхтовсиз равона бўлди ва Чағонга бориб тушди»<sup>1</sup>. Амир Темур 1370 йилда Буғ қишлоғида сиёсий ҳокимиятни эгаллаб, ўзини Амир деб эълон қилди. Шунингдек, Шерободнинг Буғ қишлоғи орқали Чағониёнга тўғри туташган карвон йўли бўлиб, ушбу йўл Амир Темур маъмурий-сиёсий бошқарув тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чағон ёки Чағоншаҳр хозирги Қизилсув (Сангардак)нинг Сурхон (Чағонруд) га қуйиладиган чап соҳилида жойлашган Будрач-тепа харобаси ўрнида бўлган, кейинчалик шаҳар янги жойи Деновга кўчган<sup>2</sup>. Чунки Чағониённинг қадимий атамаси Чағон экани Чағонхудотлар номида ҳам сақланган, улар ўлкани VII асрда идора қилгани тарихий манбаларда эътирофини топган, бу аёнана Чағониённинг номдор амирлари Абу Али Чағоний ва Тоҳир Чағоний номларида ҳам аксини топган<sup>3</sup>. Саййид Барака томонидан Соҳибқирон

<sup>1</sup> Шомий Низомиддин. Зафарнома. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996. — Б. 80—81.

<sup>2</sup> Қодиров Б., Муртазов Б. Чағониён адабиёти. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. — Б. 12.

<sup>3</sup> Аршавская З.А. и др. Средневековые памятники Сурхандарьи. — Ташкент: Изд. лит. и иск., 1982. — С. 24.

Амир Темурга инъом этилган байроқ ва ноғора тожу тахт белгиси, салтанат рамзи эди, ана шу тариқа Аллоҳ ярлақаб Мовароуннаҳр мулкида янги сарвар фаолияти бошланади.

Соҳибқирон ҳаёт йўлини ана шу хил ранг-баранг ҳодисаларда, турфа воқеаларда ифода этган Термиз шаҳри билан боғлиқ ажойибу гаройиб тафсилотлар ила тўлдирилган ҳикоятлар асрлар оша сайқал топиб келаётгани ҳам сир эмас. Чунончи, Соҳибқиронинг Хоразм заминига тўртинчи юриши (20.02.1379) чоғида ул ҳазратга Термиздан қовун совға келтиришади. Демак, Термиз қовунлари элу улус орасида машҳур бўлган, негаки, ҳар қандай қовун Соҳибқиронга пешкаш қилинмаслиги оддий ҳақиқат. Соҳибқироннинг ҳам ширин қовундек кўнгли юмшаб, дили яшнаб, шу қовундан Хоразм ҳокими — ғаними Юсуф Сўфийга ҳам пешкаш қилиш нияти туғилади. Қовунни олтин товоқда юборишга қарор қилинади, аммо баъзи беклар оддий ёғоч товоқда юбориш таклифи билан чиқадилар. Соҳибқирон ёғоч товоқ обрўимизга тўғри келмайди, деган фикрда олтин товоқда юборишни амр этади. Соҳибқироннинг бундан муроди қайсар Юсуф Сўфийни қовундек ҳалим ва ширин, олтиндек соф бўлишга, мусаффо фикрлар чиқаришга ундаб, бегуноҳ элни хавф-хатарга қўймаслик эди. Бирок, душман буни тушуниб етмайди. Ғаддор Юсуф Сўфий олтин товоқни қалъа дарвозабони бошлиғига тухфа қилган ҳолда, қовунга беписанд қараб катта хатога йўл қўяди<sup>1</sup>. Соҳибқирон бир неча бор, ҳатто қовун воқеасидан сўнг ҳам Юсуф Сўфий билан яккама-якка жанг қилиш учун ўзи қалъага боради, бирок Юсуф Сўфий кўрқоқлик қилиб жангга чиқмайди. Ваҳоланки, яккама-якка жанг таклифи Юсуф Сўфийнинг ўзидан чиққан эди, у Соҳибқирон Амир

<sup>1</sup> *Яздий Шарафиддин Али*. Зафарнома. — Тошкент: Шарқ, 1997. — Б. 87.

Темурга: «Неча эл азобда бўлгай биз, икки киши жихатидин? Вазифа улким, иккаламиз майдонга чиқиб урушқайбиз»<sup>1</sup>, — деб хат йўллаганди.

Соҳибқирон Ҳинд диёридан зафар кучиб кайтганида она юрти Мовароуннахр сарзаминига Термиз шаҳри орқали қадам ранжида қилади. Жайхундан ўтиб Термизга етиб келинган, Соҳибқирон аркони давлат ҳамроҳлигида кемадан тушиб соҳилга қадам қўяди. Азиз, авлиёлар ва ўтганлар руҳига дуойи фотиҳа ўқилгандан сўнг Соҳибқирон зафар шарафига кўпдан-кўп сочқилар сочади, дарё бўйи олтин ва кумуш тангаларга тўлиб кетади. Бу воқеалар 1399 йилнинг 29—31 март кунларига тўғри келади. Пешвоз чиққанлар орасида Бибихоним (Сароймулкхоним 1341—1408) билан бирга энди беш ёшга тўлган ака-ука Мирзо Улуғбек (1394—1449) ва Иброҳим Султон Мирзо (1394—1435)лар ҳам бор эди. Душанба куни 30 март насаблари Муҳаммад (с.а.в.)га бориб етувчи саййидлардан Термиз ҳоқими хонзода Ало Мулук Ҳиндистон ғалабаси муносабати билан Соҳибқирон шаънига Термиз шаҳрида дабдабали тўй уюштириб, беадад совға-саломлар улашади.

Соҳибқирон Амир Темур 1399 йилнинг сентябрь ойида Эронга юриш бошлайди ва Кеш, Термиз, Балх орқали ўтади. Соҳибқирон Термизда қўниб улуғ алломаи замон Хожа Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий ва шайхи бузургвор Абубакр Варроқ мазорларини зиёрат қилиб, мискинларга беҳад садақалар инъом этади<sup>2</sup>. Бу офир жанглари олдида азиз ажодлар руҳининг ғалабага мададкор бўлиши ниятида амалга оширилган махсус тадбир эди. Термиз хамиша теурийлар диққат-марказида турган шаҳарлар сирасида бўлиб келган. Теурийзода Халил Султон (1384—1411) бобоси Амир Темур вафотидан сўнг (1405—1409 йиллар) Самарқанд дориссалтанатига

<sup>1</sup> *Яздий Шарафиддин Али*. Зафарнома. — Тошкент: Шарк, 1997. — Б. 86.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

соҳиб бўлади. Халил Султон тожу тахт устуворлиги йўлида Мовароуннаҳр сарҳадларини мустаҳкамлашга киришади. Чегара шаҳар Эски Термизни қайта тиклашга уринади, аммо аҳолини Эски Термизга жалб этиш қийин кечади. Аҳолини жалб этиш илинжида буюк аллома Ҳаким Термизий мақбараси янгитдан таъмирланиб, мрамр сағана ўрнатилади. Таассуфки, бу ҳаракатлар зое кетади, Эски Термизга аҳоли кўчиб келмайди, режа эса амалга ошмай қолади. Бу воқеалар 1407 йилда рўй беради, Халил Султон махсус буйруқ билан шаҳарни тиклаш ҳақида фармон беради. Буни тарихчи Ибн Арабшоҳ: «Чингизхон хароб қилган Термизни тиклаш ҳақида Халил Султоннинг буйруғи ва бу иш учун аскарлар юбориши баёни»<sup>1</sup> сарлавҳаси остида маълум қилади. Халил Султон бу ишни амалга оширишни ўзининг энг яқин лашкарбошиси Аллоҳдодга топширади, бу ишда Аллоҳдодга Илёсхожа, Ибн Қумари Мансур, Таваккул Карқаро, Давлат Темур ва бошқалар ёрдам беради.

Чингизхон кўшинлари томонидан неча асрлар илгари ер билан яқсон этилган Термиз шаҳрини қайта тиклаш ишлари жадал бошланади, аввало, керакли зарур анжомлар шай этилади. Шаҳар махсус режа асосида мавзеларга тақсимланиб, ораликда кўчалар, йўллар, бинолар қурилади, аскарлар кечаю кундуз тиним билмай ишлайдилар. Натижада шаҳар тез фурсат ичида қуриб битказилади ва аҳоли янги уйларга кўчиб ўтишга таклиф этилади. Аммо аҳоли ўзининг янги ўрганган масканларидан кетишни истамас эди. Буни тўғри англаган Оллоҳдод қайта тикланган Эски Термизга биринчи навбатда қосиб ва хунармандларни олиб келади, уларга ажойиб шароитлар яратиб беради. Бу хусусда Ибн Арабшоҳ шундай деб ёзади: «Кейин у новвойлар, қассоблар, ошпазлар ва ёғфурушларга

<sup>1</sup> *Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари.* Араб. тарж. — Тошкент: Мехнат, 1992. — Б. 48.

эски шаҳарга кўчиб ўтишларини буюриб, уларга алоҳида манзиллару бошпаноҳлар ажратиб берди ва бошқаларга тегмади»<sup>1</sup>. Аллоҳдод шаҳар қурилишини тамомлаб, ҳатто, кимлар янги уйларга кўчиб ўтса, ўша уй унинг шахсий мулки бўлишини, яъни янги уйлар давлат томонидан ўша шахсга тухфа тарзида инъом этилишини эълон қилади.

Темурийлар Термиз шахрига, умуман, унинг янги ва эски қисмига бефарқ қарамас эдилар, боиси, шаҳар Мовароуннаҳр ва Хуросон ўртасидаги муҳим чегара шахри эди. Чегара шахрини авайлаб-асраш давлатнинг етакчи сиёсати бўлиб келган, шундан Термизнинг ҳар бир меъморий обидаси темурийларнинг ҳам диққат марказида турганлиги табиий ҳодиса. Чунончи, илк қурилганидан буён бир неча марта қайта тиклаш ва неча-неча ҳукмронлар тарафидан таъмирлашларни бошидан кечирган аллома Ҳаким ат-Термизий мақбараси, унинг атрофидаги иншоотларнинг ҳолатини Соҳибкирон Амир Темур ҳам ўз назоратига олган эди. Масалан, 1389—1390 йилларда Ҳаким ат-Термизий мақбараси атрофида кўшимача бинолар қурилади, булар, албатта, Соҳибкирон бобомиз Амир Темур хоҳиш-истаги ила саййидлар авлодидан бўлмиш Термиз ҳокими хонзода Ало Мулук раҳбарлигида қад кўтаргани сир эмас.

Халил Султон даврида эслатилган сана (1407 йил)да Эски Термизни қайта тиклаш жараёнида Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг шимоли-шарқий қисмида тенги йўқ янги маҳобатли хонақоҳ бунёд этилди. Ушбу маҳобатли ва гўзал хонақоҳ қурилиши ўзида ўтмиш ва замонавий меъморий анъаналарни мужассам этган бўлса-да, услуб жиҳатидан олдингиларидан анча фарқ қилади. Халил Султон бошлаган хонақоҳ қурилишининг давомини Султон Шохрух Мирзо (1377—1447)ниҳоясига етказди, чунки Сул-

<sup>1</sup> *Ибн Арабшоҳ. Ўша жойда.* — Б. 49.

тон Шохрух Мирзонинг дин аҳлига эътиқоди баланд эди. Ана шу зайлда хонақоҳ қурилиши кезлари Ҳаким ат-Термизий қабри устига оқ мрамдан йўниб ишланган олий даражадаги сағана ўрнатилади. Оқ мрам тошдан ясалган ва чиройли ёзувлар билан жило берилган бу гўзал сағана темирыйлар даври сангтарош усталари томонидан санъаткорона яратилган шох асарлардан бири саналади<sup>1</sup>. Бугунга келиб мрам сағана эскириб қолгани сабабли, Юртбошимиз И.А. Каримовнинг шахсан раҳнамолигида эски сағана худди ўзига ўхшатиб ясалган янги мрам сағана билан алмаштирилди. Эски мрам сағана «Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуаси»нинг «Термиз ва термизийлар мероси тарихи музейи»га ўтказиб ўрнатилди.

Кейинги қизиқ бир воқеа Мирзо Улугбек (1394 — 1449) қаламига мансуб «Тўрт улус тарихи» асарида келтирилади. Бу келтирилган воқеа Чингизхон (1155—1227)нинг Мадинат ар-рижол (эрлар шахри) Термизни забт этиш тафсилотидир. Мирзо Улугбекнинг нақл қилишича, шаҳар аҳолиси тамоман қиличдан ўтказилади, ёшу қари аяб ўтирилмайди. Бунинг боиси шу эдики, Термиз шахри аҳолиси Чингизхонга қарши мардларча курашади, фаним билан тенгсиз жангда қаҳрамонлик намунасини кўрсатади. Дарҳақиқат, Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида Термиз шахри аҳолисининг мўғул босқинчиларига қарши фидокорона курашини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мадинат ар-рижол» яъни, «Мардлар шахри» деб атаганида ҳам теран маъно мужассам. «Такрор айтаман, — деб таъкидлаган эди Юртбошимиз ўз нутқида, — тарихнинг ўзи Термиз шахри, унинг қаҳрамон халқи зиммасига асрлар давомида юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метин қалъа-қўрғон бўлишдек оғир ва масъулиятли

<sup>1</sup> Пугаченкова Г. Термез. Шахрисабз. Хива. — Москва: Искусство, 1976. — С. 36.

вазифани юклаган»<sup>1</sup>. Ўн бир кунлик жанглардан сўнг шаҳар таслим этилгач, мўғуллар Термиз аҳолисини катта майдонга тўплаб уларни қатлга ҳукм этишади. Шунда оломон ичидан бир аёл мўғулларга мурожаат қилиб: «Мени ўлдирманглар, мен сизларга юлдуздек товланувчи катта гавҳар бераман», дейди. Мўғуллар: «Гавҳар қани» деб сўрашганда, аёл: «Кафтимда сув билан ютиб юбордим», дейди. Мўғуллар шу заҳоти аёлнинг сийнасини ёриб, дурни топадилар. Мўғуллар гавҳар илинжида барча ўликларни ва тирикларни ёриб кўрадилар, уларнинг сийналарини пора-пора қиладилар, қон дарё бўлиб оқади.

Мирзо Улуғбек Термизнинг мўғул истилоси воқеасини баён этиш билан чегараланиб қолмай, шаҳар тарихини янги тафсилотлар билан тўлдиради. «Тўрт улус тарихи»да эътироф этилишича, Термиз шаҳрини, ҳатто, жаҳон фотиҳи Искандар турли хийлалар ишлатиб ҳам ишғол этолмаган. Шаҳар етти девордан иборат бўлиб, Садди Искандарий (яъни, Хитой девори) унга келиб туташган экан. Шаҳар қалъасининг тупроғи қўрғошиндан ва риштлири тошдан бўлиб, атрофини етти хандақ ўраб турар экан. Хуллас жаҳонгир Искандар Зулқарнайн иложсиз қолиб, сулҳ тузишга мажбур бўлган экан.

Мўғул истилоси ва гавҳар можароси воқеалари илк дафъа Атомалик Жувайний (1225–1283)нинг «Тарихи жаҳонкушо» асарида нақл этилади. Шу зайлда ушбу воқеага Мирзо Улуғбек, Абулғозий Баҳодурхон (1603–1664) «Шажараи турк», Ҳерман Вамбери «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» асарларида мурожаат қилишган.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Президент Ислоҳ Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Ma'rifat. — 2002 йил. 3 апрель.



## АЛИШЕР НАВОИЙ ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР ЗИКРИДА

*«Бутун юртимиз каби Термиз шахрига  
ҳам Аллоҳнинг назари тушган».*

ИСЛОМ КАРИМОВ

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» (1496) асарида термизлик алломалардан Муҳаммад бинни Али Ҳаким Термизий (вафоти 869), Абу Бакр Варроқ Термизий (IX аср), Абу Зарр Термизий (IX аср), Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий (IX аср), Юсуф Ҳаёт Термизий (IX аср), Абу Наср Муҳаммад Термизий (IX—X аср), Абулмузаффар Термизий (IX—X аср), Саййид Бурхониддин Термизий (вафоти 1240) ва қисман Исо Термизий (824—892)лар хусусида қимматли маълумотлар учрайди<sup>1</sup>. Термизда IX—X асрлар илми илоҳиёт бобида шаклланган мактаб бўлиб, ушбу мактабнинг сардафтари Ҳаким Термизий эди. Алишер Навоий аллома Ҳаким Термизий ҳақида: «...Машойихи кибординдур... ва кўп ҳадиси бор ва зохир каромоти ва тасонифи дағи бор»<sup>2</sup>, дейди. Алишер Навоий ул зоти олийнинг тафсир бита бошлагани, ушбу тафсир тугамай қолганини ҳам айтиб ўтади.

Алишер Навоий ул зотнинг Абу Туроп Нахшабий (вафоти 861), Аҳмад Ҳизравия (вафоти 855) ва Ибн Жало каби устодлардан таълим олгани, улар билан илмий баҳсу мунозара қилгани ҳамда Ҳаким Термизийнинг муборак қаламлари ила сайқал топган «Хатм ул-валоят» («Валийлар чўққиси»), «Наҳаж» («Йўриқнома»), «Наводир ул-усул» («Нодир усуллар»)дек китобларини эслатади. Дарҳақиқат, Ҳаким Термизийнинг 120 дан зиёд таснифоти ичида «Хатм ул-валоят» ва «Наводир ул-усул» асарлари узоқ

<sup>1</sup> *Навоий Алишер*. Асарлар. 15 томлик. 15-том. — Бадий адабиёт, 1968. — Б. 248.

<sup>2</sup> Ўша жойда. — Б. 86—87.

Ўтмишда Арабу Ажам дунёсида машҳуру манзур эди. Хозирда ҳам бу асарларнинг довриги айричадир, уларнинг Қоҳира ва Байрут нашрлари бор ҳамда инглиз, немис, форс, усмонли турк ва ўзбек тилида таржималари амалга оширилган. Алишер Навоийнинг гувоҳлик беришича «Кашф ул-махжуб» («Сирлар кашфиёти») муаллифи Хужвирий (1010—1072)нинг устози Абулфазл Ҳасан Хатлий (Х аср гоҳо, Хатлоний): «Муҳаммад дурри ятимдурки, оламда адили (ўхшаши) йўқдур», Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) «Қудват ул-авлиё» («Валилар маёғи»), Шайх Рукнуддин Симноний (1258—1335) «Бидоят ул-авлиё, ниҳоят ул-анбиё» («Авлиёларнинг бошланиши, пайғамбарларнинг охири») дея Ҳаким Термизий васфида мақтову олқишлар айтган экан. Баҳоуддин Нақшбанд Ҳаким Термизий ҳақида: «...ҳар қачон қудват ул-авлиё Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий руҳиға таважжух воқеъ бўлур эрди, ул таважжух асари маҳзи бесифатлиғ зуҳури эрди ва ҳар неча ул таважжух сайр воқеъ бўлур эрди, ҳеч асаре ва гарде ва сифате мутолаа тушмас эрди», дейди («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 85). («Ҳар қачон авлиёлар маёғи Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий руҳониятига таважжух қилсак, бу таважжухнинг таъсири соф бесифатлик ҳолатида бўлур эди. Бу бесифатликда ҳеч бир иш кўзга ташланмасди»). Шунингдек, «Насойим ул-муҳаббат»да Ҳаким Термизийнинг шогирдларидан «қалблар жодуси» лақабини олган Абу Али Жузжоний ҳам эслатиб ўтилади: «Муҳаммад б. Али Термизий била ва Муҳаммад Фазл Балхий била суҳбат тутубдур ва аларға қариб ус-синдур» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 89). Алишер Навоий шу каби Ҳаким Термизийнинг кунялари Абу Абдуллох, исмлари Муҳаммад ва оталарининг исми шарифлари Али эканлиги хусусида ҳам шаҳодат беради.

Ҳаким Термизий ўз даври диний унвонларининг аксариятига сазовор бўлган улўф зотдир. Ул зоти

олийнинг оромгоҳи айни маҳалда муқаддас саждагоҳ тарзида машҳур бўлиб, ўз замонида қутлуғ ибодатхона вазифасини бажарган. Хожа Ҳаким ат-Термизий яна «Содот ул-машойих» («Шайхлар саййиди») нисбалари билан аталиб, эл орасида аксар «Ҳаким» унвони билан машҳур бўлган. Ҳаким Термизий ўзининг «Таҳсилу назоир ал-Қуръон» («Қуръондаги ўхшаш калималар таҳсили») асарида «ҳаким» сўзини қуйидагича изоҳлайди: «Ҳаким — илмнинг ички томонини тушунувчи демакдир»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий авлиё Ҳаким Термизийнинг энг яқин шогирди ва сафдоши, сирдоши Абу Бакр Варроқ ҳақида тўлқинланиб сўзлайди: «... асли Термиздиндур. Қабри ҳам андадур... Абу Исо Термизийнинг тағойисидур... Ва «Таврот» ва «Инжил» ва кутуби осмонийни ўқубтур ва шеър девони ҳам бордур...»<sup>2</sup> ва унинг табаррук сўзларидан ушбуларни келтиради: «хукмронларнинг фожиаси зулмдандир, олимларнинг фожиаси тамагирликдандир, фуқаронинг фожиаси риёкорликдандир». Абу Бакр Варроқ яна шундай ўғит қилар эканки: «Кўп гапириш юракни хасталантирар экан». Ул зоти шарифнинг куняси Абу Бакр, исми Муҳаммад, отасининг исми Умар, Ҳаким унвони, Варроқ таҳаллуси, Термизий Термиздан эканлигига ишора. Абу Бакр Варроқнинг тасаввуф тариқатини ривожлантиришдаги хизматлари улкандир, у бу соҳада кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг Абулқосим Ҳаким Самарқандий, Бакр Суғдий, Ҳошим Суғдий, Ҳомид Термизий, Солиҳ бинни Мактум сингари қатор шогирдлари бор эди. Шогирдларидан Бакр Суғдийнинг айтишига қараганда, Варроқ Термизий ғарибона умр кечирган, бойликка қизиқмаган ва Аллоҳга таъзим билан машғул бўлган экан.

<sup>1</sup> *Шайх Абдуғани Абдулло*. Ал-Ҳаким ат-Термизий // Совет Шарқи мусулмонлари. — 1990. — № 4 (88). — Б. 14.

<sup>2</sup> *Навоий Алишер*. «Насойим ул-муҳаббат». — Б. 88.

Шу ўринда Алишер Навоий Термизий аллома-лардан яна бири Абу Зарр Термизий зикрида ўз қайдларини келтириб ўтади. Алишер Навоий одатдагидек, бу аллома ҳақидаги фикрини ҳам «Хуросон машойихидиндур» («Насойим ул-муҳаббат»). — Б. 88.), деб бошлайди. Машойих шайхнинг кўплиги бўлиб, аксарият муносабат изҳор этилади-ган шахсга нисбатан эҳтиром маъносида ишлатилади, яъни шайхлар мазмунини ифода этади. Аммо Абу Зарр Термизий ҳам бошқа Термизийлар қатори унинг Мовароуннаҳрдан экани нақд бўлгани ҳолда, нечундир у Хуросондан дейилмоқда. Навоийгача, Навоий даврида ва Навоийдан кейинги замонларда Термиз шахрини Хуросон минтақасига тобе деб талкин этиш бир анъанага айланган эди. Аслида Хуросон ва Мовароуннаҳр учун Жайхун дарёси нисбий чегара ҳисобланган, бироқ Султон Шохрух Мирзо (1377—1447) ва Халил Султон (1384—1411) даврига келиб, бу чегара анча устуворлашади. Эндиликда Балх шаҳри Хуросонда Мовароуннаҳр учун, Термиз шаҳри Мовароуннаҳрда Хуросон учун чегара мавзеси бўлиб қолади. Аниқроғи, Жайхун Мовароуннаҳр ва Хуросон мамлакатларини ажратиб турувчи восита вазифасини бажара бошлайди. Масалан, қадимда тоғлар чегара бўлган бўлса, замонлар ўтиб дарёлар чегарага айланади. Хуллас, Абу Зарр Термизий хусусидаги кичик бир хабар, унинг ҳаёт йўлини тўқис англаш имконини бермаса-да, маълум тасаввурлар олишда муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий бундан ташқари, донишманд Абу Бакр Варроқнинг етук шогирди, термизлик машҳур шайх Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий ҳақида нақл қилар экан, у кишининг ажойиб сўзларини келтиради, Ҳомид Термизий айтар эканки: «Инсонни эски чопонда юргани бировнинг янги тўнини кийиб юргандан яхшироқдир» ёки яна «Сенинг сармоянг кўнглингдур ва вақтинг», яъни сармоя — бойлик, бойлик бу — қалб, демак, Аллоҳни қалбан ҳис

этиш — тасаввуфнинг бош ғояси. Аллоҳни оддий кўз билан эмас, балки қалб кўзи билан кўра билиш ташвиқоти тасаввуфнинг етакчи моҳияти, зеро тасаввуф талқинида қалб — иймон нурунинг маъдани. Алишер Навоий айни чокда Ҳомид Термизийнинг ўғли — Хуросон машойихларидан Абу Наср Муҳаммад Термизий ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади.

«Насойим ул-муҳаббат»да термизлик улүф зотлардан яна бири Ҳомид Термизийнинг шогирди Абулмузаффар Термизий тўғрисида ҳам маълумот мавжуд. Алишер Навоийнинг Абулмузаффар Термизийнинг: «Кимки сенга яхшилик қилса, сени ўзига боғлаб олади, демак, у сени ипсиз боғлаб олади, кимки ёмонлик қилса, сени ўзидан узоқлаштиради, узоқлаштириш ипсиз боғлашдан авлороқдир. Озодлик яхшими, қуллик?» — деган фикрларини келтиради. Абулмузаффарнинг ушбу сўзлари замирида ғоят улкан маъно ва моҳият, мантиқ ва мазмун муҳассам. Тасаввуф илмида Аллоҳ васлига етмоқ учун ранжу алам чекиш ғоялари илгари сурилади. Сабаби мақсадга осонгина етишга интилмаслик мақбул, унинг лаззати, унинг мазаси захматларда намоён бўлади, қолаверса бир инсон бошқасига муте бўлмаслиги лозим. Аллоҳ таолонинг олий неъматини — инсон, у хур ва эркин, озод ва беғубор мавжудотлар тоифасига мансуб. Абулмузаффар Термизий машҳур Абдулла Ансорий (1006—1088)нинг оталари Абу Мансур Муҳаммад Ансорий (вафоти 1039)га пирлик қилган етук шайхлар тоифасига мансубдир.

Алишер Навоий шу хилдаги донишмандона таъбирлардан, ҳали маъно-моҳияти обдан шарҳланиши лозим бўлган ҳикматлардан биттасини Юсуф Ҳайёт Термизийдан келтиради: «Сен уйингдан узоққа кетма, барибир, қайта уйингга қайтасан!» Ҳайёт Термизийнинг бу айтганларидан мурод-муддао шуки, инсон нечоғлик юксак уфқларга, фахру ғурурга интилмасин, у, албатта, уйига — туирокқа қайтади,

у тупрокдан яратилган ва тагин тупрокка — ўзлигига қайтиши муқаррар. Варроқ Термизий айтар эканки: «Хайёт Термизийнинг бу сўзлари юз йиллик ибодатдан яхшироқдир!»

Алишер Навоий сўфийлик тариқатида ўзига хос макомга эга Саййид Бурҳониддин Термизий (вафоти 1240) хусусида чуқур эхтиром билан сўз юритади. Унинг Шайх Баҳо Валад (вафоти 1232)га мурид экани, инчунин, Баҳо Валаднинг фарзанди азизи, бутун Яқин ва Ўрга Шарқ заминида таниқли сўфий шоир Мавлоно Румий (1207—1273)га эса шахсан Термизий пирлик қилгани ушбу хилда эслатилади: «Ва Мавлоно Жалолуддин ҳазратлари тўққиз йилгача алар (яъни, Термизий) хизматларида бўлиб, иршодлар кўруб тарбият топдилар» (Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. 17-том. — Т.: Фан, 2001. — Б. 325). Шунингдек, Саййид Бурҳониддиннинг сеvimли шогирди Шайх Салоҳуддин Зарқўб (вафоти 1254) айни замонда Мавлоно Румийга ҳам шогирд, ҳам халифа (ўринбосар) экан. Алишер Навоий бу борадаги фикрини исботлаш учун Саййид Бурҳониддиннинг ўз сўзларини келтиради: «Саййид (яъни, Термизий) дерлар эрмишки, ҳолимни (завқу хол) Шайх Салоҳуддинга бағишладим ва қолимни (қийлу қол) Мавлоно (Румий)га» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 325). Фаройиб жихати шундаки, Мавлоно Румийнинг ўғли Султон Валад (1226—1312) ҳам Термизийга ва Шамсуддин Табризий (вафоти 1247)ларга муридликка тушган экан. Бу ҳақда «Насойим ул-муҳаббат»да ўқиймиз: «Ул (яъни, Султон Валад), Саййид Бурҳониддин Муҳаммад била Шайх Шамсуддин Табризий куддиса сирраҳува шойиста хизматлар қилиб эрди» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 335). Қизиғи Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Саййид Бурҳониддин Термизий таърифини «Хусайний саййиддур ва Термиздин эрди» дея келтирар экан, уни ҳазрат Алининг ўғли Хусайн авлодига мансублигига очиқча

иннора қилади. Алишер Навоий, ҳатто, Саййид Бур-  
хошиддин Муҳаққик вафотидан сўнг Румий ҳаётига  
кириб келган Шамсуддин Табризийнинг фожиали  
ўлими воқеалари ва қотиллардан бири Румийнинг  
ўғли Алоуддин Муҳаммад эканигача хикоя қилади  
(«Насойим ул-муҳаббат». — Б. 332.).

Алишер Навоий «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»  
асари (1496)да Паҳлавон Муҳаммад (1423—  
1493)нинг мусика илмида, хонандаликда тенги йўқ  
санъаткор сифатида таърифлар экан, у яратган  
Мавлоно Тўғий шеърига «Чаҳоргоҳ» куйи Мир  
Бузург Термизий номига аталган экан. Мир  
Бузург Термизий XV асрнинг кўзга кўринган  
шайхларидан, термизлик саййидлар авлодидан,  
темурийлар томонидан эътироф этилган ва сиёсат  
майдонида яловбардор шахслардан бири эди. Бобур  
«Бобурнома»нинг бир неча ўрнида у киши ҳақида  
эҳтиром билан сўз юритади, унинг авлодлари  
хусусида ҳам маълумотлар бериб ўтади. Султон  
Маҳмуд (Бобурнинг отаси Умаршайхнинг акаси)  
нинг катта ўғли Султон Масъуд (1475—1506)нинг  
онаси Хонзодабегим эса Мир Бузург Термизийнинг  
тўнғич қизи экан. Султон Масъуд икки тилда  
Шоҳий ва Орифий таҳаллуслари билан шеърлар  
битган истеъдодли соҳиби девон шоир бўлган,  
ўзбекча шеърлар девонининг нашри мавжуд (Султон  
Масъуд Мирзо Шоҳий. Девон. Нашрга тайёрловчи:  
А. Абдуғафуров. — Тошкент: Истиклол, 2001. — Б.  
104.).



## **Бешинчи боб**

### **ВАРРОҚ ТЕРМИЗИЙ ВА ИМОМ АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙ**

*«Абу Бакр Варроқ Термизий иккинчи табақадиндур, асли Термиздиндур, қабри ҳам андадур. Абу Исо Термизий (нинг) тағойисидур».*

Алишер Навоий

### **АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН УМАР ВАРРОҚ АТ-ТЕРМИЗИЙ**

*«Ҳамма баракотларнинг калити сабрдадир».*

Варроқ Термизий

Варроқ ат-Термизий, аввало, Ҳаким Термизий (ваф. 869)нинг энг содиқ шогирди, ҳадис илми пешвоси Исо Термизий (824—892)нинг тоғаси, замонаси авлиёларининг одоблиси номига мушарраф бўлган донишманд мутафаккирдир. Варроқ Балхнинг Аёз қишлоғида дунёга келган, илк сабоқни Балхда олган, балхлик машҳур сўфий Аҳмад Хизравия (вафоти 855)дан маърузалар тинглаган. У кейинчалик таҳсилни Термиз мадрасаларида давом эттирган ва Ҳаким Термизийга шогирд тушган. Шундай қилиб, муршид Ҳаким Термизий билан мурид Варроқ Термизий ўртасида чинакам дўстлик ришталари мустаҳкам боғланган. Буюк аждодларимизнинг бўлғуси авлодларга ибрат ва намуна бўладиган ушбу дўстликлари, аҳилликлари ва иноқликлари улар умрларининг охиригача давом этган. Дарҳақиқат,



Варроқ доимо устози Ҳаким Термизий ёнида бўлган, ундан зинҳор айрилмаган, пиридан энг аъло фази-латларни ўрганган.

Абу Бакр Муҳаммад бин Умар ал-Варроқ ат-Термизий замонасининг шайх, зоҳид, ҳаким ва авлиё сингари юксак унвонларига ҳақли равишда сазовор бўлган. Бу улуг алломаи давронинг таҳаллуси Варроқ, бу атама одатан хаттот, адиб ва китоб муқовалаш билан машғул бўлган кишиларга нисбатан қўлланган. Мутафаккир Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари»)да Варроқнинг шеърӣ девони борлиги ҳақида шоҳидлик берган. Варроқ IX асрда яшаб ўтган ва ўз асарларини анъанага кўра араб тилида битган, бундан аён бўладики, унинг шеърлар тўпламига ҳам, шубҳасиз, араб тилида тартиб берилган.

Чуқур билим соҳиби бўлган Варроқ Термизий ҳадис, калом, фикҳ ва бошқа илмларда беқиёс бўлиб, Қуръони каримдан ташқари «Таврот» ва «Инжил» каби осмоний китобларни севиб мутолаа қилган. Демак, Варроқ кўп тиллар қатори юнон ва яхудий тилларини ҳам мукамал эгаллаган деган хулосага келиш мумкин. Сабаби, Варроқ яшаган замонда зикр этилган китобларнинг ҳали таржималари йўқ эди. У тасаввуф тариқатида камолот чўққисига етгач, ҳаётдан олган тажрибалари ва ҳосил қилган малакаларини бўлғуси авлодларга тўлалигича мерос қолдириш истагида талай асарлар ёзди. Унинг қаламига мансуб «Китоб ал-ихлос» («Ихлос ҳақида китоб»), «Китоб ал-хуруф» («Харфлар ҳақида китоб»), «Китоб ал-ажаб» («Таажжуб ҳақида китоб»), «Китоб ҳадиқат ал-ботин» («Илм боғининг ички сирлари»), «Одоб ал-олим ва-л-муталлимин» («Устоз ва шогирд одоби») асарлари ўша давр китобхонларига жуда манзуру мақбул бўлган эди. Ибн ан-Надим (вафоти 996) «Фехрист ал-улум» (қисқача «Ал-фехрист») номли асарида «Ал-мусоҳиф» («Са-

хифалар ҳақида китоб») деб номланган китобни унга нисбат беради ва, ҳагто, Хужвирий «Кашф ул-махжуб»да зикр этишича, унинг қабрини Балхда кўрган экан<sup>1</sup>. Афсуски, алломанинг зикр этилган илмий мероси ҳануз ўз тадқиқотчиларини кутмоқда, ҳали бу борада жуда кўп ишлар қилиниши лозим. Тўғри, унинг «Одоб ал-олим ва-л-муталлимин» китоби 1939 йили Қоҳира (Миср)да чоп этилган, унда тасаввуф тариқати ва илм зикри муаммолари теварагида баҳс юритилган. Тасаввуф талқинича, иймон ибтидо бўлса, ундан сўнг яқийн (ишонч) туради, демак сўфийлик таълимоти ишонч (яқийн) ни аксар нур тарзида намоён бўлишини эътироф этади. Англашиладики, сўфийлик судуки (йўли) да илм — нур дейилади, демак нур — бу илм, нур — бу Аллоҳ, хуллас, Варроқ шу боис Аллоҳ таолони фақат илм туфайли билиш мумкин деган ғояни ёқлаб чиқади. Хулоса шуки, нур — Аллоҳ, яқийн (эътикод) — Аллоҳ, илм — Аллоҳ, барча нарсалар замирида Аллоҳ туради ва Аллоҳ жамики ҳодисотларнинг асоси, ўзаги, унинг ибтидоси бор-у, интиҳоси йўқ. Варроқнинг айни шу қарашларига Ҳаким Термизий янада аниқлик киритади ва айтади: «Аллоҳ дастлаб илмни, ундан кейин ҳикматни яратган, ҳикматдан адолату ҳақиқатни вужудга келтирган ҳам Аллоҳдир».

Биламизки, йирик авлиёшунослардан Хужвирий (1010—1072), Ансорий (1006—1088), Аттор (1145—1221)лар «Кашф ул-махжуб» («Сирларнинг очилиши»), «Табақот ус-сўфия», «Тазкират ул-авлиё» тазкираларида Ҳаким Термизий ҳаётига оид ибратли ва таъбирли нақлу ривоятларни илова қилишганда доимо Варроққа ҳавола этишади. Кўринадики, Ҳаким Термизий ҳақидаги турли хил ажойиб ривоятларнинг сақланиб қолиши ва бизгача етиб кели-

<sup>1</sup> Сайфиддин Сайфуллоҳ. Шайх Фаридиддин Аттор Нишопурий (р.а.) Абубакри Варроқ (р.а.) зикри // Сино. — 2001. — № 2. — Б. 37—39.

шида Варроқ Термизийнинг хизматлари беқиёс экан. Афтидан, Варроқ Термизий синчковлиги боис устози Ҳаким Термизий хусусидаги нақлларни авайлаб-асраб тўплаб борган ва уни китоб ҳолига келтирган, таассуфки, тўплам бизнинг замонамизгача сақланиб қолмаган. Биз тахмин қилган ўша китоблардаги нақллар кейинги даврларда бошқа китобларга кўчиб борган ва шу йўл билан бизгача етиб келгани муқаррар. Варроқнинг ўзи ҳақидаги нақллар эса унинг шогирди Солиҳ бинни Мактум воситасида авлодларга безавол етказилгандир. Бу тўғрида «Насойим ул-муҳаббат»да ушбулар битилган: «Солиҳ бинни Мактум, ул дағи Абубакр Варроқнинг муридларидиндир. Балхдин эрди. Ва Абубакр Варроқ сўзларидин кўп ёдида эрди ва дойим андин айтур эрди»<sup>1</sup>. Варроқнинг диний-фалсафий оқим, яъни тасаввуф таълимотини ривожлантиришда хизмати улкандир, у бу соҳада кўплаб шогирдларга устозлик қилган. Варроқнинг Ҳомид Термизий, Абулқосим Ҳаким Самарқандий, Бакр Суғдий, Ҳошим Суғдий, юқорида эслатилган Солиҳ бинни Мактуб сингари қатор шогирдлари бўлган.

Варроқ Термизий вафоти санаси сифатида 294/907 йил қабул қилинган, бироқ буни ҳали барқарорлаштириш лозим бўлади. Варроқ Балхнинг Сиёхжурд (гоҳо Сиёхгурд) қишлоғида вафот этган ва ўзининг васиятига кўра Термизда дафн этилган. «Бахр ул-асрор» муаллифи Маҳмуд ибн Вали (XVII аср)нинг шохидлик беришича, ал-Ҳаким ат-Термизий ва Абу Бакр Варроқларнинг нурафшон қабрлари Термиз шаҳри деворларининг шимолий томонида жойлашган экан. Алломалар қабри жойлашган маҳалланинг номи Машоҳид дейилар экан ва булар Варроқ қабри устози ал-Ҳаким қабрига яқин ерда бўлганлигини исботлайди. Қолаверса Варроқ қабрини

<sup>1</sup> *Навойи Алишер*. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. — Тошкент: Фан, 2001. — Б. 88.

Каптархонада ёки Жарқўрғонда деб эътироф этувчиларнинг фикри ҳам, ўз навбатида, инкорини топади. Ўз замонаси обидларининг қиблагоҳи, зоҳидларининг энг муқаддаси нисбаларини олган улуғ мутафаккир Варроқдан кўплаб ҳикматлар ва унинг ҳаётига оид ибратли ривоятлар бизгача етиб келган.

### Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё»да Варроқ Термизий зикрида

У илм ва ҳикмат хазинаси, у майинлик ва поклик яғонаси, у обидларнинг ғурури, у зоҳидларнинг бўлиғи, у уфқларнинг танҳоси Абубакр Варроқ (р.а.). Зоҳидлар ва обидларнинг улуғи, парҳезда машойих эди ва ибодатда юқори чўккида эди, камтарликда, хокисорликда етук ва ёқимли эди. Муомала ва адабда беназир эди, чунончи, машойихлар уни авлиёларнинг одоблиси дер экан, нафсини жиловлаган ва муборақ нафасли эди. Муҳаммад Ҳаким руҳуллоҳ ила суҳбат қуриб эди, Балхда яшар эди ва Хизравия руҳуллоҳнинг дўстларидандир, унинг одоб ва тасаввуф илмига доир кўп китоблари бор, шогирдларини сафарга қўймас эди ва дерди: барча баракотларнинг калити сабрдандир, ниятни ўз манзилида ардоқласанг тўғри етилади, мақсад комилликка эришгач, бахт эшиклари сенга ланг очилади. (Ана шу ҳикматни Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да: «Абубакр Варроқ дўстларини сафар ва саёҳат қилишга даъват этмасди. Айтардики, иродат қилган ерингда муридлигинг камолга етгунча сабр қилиб туришинг барча баракотнинг калитидур. Муридлик камолга етгач, баракот бошланади», тарзида ифодалайди. (— Б. 87.) Бунга ўхшаш муридлик, умуман, саёҳатга доир авлиёларнинг фикрлари «Насойим ул-муҳаббат»да кўплаб келтирилади. «Зуннундин сўрдиларким, мурид кимдур ва мурод ким? Ул айттиким, мурид талаб қилади ва мурод қочади. Шайх ул-ислом (Ансорий) дедиким, мурид тилар ва андин юз минг ниёзу мурод қочар

ва андин юз минг ноз» (— Б. 29.). «Саёхат қалблар билан» (Демак узоқ сафарларга юриш, бориш шарт эмас дейилмоқда. Абу Хотам Аттор (қ.т.с.) — Б. 46.).

### НАҚЛЛАР:

1. Нақлдирки (бундан буён нақл дейилади). Умри давомида Хизр (а.с.)ни кўриш орзусида эди, ҳар куни гўристонга бориб қайтар ва шу аснода Қуръон қисмларидан ўқиб, ёдлар эди. Бир куни дарвозадан чиқди, нуроний чолни кўриб у билан саломлашди ва чол:

— Мен билан суҳбат қилишни истайсанми?

— Ҳа, истайман.

Чол у билан жўнади ва йўл бўйи гурунг бериб борди, изга қайтишди, кетиш махали чол унга айтди:

— Умринг бўйи мени кўриш ниятида эдинг, бугун мен билан суҳбат қилдинг ва Қуръон қисмларини ўқишдан маҳрум бўлдинг! Хизр ила суҳбат шундай кечса, бошқалар билан суҳбат қандай бўлар экан? Билиб қўйки, узлат, танҳолик, озодлик, камбағаллик бизнинг ҳамма ишларимизда шарафлидир.

2. Нақл. Фарзанди бор эди, мактабга қўйди, бир куни фарзандини йиғлаган ва ранги ўчган холда кўрди. Ўғлидан сўради:

— Сенга нима бўлди?

— Устозим менга бир оят ўргатди, шундан шу аҳволга тушдим.

— У қайси оят?

— Ҳақ таоло буюрмиш: ўша куни гўдақларни қарига айлантитар экан («Бас, агар сизлар кофир бўлсангизлар, (ўз даҳшати билан) болаларни(нг сочларини оқартириб) чолларга айланттариб қўядиган КУН(нинг азоби)дан қандай сақланурсизлар?!»<sup>1</sup>). Кейин бола шу оят кўрқувидан касал бўлди ва вафот этди, отаси унинг гўри устида йиғлаб айтар эди: «Эй

<sup>1</sup> *Қуръони карим*. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. — Б. 469.

Абубакр! Сенинг фарзандинг бир оят туфайли шу ҳолга тушиб жон берди, сен неча йилларки Қуръон ўқиб, хатм қилдинг, аммо сенга унинг зинҳор ёмон таъсири бўлмади».

3. Нақл. Ҳар гал намоздан фориф бўлиб масжиддан қайтар экан, намоз ўқигани учун ўғирлик устида қўлга тушган ёки гуноҳга гирифтор бўлган киши каби уялар эди.

4. Нақл. Бир киши уни кўргани келди, кетар вақти насихат беришни сўради. Деди:

— Бир оз бойлик билан бу дунё ва у дунё яхшилигини топдим, ниҳоят бойлик ҳар икки жаҳоннинг ёмонлиги ва одамларга аралашин эканига тушуниб етдим.

5. Нақл. Деди: — Макка йўлида бир аёлни кўрдим. Менга деди:

— Эй йигит, сен кимсан? Дедим:

— Мен бир ғариб одамман. Деди:

— Ёлғизликдан ёки ўз Худойингга дўст бўлмаганликдан шикоят қиласанми? Буни эшитиб унинг изидан боришга менда мажол қолмади, изимга қайтсам, у кетиб бўлган экан.

## ҲИКМАТЛАР:

1. Ва деди: Менга бир эшикни очиб дедилар:

— Истагингни айт! Дедим:

— Эй Худованд! У қавм анбиёдир, қисматлари ғавво учун яратилган ва илғор сипоҳдирлар, маълумки, ҳар бало ва андуҳ бўлса улар бошига тушади. Сен ўша Худовандки, сендан бир зарра бўлак нарса бирор кишига тегмайди. Нима ҳам истар эдим, мени ўзимнинг бечора ҳолимда қолдириб, паноҳингга ол! Зеро, менинг балоларга тоқатим йўқ.

2. Ва деди: Одамлар уч гуруҳдир: биринчиси умаро (амирлар), иккинчиси уламо (олимлар), учинчиси фуқаро (фақирлар). Умаро бузилса халқнинг турмуши ва касби бузилади, уламо бузилса халқнинг

дини нуқсонга тўлади, фуқаро бузилса халқнинг калби бузилади. Умаронинг бузилиши жабр ва зулмдандир, уламонинг бузилиши бойликка майл ва кибру хаводир, фуқаронинг бузилиши тоат-ибодат тарки ҳамда хушнудликка қарши боришдир. Булар «Насойим улмуҳаббат»да қуйидагича келтирилади: «Ва ҳам онинг сўзидурким, умаронинг фасоди зулм биладур ва уламонинг фасоди тамаъ била ва фуқаронинг фасоди риё била» (— Б. 87.). Варроқнинг шу сўзлари «Авлиёлар ўғити»да қуйидагича келтирилади: «Халойиқ уч тоифа бўлурлар: аввалгиси умаролар (ҳокимлар), иккинчиси уламолар (олимлар), учинчиси фуқаролар. Қачонким умаролар аҳволи бузилса, маишатиға, хунариға футур етар, агар уламолар аҳволи бузилса, дин-иймон ишиға халал етар, агар фуқаролар аҳволи бузилса, дунёдорлар ҳалок бўлур. Умаролар аҳволи бузилгани зулм қилмоқдур, уламолар аҳволи бузилгани мол-дунёға тўла майл қилмоқ бўлур ва фуқароларнинг аҳволи бузилгани фисқ-фасодға майл қилиб, тоат ва ибодатни тарк этганидан бўлур» (— Тошкент: Камалак нашриёти, 1994. — Б. 8—9.).

3. Ва деди: Нафснинг асл ғалабаси шахватга яқинликдир. Майл голиб келса, дилни қоронғулик қоплайди (зулмат буркайди), дил қоронғулашса, халқни душман забт этади, эндиликда халқ сенинг душманиннга айланади. У халққа жафо расмини бошлайди ва жабр йўлиға ўтади. Худди шу хикмаг «Авлиёлар ўғити»да қуйидагича келтирилади: «Бу ҳаммаси асли нафс орзуси голиблигидан келиб чиқур, нафс орзуси голиб бўлса, кўнгил қора бўлур. Вақтики, кўнгил қора бўлса, халқ халқни душман тутар» (Ўша манба. — Б. 9.).

4. Ва деди: Одам алайҳиссалом даврларидан шу кунгача бирор фитна содир бўлмади, сабаби халқнинг халқ билан қўшилувидандир. Ўша вақтдан бугунгача ҳеч ким омонлик топмади, чунки халқ ўзаро қўшилувда чегара билмади.

5. Ва бир киши ундан васият тилади. Деди:

— Тошни олгину икки оёфингни синдир ва пи-  
чокни олиб тилингни кес. Деди:

— Бунга ким чидай олади? Деди:

— Бу шуки, тил сайрайди ва қулоқ Худо ту-  
файли мақсадларни тинглайди, шундан тилнинг гунг  
бўлгани ва қулоқнинг қар бўлгани маъқул. Бу эса  
тилнинг кесилиши ва оёқнинг синдирилиши ила  
амалга ошади.

6. Ва деди: Ҳақимлар анбиёдан кейиндир ва ну-  
бувватдан сўнг ҳеч даража йўқ. Ҳикмат ҳақимлар-  
нинг ҳукми амридир. Ҳикмат нишонасининг бошла-  
ниши сукутдир ва сўз айтиш хожат қадар бўлмоғи  
лозим.

7. Ва деди: Орифнинг сукути фойдалироқдир ва  
унинг сўзлари ёқимлидир.

8. Худо халқдан саккиз нарсани талаб қилади.  
Дилдан икки нарса, яъни Худо фармонига таъзим,  
Худо халқига шафқат. Тилдан икки нарса, яъни  
Худо ягоналигига иқрорлик ва халққа юмшоқлик.  
Ва бандадан икки нарса, яъни Худога тоат қилиш  
ва мўминларга ёрдам бериш. Халқдан икки нар-  
са, яъни Худо ҳукмига сабрлик ва Худо халқига  
юмшоқ муносабат.

9. Ва деди: Ҳар кимки, ўз нафсига ошиқ (маф-  
тун) ўлса, кибру ҳасад, хорлик ва хўрлик унга  
ошиқ (шерик)дир.

10. Ва деди: Агар тамаъ (хирс, очкўз)дан отинг  
ким деб сўрасалар, дейди:

— Аллоҳ қудратига шак келтирмоқ! Ва агар  
ундан сенинг тугаш жойинг қаерда деб сўрасалар,  
дейди:

— Умидсиз (нотавон)лик.

11. Ва деди: Улуғлардан бири айтган эди: Шай-  
тони лаин дер:

— Мен у қадар аблах эмасман, барча мўминларни  
бирдан (ёки бошданок) кофирликка васваса қилиб  
даъват этсам! Мен аввал уни (яъни, одамни) пок,  
халол шахватга ўргатаман, бунга ўрганиб бўлгач,



очкўзлик майли ғолиб бўлади ва кучли қувват олади. Ана шундан сўнг кофирликка васваса қилишга ўтаман.

12. Ва деди: Беш нарса хамиша сен билан. Агар шу беш нарсани билсанг (амал қилсанг) нажот топасан ва агар билмасанг (амал қилмасанг) халок бўласан. Биринчи Худойи таоло, кейин (иккинчи) нафс, сўнг (учинчи) шайтони лаин, сўнг (тўртинчи) бойлик (дунё), сўнг (бешинчи) халқдир. Худога мувофиклик қилиш лозим ва у нима буюрса уни ўзингга касб эт! Нафсга мухолифат, шайтони лаинга адоват, бойликка ҳазар, халққа шафқатда бўл! Шуни қилсанг рост йўлга кириб, балоғатга етасан.

13. Ва деди: Яратилган (махлуқот — одамлар)дан кўрқмасанг (узоклашмасанг), Ҳақ таолога дўстлик тамаъ қилма, дилинг (ўз кўнглинг)ни ишғол қилмагунча тамаъ фикрида бўлма! Токи сийнанг (кўкрагинг)ни мағрурлик ва манманлик талабидан тозаламас экансан, илҳом ва ҳикмат тамаъсини зинҳор қила кўрма!

14. Ва деди: Оқиллар суҳбатига эргаш, зоҳидлар ила суҳбат чоғи атрофида чиройли чарх ур ва жоҳиллар ила суҳбат пайти сабрда гўзал бўл!

15. Ва деди: Одамнинг асоси сув ва тупроқдир. Кимда сув ғолиб бўлса, унга мулойимлик ила меҳрибонлик кўрсатиш лозим ва агар дағал муносабат қилинса, у ўзга тусга киради ва мақсадга етмайди. Кимнинг табиатида тупроқ ғолиб бўлса уни озор бериб шундай қаттиқ тепкилаш керакки, токи покиза шариат қонунларини дуруст ўрганиб покликка одатлансин, ишлари ривожлансин ва уни ҳаётда қўллай билсин!

16. Ва деди: Ҳақ таоло сувни яратмоқ истади, ҳар хил ранглардан ранг ва таъмлардан таъм олиб уларни бир ерда жамлади. Сўнг рангларни аралаштирди ва ранглар сувга айланди, бунинг маъноси шуки, одамлар шундан сувнинг рангини билмайдилар. Сўнг ҳамма таъмларни аралаштирди ва бундан сувга таъм

пайдо бўлди, шу сабабдан одамлар сувнинг таъмини билмайдилар. Одамлар сувни ичиб ҳаёт лаззатини топадилар, лекин одамлар сувнинг лаззати сифатидан хабардор эмаслар, бунинг маъноси шуки, демак одамлар ҳаётнинг асосидан беҳабардирлар (Кофир бўлган кимсалар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) тўсиқ (яъни, осмонлардан ёгин ёғмас, ердан эса бирон гиёҳ унмас) бўлганини, бас, Биз уларни очиб юборганимизни (яъни, осмондан ёгин ёғдириб, ердан гиёҳ ундирганимизни) ва барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам иймон келтирмайдиларми?!)<sup>1</sup>.

17. Бу дунё ва охирагта дарвишнинг бахти шундаки, бу дунёда султон ундан хирож талаб этолмайди, охирагта уни жаббори олам тергамайди.

18. Ва деди: Бомдодда уйғонаман, халқ (кишилар)ни кўраман ва биламан ким ҳалол луқма ва ким луқмаи ҳаром еганини. Сўрадилар:

— Қандай? Деди: Ҳар ким бомдод туриб, тилида беҳуда сўзлар (арабий лағв), ғийбат (ёмон сўзлар), бузук (ҳақорат), беҳуда, ёмон, ҳақорат сўзлар ишлатса, биламанки ҳаром луқма еган. Ҳар ким бомдод туриб, тилида зикру таҳлил (Лаилаҳа) ва тавба бўлса, биламанки ҳалол луқма ебди (еган). (Бу ҳикмат «Авлиёлар ўгити»да ушбу хилда берилган: Бир киши эрта турса. Унинг тилида зикри шайх ва таҳлил ва истиғфор бўлса, биламанким у ҳалол ебди. Ҳар киши эрта турса, унинг тилида беҳуда сўз ва ғийбат номаъқул иш бўлса, биладирманким ул киши ҳаром ебди. — Б. 9.).

19. Ва деди: Садоқат (сидк-ростлик)ни авайла, чунки у Худо ила сенинг ўртангдadir. Сабрни авайла, у сен билан нафс орасидадир.

20. Ва деди: Яқин (бегумонлик, шак-шубҳасиз) нурдир, у бандани ўз холида мунаввар айлайди, шу

<sup>1</sup> Қуръони карим. — Б. 231.

нур бандани эътиқод (парҳезкорлик)лилар даража-сига етказди.

21. Ва деди: Ундан зуҳд ҳақида сўрашди, деди: Зуҳд (араб алифбосида — зхд) уч ҳарфдан иборат, яъни зо (зайн), хо (ҳойи хаввас), дол (д ҳарфи). Аслида — зо (зайн) — тарки зийнат (зебу зийнат, безак), хо (арабча х ҳарфи) тарки ҳаво (кибру ҳаво), дол — тарки дунё (бойлик).

22. Ва деди: Якийн (узокнииг зиди маъносида эмас, балки тасаввуф тилида ишонч-иймондир) дилни камтарликка ва иймонни камолга етаклайди.

23. Ва деди: Якийн уч турлидир, яъни якийн — хабар (ғойибдан хабар етказмоқ маъносида), якийн — далолат (йўл кўрсатувчи), якийн — мушоҳада (кўз билан кўриш)дир.

24. Ва деди: Ҳар ким Худо маърифати (таниш) да содиқ (тўғри) бўлса, унда Худодан кўрқиш ва унга сифиниш зоҳир бўлади.

25. Ва деди: Шукр (ташаккур) яхшилик эҳсонини кўз ила кўриш ва ҳурмат ҳимоячисидир.

26. Ва деди: Таваккул (Худодан умидворлик ёки Худо йўлига фидокорлик) вақтни қўлга киритиш ва дилтанглик интизорлигидан соф сақлаш. Яъни, ўтган нарсага афсусланмаслик, келадиган нарсага кўз тикмаслик. Токи нақд вақт беҳуда ўтмасин. Ва деди: (Таваккул шуки, бу банданинг Худо ҳукмига тўғри бориши, Худо орқали ўз ишларини тўғри йўлга солиш ва нафс таваккул ила кифояланади).

27. Ва деди: Ҳар ким ишлар ривожини осмондан деб билса, сабр қилсин ва ҳар ким ердан деб билса — ҳайратлансин!

28. Ва деди: Ҳаромдан ҳазар қилган сингари, чунончи, ёмон ахлоқдан ўзингизни узоқ тутинг! (Худди шу ҳикмат «Авлиёлар ўгити»да ушбу хилда берилган: «Ёмон феълли кишидан ҳаромдан парҳез қилгандек парҳез қилинглар» — Б. 9.).

Нақлдирки: Варроқ вафот этгач, уни бир зот тушида кўрди, Варроқ юзи сарғайган, ғамгин ва зор-зор йиғлар эди. Варроқдан сўрашди:

— Бу қандай ҳол, тинчликми? Варроқ деди:

— Қандай тинчлик бўлсинки, бу қабристон (гўристон)га мендан сўнг ўнга ўликни олиб келишди, биронтаси мусулмон коидаси ила оламдан ўтмагандир.

Бошқа бир кимса ҳам Варроқни тушида кўрди ва сўради:

— Худо сенга қандай муносабат қилди? Варроқ айтди:

— Мени ҳузурига киритди ва қўлимга бир нома тутқазди. Ўқиб бир гуноҳ ёзилган жойга етганимда, ўша жумла қаройиб ўчиб кетди, уни ўқий олмадим. Хайрон бўлдим. Нидо келди:

— Бу гуноҳни у дунёда сендан яширган эдик, энди охираг дунёсида пардани йиртиш қарамдан эмас, сени кечирдик. Раҳматуллоҳи алайҳ!

(Манбалар: Шайх Аби Ҳомид Муҳаммад бин Абу Бакр Иброҳим Фаридиддин Нишобурий. Тазкират ул-авлиё. Чопи панжум. Аз рўйи нусхайи Ренвальд Никельсон. Ба қўшиши И. Таваккулий. — Техрон: Энтэшоротэ Бэхзод, 1375. — Б. 620 — 625. Ва бизга лутфан фойдаланишга ижозат берган профессор Жаббор Омонтурдиевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» Бомбей (ҳозирда Мумбай) 1326 (1907 милодий) нашрининг 291 ва 294-саҳифаларидан истифода этдик, китобнинг умумий саҳифаси 436 бетдан иборат. Шунингдек, аллома Мирзо Кенжабекнинг «Термиз тазкираси» ва адабиётшунос Сайфиддин Сайфуллоҳнинг Атгор Ф. Абубакри Варроқ (р. а.) зикри // Сино. — 2001. — №2. таржималаридан унумли фойдаландик ва уларга ўзимизнинг миннатдорчилигимизни изҳор этамиз).

## ВАРРОҚ ТЕРМИЗИЙ ЎГИТЛАРИ

Сўфийлик оламининг алломаи замонларидан бири — Абу Бакр Муҳаммад бин Умар Ҳаким ал-Варроқ ат-Термизий бўлади. Варроқ Термизийнинг

сўфиёна ўғитлари ўз замондошлари даврасида манзуру машҳур бўлган. Бу ўғитлар замирида олам юмуши, одам ташвиши андишалари яширин, зеро ўғитлар мавзуи тасаввуф ғояларини ўзида тажассум этади. Ана шу хил ўғит — ҳикматлардан айримлари Фариддин Аттор (1145—1221)нинг «Тазкират ул-авлиё» (— Техрон: Бехзод, 1375—1997.) асари саҳифаларида сақланиб қолган. Аттор бу асарни ёзишда, асосан, ўзидан олдин араб тилида яратилган талай манбаларга таянади. «Тазкират ул-авлиё» саҳифаларидаги Варроқ ҳикматларини форс тилидан ўзбек тилига таржимасини М. Кенжабек (Термиз тазкираси. — Т.: ЎЗМЭ, 2001.), олим С. Сайфуллоҳ (Сино. — 2001. — №2.), адабиётшунос С. Рафиддинов (Алишер Навоий Насойим ул-муҳаббат. — Т.: Фан, 2001) ва Б. Муртазоев (Мулоқот. — 2001. — № 5.; Сурхондарё тарих кўзгусида. — Т.: — Шарқ, 2001.) томонидан амалга оширилган.

Варроқ Термизий ҳикматларидан бири Атторда қуйидагича берилган: «Калиди ҳама баракати сабр аст» (— Б. 620.), шу ҳикматнинг асл арабча матни: «Мифтоҳ кулл баракат ус-сабр» («Насойим ул-муҳаббат». Арабча изоҳлар қисмига қаранг: Рақам тартиби №135. — Б. 15.) — «Жами баракотларнинг калити сабрдадир». Аттор, демак Варроқ ҳикматларини араб тилидан форс тилига таржима қилган. Биз таржимани шарҳламоқчи эмасмиз, балки ҳикматда мавжуд «баракот» ва «сабр» сўзларининг тасаввуфий талқинини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Сиртдан қараганда бу сўзларнинг маъноси аниқ ва тиниқ, лекин аслида бундай эмас. «Баракот» каломи «Фарҳанги Амид» (Техрон: Жовидон, 1349—1971.)да: «бахтли, саодатли, улғаймоқ, яхши толе эгаси» (— С. 83.), «Ғиёс ул-луғат» (— Душанбе: Адиб, 1987. 1-том)да: «униб-ўсмоқ, кўпайиш, кўпаймоқ, улғайган» (— С. 123.) ва бошқалар. «Сабр» сўзи «сабр қилувчи ва ором» (Фарҳанги Амид. — С. 176.), яъни ором, тинч, оғир ва вазмин маъносини англатиб, одамга нис-

батан қўлланади. «Сабр» сўзининг бошқа талқини: «давойи талх» — «аччикнинг давоси» ёки «касе ки жалди нақунад дар интиқом» — «одам ўзини ўч олишдан тийса» («Ғиёс ул-луғат», 1988. 2-том. — С. 5.). Англашиладики, «сабр» — аччиқ, унга эришиш янада аччиқ, башарти инсон уни енгса, ўшандагина унинг истаги вожиб бўлар экан. Ана энди Варроқ ҳикматининг тасаввуфий талқинига тушуниш мумкин: «Ҳамма баракотларнинг калити ранжда — меҳнатда». Сабаби ҳар бир нарсага — хоҳ илм, хоҳ бойлик, хоҳ амал, хоҳ обрў бўлсин, барига қийинчиликлар, ранжу аламлар, яъни меҳнат эвазига эришилади.

Юқоридаги ҳикматнинг давоми бор: «Дар мавзеъи иродат то онгоҳ ки иродати туро дуруст гардад. Чун иродат дуруст шуд аввали баракатҳо бар ту гушода шуд» (Аттор. — С. 620.). Ҳикматнинг ўзбекча уч таржимасини ҳукмингизга ҳавола этамиз: «Иродат қилган ерингда муридлигинг камолга етгунча сабр қилиб туришинг, барча баракотнинг калитидир. Муридлик камолга етгач, баракот бошланади» (бунда «барча баракотларнинг калити сабрдадир» жумласи сингдирилган, С. Рафиддинов. — Б. 87.). «То иродат сен учун дуруст бўлгунча, иродат манзилида сабр этмоқ лозим. Иродат дуруст бўлгач, баракотлар энг биринчи бўлиб сенга очилгайдир» (М. Кенжабек. — Б. 39.). «Иродатинг дуруст бўлгунга қадар иродат қилган жойингда сабр қилиб туришинг — барча баракотларнинг калитидир» (С. Сайфуллоҳ. — Б. 37.).

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Варроқнинг энг машҳур ҳикматларидан яна бирини ўз таржимасида келтиради: «Ва ҳам анинг сўзидурким, умаронинг фасоди зулм биладур ва уламонинг фасоди тама била ва фуқаронинг фасоди риё била» (— Б. 87, фасод — гуноҳ). Алишер Навоий ҳикматнинг содда ва ихчам таржимасини беришида ортиқча изоҳга зарурат ёки эҳтиёж сезилмайди. Бу фасод, гуноҳ, бузқликларнинг барчаси ўз илдизи билан нафс балосининг ғолиб келишига бориб

тақалади. Варроқ Термизий нафс мавзуига кўп эътибор қаратади, зотан, тасаввуфнинг бош масаласи ҳам нафсга қарши жиҳод (кураш)дир, Фаридиддин Аттор, чунончи, Варроқ Термизийнинг ўзини: «Куштаи нафсу муборак нафс буд» (Аттор. — С. 620.) — «Нафсини жиловлаган ва кутлуг нафасли эди», дея олқишлайди. Варроқ Термизий ўғитлари ичида нафс мавзуига оидлари анча, жумладан: «Ҳар ки бар нафси хеш ошиқ шуд, кибру ҳасад ва хориву мазаллат бар ў ошиқ шуд» (Аттор. — С. 623.) — «Кимки, ўз нафсига махлиё бўлса, кибр ва ҳасад, хорлик ва хўрлик унга шерикдир». Бу ўринда нафс (табиий майллар)га қарши ботиний (ички пинҳоний) жиҳод (жаҳд, кураш) хусусида гап кетмоқда. Юқорида таъкидланганидек, нафсга қарши ички турён тасавуф фалсафасининг етакчи ғоясидир. Варроқ Термизий садоқат, сабр ва нафс ҳақида кўп ўғитлар айтади: «Сидқ нигоҳдор дар онче миёни туву Худой аст ва сабр нигоҳдор дар онче миёни туву нафс аст» (Аттор. — С. 624.) — «Садоқатни асрагин, чунки у сен билан Аллоҳ ўртасидадир ва сабрни эҳтиёт қил, зеро, сабр сен билан нафс ўртасидадир». Тасавуф илмида «содиқ» ва «садоқат» сўзлари ҳақ (рост)гўйликни ифодаласа, «нафс» каломни янада турфа маъноларда жаранглайди, «нафс» истилоҳига ал-Ҳаким ат-Термизий қисмида маълум шарҳлар берилгани учун, бу ўринда ихтисор айладик.

Хулоса шуки, тасавуф атамалари ўта мураккаб, уларнинг ҳар бири ўзининг турли маъноларига эга, бу истилоҳларни шарҳлаш бўлак ва алоҳида иш. Бизнингча тасавуф атамаларини жамлаган ҳолда махсус луғат яратиш вақти етди, бу эса ёшларимиз, умуман, ўқувчилар ва талабалар учун истилоҳлар маъносини тушуниш имконини беради. Чунончи, бизнинг тасавурумиздаги «яқийн» истилоҳи тасавуф илмида «ишонч» ва, ҳатто, «иймон»ни ифодалайди. Сўфиёна талқинда «илм («нур»)га зид «жаҳл» (жаҳолат) бўлса, «яқийн»га зид «шак» (ширк)дир

ёки «сабр» ва «шукр» биргаликда «иймон»нинг атиги бир палласини ташкил этса, «яқийн» бўлса «иймон» («эътиқод»)нинг мукаммал намойишидир. Варроқ Термизий «яқийн»нинг тасаввуфий мазмуни, фалсафий талқини ҳақида яна қуйидагиларни айтган: «Яқийн шундай бир нурки, банда (Аллоҳ кули) ўз йўлида у билан мунавварликка эришади, ниҳоят шу нур уни ҳалол (парҳезкор) инсонлик даражасига етказди» (Аттор Ф. Нишобурий. — С. 624.). Тасаввуфда «яқийн»нинг талқиний моҳияти кўп, жумладан, унинг бир маъноси «нур» бўлса, бошқа маъноси «илм», «яқийн», яъни «илм» ҳам дейилади, демак «яқийн» бир пайтнинг ўзида ҳам «нур» ва ҳам «илм» экан. Зотан, Варроқ Термизийнинг устози ал-Ҳаким ат-Термизий асос солган ҳакимия тариқатининг бош ғояси бўйича банда Аллоҳни «илм» — «нур» воситасида танийди, нафақат танийди, балки топади. Варроқ Термизийнинг бир ҳикматида илм қуйидагича жаранглайди: «Илм дилга таскин беради ва иймон камоли у биландир». Варроқнинг «яқийн» хусусида билдирган фикрлари ўғитга айланиб кетган: «яқийн дилни қуйига етакласа, иймонни юксакликка етаклайди» ёки «яқийн (ишонч) уч нарсада намоён бўлади: яқийн — бу хабар, яқийн — бу далил, яқийн — бу мушоҳада, яъни кўз билан кўриш» (Аттор Ф. Нишобурий. — С. 625.).

Варроқ Термизий ҳикматлари ҳар бир даврда, ҳар бир замонда ўз қийматини йўқотмади, аксинча, теран маъно касб этиб, янгидан жило топиб борди. Варроқ Термизий вафотидан қарийб беш асрдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, унинг ҳикматларига бўлган қизиқиш доимо юқори бўлган, чунончи, унинг бир ҳикматига ўз вақтида Абдурахмон Жомий ҳам мурожаат қилган. Алломанинг ўша ҳикматига эътибор қаратайлик: «Агар тамаъ (ҳирс, очкўз)дан отанг ким деб сўрасалар, дейди: — Аллоҳ қудратига шак келтирмоқ! Ва агар ундан сенинг тугаш жо-



йинг қаерда деб сӯрасалар, дейди: — Умидсиз (но-тавон)лик» (Аттор Ф. — С. 623.). Худди шу ҳик-мат «Баҳористон»да Жомий томонидан ушбу хилда таърифланган: «XXVIII. Абӯбакри Варроқ, қуддуса сирруху, гуфтааст: «Агар тамаъро пурсанд, ки па-дарат кист, гӯяд: шак дар муқаддароти кирдигорӣ. Ва агар гӯянд: пешаи ту чист, гӯяд: иктисоби ма-заллату хорӣ. Ва агар гӯянд: ғояти ту чист, гӯяд: ба меҳнати ҳирмон гирифторӣ.

Қитъа:

*Агар пурсӣ тамаъро, к-ат падар кист?*

*Бигӯяд: «Шак дар иқрори илоҳӣ».*

*Ва гар гӯӣ, ки қорат чист? — Гӯяд:*

*«Ба меҳнатҳои ҳирмон умрқоҳӣ»<sup>1</sup>.*

Мазмуни:

«Абӯбакр Варроқ дегандир: «Агар тамадан сӯрашса, отанг ким деб, дейди: — Аллоҳ қудратига шубҳа ила қараш. Агар яна дейишса: сенинг ҳуна-ринг нима, дейди: — хорликни касб этмак. Агар яна савол беришса: — сенинг охиринг нима (яъни тугаш жойинг қаер), дейди: — жудоликка гирифторлик!

Қитъа:

*Тамаъдан гар сӯрашса, отанг ким?*

*Айтур: «Худога иқрорлик сароб».*

*Ва агар: касбинг надур? Десаи, дер:*

*«Азобда ўзимни этмоқ хароб!»*

<sup>1</sup> *Чомӣ Абдурахмон*. Осор: Иборат аз ҳашт чилд. Чилди ҳафтум. — Душанбе: Адиб, 1989. — С. 343.

## Алломалар Варроқ Термизий зикрида

«Абубакр Муҳаммад бин Умар ал-Варроқ — шайхларнинг улуғи ва тақвода уларнинг зоҳидидир. Унинг одоб ва муомалага доир китоблари бор, замон шайхлари уни авлиёларнинг одоблиси деганлар».

*Хужвирий (1010–1072). «Кашф ул-маҳжуб».*

«У илму ҳикмат хазинаси, у поклик ва сабру қаноат яғонаси, у обидлар шарафи, у зоҳидлар тиргаги, у уфқлар танҳоси. Зоҳидларнинг улкани, шайхларнинг обиди ҳам ўзидир, парҳезда, тақвода юксак эди, ёмонликлардан холи, яхшилик қилишда ёлғиз, муомалада беназир эди».

*Аттор (1145–1221). «Тазкират ул-авлиё».*

«Абубакр Варроқ Термизий қаддасаллоҳу таоло руҳаҳу (Аллоҳу таоло унинг руҳини муқаддас қилсин) иккинчи табақадиндур. Оти Муҳаммад б. Умар Ҳаким Термизий. Асли Тирмиздиндур. Қабри ҳам андадур. Аммо Балхда бўлур эрмиш. Абу Исо Термизий тағойисидур. Аҳмад Хузравайҳ била суҳбат тутубдур ва кўп тасонифи бордур. Ва «Таврот» ва «Инжил» ва кутуби осмонийни ўқубдур ва шеър девони ҳам бордур. (Абубакр Варроқ дўстларини сафар ва саёҳат қилишга даъват этмасди. Айтардики, иродат қилган ерингда муридлигинг камолга етгунча сабр қилиб туришинг барча баракотнинг калитидур. Муридлик камолга етгач, баракот бошланади). Ва ҳам онинг сўзидурким, умаронинг фасоди зулм биладур ва уламонинг фасоди тамаъ била ва фуқаронинг фасоди риё била».

*Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат».* — Б. 87.

«Абубакр Варроқ карим киши эрди. Тенгриға музд учун қуллуқ қилмиш эрди, таъзим била қилур

эрди». Мазмуни: «Абубакр Варроқ сахий ва олижаноб инсон эди. Аллоҳ таолога фойда учун эмас, балки таъзим ила ибодат қилур эди».

*Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» — Б. 88.*

**«Ҳошим Суғдий (қ.т.с.).** Ул дағи Самарқанд Суғдидиндур. Абубакр Варроқ шогирди. Ул пиридин нақл қилурким, ул дедиким кўп сўз айтмак кўнгулни қаттиғ қилур. Ва ҳам Абубакр Варроқ дебдурки, кўпинча икки ракаат намоз ўқиб кетсам, ўзимни ўғрилиқ қилган одамдек уятли сезардим». *«Насойим ул-муҳаббат».* — Б. 88.

**Абдурахмон Жомий (1414 – 1492)**нинг «Нафаҳот ул-унс» Душанбе нашри (Адиб, 1990. — Б. 22 — 23)да Ҳошим Суғдий исми шарифи Ҳошим Саъдий тарзида ёзилган ва «Насойим ул-муҳаббат» билан «Нафаҳот ул-унс» хабарларида турличалик мавжуд. Фақат бир ўринни истисно этмаса, хабарларнинг бошланиши анча монанд: «Вай низ аз Суғди Самарқанд аст. Шогирди Абубакри Варроқ. То рўзи вафоти вай бо вай мебуд» — «Ул дағи Самарқанд Суғдидиндур. Абубакр Варроқ шогирди. Устодининг вафотигача унинг ёнида эди». «Насойим ул-муҳаббат»да Ҳошим Суғдий тилидан унинг Варроқдан эшитган Юсуф Ҳайёт Термизий ва Муҳаммад Муслим Ҳасирбоф воқеасига урғу берилади. Жомий эса Ҳошим тилидан унинг қайсидир улугдан эшитган Варроқ ҳақидаги ривоятни нақл қилади, ўша улугнинг айтишича: «Варроқ ила йўлда кетаётган эдик, иттифоқо унинг либосининг бир тарафида хо ҳарфи ва бошқа томонида мим ҳарфи ёзилганига кўзим тушди.

— Бу нима? — деб сўрадим. Жавоб берди:

— Буни шунинг учун ёздимки, қачон хо ҳарфни кўрсам ихлосим ва мим ҳарфини кўрсам муруватим ёдимга тушади!

*«Насойим ул-муҳаббат» — Б. 51.*

## АБУ ИСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ

(824 — 892)

*«Яна бир улуг ватандошимиз — Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, «Сунани Термизий» асари ҳам мусулмон оламида ана шундай юксак қадрланади. Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи гоёлари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўнлаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишида ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир».*

ИСЛОМ КАРИМОВ

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок ас-Суламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий ҳадис илми пешволаридан биридир. Имом Термизий номи ила машҳурлик оламига кирган мусулмон дунёси муҳаддислари орасида ўз ўрни ва ўз мақомига эга буюк зотлар қаторида туради. Унинг ҳадиснависликдаги улуг хизматлари барча замонда қадрланиб, ҳамиша ўз эътрофини топиб, чуқур эҳтиромга сазовор бўлиб келди. Имом Термизийнинг исмидаги Абу Исо куня Исонинг отаси маъносини беради, боиси арабларда отани бош ўғил фарзанд исми билан аташ одат бўлган. Зеро, ўғил фарзанд авлод давомчиси, аждодлар устуворлиги, сулола ва салтанат қуввати ҳисобланади. (Чунончи, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг оилавий исмлари Абулқосим — Қосимнинг отаси, сабаби Муҳаммад (с.а.в.)нинг тўнғич фарзандларининг исми Қосим бўлиб, у гўдаклик чоғи — икки ёшида оламдан ўтган.) Имом Термизий зоти шарифнинг отасининг исми Исо бўлган, демак Имом Термизий ўз ўғли (невара)га ҳурмат юзасидан отаси (бобо)нинг исми шарифини қўйган экан. Имом Термизийнинг аз-Зарийр (кўзи ожиз) дейилиши

эса, ул зоти шариф кексайган чоғи кўзи хира тортиб қолгани сабабидан шу хил ном олади. Хофиз Юсуф ибн Аҳмад ал-Бағдодий «Ат-Таҳзиб» («Озодалик») китобида: «Термизий умрларининг охирига бориб кўздан қолди» деса, ал-Ҳоким Абу Аҳмад: «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этганларида Хуросонда эдим. У кишининг ортидан илм, ҳифз, вараъ ва зухд бобида Абу Исо (Термизий)дек бошқа бир зот қолмади. Термизий йиғлайверганидан кўзларидан жудо бўлиб қолди ва бир неча йиллар аъмо (кўрмас) ҳолатда яшади»<sup>1</sup>. Ул зотга Суламий деб нисба берилгани эса, боболаридан қайсидир бири сулам деб аталувчи араб қабиласи аъзоларидан бири билан яқин дўст тутинган экан. Буғий дейилишига келсак, манбаларда айтилишича имом Термизий умрининг сўнги дамларини Буғ (Шеробод туманидаги кишлоқлардан бири)да ўтказганлиги боис унга шу нисба берилган. Манбаларда гоҳо Имом Термизий Буғда таваллуд тошган ва шунга кўра ал-Буғий нисбасини олган дейилса, айрим манбаларнииг тасдиқлашича у муқаддас замин — Термиз шаҳрида туғилиб ўсган. Дарҳақиқат, Имом Термизий ўз таржимаи ҳолига тегишли бир нақлни ҳикоя қилиб: «Бобом асли марвлик эди, у киши Лайс бин Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келганлар»<sup>2</sup> дейди. Имом Абу Исо Термизийнинг ҳаёт йўли, ижодиёти, илмий фаолияти кўпроқ Термиз шаҳри билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли ат-Термизий нисбаси унинг исмига тиркаб битилади. Ҳар қалай, Имом Термизийнинг Термизда таваллуд тошгани ва илк таҳсилани шу ерда олгани ҳамда умрининг охирида Буғда яшагани, ўша жойда вафот этгани ҳақиқатдир. Демак, Имом Термизийнинг Абу Исо — кунялари, Муҳаммад — исмлари, Исо — ота-

<sup>1</sup> Термиз тазкираси / Мусанниф: М. Кенжабек. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. — Б. 80.

<sup>2</sup> Совет Шарқи мусулмонлари. — 1990. — 3 (87). — Б. 1.

ларининг исмлари, Савра — боболари, Мусо — катта боболари ва ҳоказо.

Ёшлиқдан илмга чанқоқ Имом Термизий дастлабки сабоғини она шаҳри Термизда олгач, кейин бошқа турли шаҳарларда бўлади ва ўша шаҳарларда таълим олиб ўз билимини чуқурлаштиради. У йигирма йил давомида турли юртларни кезади, ҳадисларни ўрганади ва уларни жамлаб боради. Абу Исо 20 ёшида чет мамлакатларга чиқиб кетади, бу 844 йилга тўғри келади. Ниҳоят 20 йилдан сўнг — 864 йили она шаҳри Термизга қайтиб келади. Буюк зот сафарда бўлганида турли олимлардан илми ҳадис, илми қироат, илми баён, илми фикҳ, тарих илми ва бошқа фанларни ўрганди. Имом Термизий ўз устозлари буюк муҳаддис Имом Бухорий (810—870) билан 867 йили Нишопур (Эрон)да танишади. Устоз ва шогирд ўзаро ҳадис илми борасида баҳс ва мунозара қилишади ҳамда музокара олиб боришади, хуллас, бу учрашувлар ва қизгин суҳбатлар ҳар икки улуг зотга улкан маънавий озуқа бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай қилиб, Имом Термизий ўзининг машҳур «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам») асарини ярата бошлайди, асарнинг тўлиқ номи «Китоб жомий ас-Саҳиҳ»дир. Бу асар яна «Ал-Жомий» («Тўплам»), «Ал-Жомий ал-кабийр» («Катта тўплам»), «Саҳиҳ ат-Термизий» («Термизий саҳиҳлари»), «Сунан ат-Термизий», «Сунани Термизий», «Ас-Сунан» номлари билан ҳам аталади. Аммо Имом Термизий ҳазратлари ҳадис билимида «сунан» йўналишининг асосчиларидан бири бўлгани боис, бу китоб кўпинча «Сунани Термизий» номи билан шуҳрат топгандир. Хуллас, ҳадис китоблари «сунан» истилоҳи билан атала бошлайди ва «ҳадис» сўзининг маъноси шулким, билдириш — хабар бериш, нақл этиш, яъни Пайғамбар ҳадислари — Пайғамбар сўзлари демакдир. Баъзан уламолар ҳадис китобларининг «Сунан» номини олиши

сабабини бу китобларга аҳком (хукм, тўғрироғи, хукмий) ҳадислар, асосан, фикҳ масалаларига тегишли боблар илова этилиб, тартиб берилганидан излайдилар. Яна таъкидланишича, Имом Термизий каламига мансуб ҳадис китобининг «ал-Жомий ат-Термизий» («Термизий тўплами») номига эга бу асарда ҳадис илмининг саккиз фанний тармоғи тажассумини топган экан, улар куйидагилардир: сийрат, одоб, тафсир, ақоид, фикҳ, аҳком, шарт ва маноқибдир. Имом Термизий асарининг турфа номларда юритилиши хусусида мана бу маълумот жуда аниқ тасаввур беради: «Имом Термизийнинг бу борадаги хизматлари ул зотнинг таълимотлари бўлмиш «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» китобидир. Бу китобни баъзилар, масалан, Абдурахмон ибн Абу Бакр ас-Суютий (1445—1505) ўзининг «Тадбир ар-Розий» китобида «Саҳиҳ ат-Термизий» деб атайди. Баъзилар «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» деб номласалар, бошқалар «Ал-Жомий ал-кабийр» деб юритадилар. Энг машхур атама «ас-Сунан» бўлиб, муаллифга нисбат берилганда «Сунани ат-Термизий» (гоҳо «Саҳиҳи ат-Термизий») номи билан шуҳрат топган»<sup>1</sup>.

Имом Термизий «Сунани Термизий» асарини ўз ватанига қайтгандан кейин ёза бошлаган экан, бу пайтга келиб улуғ мутафаккир 40 ёшдан ошган эди. Демак Имом Термизий ўз асарларини, асосан, 40 ёшдан 60 ёшгача бўлган чоғлари, яъни шу ораликда ёзиб тугатган. Абу Исо ҳадисларни жамлар экан, уларни, аввало, гуруҳларга ажратади, сўнг тасниф этади ва «саҳиҳ», «ҳасан» «заиф», «ғариб» тарзида табақаларга тақсимлаб чиқади. Ана шу тарика Имом Термизий ҳадисларнинг энг ишончлисини ажратиб олади ва уларнинг авлодларга безавол етишини таъминлашга эришади. Саҳиҳ — энг тўғри ва ишончли маъносини англатади; ҳасан эса — чи-

<sup>1</sup> *Абдулҳамид Муҳаммад Турсун*. Ватандошимиз Имом Термизий — буюк муҳаддис // Совет Шарқи мусулмонлари. — 1990. — 3 (87). — Б. 3.

ройли, гўзал, яхши, маъкул демак; заиф — бўш, ишончсиз; ғариб — ғалат, нотўғри маъноларига эга. Буларни фахмлаш учун Имом Бухорий ва Имом Термизий ҳадисларининг баъзиларини муқояса этиш кифоя. Имом Бухорий: «Маймуна онамиз: Расулуллоҳ (с.а.в.) хумра (кичик бўйра)да намоз ўқир эдилар, — деб айтганлар»<sup>1</sup>. Имом Термизий: «Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинди, айтди: Расулуллоҳ (с.а.в.) хумра усти (кичик бўйра)да намоз ўқидилар. Бу бобда Умму Ҳабиба, Ибн Умар, Умму Салама, Ойша, Маймуна, Умму Кулсум, бинти Аби Салама, Ибн Абдуласад (р.а.)дан ҳадис ривоят қилинган. Ибн Аббоснинг ҳадиси ҳасан-саҳиҳ. Баъзи илм аҳлининг қавли шу. Аҳмад ва Исҳоқ айтади: Пайғамбар (с.а.в.) жойнамоз устида намоз ўқиганлари собит бўлган»<sup>2</sup>. Юқорида келтирилган мисоллар маълум тасаввурга эга бўлиш имконини беради, яъни ҳадис илми бобида Исо Термизий жорий этган янгилик, ихтиро, кашфиётнинг сир-асрори нимада эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Эътибор берилса, Имом Бухорий ҳадис ровийси сифатида ягона Маймуна онамиз деган ҳолда, Исо Термизий онамиз Маймунадан ташқари яна олтита ровийнинг дахлдорлигини таъкидламоқда. Булардан хулоса шуки, Имом Бухорий ва Имом Термизий ҳамда бошқа муҳаддисларнинг ҳар бири ўз услубига эга бўлишган, ҳатто, Имом Термизий истилоҳлари ҳам ўзгача: бу ҳадис — ғариб; бу ҳадис — ҳасан-саҳиҳ; бу ҳадис — ҳасан; бу ҳадис — ҳасан-ғариб; бу ҳадис — ҳасан-саҳиҳ-ғариб; бу ҳадис — ғариб-ҳасан; бу ҳадис — саҳиҳ.

Ҳадис илмида олтита ҳадис китоби тан олинади ва улар «Кутуби ситта» («Олти китоб») номи билан машҳурдир. Ана шу китоблар орасида «Сунани

<sup>1</sup> *Ал-Бухорий*. Ҳадис. 1-китоб. Араб. тарж. З. Исмоил. — Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. — Б. 119.

<sup>2</sup> *Абу Исо Термизий*. Сунани Термизий. VI жилдлик. I-жилд. Таржимон М. Кенжабек. — Тошкент: Адолат, 1999. — Б. 356.



Термизий» учинчи ўринда туради ва Имом Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (819—874) китобларидан кейинги мақомга эгалик қилади. Шайхул-ислом ибн ал-Ансорий (1006—1088) бўлса, Имом Термизий китобини ал-Бухорий ва Муслим китобларидан юксак деб билади. «Термизийнинг китоби мен учун Имом Бухорий ва Имом Муслим китобларидан фойдалироқдир, чунки уларнинг китобларини чуқур илмли одамларгина тушунади, Абу Исонинг китобларидан эса, ҳар бир киши фойдалана олади». Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг «ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ» китоблари бутун ислом оламига манзуру машҳур бўлди. Шу тариқа Имом Бухорий ва Имом Муслимга эргшиб ат-Термизий, Абу Довуд (817—888), ан-Насоий (830—915), ибн Можа (834—886) сингари етук алломаларнинг «ас-Саҳиҳ» ёки «ас-Сунан» китоблари олам юзини кўрди ва мусулмон дунёсида бекиёс шуҳрат топди. «Кутуби ситта» олти саҳиҳ ҳадис асарининг тўрттасини «Сунан» китоблари ташкил этади ва улар «Сунани арабаъ» («Тўрт сунан») деб аталади, «Сунан арабаъ»ларнинг муаллифлари ат-Термизий, ан-Насоий, Абу Довуд ва ибн Можалардир, ал-Бухорий ва Имом Муслим бундан мустаснодир. Шу тўрт китоб ичида, тўғрироғи, «Сунан»лар орасида ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» китоби ҳадисшунослар томонидан рўйхатнинг бошига қўйилади.

Имом Термизий қатор асарлар муаллифидир, қуйидаги асарлар унинг қаламига мансуб: «Аш-шамоил ан-Набавия» («Пайгамбар фазилатлари»), «Китоб ал-илал» («Нуқсонлар китоби»), «Китоб ат-тарих» («Тарих китоби»), «Китоб аз-зуҳд» («Тақво китоби»), «Асмо ас-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «Китоб ал-асмо ва-л-куна», («Ровийларнинг исми ва лақаби»), «Ал-илал фил-ҳадис» («Ҳадислардаги нуқсонлар»), «Рисола ва-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислар зикрида ихтилофлар ва баҳслар»). Юқоридаги асарлардан «Аш-шамоил ан-Набавия»

ёки «Аш-шамои́л ал-Муҳаммадия» («Муҳаммад фази́латлари ва сийра́тлари»), «Китоб ал-илал» ёки «Ал-илал ал-кабир» («Кичик ва катта нуқсонлар»), «Асмо ас-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари») ёки бошқа бир номи «Тасмияту асҳоб Расулуллоҳ» («Расулуллоҳ суҳбатдошларининг исмлари») шаклларида турлича номланишлари кузатилади, шунингдек, «Китоб ал-ҳол» («Ички аҳвол китоби») асари ҳам Имом Термизий ижодига тааллуқли. Бундан ташқари, «Ал-илал сағир ва ал-илал ал-кабир» («Кичик ва катта оғишлар») аслида иккита мустақил асардан иборат бўлиб, «Ал-илал ас-сағир» «ал-Жомиъ»нинг хотимаси, «Ал-илал ал-кабир» асари эса гоҳо «Муфрад» («Ягона») номи билан ҳам юритилади. «Аш-шамои́л ан-Набавия» ёки «Аш-шамои́л ал-Муҳаммадия» асарида Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаётларига оид маълумотлар билан бирга, у кишининг сийратлари, сувратлари, фази́латлари ва инчунин одатлари ҳақида 408 та ҳадис жамланган. Бу асар мусулмон оламида анча машхур бўлиб, эл орасида катта ардоққа сазоворлиги боис, ҳатто, ўз даврининг айрим шоирлари асарни назмга солишга ҳам интилганлар. Шундай шоирлардан бири Ҳофиз Муҳаммад Ҳусайн Ҳаравий, яъни Ҳиравий — Ҳирӣ (1484—1573) айни Имом Абу Исо ат-Термизийнинг «Аш-шамои́л ан-Набавия» асарини назмга солиб, уни «Назми шамоил» деб номлаган экан. Мирзо Кенжабек «Термиз тазкираси»да қатор ишончли манбаларга ҳавола қилган ҳолда Термизий асарларининг рўйхатини қуйидагича келтиради:

1. «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам», яъни «Сунани Термизий»)
2. «Аш-Шамоил» («Шамоили Муҳаммадия»).
3. «Ал-Ҳол»
4. «Ат-Тарих»
5. «Аз-Зухд»
6. «Ал-Асмоъ ва ал-куно» («Исмлар ва кунялар»)

Абу Исо ат-Термизий ўз ҳаёти, ижоди, умри, бутун борлиғи, қолаверса, бутун борлигини ислом дини ривожига, ислом маданияти ва маънавиятининг шаклланишига бахшида этди. Имом Термизийнинг диний-илмий мероси беқиёс бисот сифатида ҳар бир мусулмон бандаси учун зарурий сарчашмадир. Унинг диний меросининг аҳамияти чексиз, бу мерос бутун мусулмон оламида, ислом дунёсида кўз қорачиғидек авайлаб-асраб келинади.

\* \* \*

Истиклол йиллари мамлакатимизда буюк аждодимиз Имом Исо ат-Термизий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучайди. Алломанинг китоблари ўзбек тилига таржима қилинди, рисоалар ва мақолалар ёзилди, илмий мероси юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ана шундай тадқиқотлардан бири иқтидорли олим Қутлугбек Қодировнинг «Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти» (— Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.) монографиясининг яратилиши бўлди. Монография уч боб, ўн фасл, умумий хулосалар, тавсиялар, адабиётлар ва манбалар рўйхатидан иборат бўлиб, биринчи боб тўрт фаслга, иккинчи, учинчи боблар уч фаслга тақсимланган.

Монографиянинг биринчи боби «Имом ат-Термизий фаолиятининг илмий-назарий, тарбиявий асослари» мавзусига бағишланиб, унда мавзунинг ўрганилиш тарихи, ушбу борада дунё ва МДХ мамлакатлари олимлари қўлга киритган ютуқлар гуруҳлаштирилган. Бу масалалар аллома ҳаёт йўли, муҳаддислик бобидаги изланишлари, «ал-Жомийъ»нинг яратилиши, ҳадислар таснифидан янгиликка интилиши, ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти кабилар ила узвий боғланган. Монографиянинг иккинчи бобида Имом ат-Термизий меросининг умумжаҳон маданиятига таъсири масалаларига урғу берилган. Асосий эътибор аллома шахси-

нинг педагогик жиҳатларига ва ҳадисларнинг мавзу кўламига қаратилган ҳамда ҳадислар тасниф этилиб, улар атрофлича шарҳланган. Муаллиф ҳадисларни ўрганишда халқимизнинг миллий хусусиятларига, ўзига хос анъаналарига, диний эътиқодларига эътибор қаратиш лозимлигини тўғри уқтирган. Шу каби Имом Термизий ҳадислари, аввало, ўғитлар хазинаси экани ва ушбу ҳадисларнинг инсонни Аллоҳга бўлган инон-ишончини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ғоят беқиёслиги бот-бот эслатилган.

Иккинчи бобнинг қолган фаслларида «Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ» ва «Аш-шамоил ан-Набавия» асарлари мундарижаси таҳлил этилган, айрим ҳадисларнинг ғоявий мазмуни изоҳланган ва тааллуқли хулосалар ясалган. Муаллифнинг бир ўринда «Сунани Термизий» асари ҳар тарафлама чуқур ўрганилган деб ҳисоблаш «унча тўғри эмас» (— Б. 66.), деб айтган дадил фикрлари ҳам анча эътиборли. Бойси бу асарнинг довуғи ўн уч асрдан буён сўнмай келмокда, сўнмайди ҳам, бошқа асарлар вақт ўтиши билан ўз умрини яшаб бўлади, унутилади, аҳамиятини йўқотади. «Сунани Термизий»ни ҳар гал varaқлаганда ҳар гал янгилик топасиз, бу асар туганмас хазинадир, унинг қиёси йўқ деб баралла айтиш мумкин. Қолаверса, биз истиқлол йиллари ат-Термизий ижодий меросини ўрганишга киришдик, унинг ички маъноларини англаб етдик, англаб бўлдик деган фикрдан йироқмиз. Инсоф билан айтганда, олимларимиз томонидан юзага чиқарилаётган илмий ишлар чет эллик тадқиқотчиларнинг шу таҳлит кузатувларига таяниб яратилаётганидан асло кўз юмиб бўлмайди. «Аш-шамоил ан-Набавия» асари хусусида сўз юритилган саҳифалардаги фикр-ўйлар ҳам эътиборга молик, асарнинг хос томонлари, теран ғоялари, айниқса, тарбиявий аҳамияти, баркамол авлодни вояга етказишда муҳимлиги очиб берилган. Шулар билан бир қаторда, жаҳон педагогик маданиятида муҳаддислик илми ва унинг фал-

сафий-тарбиявий аҳамияти, умуман, ҳадиснавислик илмининг пайдо бўлиш тарихи, тадрижи, такомил масалалари кузатилган. Муаллифнинг эътирофича, ҳадис ислом динининг эътимод (ишонч)ли манбаларидан саналиб, у Пайғамбаримизнинг амал — чиройли ҳаракатлари, тақрир — сукут сақлаш одоби, қавл — чиройли сўзларига асослашган.

Монографиянинг учинчи бобида Имом ат-Термизий асарларининг таълим тизимида ўрганилиши, тарбия жараёнида аллома ҳадисларидан самарали фойдаланиш ва бошқа мавзуларда баҳс юритилган. Баркамол авлодни вояга етказишда исломий дунёқарашнинг пойдевори, ўзаги, негизи: Аллох каломи — Қуръони карим, Муҳаммад (с.а.в.) йўл-йўриқлари мажмуи — ҳадиси шариф, айна шу икки муқаддас ҳужжатдан истифода этиш йўллари, усуллари, услублари асослаб берилган. Ҳадиси шарифларни ўрганиш, шу орқали ёш авлодни тарбиялаш масаланинг бир томони, бу жараёнда айнан Имом ат-Термизий ҳаёт йўлини ибрат қилиб кўрсатиш эса масаланинг туб моҳияти ила муштараклашиб, чинакам маънода исботини топади.

Ўтмишни ўрганиш, тарихни англаш, авлодларнинг аجدодлар турмуш тарзидан воқиф бўлиши бир сўз билан айтганда: «тарихга ҳурмат бу маданий етуклик, маънавий баркамоллик белгисидир» (— Б. 79.). Муаллифнинг таъкидлашича, Имом ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолиятини тадқиқ этиш, ўқувчи ва талаба ёшларда миллий кадриятларимизга бўлган қизиқишни оширади, тарбия мазмунини янада чуқурлаштиради, машғулотларнинг самарадорлигини таъминлайди. Қ. Қодировнинг монографияси ҳозирги фан ютуқлари асосида яратилган бўлиб, у истиклол неъматини тўғри ҳис этишда, унинг тарғиботини англашда, маънавиятимизни бойитишда ёшларимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

## «СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ» ҲАДИСЛАРИДАН:

- Агар ҳоким тўғри ҳукм чиқарса, унга иккита савоб ёзилади.
- Қиёмат қунида Аллоҳга энг яқин инсонлар ва мажлисда энг баландлари одил подшолардир.
- Икки киши хусусида ҳукм чиқарсанг, иккинчисининг гапини эшитмагунча бир фикр айтма.
- Қайси шоҳ (ҳоким, бошлиқ) ўз эшигини мискинлар учун ёпиб қўйса, унга Аллоҳ эшиклари берилади.
- Ҳоким кечиримли бўлмоғи керак, чунки ҳокимнинг кечиримида хато қилганни жазоламаслик хато қилганидан афзалдир.
- Ҳазрат Расулуллоҳ: «Икки кишининг таоми уч кишига, уч кишининг таоми тўрт кишига етади», дея марҳамат қилганлар.
- Расулуллоҳ: «Мен ёнбошлаб таом емайман», деганлар.
- Қайси бир ичимлик маст қилса, ўша ичимлик ҳаромдир.
- Қазони дуо қайтаради, яхшилик қилиш умрни узайтиради.
- Динорга ва дирҳам (пул, мол-давлат)га қул бўлганларга Аллоҳнинг лаънати ёғилади.
- Кимки бошқага зарар етказмоқчи бўлса, Аллоҳ унга зарар етказди.
- Она жаннатнинг ўртадаги эшикларидан биридир, хоҳласанг ўша эшикни қўлдан бер ёки сакла!
- Ҳеч бир ота яхши одобдан ва гўзал ахлоқдан кўра яхшироқ нарсани ўз фарзандига ҳадя қилмайди.
- Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади. Аллоҳ наздида энг яхши қўшни ўз қўшниларига яхшилик қилувчисидир.
- Одамларга шукур айтмайдиган киши, Аллоҳга ҳам шукур қилмайди.

— Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири — соғлиқ, иккинчиси — бўш вақт.

— Уч хил дуо сўзсиз мустажоб бўлади: мазлумнинг дуоси, мусофир кишининг дуоси ва ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳаққига қилган дуолари.

— Қариндош-уруғлар билан алоқани узган киши жаннатга дохил бўлмас.

— Кимнинг кўпроқ қиз фарзандлари бўлса ва у уларни сабр ва матонат билан тарбият этса, Аллоҳ қиёматда шу иши учун уни дўзах ўтидан фориг этади.

— Кимга олийҳимматлик берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган ҳисобланади. Кимга у берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади.

— Аллоҳ суйган қулига бандаларининг ҳожатини тушуриб қўяди.

— Илм истамоқ ҳар бир мусулмонга фарздир.

— Олимлар Аллоҳнинг омонатини халққа етказувчи халқ орасидаги кишилардир.

— Отанинг дўсти билан дўст тутинмоқ эзгуликдир.

— Таҳоратсиз кишидан намоз ва ҳаром пулдан садақа қабул қилинмайди.

— Жаннатнинг калити — намоз, намознинг калити таҳоратдир.

— Хаста кишининг ҳол-аҳволини сўрагани борувчи, жаннат йўлида юрувчи кишидир.

— Сахий кишиларнинг таомлари шифо бўлиб, бахил кишиларнинг таомлари хасталиқдир.

— Илм ўрганиш ибодат қилишдан афзал, тақво эса диннинг негизидир.

— Инсон иззати динидадир, одоби — ақлида, унинг эзгу насаби эса кўркем хулқидадир.

— Аллоҳнинг ҳаром қилган нарсалари ичида унга энг ёмон кўрингани — талоқдир.

— Аллоҳга энг ёмон кўринадиган киши — гина ва адоватни узоқ сақловчи одамдир.

— Харом нарсадан қоч, энг ибодатли одамлардан бўласан.

— Аллоҳ тақсим қилган ризкка рози бўл — энг бой одам бўласан.

— Ўз қўшнингга яхшилик қил, бежавотир бўласан.

— Ўзингга раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўр, хақиқий мўмин-мусулмон бўласан.

— Кўп кулувчи бўлма, чунки кўп қулиш дилни ўлдиради.

— Эй одам боласи, озга қаноат қилмайсан, кўпга ҳам тўймайсан.

— Эй одам боласи, кифоя қилгудек ризкинг туриб, ҳаддингдан оширадиган молни истайсан.

— Эй одам боласи, тонг отиб кўз очаркансан танинг сихат, оиланг тинч, бир кунлик таоминг бўлса бор, ортиқча бойлик ишашни қўй!

— Отага кўрсатилган энг катта ҳурмат, унинг дўстларини иззат қилмоқдир.

— Бировнинг отасини сўккан — ўзининг отасини сўккан бўлади, бировнинг онасини сўккан — ўзининг онасини сўккан бўлади.

— Умри узоқ ва ризқи мўл бўлишини истаган одам ота-онасининг иззатини ўрнига қўйсин ва қариндошлари билан алоқасини яхши қилсин.

— Илмга берилган кишилар қанчалик кўп ўқисалар шунчалик кам билишларини ҳис этадилар, илмсиз кишилар эса ўзларини доно санашади.

— Қачонки ишлар ўз аҳлидан бошқа кишилар қўлига ўтказилса, қиёматни қутаверинг.

— Тўрт тоифа одамларни Аллоҳ ёмон кўради: қасамхўр савдогарни, такаббур камбағални, зинокор кексани ва золим подшоҳни.

— Қўй боқинглар, чунки у баракадир.

— Амирнинг совға олиши харом ва қозининг пора олиши диндан чиқишдир.

— Узр сўрашликни камроқ қилинг.

— Нонни эъзозланглар.



— Аллоҳ ҳар бир ишда мулоҳимликни яхши кўради.

— Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларидан бошланади.

— Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат.

— Бахтсизлик уч нарасададир: ёмон отда, ёмон хотинда ва ёмон қўшнида.

— Барча бало тилдандир.

— Кишининг гўзаллиги — унинг тилидан билинур.

— Қабристонни зиёрат қилиб туринглар, зеро у сизларга охиратни эслатади.

— Сафар қилинлар, соғлом бўласизлар.

— Тонгги уйку ризқни қисқартиради.

— Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир.

### Алломалар Имом ат-Термизий зикрида

«Сен мenden баҳра топганиндан кўра ҳам мен сендан кўпроқ баҳра топдим». **Имом Бухорий (810—870).**

«Менинг учун Термизийнинг китоби Бухорий ва Муслим китобларидан кўра фойдалироқ. Чунки Бухорий ва Муслимдан фақат олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин». «Табакот ус-суфия» муаллифи **шайх ул-ислом Абу Исмоил Абдуллоҳ ал-Ансорий (1006 —1088).**

«Муноқашасиз (бахсу мунозарасиз), чиройли таърифларсиз ҳам у ўз асрининг имоми бўлиб, турли китоблар соҳибидир». «Китоб ал-ансоб» муаллифи **Абу Саад Абдулкарим Самъоний (1113—1167).**

«Термизий имом ва ҳофиз эди. Бебаҳо асарлар тортиқ килди. «Ал-Жомий ал-кабийр» («Катта тўплам», яъни «Сунани Термизий») бу асарларнинг энг мукаммалидир». «Ал-комил фи-т-таърих» муаллифи **Абу Абдуллоҳ ибн Али ибн ал-Асир (1165—1240).**

«Ҳадис илмида иктидо этиладиган, (яъни, изидан эргашса бўладиган) имомлардан биридир». **Ибн Ҳалқон.**

«Ақрон (тенгдош)ларидан, яқинларидан устун, ҳифз (хотира) ва итқон (иродада собитлик) бобида бир мўъжиза эди». «Шузурот аз-заҳаб фи ахбор ман заҳаба» асари муаллифи **Абдулҳай ибн ал-Имод ал-Ҳанбалий.**

«Термизий... тўплаган ҳар бир ҳадис ҳақида керакли изохни бериб, кўнгилларни хотиржам қилади». **Ҳофиз Абулфазл ал-Мақдисий.**

«Бу ҳадис бобида тасниф этилган «Кутуби ситта» («Олти китоб»)нинг учинчисидир. Бу китоб «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам») дейилади, шунингдек, «Сунан» ҳам деб аталади. Аммо биринчи номи кўпроқ қўлланади». «Кашф уз-Зунун» муаллифи **Ҳожи Халифа — Мустафо Котибий Чалабий ибн Абдуллоҳ (1609—1657).**

«Тақлидни тан олмас эдилар. Тақлиддан қочиш ва ҳар қайда ҳамиша Ҳаққа, ҳақиқатга тобеъ бўлиш уларнинг одатлари эди». «Термиз тазкираси» асарининг муаллифи **Мирзо Кенжабек.**

(Имом Термизий ҳақида билдирилган фикрлар Мирзо Кенжабекнинг «Термиз тазкираси» асаридан олинди. — Б. 74—82).

«Бу буюк асарнинг «Ал-Жомий» номи билан юритилиши ҳам кенг тарқалган ва муаллифга нисбатан «Жомий ат-Термизий» номини олган». «Ал-Арф аш-шазий» асари муаллифи **Муҳаммад Анвар Шох Кашмирий.**

«Абу Исо ат-Термизий биринчи бўлиб ҳадисни саҳиҳ, ҳасан, заифга тақсим этган зотдир». **Тақиуддин ибн Таймия.**

«Билгилки, Имом Термизий ўз китобларида ҳадисни саҳиҳ, ҳасан ва ғарибга бўлганлар». «Шарху илали ал-Жомий» асари муаллифи **ал-Ҳофиз Зайниддин Абдурахмон ибн Аҳмад ибн Ражаб ал-Ҳанбалий.**

«Имом Термизийнинг «Аш-Шамоил» китоблари ўз бобида ягона асардир. Тартиби ва ўз ичига олган мавзулари жихатидан ягона бўлиб, нодир китоблар жумласидан ҳисобланур. Унинг овозаси машриқу мағрибга бориб етди». **Шайх Иброҳим ал-Божурий.**

«Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шамоиллари, ахлоқлари ҳақида тасниф этилган мусаннафотларини энг чиройли ва яхшиси — бу Имом Термизийнинг Пайғамбар сийратлари ҳақидаги мукамал ва мухтасар китобларидир. Бу китобни мутолаа қилувчи жаноби Пайғамбарни кўргандай ва ул зотнинг ҳар бобидаги маҳосини шарифларидан бахраманд бўлганга ўхшайди».

Имом Термизий ўз китоблари «Ал-Жомиъ» ҳақида шундай деганлар: «Мен бу китобни тасниф қилганимдан кейин Хижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига кўрсатдим. Улар ўқиб чиқиб, ўз мамнуният розилиklarини изҳор этдилар. Кимнинг уйида шул китоб бўлса, гўё унинг хонадонида сўзлаб турган Пайғамбар мавжуддир». Бу фикрни аз-Заҳабий (1274—1347) ўзининг «Ат-Тазкира» (асл номи «Тазкират ул-хуффоъ»), ал-Асқалоний (вафоти 1148) «Мезон ал-эътидол» асарларида ва яна бир қатор муаллифлар ҳам зикр этишган.

Юқорида зикр этилганлар «Совет Шарқи мусулмонлари» (— 1990. — № 3 (87). — 20 б.) журналдан олинди.

## Олтинчи боб

### АЛЛОМА ТЕРМИЗИЙЛАР

#### ЗАРР ТЕРМИЗИЙ ВА ҲАЙЁТ ТЕРМИЗИЙ

Термизий алломалар ҳақида гап кетар экан, хали кўплаб Термизийларни билмаслигимизга амин бўламиз. Зарр Термизий ва Ҳайёт Термизийлар биз билмайдиган ана шу хил Термизийлар сирасига кирадилар. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида Абу Зарр Термизий хусусида қисқа сатрларда берилган мўъжаз маълумот мавжуд. Ушбу хабарлар Абдурахмон Жомий (1414–1492) нинг «Нафахот ул-унс» тазкирасида ҳам айни шу хилда берилган. Ихтиёримизда бўлган Хужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб» ва Фаридиддин Аттор (1145–1223)нинг «Тазкират ул-авлиё» асарларида Зарр Термизий ҳақида ҳам, Ҳайёт Термизий ҳақида ҳам маълумотлар учрамайди. Демак улар ҳақида маълумотга эга бўлиш учун авлиёлар ҳаётига доир арабий, форсий ва туркий тилдаги бошқа талай тазкираларни кўриб чиқиш лозим. Аммо булар келажак илмий изланишлар зиммасига юкланади, боиси бунинг учун дунёнинг турли кутубхоналарига мурожаат қилишга тўғри келади.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Абу Заррни «Хуросон машойихидиндур» (Хуросон шайхларидан) дейди ва: «Бу тойифадин баъзи дебдурларким» (яъни, авлиёлар тоифасидан айримлар айтадики) дея ўз маълумотини давом эттиради... «биз жамъи эдукки, бир-биримиз била суҳбат тутар эрдик» (биз тўпланиб бир-биримиз билан гурунг-

лашар эдик). Абу Зарри билган сўфийларнинг сўзига қараганда, ул зоти олий ўта кучли билимга ва беқиёс кароматга эга шахс бўлган. Абу Зарр намоз ўкиса, ўша заҳоти ўзига керакли ёки ўзи истаган нарса муҳайё бўлар экан. Алишер Навоий, Абу Зарр ҳақидаги хабарларини қуйидаги тарзда тугаллайди: «Ҳар қайсимизга бир нима кераклик бўлса эрди, Абу Зарр кўпуб намозга турар эрди. Тенгри ул нимани ҳам ул замон еткурур эрди» (Ҳар биримизнинг кўнглимиз бирор нарса истаса, Абу Зарр туриб намозга машғул бўлар эди, Худои таоло ўша заҳоти ўша нарсаларни етказар эди). Англашиладики Абу Зарр истездодли сўфийлардан бўлиб, қудрати барча ишга етар экан. Фақат бу воқеаларнинг қаерда бўлиб ўтганини билмаймиз. Бу воқеалар балки Термиз ёки Балхда, балки Нишопур ёки Бағдодда содир бўлгандир. Сабаби, ўша замон ёшларининг аксари билим олиш илинжида Нишопур ва Бағдодга йўл олишар эди.

Юсуф Ҳайёт Термизий IX асрда яшаб ўтган сўфий алломалардан, у Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Исо Термизий ва Ҳомид Термизийларнинг замондоши. Аммо таассуфки, унинг ҳаёти ва ижодиёти, умуман, таржимаи холи мавҳум, маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида Юсуф Ҳайёт Термизий зикрида кичик бир лавҳа Варроқ Термизий тилидан ҳикоя этилади. У ҳам Варроқ Термизийнинг самарқандлик шогирди Ҳошим Суғдий (қ.т.с.) билан жамланган маълумотлар қисмида келтирилади. Алишер Навоийнинг айтишича, Юсуф Ҳайёт Термизий хусусида Ҳошим Суғдий устози Варроқ Термизийдан эшитган бир нақлни ривоят қилади. Алишер Навоий бу нақлни Абдулла Ансорий (1006—1088) нинг «Табақот ус-сўфия» китобидан иқтибос олади ва уни Ҳошим Суғдий ҳақидаги хабарномаси ичига сингдириб юборади. Ҳошим Суғдийнинг маълумотига кўра Варроқ Термизий айтганки, Юсуф

Ҳайёт Термизий шайх Муҳаммад Муслим Ҳасирбоф (бўйра тўқувчи) билан бир танишининг уйида меҳмонда эканлар. Меҳмон — уй эгаси бир юмуш билан машғул экан, бу орада Юсуф Термизий ва Муслим Ҳасирбоф суҳбат қуришади. Суҳбат асносида Муслим Ҳасирбоф ўзининг зоҳидлик ва обидлик сулукига тааллуқли кўнгил дардларини изҳор айлайди. Унинг бу хил қарашларига Юсуф Термизий ушбу тарзда жавоб беради: «...санга мундин ўзга иш борки, Тенгри таоло олинга келтурур ва ул ният била уйингдан чиқибсенким, яна ул уйга боргайсен». Қисқаси суҳбатдан шу нарса англашиладики, Муслим Ҳасирбоф ўз ишларидан мамнун ва қониқиш ила мақтанади ҳамда шеригига уйига тез қайтиш ниятини ҳам билдиради. Бу мақтаниш ва уйга тез қайтиш истаги, албатта, Ҳайёт Термизийга ёқмайди, тўғрироғи, у суҳбатдошининг бу қадар баландпарвозлиги ҳамда шошқалоқлигини хушламайди. Аммо Ҳайёт Термизий буни сездирмайди, чунки тасаввуф тариқатида киши кўнглини ранжитиш гуноҳи азим ҳисобланади. Ҳайёт Термизийнинг уйингдан қанча узоқлашма, тағин уйинга қайтишинг муқаррар дейишига сабаб: Тангри таоло иноят этган тухфаи олий — бу сенинг уйинг — Ватанинг. Аслида бу сўзлар замирида тасаввуф илмининг улкан сири, сехри, фикри яшириндир. Унинг мағзи, тағмаъноси ушбудир: сен тупроқдан яралгансан ва яна тупроққа — ўзлигинга қайтишинг айни ҳақиқатдир.

Сўфийлик илмида Ватан кенг қамровли ва чексиз мушоҳадаларга бой тарздаги талқинларга йўғрилади. Ватан — бу замин, Ватан — бу тупроқ, Ватан — бу маскан, Ватан — бу киндик қони тўкилган манзил, Ватан — бу меҳнат, Ватан — бу уй ва ҳоказо. Ҳатто, Юсуф Термизийнинг гапларидан келиб чиқилса, инсон нечоғлик юксак уфқларга, фахру гурурга интилмасин, кибру ҳавога берилмасин, осмон юксакликларига парвоз этмасин, яъни қанчалар ҳаволанмасин, барибир, у заминга қайтади, ерга тушади, шу тупроқда кўним топади. Ҳайёт Тер-

мизийнинг ўз суҳбатдоши Муслим Ҳасирбофга каратилган сўзларини ўз замонида Варроқ Термизий юксак баҳолаган эди: «Юсуф Ҳайётнинг ул икки сўзи Муҳаммад Муслимнинг юз йиллик ибодатидан яхшироқ» («Насойим ул-муҳаббат». — Б.88.)<sup>1</sup>.

Юсуф Термизий ҳам сўфийликнинг иккинчи табақасига мансуб шайхлар сирасига киради ва тасаввуф тариқатидаги илк босқич, яъни дарвишлик ва қаландарлик таълимотига қарши эди. Бу нима дегани? Бу дегани қаландарлик либосини кийиб, узоқ сафарларга чиқиш ёки дарвишлар сингари чўлу биёбонларда узлатга чекинишларни, бошқалар сингари Юсуф Термизий ҳам ёқламаган ва бу ходисани, ушбу одатни ташвиқу тарғиб этмаган. Юсуф Термизийнинг куйидаги сўзлари бунинг аниқ исботидир: «Ўтгуз йилдурки, ҳаргиз ул ният била уйдин чиқмасменким, яна уйга борғаймен» (— Б. 88). Демак, Юсуф Термизий тасаввуф тариқатидаги қоидаларни узлатга чекинмасдан, уйда адо этган ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилган.

Тасаввуф тариқатида узоқ сафарда юриб, узлатга чекиниб, сулук қоидаларини адо этиш русуми бўлган ва у маълум даврларда устуворлик ҳам касб этган. Бироқ тасаввуфнинг бу сулукига қарши чиқувчилар ҳам бор эди, шундайлардан бири Ҳаким Термизий ва унинг шогирдлари эди. Масалан, Аторнинг гувоҳлик беришича Варроқ Термизий, «Муридонро аз сафар манъ карди» (Шогирдларини сафарга қўймас эди. — Б. 620)<sup>2</sup>. Бу нарса Юсуф Ҳамадоний (1048—1140) ва Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) илгари сурган «Сафар дар Ватан» шиори ила уйғунлик намоён этади. Варроқнинг Ҳайёт Термизий хусусидаги гапларига эътибор берилса, Ҳайёт Термизий ёш жихатдан Варроқдан кат-

<sup>1</sup> *Навоий Алишер*. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. — Тошкент: Фан, 2001. — Б. 518. Барча парчалар шу нашрдан олинди.

<sup>2</sup> *Аттор Нишобурий*. Тазкират ул-авлиё. Чопи панжум. — Техрон: Энтэшоротэ Беҳзод, 1375. — С. 942.

та бўлган кўринади, демак қарийб Ҳаким Термизий билан тенгдош. Хулоса: Ҳайёт Термизий VIII аср охириги чораги ёки IX асрнинг бошларида дунёга келган бўлиб чиқади, сабаби Варроқ уни, яъни Ҳайётни мархум сифатида хотирлайди. Лекин бу гаплар Варроқ умрининг қайси палласига тўғри келишини билмаганимиздек, Муҳаммад Муслим Ҳасирбоф ҳақида ҳам ҳеч нарса билмаймиз. Қолаверса, Муҳаммад Муслим Ҳасирбофнинг шахсини аниқлаш лозим. У ким? Билмаймиз. Билганимиз шуки, у Ҳайёт Термизийнинг замондоши, шу холос.

Варроқ айтган бу сўзларнинг маъзи нимада, у Юсуф Ҳайёт зикр этган қуйидаги сўзлар орқали шарҳини топади: «Ўттиз йилдурки, ҳаргиз ул ният била уйдин чиқмайменким, яна уйга борғаймен». Мазмуни: «Ўттиз йилдирки мен ҳаргиз уйга қайтиб бориш нияти билан уйдан чиқмайман!» Юқоридаги сўзларнинг шарҳини ушбу тарзда бериш жоиз: Иймон камоли, иймон балоғати фақат сабр орқали рўёбга чиқади. Зеро сабр — ҳар бир нарсанинг кафолати. Юсуф Ҳайёт Термизий зикрида инсон учун Аллоҳ таолонинг белгилаб берган тақдири азалга ишонч назарда тугилади. Демакки инсон қачон ва қаерда ўлишини билмайди, шу боис Аллоҳ умидида, яъни Худо умиди билан уйдан чиқиш лозим. Ориф (Худони танувчи)лар суҳбатини ҳамisha ҳам топиб бўлмайди, чунки валийлар суҳбатига истаган пайт мушарраф бўлишнинг иложи йўқ. Аллоҳ йўлида ўлиш нияти билан уйдан чиқиш мақсаднинг улуғлиги нишонасидир. (Ҳайёт Термизийнинг бу орифона ҳикматини шарҳлашда алломалар Мирзо Кенжабек, М.Абдуллаев ва А.Отабоевларнинг кутатишларидан истифода этдик. *Yozuvchi*. 2002-yil, 29-mart, juma. № 3—4. — Б. 106—107.).



## МУҲАММАД ИБН ҲОМИД ТЕРМИЗИЙ

*«Инсонни эски чопонда юргани бировнинг  
янги тўғини кийиб юрганидан яхшироқдир».*

Ҳомид Термизий

Абубакр Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Холид термизлик авлиёлар силсила-сида ўзига хос мақомга эга. Қўринадики, Муҳаммад Термизийга боболарининг исми шарифлари қўйилган экан, бу ўша замоннинг ажойиб таомилларидан бири эди. Ҳазрати Алишер Навоий бу зоти олий-ни «Хуросон машойихининг жавонмардларидиндур» деб атайди ва унга юксак баҳо беради. Муҳаммад Термизийнинг падари бузрукворлари Ҳомид Термизий бўлиб, бу ажойиб инсон ҳадис ва фикр илмида даврининг етук уламолари сафида турган. Бу борада Муҳаммад Термизий ҳам улкан ютуқларни қўлга киритди, айниқса, унинг ҳадисчиликдаги хизматлари беқиёсдир. Аллома ҳадиси шариф ривоят қилишда даврининг беназирларидан бўлганлиги ҳам диққатга сазовордир. Айтишларича, Муҳаммад Термизийнинг суҳбатдошлари ул зотдан доимо рози бўлиб, қониқиш ҳосил қилиб мамнун бўлар эканлар. Муҳаммад Термизий замонасининг балхлик Аҳмад Хизравия (ваф. 855) каби улуғ сиймоси, шуҳратли авлиёси билан дийдорлашув бахтига мушарраф бўлган. Шунингдек, термизлик аллома Ҳаким Термизий (ваф. 869) ҳам Аҳмад Хизравиянинг муборак суҳбатини олганини биламиз. Муҳаммад Термизийнинг шири ва устози Варроқ Термизий эса Аҳмад Хизравиянинг яқин дўстларидан бўлган. Варроқ Термизий ва Муҳаммад Термизийларнинг муршид ҳамда муридлик муносабатлари алоҳида диққатга сазовордир. Бу хил устоз-шогирдлик ришталари ўз-ўзидан воқеани Ҳаким Термизий жаноби олийларига олиб бориб боғлайди. Зотан Ҳаким Термизий, ўз навбатида, Варроқ Термизийга устозлик қилган

ва бу Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий ҳамда Муҳаммад Термизий учлигини намоён этади. Хуллас, балхлик Аҳмад Хизравия ва термизлик Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Муҳаммад Термизийларнинг ўзаро қизгин мулоқотда бўлганликлари Балх ҳамда Термиз шаҳарларининг IX асрда ислом оламидаги мавқеи ҳамда ўзаро алоқалари нечоғлик муҳим эканини очиқ англатиб турибди. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг суҳбатдошларидан асли исми шарифи Аскар б. Ҳасин бўлган Абу Туроб Нахшабий (Хужвирийда Насафий, вафоти 861), нишопурлик Яҳё б. Маоз Розий (вафоти 872)ларнинг вафоти саналари қиёслаб чиқилса, Муҳаммад Термизийнинг таваллуд йилини аниқлаш имконияти туғилади. Чунки номлари тилга олинган тасаввуф дарғалари, айни бир пайтда Аҳмад Хизравиянинг суҳбатдошлари бўлгани ҳам маълум. Муҳаммад Термизийнинг Аҳмад Хизравия суҳбатини олгани ёки нари борса, кўргани ҳисобга олинса Муҳаммад Термизийнинг ал-Ҳаким ат-Термизий билан учрашгани ҳодисаси масалани янада ойдинлаштиради. Юқоридагилар ичида Муҳаммад Термизий энг ёши ва зикр этилган алломаларнинг кичик замондоши эканини эътиборга олсак, унинг таваллуди санасини тахминан 830—840 йиллар оралигидан излаган мақбул.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»нинг уч ўрнида Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий ҳақида ахборотлар бериб ўтади. Ушбу хабарлар «Насойим ул-муҳаббат»нинг Абулаббос Динаварий (— Б. 100.), Муҳаммад бинни Ҳомид Термизий (— Б. 110.) ва Абулмузаффар Термизий қисмлари (— Б. 193.)да берилган. Абулаббос Динаварий асли арабистонлик, кейинроқ маълум муддат Нишопурда яшайди, Термизга келади, Муҳаммад Термизий билан учрашади, ниҳоят, умрининг охирини Самарқандда ўтказди. Бу хусусда, «Насойим ул-муҳаббат»да ўқиймиз: «Ва Нишобурдин Тирмизга борди ва Хожа Муҳаммад Ҳамид — Абубакр Варроқнинг шогирди

анга ўтру (рўпара) келиб, рикобин (узанги ёки этагини) ўпти. Муридлариға (яъни Хожа Муҳаммад шогирдлариға) нохуш келиб, андин жиҳатин (сабабини) сўрдилар. Ул деди: эшитибменким, менинг Худовандимни яхши ситойиш (мақтов-мадх) қилур» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 100.). Англашиладики, Муҳаммад Термизийнинг шогирдлари нечундир Динаварийни яхши қабул қилмайдилар, бу ҳодисани шарҳлаш жуда қийин, сабаби шогирдлар устозга содиқ қолган ҳолда Динаварийнинг кимлигини билмайдилар, тўғрироғи, ўз устозларини Динаварийдан кизғанадилар, бу жиҳатдан қараганда шогирдлар ҳақ!

«Насойим ул-муҳаббат»даги иккинчи маълумот Муҳаммад ибн Ҳомид Термизийнинг ўзи ҳақидадир, бунда Навоий шайхнинг иккинчи табақаданлиги, куняси Абубакрлиги, Хуросон шайхларининг жавонмард (саховатпеша)ларидан экани, Аҳмад Хизравия билан учрашгани кабиларни эслатади. Иккинчи табақа шайхлик тарихида ва сўфийлик тариқатида дарвишлиқдан кейинги иккинчи босқич бўлган, илк босқич дарвишлик ёки қаландарлик кўринишида зоҳир бўлган бўлса, иккинчи босқич ориф (Аллоҳни таниш)лик шаклида намоён бўлади. Жавонмардлик гоҳо футувват истилоҳи ила талқин этилиб, фатий — ёш йигит, умуман, ёшлик маъносини касб этади. Жавонмард (жумард)лик ёки футувват (сахийлик, саховат, карам, яхшилик) деганда, энг олий фазилатлар, барчага намуна бўладиган одоб ва ахлоқ шакли тушунилган. Футувват элдан пинҳон иш юритмаслик, кишилар билан бақамти, меҳру оқибатда яшаш, бошқаларни ўзидан юқори қўйиш, ўзини зинҳор кишилардан аъло билмасликдир. Жавонмардликда аҳду паймон, вафо, виждонга алоҳида урғу берилади, зеро, вафонинг биргина ўзи жавонмардликка хос ишдир, вафосизлик виждон нуқсонидир. Футувват ёки жавонмардликнинг қучи, қуввати, сири, сеҳри, аввало, нафсни енгиш, нафсни жиловлашдан иборат. Ал-Ҳаким ат-Термизий нафсни

Ўлжа илинжидаги баликқа қиёслайди, балиқ ўзига қўйилган дом-тузоқдан кутулиб олса, бошқа унга яқинлашмайди. Аммо инсон тотган нарсасини яна татиб кўришни истайди, унинг оқибати билан заррача иши бўлмайди. Балиқ бир марта адашса, инсон сон минг қарра адашади ва энг ёмони, инсон зинҳор адашишдан толиқмайди. Шу тариқа жавонмардликнинг қудрати сира баландпарвоз бўлмасликда, ўзни кўз-кўз қилмасликда, манманлик ва такаббурликни тарк этишда намоён бўлар экан. Хусайн Воиз Кошифий (1420—1505)нинг кўрсатишича, футувватнинг — жавонмардликнинг уч асосий мартабаси мавжуд: «биринчиси — саховат, яъни бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмаслик. Иккинчиси — қалбни кибру ҳаво, гина-кудурат, қасд-ғазабдан покиза, пок тутиш. Учинчиси — вафо, яъни ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш» (— Б. 8.)<sup>1</sup>. Қўринадики, Алишер Навоий гаъкидлаганидек Муҳаммад б. Ҳомид Термизий жавонмардликда ана шу амалларнинг барчасини босиб ўтган ва ушбу соҳада қўнларга ибрат бўлгани, шубҳасиз.

Алишер Навоий айна пайтда шайх Муҳаммад Термизийнинг фарзанди азизи Абунаср Муҳаммад бинни Муҳаммад бинни Ҳомид ҳақида тўлқинланиб сўзлайди ва уни «Хуросоннинг машоҳиридиндур» (Хуросоннинг машҳур кишиларидан) деб таърифлайди. Алишер Навоий шайх Муҳаммад Термизийнинг иккита ажойиб ҳикматларини келгириб ўтади, шулардан биринчиси: «Сенинг сармойиң (бойлигиң) кўнглунгдир ва вақтиңг. Агар сен кўнглиңни хаёлингга келган ҳар хил номақбул ишлар ила машғул қилсанг, билгилки, вақтиңгни бекорга зое қилган бўласан. Зеро унутмаслик лозимки, бойлигини зиёнга сарфлаган киши қачон фойда кўрибди?» Айтилганлардан шу нарса аёнки, кўнгиңл ва вақт — сармойя

<sup>1</sup> *Хусайн Воиз Кошифий*. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тарикати. Форс. тарж. — Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. — Б. 112.

(нақд бойлик), ана шу бойликни беҳуда нарсаларга сарфлаш, фақат зиён-заҳмат етказиши мумкинлигидан мўмин бандалар огоҳлантирилмоқда. Кўнгил, яъни қалб сўфийлик таълимотида қадахни намоён этади ва қадах ҳамда май ёнма-ён тасаввурга эга, қадахдан мурод қалб бўлганидек, майдан муддао муҳаббатдир. Май — муҳаббат тушунчалари замирида Аллоҳ тажассум, аниқроқ айтсак, Аллоҳ муҳаббати назарда тугилади, Аллоҳ муҳаббатига сазоворлик эса иштиёқ (садоқат)ни тақозо этади. Қалб ва муҳаббат, қадах ва май, қалб — муҳаббатга ташна, қадах — майга ошна, қадахга — қалбга майдан — муҳаббатдан қанча қуйилмасин, қадах қанчалар тўлдирилмасин, қадах асло қониқиш ҳосил қилмайди. Бу ҳолат қадахни — қалбни очкўзликка етаклайди, унинг талабининг ҳадди йўқ, шундан қалб — қадах, кўпроқ қалб, албатта, тасаввуфда нафс рамзини англатади, демакки нафсни жиловлай билиш — бу сармоя, яъни бойлик. Дарвоқе, нафсни тия билиш сўфийлик ҳаётида олий босқич, нафс устидан ғолиб бўлиш сўфийликнинг юқори белгиси, юксак чўққиси!

Тасаввуфда вақт тушунчаси сабрни англатади, сабр ҳар бир мўмин-мусулмон банда учун фарзи айндек жаранглайди, чунки сабр таги олтин дейлади. Шуларга илова тарзида айтиш жоизки, сармоя — бойлик, бойлик — бу қалб, демак, Аллоҳни қалбан ҳис эта билиш тасаввуфнинг бош ғояларидан бири. Аллоҳни оддий кўз билан эмас, балки қалб кўзи билан кўра билиш ташвиқоти тасаввуфнинг етакчи моҳияти, зеро, тасаввуф талқинида қалб — иймон кўрининг маъдани ҳамдир. Аллома ҳикматининг ғоявий мазмуни, фалсафий талқини Имом Термизийнинг Расулulloҳдан айтган бир ҳадисларида айна жамулжам этилгандек: «Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири — соғлик, иккинчиси — бўш вақт».

Энди Алишер Навоий келтирган иккинчи ҳикматга келсак: «Ва ҳам анинг сўзидурким, инсон-

ни эски чопонида юргани бировнинг янги тўнини кийиб юрганидан яхшироқдир». Бу ҳикматнинг моҳият-мазмуни ўта ўзгача, яъни тасаввуф таълимоти бўйича тама қилиш, умид-илинж, пок инсонлар учун бегона экани уқтирилмоқда! Сабаби поклик, мусаффолик, умуман, унга эришиш осон иш эмаслиги ўз-ўзидан аён нарса, унга эришишнинг талаблари ўта юксак, бу юксакликни оддий кўз билан кўриб бўлмаганидек, у ҳаммага ҳам кўринмайди.

«Насойим ул-муҳаббат»даги учинчи ахборот Абулмузаффар Термизий муносабати билан келтирилади, унда: «Шайх ул-ислом» (Абдулла Ансорий 1006—1088) дебтурки, Абулмузаффар Термизий ва анинг устоди Абу Ҳамид чибинни ўзларидан кўримаслар эрдиким, алардин учиб яна биров устига қўнмағай экандурлар». Шу ахборотнинг бошқа бир ўрнида Муҳаммад Термизий — Муҳаммад Ҳомид Дошгард тарзида ҳам тилга олиб ўтилади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» ва Абдурахмон Жомий (1414—1492)нинг «Нафахот ул-унс» асарларидаги Муҳаммад Термизий ҳақидаги зикрлар айтарлик бир хил. Аммо Ҳужвирий (1010—1072)нинг «Кашф ул-махжуб», Фаридиддин Аттор (1145—1221)нинг «Тазкират ул-авлиё» тазкираларида шайхга тааллуқли маълумотларни учратмадик. Демак, изланишларни кенгроқ кўламда давом эттириш ҳамда Сулабий (946—1022)нинг «Табакот ус-сўфия», Қушайрий (986—1076)нинг «Рисол ал-Қушайрия», Абдулла Ансорий (1006—1088)нинг «Табакот ус-сўфия», Абу Бакр Бағдодий (вафоти 1070)нинг «Тарихи Бағдод» ва бошқа қатор асарларни кўздан кечириш тақозо этилади. Шуни айтиш жоизки, шайх Муҳаммад Термизийнинг ҳадис шарҳига оид, фикҳ илмига доир асарлар ёзганига ва бу асарлар ўз даврида катта эътиборга эга бўлганига шак-шубҳа йўқ. Шайх тилидан нақл қилинган ҳадислар ва ҳикматлар турли тарихий манбалар воситасида бизнинг

давримизгача етиб келган. Сулабийнинг «Табақат ус-сўфия» тазкирасида шайхдан қуйидаги ҳадис ва ҳикматлар келтирилади.

### Ҳадислар:

— Кимки Аллоҳдан кўркса, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани ундан кўрқадиган қилиб қўяди. Ва кимки Аллоҳдан кўрқмаса, Аллоҳ таоло уни барча нарсалардан ваҳимага тушадиган қилиб қўяди.

— Ҳалолни талаб қилмоқ Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир, зотан Аллоҳ таоло ҳалол меҳнат билан тоғувчи мўминларни севади.

### Ҳикматлар:

— «Инсонлар Аллоҳга муҳтождирлар. Аллоҳнинг ўзигина фаний (бой) ва ҳамид (мақтовга лойиқ) зотдир» муборак сўзни Муҳаммад Термизийдан шарҳлашни сўрадилар. Ул зоти олийлари айтдилар: «Аллоҳ таоло одамларнинг қиладиган ишларига ҳожат сезмайди. Одамлар бўлса, Аллоҳнинг марҳаматига муҳтождирлар».

— Тафаккур беш нарсада намоён бўлади: биринчи — Аллоҳ таолонинг сура-оятларини тафаккур қилиш, бундан маърифат туғилади. Иккинчи — Аллоҳ таолонинг эҳсон-неъматлари, яхшиликларини тафаккур қилиш, бундан муҳаббат туғилади. Учинчи — Аллоҳнинг хушxabар ва савоб-самараларини тафаккур қилиш, бундан Аллоҳга мувофақат, унга интилишга рағбат туғилади. Тўртинчи — Аллоҳ жазоларидан кўрқишни тафаккур қилиш, бундан гуноҳларга тушишдан кўрқув пайдо бўлади. Бешинчи — Аллоҳнинг эҳсонларига нисбатан нафснинг жафосини тафаккур қилиш, бундан ҳаё туғилади. (Иқтибослар Мирзо Кенжабекнинг «Термиз тазкираси» — Б. 49—52. дан олинди).

«Муҳаммад б. Ҳомид Тирмизий қаддасаллоху сирраҳу (Аллоҳ сирини муқаддас қилсин) Иккинчи табақадиндур. Куныси Абубакрдур. Хуросон машойихининг жавонмардларидиндур. Аҳмад Хузравайх (асли Хизравия)ни кўриб эрди ва унинг ўғли

Абунаср Муҳаммад б. Муҳаммад б. Ҳомид Хурсоннинг машоҳиридиндур. Муҳаммад Ҳомид дебдурки, сенинг сармоянг кўнглунг ва вақтингдур. Чун кўнглунгни машғул қилсанг ҳар занну гумонғаки, хотирингга киргай, зоеъ қилғайсен авқотингни ул нимагаким боиста ва шоиста бўлмагай. Қачон суд қила олғай улки, сармояни зиёнға бергай?

(«Насойим ул-муҳаббат». — Б. 110.).

## АБУЛМУЗАФФАР ҲАББОЛ ИБН АҲМАД АТ-ТЕРМИЗИЙ

Абулмузаффар ат-Термизий даврининг буюк алломаларидан, тақвода алоҳида фазилатларга эга ва дин илмида ўзига хос қирраларни намоеън этган донишмандларимиздан биридир. Бу зоти олий ҳақидаги муъжаз хабарлар мутафаккир Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» ва Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» тазкираларида учрайди. Алишер Навоийнинг айтишича, Абулмузаффар Термизий сўфийликда олтинчи табақага мансуб шайхлардан. Исми шарифи Ҳаббол ибн Аҳмад, у имомликда устувор, зоҳидликда беқиёс бўлиб, Ҳанбал (шу мазҳаб асосчисининг номи Абу Абдуллоҳ Аҳмад б. Ҳанбал, 780—855), яъни ҳанбалия мазҳаби (суннийликдаги тўрт оқимдан бири)га эътиқод қилар экан. Абулмузаффар Термизий ҳам Ҳаким Термизий каби Хизр (гоҳо ал-Хизр) алайҳиссалом ила суҳбат қураар (ривоятга кўра пайғамбарлардан кўкда — Исо ва Идрис, ерда — Хизр (Хидр) ва Илёс тирик) экан. Шунингдек, Алишер Навоий томонидан Абулмузаффар Термизийнинг Термизда музаққир (воиз) лик қилиши, Муҳаммад Ҳомид Дошгарднинг унга устоз экани, ўз навбатида, Ҳомид Дошгард Шайх Абубакр Варроққа шогирдлиги ҳам айтиб ўтилади.

Алишер Навоий ўз хабарини давом эттирар экан, шайх ул-ислом Абдуллоҳ Ансорий (1006—1088)нинг «Табақот ус-сўфия» асарига таяниб уш-



буларни битади: «Шайх ул-ислом дебдурки, Абулмузаффар Термизий ва анинг устои Абу Ҳомид чибинни ўзларидин кўримаслар эрдиким, алардин учуб яна биров устига кўнмағай, гўё ул вақт тақво ахли киши боринда чибинни кўримас экандурлар» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 193.). Демак, муршид (пир) ва мурид (шогирд) ўзгаларга ташвиш келтирмаслик учун ўзларига кўнган чивинларни ўзларидан кўримас эканлар. Негаки, чивин улардан учиб бошқаларга бориб кўниб, ўзгаларга озор бериши муқаррар. Алишер Навоийнинг таъкиди-ча: «Шайх ул-ислом дебдурки, анинг яхши сўзи кўндур, муомалот ва зуҳд ва вараъ ва тақвода». Кўринадики, Абулмузаффар Термизий ислом дини рукнларидан муомалот (одоб)да, зуҳд (молу дунёга кўнгил бермаслик)да, тақво (шубҳали ишлардан тийилиш)да беназир экан.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Абулмузаффар Термизий зикрида Шариф Ҳамзаи Уқайлий ва Абу Мансур Муҳаммад Ансорий қисмларида Абулмузаффар Термизий хусусидаги маълумотларни такрор тўлдириб боради. Бу маълумотларда Абулмузаффар Термизий билан боғлиқ доира вакиллари, Балх ва Термиз шаҳри сўфийлик мактабининг айрим намояндalари ва уларнинг тасаввуфдаги мақомлари баёни берилади. Масалан, «Насойим ул-муҳаббат»нинг Уқайлий қисмида Абулмузаффар Термизий ва Шариф Ҳамзаи Уқайлий сафдошларидан Пири Форсий, Абулмалик Искоф, Абулқосим Ҳаннона, Ҳасан Табарий, Ориф Айёр, Абу Мансур Муҳаммад Ансорийларнинг номлари зикр қилинади. Бу маълумотлар Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида ҳам мавжуд, фақат «Нафаҳот ул-унс»нинг Душанбе нашри (Адиб, 1990.)да Уқайлий номи нечундир Ақилий тарзида ёзилган. Бу хил ҳар хиллик Варроқнинг шогирди Ҳошим Суғдий номига ҳам тааллуқли, масалан, «Насойим ул-муҳаббат»да Ҳошим Суғдий, «Нафаҳот ул-унс»да Ҳошим Саъдий шаклида ёзилган. Тош-

кент (Сугдий ва Уқайлий) ва Душанбе (Саъдий ва Ақилий) нашрларидаги ҳар хилликни мавжуд манба ҳамда матнларни солиштириб ўрганиш орқали ҳал этиш мумкин. Кези келганда бир маълумотни айтиб ўтишни лозим топдик: «Нафахот ул-унс» (Жомий)да 616 нафар, «Насойим ул-муҳаббат» (Навоий)да эса 770 нафар авлиёлар ҳақида маълумотлар жамланган.

Жомий ва Навоий машойих Шариф Ҳамзаи Уқайлий муносабати билан Абулмузаффар Термизийдан бир ҳикматни нақл қилади. Бу ҳикматни Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг қиблагоҳи Абу Мансур Муҳаммад ибн Али ал-Ансорий бир суҳбат чоғида Абулмузаффар Термизийдан эшитган экан. Навоий бу ҳақда ёзади: «Шайх ул-ислом отасидин ва отаси Абулмузаффар Термизийдин нақл қилдиким, ҳар ким сенга яхшилик қилди, сени ўзига вобаста қилди ва ҳар ким сенга жафо ва ямонлиқ қилди, сени ўзидин вораста қилди. Расталиқ яхшироқки, басталиқ?» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 194—195.) Яъни: «Кимки сенга яхшилик қилса, демак, у сени ипсиз боғлаб олади. Кимки ёмонлик қилса, сени ўзидан узоқлаштиради, узоқлаштириш ипсиз боғлашдан аълороқдир. Озодлик яхшими, қуллик?» Абулмузаффар Термизийнинг бу сўзлари замирида ғоят улкан маъно ва моҳият, мантиқ ва мазмун тажассум. Тасаввуф илмида Аллоҳ васлига етмоқ учун ранжу алам чекиш ғоялари илгари сурилади. Сабаби мақсадга осонгина етишга интилмаслик мақбул, унинг лаззати, унинг мазаси заҳматларда намоён бўлади, қолаверса, бир инсон бошқасига муте ва қарам бўлмаслиги лозим. Инсон — Аллоҳ таолонинг олий неъматини, у ҳур ва эркин, озод ва бевубор мавжудотлар тоифасига мансуб. Абулмузаффар Термизийнинг бу сўзи (ҳикмати) ни Абдуллоҳ Ансорий давом эттириб, хулоса ясаган экан: «Шайх ул-ислом дебдурки, еру кўк аҳлида ҳар кимдин раста бўлгайсен, суд қилгайсен», яъни: «Еру осмон аҳолисининг ҳар бирига боғланмай озод бўлсанг, жами фойда ва наф сеники бўлади». Бу ҳикматнинг тағ маъноси шуки, аслида нафсга

жиход — кураш тасаввуфда бош мезондир. Инсон нафси енга олса, табиийки, барча нарсалардан устун ва устуворрок туради, эрк ва хурлик нашидасини ўзида туяди. Инсон нафс балосига мубгало бўлса, у ҳар кимга ипсиз боғланади, бу билан ўзини муқаррар мутеликка боғлаб беради, ундан қутулиш амримаҳол. Айни замонда, яхшилик ва саховат замирида зинхор тама бўлмаслиги қатъий уқтирилган.

Абулмузаффар Термизий тилидан Ансорий қилган ушбу ҳикмат аслида Ҳаким Термизий бисотига тааллуқли бўлиб, Суламий уни «Табакот ус-сўфия»да келтиради. Ҳаким Термизий ҳикмати: «Дунёда яхшиликдан кўра оғир юк йўқ. Чунки сенга яхшилик қилган киши сени боғлаб қўйган бўлади, ёмонлик қилса — сени ўз ҳолингга эркин қўйган бўлади» (— Б. 31.)<sup>1</sup>. Абулмузаффар Термизий аслида устоз Ҳаким Термизий ҳикматини нақл қилган ва уни ривожлантиришга интилган. Алишер Навоийнинг гувоҳлик беришича, Абу Мансур Муҳаммад «Шайх Шариф Ҳамзайи Уқайлийнинг муриди ва Абулмузаффар Термизий хидматин қилиб эрди» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 233.)<sup>2</sup>. Демак, Ансорийнинг отаси Абулмузаффар Термизийга ҳам шогирд бўлган ва Алишер Навоий тазкирасида Абу Мансур вафотини 1039 (ҳижрий 430) йил дейди: «Ва Шайх Абу Мансур тўрт юз ўттизда Балхда дунёдин ўтти ва Шариф Ҳамзайи Уқайлийки, анинг пири эрди, қошида дафн қилдилар» («Насойим ул-муҳаббат». Ўша манба.). Абулмузаффар Термизий ва Уқайлий ҳамда Абу Мансур алоқаси, айниқса, Абу Мансур вафоти санаси (1039) айрим жумбоқларга ойдинлик киритади. Аввало, Абулмузаффар Термизийнинг пири Абу Ҳамид Муҳаммад Ҳомид Дошгард ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Муҳаммад ибн Исмоил

<sup>1</sup> Термиз тазкираси / Мусанниф: М. Кенжабек. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. — Б. 192.

<sup>2</sup> Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. — Б. 520.

ибн Холид<sup>1</sup> бир киши эмас, балки бошқа-бошқа одамлар бўлиб чиқади. Муҳаммад ибн Ҳомид Термизийнинг устози Варроқ вафоти санаси шубҳали бўлса ҳамки, қабул қилинган 907 йилни Абулмузаффар Термизийнинг шогирди Абу Мансур Ансорий вафоти санаси — 1039 йил билан қиёсланса, орада бир асрдан кўп масофа бор. Булар Абу Ҳамид Муҳаммад Ҳомид Дошгард ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид тамоман бошқа-бошқа шахслар (исмлар ҳам турличадир) эканини ва қолаверса ҳали Термизийлар борасида кўп изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

**«Абулмузаффар Термизий раҳимахуллоху таоло (Аллоху таоло унга раҳм қилсин)** Олтинчи табақадиндур. Оти Ҳаббол б. Аҳмад. Имом эрди, зоҳид ва Ҳанбал мазҳаб. Тирмизда музаккирлик қилур эрди ва Хизр (а.с.) била суҳбат тугар эрди. Муҳаммад Ҳомид Дошгарднинг шогирдидур. Ва ул Шайх Абубакр Варроқнинг шайх ул-ислом дебдурки, анинг яхши сўзи кўпдур, муомалот ва зуҳд ва вараъ ва тақвода. Шайх ул-ислом дебдурки, Абулмузаффар Термизий ва анинг устоди Абу Ҳамид чибинни ўзларидин кўримаслар эрдиким, алардин учуб яна бирав устига қўнмағай, гўё ул вақт тақво аҳли киши боринда чибинни кўримас экандурлар. Ва аларга кўп мулоҳаза қилибдурлар, чибин кўруғонин кўрмайдурлар, ҳамоно бу риоят жиҳатидин Тенгри алар ишин чибиндин кифоят қилғандур» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 193.).

**«Шариф Ҳамза Уқайлий раҳимахуллоху таоло (Аллоху таоло унга раҳм қилсин)** ...Шайх ул-исломнинг отасидин ва отаси Абулмузаффар Термизийдин нақл қилдиким, ҳар ким сенга яхшилик қилди, сени ўзига вобаста қилди ва ҳар ким сенга жафо ва ямонлиқ қилди, сени ўзидин вораства қилди. Расталиқ яхшироқки, басталиқ?» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 194—195.).

<sup>1</sup> Термиз тазкираси / мусанниф: М. Кенжабек. — Б. 49.

«Абу Мансур Муҳаммад Ансорий раҳимахуллоҳу таоло (Аллоҳу таоло унга раҳм қилсин) шайх ул-исломнинг отасидур ва шайх Шариф Ҳамзайи Уқайлийнинг муриди. Ва Абулмазаффар Тирмизийнинг хидматин қилиб эрди» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 233.).

## САЙИД БУРҲОНИДДИН МУҲАҚҚИҚ СИРДОН АТ-ТЕРМИЗИЙ

Бу улуг зотнинг тўлиқ исми шарифи Саййид Ҳусайн Бурҳониддин Муҳаққиқ Сирдон ат-Термизий бўлиб, кўпинча Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий дейилади. Манбаларда гоҳо Саййид Бурҳониддин Сирдон, Саййид Ҳусайн Термизий, Саййид Муҳаққиқ, Саййиди Сирдон, Саййид Ҳусайн ёки Саййид, баъзан Ҳазрат ва Бурҳониддин тарзида тилга олинади. Жалолиддин Румий (1207—1273) уни қисқача Бурҳон Муҳаққиқ деса, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ деган ҳолда, бир ўринда Саййиди Сирдон ва Ҳазрат дейди, яна етти жойда Саййид атамасини якка қўллайди. Унинг исмидаги турфалик каби ҳаёти ҳам мураккаб ва зиддиятли кутбларга эга ҳамда ғоят сирли кечган. У дунёдан бўйдоқ ва тоқ ўтди, ўзининг бутун вужудини, борлигини, ҳатто, борлигини тариқатга, илму ирфонга бахшида этди. Ҳусайн — унинг исми, Бурҳониддин — куня, Саййид — Муҳаммад (а.с.) авлодларидан эканига ишора, ат-Термизий — унинг Термизда таваллуд топганини англатади. Унинг исмига тиркалувчи Муҳаққиқ ва Сирдон калималари — диний унвонлар, Муҳаққиқ — Аллоҳ кашфига мушаррафлик аломати, Сирдон — мазҳаб сирларини билгувчи демак. Ҳассос шоир ва етук олим Мирзо Кенжабек (Термиз тазкираси. — Б. 56—64.)нинг Шамсиддин Афлокий (Шамсиддин Аҳмад ал-Афлокий ал-Орифий. Маноқиб ул-орифин. — Анқара, 1959

ва 1961. Ношир: Таҳсин Язучи)га таяниб айтишича, Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий Балхга келиб машҳур сўфий Шайх Баҳоуддин Валад (1148—1232) га мурид бўлгач, маълум муддат мажзуб (телба, телбанамо) сифат қир-адирларга, дашту биёбонларга чиқиб кетишни одат қилади. У мушкулотлар тортади, риёзатлар чекади ва шу аснода валийлик мартабасига, яъни авлиёлик мақомига етишади. Ана шулар сабаб Саййиди Сирдон (бахтлилар сирига етувчи) унвонига сазовор бўлади ва унда умрининг охиригача жазба ҳолати давом этган экан<sup>1</sup>.

Саййид Бурҳониддин илк сабоқни жонажон шаҳри Термизда олади ва уни давом эттириш илинжида Балхга йўл олади. Термиз ва Балх шаҳарлари асов Жайхуннинг икки соҳилида жойлашган бўлиб, бу икки қадимий шаҳар тарихан ва тақдиран кўп жиҳатларда яқин муштарақлик касб этади. Балх қадимийлик бобида шаҳарларнинг онаси — уммул булод нисбасини олган бўлса, Термиз шаҳри одамларининг шижоати боис эрлар шаҳри — мадинат уррижол номи билан аталади. Саййид Бурҳониддин Балхда машҳур Сўфий Шайх Баҳоуддин Валад хонадонидида яшай бошлайди ва Баҳо Валаднинг шогирдлари сафига қўшилади. Шайх Баҳоуддин Валаднинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Хусайн ибн Аҳмад Хатиб Бакрий, уни гоҳо Баҳоуддин Балхий, аксаран қискача Баҳо Валад дейишади, у Султон ул-уламо (Олимлар султони) унвонига ҳам ноил этилган. Алишер Навоий («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 324.)нинг маълумотига кўра, Баҳо Валаднинг оналари «Хуросон подшоҳи Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизлари» экан<sup>2</sup>.

Саййид Бурҳониддиннинг таваллуди ва Балхга ташрифи йиллари аниқ эмас, аммо унинг Баҳо Валад тарафидан ёш Жалолиддин (бўлажак Румий)га атабек (тарбиячи) этиб тайинланиш санаси тахми-

<sup>1</sup> Термиз тазкираси / Мусанниф: М. Кенжабек. — Б. 192.

<sup>2</sup> Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. — Б. 520.

ний барқарорлаштирилса, айрим жумбоқларга жавоб топилади. Мавлоно нисбаси ила жаҳонга машҳур Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳо Валад термизлик Саййид Бурҳониддинга устозлик қилган, Саййид Бурҳониддин, ўз навбатида, албатта, Баҳо Валаднинг хоҳиш-истаги ила Жалолиддин Румийнинг тарбияси билан шуғулланган. Румийнинг туғилган йили (1207)ни ҳисобга олиб, Румий нари борса 4—5 ёшларида Саййиди Сирдон тарбиясига топширилган бўлса, воқеалар 1211—1212 йилларда рўй берган деб тахмин этилади. Бу пайтда Саййид Бурҳониддин камида 20—25 ёшларда бўлган, демак, у 1185—1190 йиллар оралиғида дунёга келган бўлиши эҳтимол. Саййид Бурҳониддин Балхга келиб Баҳо Валад хонадонига қадам ранжида қилганда 15—20 ёшларда бўлган, бу 1200—1210 йилларга тўғри келади. Баҳо Валад мактабида таҳсилни бошлаган Саййид Бурҳониддин (гоҳо оддий Саййид Бурҳон) ўз зукколиги билан ажралиб туради, тез орада барча билимларни ўзлаштиради ва устозининг халифаси (ўринбосари)га ҳамда ёш Жалолиддиннинг мураббийсига айланади. Юқорида эслатилган 1200—1210 йиллар оралиғи Саййид Бурҳон 15—20 ёшларда ва тахминан таваллуди 1185—1190 йиллар унинг қабр тошидаги таваллуди 1166 санасига тўғри келмайди. Тўғрироғи, қабр тошидаги таваллуди санаси анча шубҳали, боиси Румий унинг тарбиясига 4—6 ёшида, яъни 1211—1212 йиллар топширилган деб тахмин қилинса, бу даврда унинг ёши қабр тошидаги сана билан қиёсланса — 40—45 ёшда бўлади. Қолаверса, 1200—1210 йиллар оралиғида у Баҳо Валад мактабида ўқийди, бунда унинг ёши тарин қабр тоши ила такқосланса, 34 ёки 44 бўлади, бу ёшда таҳсилни бошлаш ҳам мантиққа хилоф. Тўғри, кимдир эрта ва кимдир кеч илм олишни бошлайди, аммо илм, асосан, ёшлиқда олинади, бу эса бор ва ҳақ гапдир.

Баҳо Валад умри давомида қатор юрт ва шаҳарларни кезди, баъзиларида оз, баъзиларида бир оз яшади, баъзиларида бир муддат кўпроқ қўним тонди. Булар Хоразм юрти, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Вахш, Балх ва бошқа талай шаҳарлардир, ушбу сафарларнинг барисида унга Саййид Бурҳониддин ҳамроҳ бўлди. Баҳо Валад 1218–1219 йиллар хаж сафарини ихтиёр айлайди, устоз ва шогирд хайрлашишади, нафақат хайрлашишади, балки ажралишади, ниҳоят йўллар айро тушади. Саййид Бурҳониддин пирини ва севимли шогирди Жалолиддинни узок йўлга кузатиб, ўзи Термизга — она шаҳри кучоғига қайтади, бу ерда тариқат ишларини ривожлантиришга бел боғлайди. Баҳо Валад сафар чоғида Нишопурда Фаридиддин Аттор (1145–1221) билан учрашади, Аттор 11–12 яшар Жалолиддинга ўзининг «Асрорнома» асарини тухфа қилади. Улар Нишопурдан Райга, ундан Ҳамадон орқали Бағдодга йўл олишади ва Баҳо Валад Бағдодда тасаввуф донишманди, буюк ориф Шайх Шихобиддин Сухравардий (1144–1234) билан мулоқотда бўлади. Шайх Сухравардий билан Саййид Бурҳониддиннинг ажойиб учрашувлари ҳам манбаларда ўз кайдини топган. Шундай қилиб, саёҳатчилар қарвони Бағдоддан Хижоз (Макка ва Мадина)га, ундан Шом (Сурия)га, ниҳоят Румо (Кичик Осиё)нинг Мўлтия (Малатия), Эрзинжон (Арзангон), Оқшаҳар, Лоранда (ҳозирги Караман)да бўлиб, Қуния (Кония, Кониё, қадимги Икониум — Кониум)да муқим яшай бошлайди. Баҳо Валад Румо (Туркия)нинг Қуния шаҳрида истиқомат қила бошлайди, у ерда хурмат-эҳтиромга сазовор бўлади, шаҳарнинг олий мадрасасида мударрислик ва раислик қилади, шу ерда 628 х / 1232 м. йили дунёдан ўтади.

Ана шу машғум ҳодиса, яъни устозининг вафоти, Алишер Навоийнинг шаҳодатича, Саййид Бурҳониддинга ғойибона аён бўлади: «Ул кунки



Шайх Баҳоуддин Валад оламдин ўтти, Саййид Термизда ўлтуриб эрди. Дедики, шайхим ва устозим ҳазратлари дунёдин рихлат қилдилар» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 325.). Бу Бурҳон Муҳаққиқ билан унинг домласи ва устози Баҳо Валад ўртасида муттасил руҳий робита мавжудлигидан далолатдир. Алишер Навоийнинг ёзишича, Бурҳон Муҳаққиқ «Неча кундан сўнгра Мавлоно Жалолиддин (Румий) тарбияти учун Қунияга мутававжих бўлди» (Ўша манба. — Б. 325.). Саййид Бурҳон узоқ сафарга отланади, у Хуросон, Эрон, Ироқ ва Ҳижоз (Саудия Арабистони) бўйлаб олис йўл босиб ўтади, Ҳижозда бўлиб, ҳаж амалини бажо келтиради. Айрим манбалар Термизийнинг бу сафарини мўғул истилоси билан боғлашади, бу нотўғри, чунки мўғул хуружи 1219—1220 йилларда бошланган эди. Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Маккада ҳожилардан Баҳо Валад оиласининг манзили Қуния шаҳрида эканини билиб олади. Саййид Бурҳониддин устози вафотидан бир йил ўтгач, 1233 йили Қунияга етиб келади, Жалолиддиндан кўнгил сўраб пирининг — Баҳо Валаднинг руҳи покларига дуойи фотиха қилади. Бурҳон Муҳаққиқ ташрифи Румийга хушлик ва масрурлик бахш этади, зотан Румий муршиди Бурҳон Муҳаққиқ сиймосида қиблагоҳи Баҳо Валад руҳиятини топгандек бўлади. Мавлоно устози Саййид Бурҳониддиндан жуда кўп нарсаларни ўрганайди ва пир ўғитлари шогирдга самарали таъсир кўрсата бошлайди. Саййиди Сирдоннинг тавсияси билан Мавлоно Румий қиблагоҳи асари «Маориф» (бу асар «Маорифи Баҳовалад» ёки Румий таъбири ила «Фавоиди волид», яъни «Ота ўғитлари») ни мутолаа қилишга киришади ва бунга кўп вақт сарфлайди. Аммо Бурҳон Муҳаққиқ каби Мавлоно Румий ҳам шарият ва тариқат билими учун булар камлик қилишини яхши тушунар эди. Шу боис Бурҳон Муҳаққиқ шогирди Румийга Ҳалаб (Алеппо) ва Дамашқ мадрасаларида таҳсил олиб келишга

изн беради ҳамда шахсан ўзи Қайсария шахригача унга ҳамроҳлик қилади. Термизий Қунияга таширф буюрар экан, нафақат Мавлавий, балки унинг фарзандларининг тарбиясига ҳам масъул эканини ҳис этади. Шом сафари етти йил давом этади, Мавлоно зоҳирий илмда камолотга етган ҳолда Қунияга қайтади. Бу ҳақда Румийнинг ўғли Султон Валад ўзининг «Валаднома»сида Саййид Бурҳон тилидан қуйидаги байтларни келтиради:

*Гуфт аз он пас ба шоҳ Жалолиддин,  
Гар чу дар илм нодириву газин.  
Лек баъд волид ту соҳиби ҳол,  
Жуи онрову дар гузар аз қол.  
Қоли у гирифтаи ба ду даст,  
Ҳамчу манишав зи ҳолиу сармаст.  
То тамомати ту ворисаи боши,  
Нур андар жаҳон чу хур поши.*

Мазмуни:

*Ул деди боқиб Жалолиддин шоҳга,  
Илмда нодирсан, ўхшаб теран шоҳга.  
Лек отанг изидан сен соҳиби ҳол,  
Бил, ўша ирмоқда оқар эди қол.  
Унинг илми қолин ушлаб қўлингда,  
Мен каби ҳол илмин жойла кўнглинда.  
Сен чин вориси унинг, йўқ ҳеч шубҳа,  
Қуёшдек соч жаҳонга нур ва шубҳа.*

(Изоҳ: Румийга нисбатан Мавлавий, Мавлоно атамалари билан шоҳ (сарвар маъносида) атамаси ҳам қўлланган ва Румийнинг ўзи пиру муршид — устозларини «шоҳон» — «шоҳлар» деб атайти).

Саййид Бурҳониддин Қунияда бўлган даврида унга шайх Салоҳиддин Фаридун Зарқўб (вафоти 1258) шогирдликка тушиб тарбия олган эди. Термизий ўз муридлари Румий ва Зарқўбларни ғоят эҳтиром қилган, айниқса, Зарқўб (заргар) унинг энг суюкли шогирдига айланган. Румий-

нинг ўзи Зарқўбни кўпинча «Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқнинг фарзанди, жони дили ва халифаси ҳам шу» дер экан. Бу таъриф-тавсиф, бир томондан, Бурҳониддин Термизий ва Зарқўбнинг пир ҳамда муридликдаги алоқаларининг нечоғлик устуворлигини исботласа, бошқа бир томондан, Румий ҳамда Бурҳониддин ва Зарқўблар ўртасидаги илиқ муносабатларнинг чинакам намоёишидир. Демак, Саййид Бурҳониддин умри давомида Румийга қанчалик меҳр қўйган бўлса, Зарқўбдан ҳам меҳр қўрини аямаган экан. Термизий шогирдлари Румий ва Зарқўблар ҳақида: «Ҳолимни Шайх Салоҳиддинга бағишладим ва қолимни Мавлоно (яъни, Румий)га» («Насойим ул-муҳаббат». — Б. 325.) бағишладим деб гурурланар экан. Зотан биламизки, тасаввуфда илм иккига бўлинади, улар илми ҳол ва илми қол деб номланади, ҳол илми ботиний (ички, яширин), қол илми зоҳирий (ташқи) илмлар силсиласидан таркиб топади (юқорида шеър байтларидаги ҳол ва қол атамалари худди шу маънода).

Термизий маълум фурсат ўтгач Куниядан Қайсария шахрига кетади ва ўша ерда истиқомат қила бошлайди. Румий устози Термизийни зиёрат қилгани Қайсарияга борганда, Термизий уни уч маротаба чилланишинлик қоидасини амалга оширишга даъват этади. Бу амаллар ижроси асносида устоз шогирдининг илми ботин ва илми зоҳирда юксак қомилликка эришганига амин бўлиб, катта қоникип изҳор этади. Термизий шогирди Румийнинг фарзанди азизи Султон Валад (1226—1318)га ҳам устозлик қилиб, унга таълим берган ва унинг камолотга етишида улкан ҳисса қўшган. Султон Валадга Шайх Зарқўб ҳам пирлик қилган. Англашиладики, унинг сўфийлик илмида шаклланишида Термизий ва Румий ҳамда Зарқўбнинг таъсирлари беқиёс бўлган экан. Қолаверса, Султон Валад ўз падари бузруквори Румий истаги билан Зарқўбнинг қизи Фотимахотунга уйланади. Ана шу хил устозу шо-

гирдлик, муриду муршидлик, куда-андачилик ришталари мустаҳкам илдиз отиб, олтин занжир сифат давом этди ва оилавий сулола силсиласи даражасига бориб етди. Чунончи, Баҳо Валад — Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ — Мавлоно Жалолиддин Румий — Зарқўб — Султон Валад тизимидаги муршид ва муридлик асрлар оша ибрат рамзи бўлиб келмоқда. Термизий вафоти (1241)дан сўнг Румий ўзига Зарқўбни шогирдликка олади ва уни ўзининг халифаси (ўринбосари) деб эълон қилади. Румийнинг бу ҳаракатини бошқа шогирдлар хушламайдилар, аммо Мавлоно устози Термизий хотираси туфайли фикрида собит қолади, сабаби, Термизий ҳам Зарқўбни ўз халифаси ҳисоблаган. Чунки Румий аввалига Термизийдан, сўнг унинг ҳаётида муҳим ўрин тутган Шамсиддин Табризий (1184—1247, гоҳо 1188—1248)дан айрилиб, эндиликда Салоҳиддин Зарқўбга суяниб қолган эди. Султон Валад ибораси билан айтганда: «Мавлоно ва Салоҳиддин Зарқўб икки танда бир жон каби эдилар».

Термизийнинг Қайсарияга кетиши билан боғлиқ воқеалар гоҳо баҳсли талқин этилади. Аввало Румий устозининг Қайсарияга йўл олишига монелик қилади. Лекин устоз фикрида қатъий туриб олади, ноилож қолган Румий устози Бурҳонга жами сафар жабдуқларини муҳайё қилиб беради. Айримлар Термизийнинг Қайсария сафарини Шамсиддин Табризийнинг Қунияда пайдо бўлиши воқеалари билан изоҳлашга ҳаракат қиладилар. Гўё Табризий илк бор Қунияга келганда у билан суҳбат қурган Термизий эндиликда Бурҳон ва Шамс бир шаҳарда сифмаслигини англаб етган эмиш. Ваҳоланки, Султон Валад ўзининг «Валаднома»сида Табризий 642/1244 йилда Қунияга ташриф буюрганлигини аниқ ва тиниқ таъкидлайди, бу эса Термизий вафотидан тўрт йил ўтгандан сўнг содир бўлмоқда. Демак Термизий ва Табризийлар ўзаро учрашмаган, улар бир-бирини билмайди, Термизийнинг Қайсария

шахрини ихтиёр айлаши камолот поғонасини забт этган Румийга эркин ва озод ҳаракат қилиш учун имкон яратиб бериш эди. Саййид Бурҳониддин Мухаққиқ Қайсарияда эканида унга салжуқийлар вазири Шамсиддин Исфаҳоний (вафоти 1265) катта илтифот ва марҳамат кўрсатади, Термизий у ерда Исфаҳоний бунёд этган хонақоҳда яшай бошлайди. Исфаҳоний хонақоҳда устозининг ваъзмаърузаларини ташкил этиб туради, Бурҳон ёшлигидан кўп риёзатлар тартади, буни ўзига раво деб билар эди. Кексайган чоғларида ҳам бунга эътибори баланд бўлиб, ўзининг уст-бошини ўзи юварди. Бир куни хонақоҳда кийимларини ювиб турганда, бир киши унга маломат қилиб уни мулзам қилади. Шунда Бурҳон Термизий унга қарата: «Ҳа, фозил инсон — биз бу оламга кийим ювиш учун келганмиз, янада тўғрироғи — кир ювиш учун келганмиз!» — деган экан. Бу ҳикматнинг тағ мазмуни шуки, «биз бу оламга кир — ифлос кишиларни тозалаш мақсадида ташриф буюрганмиз».

Саййиди Сирдон Қайсарияда кўплаб шогирдларга устозлик қилди, ҳатто Шамсиддин Исфаҳоний ҳам Термизийни ўзига пир деб билган. Бурҳониддин Мухаққиқ вафот этганда унинг дафн маросимида Шамсиддин Исфаҳонийнинг ўзи бош-қош бўлади. Таассуфки, Румий ва Заркўблар дафн маросимида етиб келолмайдилар, иккалалари кечикиб бўлса-да, устоз қабри устида сукут сақлаб таъзия бажо айлагач, пирлари охирги кунларини ўтказган хужрага киришади. Баъзи манбаларда Исфаҳоний Румийга мактуб жўнатгани ва Румий ўз асҳобалари билан устознинг дафн маросимида иштирок этгани гапирилади. Бурҳоннинг жасади Исфаҳоний бунёд этган хонақоҳга дафн этилади, қабр устига қўйилган тошга 561/1166—638/1240 саналари битилган. Шу тариқа Румий устози хужрасига киради ва у ердаги мавжуд китоблардан айримларини эсдалик учун Шамсиддин Исфаҳонийга тақдим этади, қолган ки-

тобларни, пароканда битикли коғозлар билан бирга олиб, Қунияга қайтади. Ана шу пароканда битиклар Румий ва Султон Валад учун «Маорифи Бурхон Муҳаққиқ» китобини тузишда асосий манба вази-фасини ўтаган бўлса, не ажаб! Алломанинг ушбу китоби (1920 йили Техронда нашр этилган)да Худои таоло ижодкорлиги, бунёдкорлиги, Худонинг пайғамбарларга инъом этган фазилатлари, авлиёларга берган зийнатлари шарҳланади. Барча нарсаларнинг ибтидоси ҳамда интиҳоси Тангри ҳукми иладир, Тангри ҳар бир ҳодисанинг холис назоратчиси ҳамдир. Шунингдек, китобда намоз, рўза қоидалари, меърож маъноси, тасаввуфда амал истилоҳи хусусида баҳс юритилади. Муаллиф ўз фикрлари инжусининг исботи ва таъкиди ўлароқ, турли сўфий шоирларнинг шеърларига мурожаат этади. Айниқса, буюк сўфий шоир Абдулмажид Санойи (1081—1141) ғазалиётидан кўпроқ истифода этиб, бу билан Санойи шеърятининг қудратини намойиш этишга интилади.

«Маорифи Бурхониддин Муҳаққиқ Термизий» номли китобнинг шу кунгача тўртта қўлёзма нусхаси етиб келган, шулардан тўлиқ бўлмаган бир нусхаси Истанбул кутубхонсида сақланади. Мукаммал нусхаси 678 саҳифадан иборат бўлиб, Қуниядаги Мавлоно музейида сақланади. Бу Термизий вафотидан қирқ тўққиз (демак, 1289) йилдан сўнг Мавлавий силсиласи муридларидан бири Аргун ибн Идмар ибн Абдулла Мавлавий томонидан кўчирилган. 356 саҳифалик бошқа бир нусхаси 1005 йилда Мавлавия тариқати муридларидан бири томонидан кўчирилган, ундан «Маорифи Баҳовалад», иккита кичик рисола ва «Маорифи Бурхониддин» жой олган. Кейинги бир нусха эса 754/1356 йили кўчирилган, буларнинг бари асарни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Қисқаси, олимларнинг эътирофича Ибн ал-Арабий (1165—1240), Баҳо Валад, Мавлоно Жалолиддинлар шариат ва тариқат йўлида янги мактаб яратдилар, қизиги, Бурхониддин Термизий ҳам ана

шулар гурухига мансубдир. Шунингдек, Мавлоно Румий ва Шамсиддин Табризий озуқа олган ёки сув ичган манбалардан Термизий бахра олган манбалар ўртасида фарқ кўринмайди ва мутлақо сезилмайди. Замондошларининг эътирофича Бурҳониддин шундай инсон эдики, Аллоҳ тарафидан одам ичига солинган нур унинг ичида порлар экан, шундан у авлиёуллоҳ (Аллоҳнинг дўсти) мақомига етишган. Термизийнинг «Маориф» асарини билиш орқали Румий асарларини тушуниш осонлашганидек, Румийни билиш «Маориф» китоби учун калит ва-зифасини ўтайди. Румий «Маснавийи маънавий»да Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийни машойих ва орифлар ичида эътироф этади, унинг бошқалардан фарқи шунда эдики, у айтганларига ўзи амал қилар эди. Ривоят қилишларича, кекса Бурҳониддин шогирди Румийни «Мавлоноий бузург» — «Улуғ мавлоно» деб атар экан, яъни Термизий шогирдининг келажagini олдиндан қалб кўзи билан кўриб, қалб кўри билан сезган экан. Саййид Бурҳониддиннинг айтишича, ўз шогирдларига нисбатан ўта қаттиққўл бўлган ул зоти олий риёзатлар ичида рўза амалини энг зўр деб билган, қолган риёзатларни рўзанинг олдида ўйинчоқ деб билар экан. Термизий шу қадар кўп илм ўрганса ҳам, ўзини илмсиз деб ҳисобларкан, зотан унинг илмлилигига шахсан Румийнинг ўзи қойил қолгани барчага аён.

Саййиди Сирдоннинг «Маориф» асарини ўрганиш, тадқиқ этиш, ўзбек тилига таржима қилиш, унинг ички сирларидан, теран сеҳрларидан халқимизни ва ёш авлодни воқиф этиш илм аҳлининг муқаддас бурчидир.

**«Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ қуддиса сирриху (унинг сирини муқаддас қилинди) «Хусайний Саййиддур ва Тирмиздин эрди ва Шайх Баҳоуддин Валад (қ.с.)нинг асҳоби ва муридларидиндур. Саййиди сирдонға машҳурдур. Ул кунки Шайх Баҳоуддин Валад оламдин ўтти, Саййид Тирмизда**

ўлтуруб эрди. Дедики, шайхим ва устодим ҳазратлари дунёдин рихлат килдилар. Ва неча кундин сўнгра Мавлоно Жалолуддин тарбияти учун Кўняга мутаважжих бўлди. Ва Мавлоно Жалолуддин ҳазратлари тўққиз йилгача алар хизматларида бўлуб, иршодлар кўруб тарбият топдилар. Дебдурларки, чун Шайх Шихобуддин Сухравардий Румфа келди. Саййид ҳазратларини кўргали борди. Саййид кул устига ўлтуруб эрди, ўрнидин тебранмади. Шайх йирокдин таъзим килди ва ўлтурди, ҳеч воқеъ бўлмади. Муридлар сукут мужибин сўрдилар. Шайх дедики, ҳол аҳли била сўзлашурга ҳол тили керак, йўқки қол тили! Муридлар сўрдиларки, Саййидни нечук топтингиз? Шайх деди: дарёе топтук, маввожи маоний дураридин ва Муҳаммад ҳақойиқидин бағоят ошкор ва асру яширун. Шайх Салоҳуддин (Зарқўб) Саййид (Термизий)нинг муридларидиндур. Саййид (Термизий) дерлар эрмишки, ҳолимини Шайх Салоҳуддинга бағишладим ва қолимини Мавлонога. Ва Саййиднинг мутабаррак мазори Қайсариядадур». (Унга ва барча солиҳ бандаларга Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин!) (Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» — Б. 324—325.).

### Саййид Бурхониддин Термизий ўғитлари:

1. Инсонга берилган иш, сўз ва хоказоларнинг барчаси аломатдир.

2. Мақтовдан ҳам кўра каттароқ пора борми? Яъни, мақтов поранинг каттасидир.

3. Замонамиз олимлари килни кирк ёрадилар, аммо ўта муҳим нарсани, яъни ўзларини билмайди (англамайди)лар.

4. Халқнинг кийимлигини ўғирлаган ўғри ҳар уйдан бир кийимлик кўрсатишни ҳам ўрганиб олгандир.

5. Сўз бир келинчакдир, сўз бир гўзалдир.

6. Ҳар бир устоздан ва дўстдан бирон нарса олишга интилинг!



7. Ҳамма нарсани кўрсатган куёшдир ва ҳамма нарса унинг зиёси туфайли кўринади.

8. Баъзилар (бу дунёга) нон ейишга, баъзилар нонни томоша қилишга келади.

9. Ҳақиқий куёшдан бошқа яна бир куёш бор, унинг ёрдамида эса ҳақиқатлар ва маънолар кашф этилади.

10. Имконсизни эпламоқ — имконсиз. Бирок мушкулни эпламоқ, имконсиз эмас.

11. Баъзи одамларда нариги дунёнинг дарди йўқдир, кўнгиллари тамоман бу дунёга боғланган.

12. Кўнгил — пок ва беғубор бир кўзгу.

13. Очлик — ҳикмат хазинасининг калити.

14. Шароб — кўтарганга ҳалол, кўтармаганга ҳаром.

15. Мен мажзуб (телба) бир одамман, хотин, бола-чақа ташвишига тоби тоқатим йўқ. Лекин унутмагилки, исломда оила ва никоҳ — вожиб.

(Саййид Бурхониддин Муҳаққиқ Термизий ҳикматлари Мирзо Кенжабекнинг «Термиз тазкираси» китобидан олинди. — Б. 56—64.)

16. Ҳақни Ҳақдан ажратма.

17. Танҳо жисм йўқолади, руҳ эса барҳаётдир.

18. Комил инсон мартабасига етиш учун нафс риёзати лозим.

19. Муаллим — ойна каби, сен унга эргаш, унга ўзингни ҳадыя эт ва у ҳам сенга ўша қадар илтифот кўрсатади.

20. Илм ва иймон висол йўлидир.

21. Фано ва бақо Худованд кўлидадир, борлиқнинг ҳосили йўқликдир, борлиқнинг воқелиги танҳо зоти Ҳақ таоло туфайлидир, қолган мавжудотлар шунчаки оддий ҳодисадир.

22. Унинг фикрича орифу донишмандлар иккига, яъни хос ва авомга бўлинади.

23. Одамнинг ичига нурни солдилар, у нур кўринмайди, аммо у ҳаракатдадир. Меванинг пўсти (пўчоғи) ғализ бўлса, унинг мағзи заиф ёки махфий

бўлади, ана шу пўстни олиб ташлаш учун риёзат ва жаҳд лозим, токи инсоннинг ичидаги нур намоён бўлиш имконини топсин.

24. Дил ва ҳол аҳли ҳол (ботиний — ички) тилида сўзлашадилар.

25. Агар инсон ҳақиқатга етса, унга куфру дин баробардир.

26. Ҳақ таоло инсонни азиз қилиб яратган, нечун инсон ўзини ҳақир қилишга интилади, бу унинг ўз нафсига қилган зулми бўлса керак.

27. Қуръони карим — муқаддас китоб, бу китобни англаш учун гўё меванинг пўстини олиб, унинг мағзини излаш талаб этилади. Тўғрироғи пўстини эмас, балки мағзини очиш керак, яъни мағзини тушуниш лозим.

28. Илмнинг чегараси бор, шунинг учун у орқали ҳақиқатга эришилади.

### Алломалар Саййид Бурҳониддин Термизий зикрида:

1. «У (Бурҳон Муҳаққиқ) бир дарё, мавжлари маъноларининг дурлари Муҳаммад алайҳиссалом ҳақиқатларидан бағоят ошкор ва бениҳоят яшириндир». *Шайх Шихобиддин Сухравардий (1188—1235)*.

2. Пишиқ бўлгил, қаҳрдин бўлгил йироқ,  
Бурҳон Муҳаққиқдек нур бўл, бироқ.

*Жалолиддин Румий (1207—1273)*

(Пухта гарду аз тағйир дур шав,

Рав чу Бурҳон Муҳаққиқ нур шав. Маснавий маънавий. Дафтари дуввум. — С.231.)

3. «Анинг хавотирға ипроғи жихатидин Саййиди Сирдонға машхурдир». *Алишер Навоий (1441—1501)*.

## ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

Термизий тахаллуси билан танилган адиб Хожа Самандар XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган, адибнинг йирик адабий мероси — «Дастур ул-мулук» асари бизгача етиб келган. «Дастур ул-мулук» (1695 — 1696 йилларда ёзилган) асос-эътибори билан панд-насихат йўсинидаги асардир, Хожа Самандар ўз таълим-тарбиявий қарашларини яшаган даври хусусиятларига мослаб илгари суради. Айни чоқда давр ва замон ҳодисалари анъанавий ҳикоятлар ва ҳикматли шеърий парчалар воситасида таҳлил этилади ҳамда хулосаланади. Китоб бобларидаги мавжуд нақллар ва уларга хос ўғитлар, айтилган фикрлар олами, эътиборга тортилган мавзулар кўлами қиссадан ҳисса чиқариш йўсинида якунига етади, буларнинг бари айни замонда китобхонни бефарқ қолдирмайди. Ҳар бир бобнинг моҳиятига монанд ҳолда келтирилган ҳикоятлар фалсафий моҳият касб этиб, анъанавий мазмунга эга бўлса ҳамки, кўпинча замонавийлаштирилгани билан диққатлидир. Адиб бу шаклдаги ҳикоятларга ижодий ёндашиб, уларни ўз ғоявий мақсади йўлида астойдил қайта ишлайди ва замон хусусиятларини ҳикоятлар бағрига сингдира олади.

Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизийнинг таржимаи ҳоли мукамал даражада тикланган эмас, қолаверса, у ҳақидаги маълумот берувчи ягона манба Муҳаммадбадеъ Малехо Самарқандийнинг «Музаққир ул-асҳоб» («Суҳбатдошлар зикри», 1692 йили тартиб берилган) тазкираси бўлади. Самандар Термизийга тегишли қолган маълумотлар унинг «Дастур ул-мулук» асари саҳифаларида учрайди, аммо улар ҳам тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун камлик қилади. Малехонинг таърифлашича Хожа Самандар «оловқалб, ўткир тилли адиб»<sup>1</sup> бўлган

<sup>1</sup> Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. Иккинчи нашри. Форс-тожик тилидан Ж. Эсонов таржимаси. — Тошкент: Шарқ, 2001. — Б. 9.

ва тазкирада адиб Баҳодир исми, Самандар тахаллуси ва Насафий нисбаси тарзида тилга олинади. Бунга сабаб Хожа Самандар икки марта Қарши шаҳрида дин ишлари раиси вазифасига тайинланган ва узоқ йиллар шу ерда яшаганлигидандир. Ғалати томони шундаки, «Дастур ул-мулук»нинг эски қўлёзмаларидан бирида адиб Хонақоҳий нисбаси билан эслатилади, аммо «Дастур ул-мулук»да адиб ўзини Термизий нисбаси билан эътироф этади<sup>1</sup>. Буларнинг бари адибнинг эҳтимол Ҳисори Шодмон худудидаги Хонақоҳ мавзесида маълум муддат яшагани жихатидандир, лекин унинг Термиз саййидлари авлодидан бўлгани туфайли Термиз нисбаси билан аталиши кўп томонлама тўғри экани инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Хожа Самандар сиёсат майдонига Абдулазизхон (1645—1680) ҳукмронлиги давридаёқ кириб келган эди, унгача адиб узоқ йиллар давомида олис ўлкаларни кезиб чиққанини «Дастур ул-мулук»да қайд этиб ўтади. Бу борада Малехо тазкирасида ҳам қайдлар мавжуд, унда айтилишича Хожа Самандарнинг дастлабки ҳаёти дарвишликда ўтади. У машриқдан мағрибгача бўлган шаҳарларни кезиб чиқади, турмушнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини татиб кўради, қаландар либосида жаҳон кезади. Уни бунга дунё бузуқликлари, адолатсиз жамият, мунофиқ дўстлар, туҳмат ботқоғига асир кимсалар, ҳасад ва хусуматлар хуружи мажбур этган эди.

Хожа Самандар Термизийнинг адабий фаолияти, нозик таъби, бадиий тасвирдаги чиройли қочиримли иборалари унинг ҳам насри ва ҳам назмига тегишли экани Малехо тарафидан эътироф этилган. Дарҳақиқат адиб ижодида тасвир кучининг беқиёслиги, у тасвирга жалб этган қаноат ва адолат, ҳиммат ва миннат, шижоат ва тоқат, муҳаббат ва мурувват, хасислик ва ҳаёсизлик, тўғрилиқ ва

<sup>1</sup> Ходжа Самандар Термези. Дастур ал-мулук. Пер. с перс. М.А. Салахетдиновой. — Москва: Наука, 1971. — С. 4—5.

Ўғрилиқ каби қатор тушунчалар тасвирида яққол сезилади. Ана шу тушунча ёки мавзуларнинг «Дас-тур ул-мулук»да бобма-боб астойдил шарҳлаб берилиши, бир томондан адибнинг ҳаётни синчковлик билан кузатиши, бошқа томондан унинг истеъдоди маҳсулидир. Айниқса, саёҳат қоидалари, элчи ва унинг сифатлари, шохнинг ўз халқига муносабати, ёшлардаги бекарорлик оқибатлари, кексаларнинг ибратли одатлари, сарой хизматчиларининг хислатларига тааллуқли боблар диққатлидир. Безорилик ҳақида гапирган адиб кишилар ўз юрагини мулойимлик беағи билан ардокласинлар, чунки майинлик, юмшоқлик инсонларга наф келтиради деб уқтиради. Муаллиф сўзни ўйлаб, ўлчаб гапириш лозимлигини маслаҳат беради, ўйламай айтилган гапни «синалмаган олтин»га қиёслайди, чуқур фикрламасдан сўзлашни қоралайди. Асарда сабр ва тоқат самараси атрофлича таҳлил этилган, «иродаси мустаҳкам киши бахтга эришса, у зинҳор қаҳқаҳа урмайди. Қийинчиликка дуч келса, кўзларидан аччиқ ёш тўкмайди», дейди. Шу фикрларга монанд равишда замонасининг кирдикорларини очувчи қуйидаги иккиликни илова қилади:

*Қайгурма, тақдир қилмаса илтифот,  
Берур гоҳ аччиқ, гоҳ ширин мукофот.*

Ёзувчи ҳар бир бобда маълум тушунчани таҳлил этар экан, уларни кўпинча подшо саройи ва ундаги воқеалардан келиб чиққан ҳолда тасвирлайди. Англашиладики, шоир умрининг аксар фурсатини саройда ўтказган, дарҳақиқат, Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизий бир неча вақт Субҳонқулихон (хукмронлиги 1681—1702) саройида нуфузли ўринни эгаллаган эди. Муаллиф замон ҳукмронини нечоғлик таърифласа-да, ҳукмронликнинг баъзи бир иллатларини қоралайди ва, аксинча, илм ҳомийларини ардоқлайди. Ҳатто замондан

Ўзи тортган жабру жафоларни ҳам рўй-рост гапиради, ўзининг дарбадарлик кезларини эслатади, мудхиш шароит маразларини танқид қилади. Масалан, шоирнинг саройда ишлаш, унинг айрим жирканч томонлари ва, айниқса, шохдан илтижо кутмаслик бобидаги маслаҳатлари эътиборга лойиқдир. Асарнинг 3-боби худди шу масалага оид бўлиб, бобдаги қуйидаги сатрлар фикримизнинг яққол далили бўла олади: «Донишмандлар ҳукмронни алангага таққослашади», гарчи у (шоҳ)ларнинг мижози қоронғиликни ёритса ҳамки, кўпинча содиқ хизматкорга жабр еткази. Шунга кўра айтишадики: «Шоҳ хизматида бўлишдан, тимсоҳ думига илиниб, дарё тубига чўкиш ёки илон овзидан заҳар сўрмоқ минг қатла аълодир».

*Подшоҳ хизмати хавф-хатарни тутар пинҳон,  
Кўпларнинг ёстигини қуритган бу имтиҳон.*

Юқоридаги гапларни ўша замонда яшаган киши томонидан дадил айтилиши жасурлик намунасидир, зотан бу хилдаги фикрлар кўпинча қатлга олиб келган.

Хожа Самандар Термизий фақат панд-насихат куйчиси эмас, балки замонасининг етук тарихчиси ҳамдир, китобнинг 21-бобида (асар 22-бобдан иборат) XVII асрдаги Субҳонқулихон ҳукмронлиги, идора тартиблари, халқ ахволи, ҳарбий юришлар ва унинг муҳорабалари ҳақида хабар беради. Муаллиф аксар ўринларда ўзининг кўрган-кечирганларини, эшитган-билганларини ёзади, бу ҳолат 21-бобни қисман мемуар шаклидаги бўлим деб аташ учун асос бўла олади. 21-боб тўлалигича Субҳонқулихонга бағишланган бўлиб, унинг ҳарбий ҳаракатлари, аксар барқарор, гоҳо беқарор сиёсати кўкларга кўтариб макталади, хонни Худонинг ердаги сояси тарзида талқин этган адиб, афғидан, давр тақозоси доирасидан чиқа олмаган. Бу бобни

шоҳ ҳақидаги мадҳия десак хато қилмаган бўламиз. Ушбу қисмда тарихий воқеалар билан якка шахс, яъни подшолик тафсилоти қоришиб кетган. Шунга карамай, 21-боб XVII аср Бухоро, Балх, Самарқанд ва қисман Хоразм ҳукмронларининг ташқи сиёсати, ҳарбий тўқнашувлари, халқнинг иқтисоди, маданий ҳамда адабий ҳаёти хусусида аниқ маълумотлар беради.

Китоб ғоят ширали тилда ёзилган бўлиб, халқнинг ҳикматомуз афсоналари асар файзига файз қўшган, халқ афсоналарининг моҳиятини англаш, ундан ўринли фойдалана билиш адибнинг баркамол ижодий тажрибасидан, етук донишмандлигидан далолат беради. Бу эса адибнинг бошқа асарлар ҳам ёзганлигига шубҳа қолдирмайди. Аммо адибнинг яна қандай асарлари борлиги номаълум ва ҳозирча аниқланганича йўқ. Шу нарса аниқки, «Дастур ул-мулук» адибнинг ягона адабий мероси бўлмай, балки ижодидаги камолот чўққисининг меваси бўлиш билан бирга, унинг номига яна бир асар — «Анис ул-фуқаро» («Фуқаролар дўсти») ҳам нисбат берилади. «Дастур ул-мулук»нинг яратилишида Саъдий Шерозий (1208—1291) ва бошқа кўплаб қалам соҳибларининг адабий бисоти илҳомлантирувчи куч бўлган, уларнинг асарларидан келтирилган парчалар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Китоб Хожа Самандарнинг таржимаи ҳолини ўрганишда ҳам ишончли далиллар ва қимматли маълумотлар беради. Бир сўз билан айтганда, «Дастур ул-мулук» XVII асрнинг сўнгги чорагидаги Марказий Осиё тарихини ёритишда йирик ва бебаҳо манбадир. Асарни таржима қилиш, тўлиқ шарҳлаш, нашр эттиришда, адиб ижодини, ҳаётини ўрганишда олимлардан М.А. Салоҳиддинова, Н.Д. Миклухо-Маклай, А.М. Мирзоев, А.Л. Кун, К.Г. Залеман, Ж. Эсонов ва бошқаларнинг хизматлари каттадир. Асарни М.А. Салоҳиддинова рус тилига таржима қилган бўлса, унинг ўзбек тилидаги таржимасини

Ж. Эсонов амалга оширган ва «Дастур ул-мулук»ни адабиёт мухлисларининг сеvimли китобига айлан-тирган.

## ҲИКОЯТЛАР

Аллақайси подшоҳ бир хизматкорига дебди: «Комили ишонч ила сенга сиримни ошкор қиламан, ўйлайманки, буни пинҳон сақлагайсан!» Хизматкор таъзим қилиб:

*Юрак танда сақлангандек яширин,  
Доим тилда сақлагайман шоҳ сирин, —*

деб жавоб берибди. Шоҳ: «Акамнинг равиш-рафторидан шубҳаланаяпман. Хавфли талафотни кутмасданоқ уни четлатмоқчиман». Хизматкор бўлган гапни шоҳнинг акасига етказибди. Шоҳнинг акаси талвасага тушиб, ўлимдан қутулиш чорасини излабди. Бирмунча муддатдан сўнг шоҳ қазо қилибди. Шоҳнинг акаси тахтга чиққач, илк фармони хизматкорни қатл этишга бағишланибди. Байт:

*Тилга бермай ихтиёр, сақласанг сир,  
Бошингни яламас ҳеч маҳал шамшир.*

Тулки ейдиган нарса ахтариб оч-наҳор ўрмонда дайдиб юрган экан, товукни кўриб уни қўлга киритмоқчи бўлибди. Тўсатдан ноғора овози эшитилибди, ўша томонга қайрилиб қараса, дарахт тепасида семиз бир қуш турганмиш. Иштаҳаси авжига минган тулки товукни унутиб, дарахт тепасидаги қушга отилибди. Минг азоб билан териси шилиниб дарахтга чиқибди, чиқиб қараса, не қўз билан кўрсинки, қушдан ном-нишон йўқ. Фақат ўйноқи шамол дарахт шохларини тортқилаб, ноғорага ураётган эмиш, тулкининг кўзидан ҳасратли ва аламли



ёшлар окибди. «Афсус, бу сароб жисм туфайли, қўлга илинган ўлжани бой бердим». Байт:

*Ногора қилса ҳамки тарақ-туруқ,  
Бефойда. Чунки унинг ичи қуруқ.  
Бўлсин десанг ҳар маҳал тўғери сўзим,  
Унга сиртдан баҳо бермоқ не лозим.*

Хикоя қилишларича Султон Иброҳим Адҳам шоҳлик ва мулкни ташлаб, бойлик ва обрўни тарк этибди, шоҳлик либосини бир чопон билан алмаштириб сахрога равона бўлибди. Бир қария сўрабди: «Эй Иброҳим, ҳеч ким шоҳликни гадоликка алмаштирмаган эди, сен нечун бундай қилдинг?» Иброҳим айтибди: «Озни идора этиш афзал, у кишини саҳийликка ўргатади, лекин беҳисоб мулк эса хасисликка одатлантиради». Байт:

*Бойликка ҳирс қўйма – у сароб,  
Қаноат қил бўлмай десанг хароб.*

Савдогар бир дарвишнинг косасига озгина ҳолва солиб берибди, дарвиш косага қўл чўзар экан, ҳолвани бирпасда пашшалар ўраб олганлигини сезибди. Бундан хафа бўлган дарвиш хаёл денгизига шўнғиб, бошини қуйи солибди. «Эй дарвиш! Биз сендан ҳолвамизни аямадик, содир бўлган ноқулайлик учун бизни кечир!» – дебди савдогар орадаги суқунатни бузиш ниятида. Дарвиш жавоб берибди: «Олам — ҳолвали косага, одамлар эса мана бу пашшаларга ўхшаб кетади, мабодо хавф рўй берса, коса четидаги пашшалар зиён-захматсиз қутулади. Коса ичидагиларига эса нажот йўли берк!» Ҳа, борига қаноат, йўғига тоқат лозим, кўрган нарсага интилувчи кўзни сабр пардаси ила беркитиш зарур. Байт:

*Муҳайё таомдан бир оз татишчун  
Беўхшов ҳаракат, пасткашлик нечун?*

Беҳисоб солиқ йиғиб хазинани бойитган шоҳлардан бири мақганибди: «Олтин — косодаги асал. Халқ — мисоли чивин. Лашкар зарур бўлса, ликопчани ширинлик ила тўлдираман, шунда чивиндек сонсаноксиз қўшин жамулжам бўлади». Вазир айтибди:

— Бу, шубҳасиз, тўғри. Бироқ, булутли кун зим-зиё тунга монанд. Шафқатсиз тўзон кўзга гард юқтиргач, ҳеч ким косодаги болга — олтинга парво қилмайди. Ўшанда гўё чивинлардек пушаймон бўлиб нажот излайсан, қанча сочсанг ҳам тўплаган олтинларинг фойда қилмайди. Байт:

*Чекмай десанг мунгли азият,  
Асра қўшинни ҳар вазият.  
Лашкар бўлса юрт кўз-қораси,  
Бонг уролмас жанг ногораси.*

## ҲИҚМАТЛАР

Қадрли дўст! Чин инсон бўлишга интил! Яхши кишилар суҳбатида бўлиб, тажрибанг хазинасини донишмандлик билан бойит. Ишда уддабурон бўлгил! Ёмонлардан ўзингни йироқ тут. Дўстни душмандан фарқлай бил! Шунга кўра айтадиларки:

*Дўстлар иши учун ҳар гал бўл тайёр,  
Аммо фарқла ким тўғри-ю, ким айёр.*

Азизим! Қобилиятли кишиларга эътибор бер! Истеъдодсиз кишиларни эса ота-боболарининг хизмати эвазига зинҳор ардоқлама! Инсон фазилати қавму қариндошлар мартабасига қараб эмас, балки лаёқат ва қобилият билан белгиланади. Байт:

*Лаёқатсиз киши эрур чин тирик мурда,  
Яшаш унга фарқсиз ҳам ҳаётда, ҳам гўрда.*

Азизим, юрагингда ҳасаднинг туғилишига йўл қўйма! Ҳасад бахтни ўғирлайди! У — шараф боғининг хазони.

Байт:

*Қайда олса ҳасад аланга,  
Ёпишур аввал ҳасадли танга.*

Айтишларига қараганда, бир донишмандга савол беришибди: «Бир сўз билан инсоннинг энг аъло сифатини ифодалаки, биз уни билиб олайлик!» Донишманд: «Жаҳлни енгил олий фазилатдир!» — дебди.

Байт:

*Яхши одат — одатлар ичра йирик,  
Бу фазилат фақат инсонга шерик.*

Қадрли дўст, юқори мансабга эришсанг зинҳор ва мутлақо кекқайма! Ёдингда тут, мансаб доимий эмас. У — беқарор! Ҳар қандай мансабнинг, эришилган амалнинг ва қўлга киритилган бахтнинг ўзига яраша зарбаси бор. Шунга кўра айтишадики:

*Мансаб кишига туюлмасин мудомдек,  
У беқарор дарвиш қўлидаги жомдек.*

Қадрли дўст, инсон — жозибали марварид! Ҳаёт — гўзал ёқут! У икки марта берилмаганидек, қўлдан чиқиши ҳам осон. Унга тўғри муносабатда бўл. У фойда келтирувчи нақд пулга ўхшайди. Шу боис умрни авайлаб асра. Чунки умр — шошилишча саёҳатчи.

Байт:

*Вақтдир тезроқ, лекин ҳаёт ҳиммати кенг,  
Бир лаҳзалик доно умри асрларга тенг.*

(Бобоназар Муртазов таржимаси).

## МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ (XVII АСР)

Хожа Муҳаммад ат-Термизий XVII асрнинг энг йирик ва етук уламолари сафида турган ҳамда тарикат илми бобида пешқадамлардан бўлган. «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи», 1634—1641 йиллар ёзилган) муаллифи Маҳмуд ибн Вали (таваллуди 1595) Термиз саййидлари тарихи ҳақида маълумот бера туриб, ҳозир, яъни Маҳмуд ибн Вали яшаган XVII асрда ана шу улуғ саййидлар силсиласининг қутлуғ анъанаси Муҳаммад Термизий томонидан ажойиб бир тарзда давом эттирилаётганини чуқур қониқиш билан эътироф этади. Муҳаммад Термизий кўхна замонлардан буён муқаддас илм маскани бўлиб келган Бухорои шарифда таълим олган ва падари бузруквори машҳур шайх Мавлоно Муҳаммад Араб Термизий сулоласининг содиқ ва собит вакилларида бири бўлган. Муҳаммад Термизий тарикат илмида юқори поғоналарда туради, бу ҳолатни зоти шарифнинг ҳаёт йўли аниқ исботлайди, унинг фаолияти туфайли ўтмиш Термиз саййидларининг руҳлари таскин топар экан. Бу беқиёс инсоннинг юзларидан ёғилган нурларга дурахшон осмон юлдузлари маҳлиё бўлиб, айни ўша нурлардан ўзларига нур олар экан. Алломаи даврон эгаллаган илм нурлари унинг олий тоифада туришини очиқ-ойдин тасдиқлайди.

Муҳаммад Термизийнинг энг яқин дўстларидан бири, даврининг буюк шайхи Султон Муҳаммад азизон (Бадахшоннинг Фархоридан) бўлган, замондошлари ул қутлуғ зотни азизони пири Фархор (нинг эъзозли пири) деб улуғлашган. Муҳаммад Термизий ва Султон Муҳаммад ўз сабоқларини Бухорода олишган бўлиб, ўз замоналарининг эътиборли шайхлари сифатида обрў-эътибор топишган. Султон Муҳаммад ўз дўсти ва сафдоши Муҳаммад Термизийга чуқур иззат билан муносабатда бўлган. Шунингдек, у айни пайтда Нодир Муҳаммад (1606—1642 ва 1645—1651

йиллар Балх хокими, 1642—1645 йиллар Тўра-  
ро хокими)нинг хос кишилари қаторида шохини  
кўплаб муҳораба-юришларида фаол иштирок этган.  
Муҳаммад ат-Термизий ўз одатига кўра ҳар йили  
баҳор айёмининг охирларида Балх яқинидаги Соф  
тоғига боришни зинҳор қанда қилмас ва жаҳоннинг  
айнан ўша гўшасини ўз нурлари билан мунаввар  
айлар экан. Муҳаммад ат-Термизий Соф тоғи этаги-  
да жойлашган муқаддас масжид ичига кириб олиб,  
фақат Куръон тиловати билан машғул бўлар экан.  
Муҳаммад ат-Термизий XVII асрда яшаб ўтганлиги  
аниқ бўлгани ҳолда, у кишининг таваллуд ва вафо-  
нинг саналари аниқ эмас. Қолаверса, ул зоти олий-  
асар номини ҳам, таассуфки, билмаймиз! Тўғри,  
Маҳмуд ибн Вали «Баҳр ул-асрор»нинг ушбу улур  
зот дахлдор қисмларида ўзининг ёзилажак кейинги  
китобларида Муҳаммад Термизий хусусида алоҳида  
сўз юритиш нияти борлигини очик айтиб ўтган.  
Демак, Маҳмуд ибн Валининг бошқа китобларини  
ўрганиш ҳали бу борадаги кўплаб жумбоқларга жа-  
воб топиш имконини бериши мумкин.

## Еттинчи боб

### ТЕРМИЗИЙЛАР

*«Хатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айти шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас».*

ИСЛОМ КАРИМОВ

**1. Гхошака** — Кушон Бактриядан етишиб чиққан буддавийлик таълимоти намояндаси, Канишка Пурушапур (Пешовар) шаҳрида уюштирган будда кохинларининг катта йиғини иштирокчиси. Буддавийлик дини вайбхашик оқимининг Бактрияда тарқалишига баракали улуш қўшган, муқаддас китоб «Абхидхармапитака»га тафсир битганлардан бири, тахминан милодий II—III асрларда яшаб ўтган (Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия. — Москва: Наука, 1977. — С. 182.). Китобнинг номи бошқа манбаларда «Абхидхарма» (— С. 499.) ва Пурушапур (— С. 401.) эса Кушон давлатининг пойтахти дейилади (Бонгард-Левин Г.М., Ильин Г.Ф. Индия в древности. — Москва: Наука, 1985. — С. 758.).

**2. Дхармамитра** — тармиталик буддавийлик дини пешвоси, Гхошака анъаналарининг давомчиси (— С. 182), буддавийлик китобларини тибет тилига ўгирган (Ставиский Б.Я. Ўша манба. 1977. — С. 89.). Баъзи манбаларда унинг вафоти 443 йил дейилади (Азимов М. Сурхондарё ижодкорлари. — Қарши: Насаф, 2006. — Б. 10.).

**3. Дхармананди** — тохаристонлик, буддавийлик динининг етук тарғиботчиси, 384—391 йиллар Чинга

боради ва будда битикларини хитой тилига ўгиради (Ставиский Б.Я. Ўша манба. — С. 182.).

**4. Дхармаракша** — тохаристонлик, буддавий дини назариётчиси (Ставиский Б.Я. Ўша манба. — С. 182.). У 284—313 йиллар оралигида яшаган (Азимов М. Ўша манба. — Б. 14.).

**5. Абу Муҳриз Жаҳм бинни Сафвон** — асли термизлик, жаҳмия таълимоти асосчиси, калом мактаби йўналишидаги бу окимнинг таъсири Термизда ўта кучли бўлган, аста-секин атроф минтақаларга тарқала бошлайди. Жаҳм б. Сафвон муржибий Муқотил б. Сулаймон (вафоти 767) ва муътазилый Хафс б. Салим билан ўз таълимоти бўйича Термиз ҳамда Марв масжидларида қизгин баҳслар олиб боради. Жаҳм б. Сафвон Мовароуннаҳр лашкарбошиси ал-Хорис ибн Сурайж (ваф. 746)нинг котиби сифатида умавий (660—750)ларнинг Хуросон ноиби Наср ибн Сайёр (вафоти 748)га қарши қўзғолонида иштирок этиб, асир олинади ва Марвда 745 йили қатл этилади. Унинг таълимотининг бош ғояси Қуръон яратилган, Аллохга иймон келтиришда барча тенг (хатто, оддий одамлардан тортиб пайғамбаргача). (Ислам. Энциклопедический словарь. — Москва: Наука, 1991. — С. 64; Ўзбекистон ССР тарихи. Биринчи қисм. — Тошкент: Фан, 1970. — Б. 212—218; 233—240; Усмонов Иброҳимжон. «Наводир ал-усул» хикматлари. — Тошкент: Фан, 2009. — Б. 26—28.).

**6. Холид ибн Зиййод ат-Термизий** — Термизда ал-Жаҳмия йўналиши билан ёнма-ён Ҳанафия мазҳаби ҳам устуворлаша борди, бу ҳолат шаҳарда козилик қилган ушбу шахс фаолиятида яққол кўринади. Манбаларда қайдини топган 748 йили Холид ибн Зиййоднинг мутафаккир Абу Ханифа (699—767) билан учрашуви ҳақидаги хабарлар диққатга сазовордир (Жалолоддин Мирзо. Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. — Тошкент: «San'at jurnali» нашриёти, 2007. — Б. 6.).

**7. Абдулазиз ибн Холид ат-Термизий** — бу улур зот Холид ибн Зиййод ат-Термизийнинг фарзанди азизи ва Термизда отасидан сўнг маълум муддат қозилик қилган. Жаҳмийлар тазйиқи остида 796 йили Термиздан Фарғонага сургун этилади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу зоти олий Фарғона ва Тошкент минтақаларида ислом динини ёйилишида беқиёс хизматлар қилган. У кейинчалик узоқ йиллар Марв шаҳрининг бош қозиси вазифасида фаолият кўрсатган (Жалолиддин Мирзо. Ўша манба. — Б. 6.).

**8. Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизий** — Термизда бир муддат қозилик лавозимида турган бу шахс айнан ал-Жаҳмия таълимоти тарафдорларидан эди. Бу алломай замон ал-Ҳаким ат-Термизий устозлари сафида туради (Жалолиддин Мирзо. Ўша манба. — Б. 6.). Аммо, афсуски ал-Ҳаким ат-Термизий ал-Жаҳмия ҳаракатига ва унинг ақидаларига салбий муносабатда бўлган (Усмонов Иброҳимжон. Ўша манба. — Б. 68.).

**9. Муҳаммад ибн Исмоил ат-Термизий** — бу алломай замон ханбалий (шу мазҳаб асосчисининг номи Абу Абдуллоҳ Аҳмад б. Ҳанбал, 780—855)лар оқимининг етук намояндаси сифатида танилган эди (Жалолиддин Мирзо. Ўша манба. — Б. 7.).

**10. Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Термизий** — манбаларнинг гувоҳлик беришича бу шахс ўзининг диний фаолиятини шофеъий (Абу Абдулло Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий 767—820)лар мазҳаби йўналиши билан боғлаган (Жалолиддин Мирзо. Ўша манба. — Б. 7.).

**11. Ал-Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун ат-Термизий** — ҳадис илмида етук аллома, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бобоси (Усмонов Иброҳимжон. Ўша манба. — Б. 67.).

**12. Абу Муҳаммад Али ибн ал-Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун ат-Термизий** — ўз даврининг етук муҳаддисларидан, «Бағдод тарихи»да забардаст



ҳадисчи сифатида таърифланади. Бу табаррук зот ал-Ҳаким ат-Термизийнинг қиблагоҳидир (Усмонов Иброҳимжон. Ўша манба — Б. 67.).

**13. Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизий (вафоти 854)** — ҳадис илмида йирик олим, ал-Ҳаким ат-Термизий ундан ҳадислар эшитган ва таълим олган (Уватов У. Икки буюк донишманд. — Тошкент: Шарқ, 2005. — Б. 44.). Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг қиблагоҳи Али ибн ал-Ҳасан ҳам Бағдодда ундан ҳадис тинглаган экан (Усмонов Иброҳимжон. Ўша манба. — Б. 67.). Бу улуғ зотдан Имом Абу Исо ат-Термизий ҳадис илмидан, балхлик уламо Аҳмад Хизравия (вафоти 855) ва унинг завжаси Умма Али (Фотима Хизравия) тафсир илмидан сабоқ олишган (Нурбахш Жавод. Пирони Балх. — Техрон: Ялдо қалам, 1379. — С. 349; 377.).

**14. Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Наср ат-Термизий** — кўзга кўринган диний уламо, бу улуғ зот ҳам ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳадис илмидаги устозларидан (Уватов У. Ўша манба. — Б. 44.).

**15. Ал-Қосим ибн Ибод ат-Термизий** — бу алломаи замондан Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Наср ат-Термизий ҳадис илмини ўрганган (Уватов У. Ўша манба. — Б. 45.).

**16. Мактум ибн Аббос ат-Термизий** — бу буюк зот IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган, ундан Имом Абу Исо ат-Термизий фикҳий иснодларни нақл қилган (Уватов У. Ўша манба. — Б. 27.).

**17. Абулҳасан Аҳмад б. ал-Ҳасан б. Жунайдиб ат-Термизий** — бу улуғ зот «Ат-Термизий ал-кабир» (улуғ Термизий) номи ила танилган алломалар сирасига киради, бу алломадан Имом ал-Бухорий (810—870), Абу Исо Имом ат-Термизий, ибн Можа (834—886) ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. (Усмонов Иброҳимжон. Ўша манба. — Б. 61.).

**18. Ал-Жоруд б. Маъоз ас-Суламий ат-Термизий** — бу улуғ зот «Сихоҳ ситта» муаллиф-

ларига устозлик қилган таниқли тўққиз шайхнинг биридир, шунингдек, фикҳшунос, тарихшунос олим, вафоти манбаларда 858 йил дейлади. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг устозларидан ҳисобланади. (Усмонов Иброҳимжон. Ўша манба. — Б. 62.).

**19. Ал-Ҳаким ат-Термизий** — тўлик исми шарифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Бишр ибн Ҳорун ал-Ҳаким ат-Термизий бўлиб, кунялари Абу Абдуллоҳ (яъни, Абдулланинг отаси), исмлари Муҳаммад, оталарининг исми Али, қолган исмлар боболарининг исмларидир (Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд. «Насойим ул-муҳаббат». Нашрга тайёрловчилар: С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. — Т.: Фан, 2001. — Б. 84—85.).

**20. Абу Бакр Варроқ Термизий** — ал-Ҳаким ат-Термизийнинг содиқ шогирди, исми Муҳаммад, отасининг исми Умар, Ҳаким унвонига мушарраф этилган. Унинг севган сўзларидан бири: «Барча баракотларнинг калити сабрдадир» (Навоий Алишер. Ўша манба. — Б. 87; Муртазов Б. Варроқ ат-Термизий // Мулоқот. — 2001. — № 5. — Б. 42—43.).

**21. Абу Зарр Термизий** — кўзга кўринган шайхлар тоифасига мансуб бу улуг зот ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган, борлари ҳам тўқис тасаввур олиш учун етарли эмас (Навоий Алишер. Ўша манба. — Б. 88; Муртазов Б. Зарр Термизий ва Ҳайёт Термизий // Термиз оқшоми. — 2006 — 14 август.).

**22. Юсуф Ҳайёт Термизий** — бу алломаи замонга Варроқ Термизий воятда юксак баҳо беради ва чуқур эҳтиром билан тилга олади. Англашиладики, Юсуф Ҳайёт, демак Варроқнинг катта замондоши, сўфийлик илмида устувор мақомга эга зотлар сафида туради (Навоий Алишер. Ўша манба. — Б. 88; Муртазов Б. Зарр Термизий ва Ҳайёт Термизий. Ўша манба.).

**23. Ҳомид Термизий** — бу уламо ҳақида маълумотлар жуда кам, билганимиз шуки, Муҳаммад Тер-

мизийнинг оталари бўлади (Навоий Алишер. Ўша манба. — Б. 110. Муртазоев Б. Хуросон машойихи // Термиз оқшоми. 2006 йил. — 17 июль.).

**24. Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий** — Абу Бакр Варроқнинг шогирди, замонасининг етук ула-моларидан саналади, даврининг жавонмард (сахо-ватпеша)ларидан бўлиб, кишиларни фақат эзгуликка йўллаган (Навоий Алишер. Ўша манба. — Б. 110; Муртазоев Б. Хуросон машойихи).

**25. Абунасер Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий** — Хожа Муҳаммад Термизийнинг ўғли, ўзининг ҳам исми Муҳаммад, отаси муноса-бати билан Алишер Навоий бир ўринда «Хуросон машохиридиндур» дея эслатиб ўтади (Навоий Али-шер. Ўша манба. — Б. 110.).

**26. Абулмузаффар Термизий** — исми шарифи Ҳаббол, отасининг исми Аҳмад, даврининг йирик имом ва зоҳидларидан, Термиз масжидининг муаззи-ни бўлган (Навоий Алишер. Ўша манба. — Б. 193; Муртазоев Б. Абулмузаффар Ҳаббол ибн Аҳмад ат-Термизий // Термиз оқшоми. — 2006. — 9 октябрь.).

**27. Абу Ҳамид Муҳаммад Ҳомид Дошгард** — бу шайхни Хожа Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий билан адаштирмаслик лозим, улар бошқа-бошқа инсонлар. Сўз юритилаётган Термизий аслида Абулмузаффар Термизийнинг муршиди ҳисобланади, буни Алишер Навоий ҳам тасдиқлайди (Навоий Алишер. Ўша манба. — Б. 193.).

**28. Муҳаммад ибн Али ибн Язиб ибн Яҳё ибн Муҳаммад ат-Термизий** — IX асрда яшаб ўтган, дав-рининг етук мунажжимларидан, унинг ҳақидаги баъ-зи маълумотлар Аҳмад Устурлобий ас-Сағонийнинг «Илм ан-нужум» асарида учрайди.

**29. Саҳл ибн Матгавйа ат-Термизий** — мўътабар зотлардан, ҳадис илмида ягонаи замон, маълум муд-дат Самарқандда яшаган. Бу шайх ҳақидаги ха-барлар Насафий Самарқандий (вафоти 1142)нинг «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» асари

саҳифаларида мавжуд (Термиз тазкираси / Мусанниф М. Кенжабек. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. — Б. 65.).

**30. Муҳаммад ибн Румайҳ ат-Термизий** — ҳадис илми пешволаридан, ҳадис илми ривожига баракали улуш қўшган зотлардан (Термиз тазкираси. — Б. 67.).

**31. Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Румайҳ ат-Термизий** — ҳадисчи, ҳадис илмини отаси Муҳаммад ибн Румайҳдан ўргангани, бу шайх хусусидаги маълумотлар ҳам Насафий Самарқандий асарида учрайди (Термиз тазкираси. — Б. 67.).

**32. Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Матт ат-Термизий** — ҳадис илми соҳибларидан, кўпроқ юртдоши Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан ҳадислар ривоят қилган (Термиз тазкираси. — Б. 68.).

**33. Абулҳасан Али ибн Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Райҳон ат-Термизий** — «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» асари муаллифининг хабарига қўра, бу зоти олийлари Самарқандда яшаган. Насафий Самарқандий, ҳатто, бу зотнинг ривоят қилган ҳадисларнинг санасигача қайд этади, чунончи, бир ҳадисни 1169 йилда айтгани эслатиб ўтилади (Термиз тазкираси. — Б. 69.).

**34. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳоқ ас-Суламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий (824—892)** — ўз даврининг йирик муҳаддиси, Имом Бухорий (810—870)нинг шогирди, кўплаб китоблар муаллифи (Уватов У. Ўша манба. — Б. 80.).

**35. Абу Исмоил Муҳаммад ибн Исмоил ат-Термизий** — ҳадисчиликда етук уламолар сафида туради, кўплар ундан ҳадис илмини ўрганган, сўфий олим ва шайх ул-ислом (Уватов У. Ўша манба. — Б. 54.).

**36. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Жайхуний Термизий** — йирик фикҳчи олим, илоҳиётчи донишманд, 870 — 942 йилларда яшаб ўтган (Азимов М. Ўша манба. — Б. 292.).

**37. Бу Саййид Термизий** — ушбу Термизий хусида Абдурахмон Жомий (1414—1492) «Нафахот ал-унс» тазкирасининг Айн ул-куззот Ҳамадоний қисмида маълумот бериб ўтган. Хабарга кўра, Бу Саййид (яъни Абу Саййид) Термизийнинг байт айтгани ва бу байт таъсирида ҳужжат ул-тариқат Аҳмад Ғаззолий (вафоти 1123)нинг рақсга тушгани хикоя қилинади. Булар Абу Саййид Термизийнинг ҳам шоир, ҳам ҳофиз эканини билдиради. Аммо, бу ҳақида бошқа манбаларда маълумот бор ёки йўқлиги ҳозирча аниқланмаган. Аҳмад Ғаззолий эса машҳур Имом Муҳаммад Ғаззолий (1058—1111) нинг инисидир (Чомй Абдурахмон. Осор: Иборат аз ҳашт чилд. Чилди ҳаштум. — Душанбе: Адиб, 1990. — С. 71.).

**38. Саййид Ҳусайн Бурҳонуддин Муҳаққиқ ат-Термизий** — Саййиди муҳаққиқ ва саййиди сирдон унвонлари соҳиби, Жалолиддин Румий (1207—1273)нинг устози, 1240 йили оламдан ўтган, муборак қабри Қайсария шаҳрида бўлиб, ҳозирда зиёратгоҳга айланган. Унинг ислом фалсафаси, фикх, тафсир, ҳадис илмига оид «Маориф» асари 1920 йил (Техрон)да чоп этилган (Навоий Алишер. Ўша манба. — Б. 324—325; Муртазоев Б. Саййид Бурҳониддин Ҳусайн Термизий // Til va adabiyot ta'limi. — 2002. — № 5. — Б. 88—91.).

**39. Аҳмад ибн Абу Саййид Ваққос Термизий** — фалакиёт, илоҳиёт, тиббиёт илми билан шуғулланган. «Тақдир ул-башар» асарининг муаллифи, қабри Шерободда, мақбара XI—XII асрларда бунёд этилган (Азимов М. Ўша манба. — Б. 58.).

**40. Абулҳасан Али Муҳаммад Мунжик ат-Термизий** — X—XI асрлар, шеърятнинг улкан намояндаси, истеъдодли мусиқачи, хушовоз хонанда, ҳажвчиликда моҳир шоир. Термизшоҳлар ва Чағонийн амирлари саройида мулозимлик қилган, Абулмузаффар Тохир б. ал-Фазл б. Муҳаммад Муҳтож ал-Чағонийга бағишланган қасидалари сақ-

ланиб қолган. Авфий шоир Мунжикни «шоирларнинг сеҳргарларидан» ташбиҳи билан мадҳ этиб, унга юксак баҳо беради. «Лубоб ул-албоб»да шоир ижодий бисотидан ўн уч байт шеър мисол келтирилади (Муҳаммад Авфий. Лубоб ул-албоб. — Техрон: Мумтоз, 1361. — С. 500—501; Муртазов Б. Мунжик Термизий // Городская культура Бактрии — Тохаристан. — Самарканд: Инс. Археологии, 1995. — С. 21—23; Муртазов Б. Мунжик Термизий ва унинг замондошлари // Термиз: Тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар. — Тошкент: Мерос, 2001. — Б. 74 — 79; Муртазов Б. Мунжик Термизий // Мулоқот. — 2003. — № 1. — Б. 28.).

**41. Абу Бакр Умар ат-Термизий** — соҳиби девон шоир, Гурий (1148—1206)лар салтанатида XII асрнинг иккинчи яримида вазир лавозимида фаолият олиб борган. «Лубоб ул-албоб»да шоирдан иккита рубоий берилган (Муҳаммад Авфий. Ўша манба. — С.160; Муртазов Б. Абубакр Умар ат-Термизий // Термиз оқшоми. — 2007. — 26 май.).

**42. Адиб Исмоил Термизий** — Адиб Собирнинг падари бузруквори, олим, шоир, фозил ва донишманд инсон, XI асрда яшаб ўтган (Абдуллоев А. Адиб Собир Термизий. — Душанбе: Дониш, 1969. — С. 25; 160.).

**43. Шихобиддин Собир бин Исмоил ат-Термизий** — Авфий «Лубоб ул-албоб»да шоирни «адиблар адиби», «шоҳи сипоҳи балогат» («етуклик, сўз сипоҳининг шоҳи»), «амири сарири бароат» («поқлик тахтининг амири») тарзида таърифлайди. Адиб Собирни Анварий (1090—1166) эътироф этади, унга қойил қолганини очик тан олади:

*Чун Санои ҳастам охир гар на ҳамчун Собирам.*

\* \* \*

*Гарчи Собир бўлмасам ҳам, мен Санойи тоифа.*

«Лубоб ул-албоб»да шоирнинг уч қасидасидан парчалар берилади ва тўққизта қитъаси келтирилади, жами 94 байт шеър (Муҳаммад Авфий. Ўша манба. — С. 604—612.). Шоир 1078 йили Термизда туғилган, Султон Санжар (1118—1157) ва Хоразмшоҳ Отсиз (1127—1156) саройида хизмат қилади, Отсиз уни 1147 йили Амударёга чўктиради (Абдуллоев А. Ўша манба. — С. 198.).

**44. Қатрон ибн Мансур Ажалий Термизий** — асли Термиздан, Балхда турғун бўлган, Балх ҳокими амир Аҳмад Қумочга бағишлаб «Қавснома» китобини ёзган. Рашидиддин Ватвот (1088—1178) у ҳақда: «Мен ўз даврим шоирларидан фақат Қатроннигина тан оламан, бошқани эса илм юзасидан эмас, балки кўнгил учун шоир дейман», — деган экан. (Самарқандий, Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони («Тазкират уш-шуаро»дан). — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. — Б. 37—38.). Термизлик шоирни табризлик ал-Ҳаким Қатрон ал-Издий ат-Табризий билан адаштирмаслик керак (Муҳаммад Авфий. Ўша манба. — С. 701—708; Муртазоев Б. Шоир Қатрон термизликми ёки табризлик? // Термиз окшоми. — 2005 йил 23 июль., 29 август; Муртазоев Б. Термизийми ёки Табризий // Tafakkur. — 2006. — №. — Б. 121—123.).

**45. Али ибн Адиб Собир ибн Адиб Исмоил Термизий** — Адиб Собирнинг фарзанди, Рашидиддин Ватвот (1088—1178)нинг шаҳодатича қасидалари эътироф этилган ва унинг бир қасидасига Ватвотнинг жавоб қасида ёзгани маълум (Абдуллоев А. Ўша манба. — С. 189.).

**46. Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад** — термизлик машҳур меъмор, Сарипулда бино қилинган Яҳё ибн Зиёд мақбараси унинг раҳбарлигида қурилган, X—XI асрлар (Азимов М. Ўша манба. — Б. 292.).

**47. Жамолиддин Абу Бакр Хол ат-Термизий** — XII аср шоири, шеърлари гўзаллар жамолини кўз-кўз қилувчи қора хол мисоли эътирофини топган.

«Лубоб ул-албоб»да шоирдан уч қитъа, жами саккиз байт шеър берилади (Муҳаммад Авфий. Ўша манба. — С. 651; Муртазоев Б. Хаттот ва Хол ат-Термизий // Термиз оқшоми. — 2008 йил. — 20 март).

**48. Нажибиддин Абу Бакр ат-Термизий ал-Хаттот** — XII асрда яшаб ўтган, замонасининг етук шоири ва уста хушнависларидан бири. «Лубоб ул-албоб»да ижодидан келтирилган уч рубойсидан иккитаси чала, мисралари ўчиб кетган, биттаси тўлиқ ҳолда (Муҳаммад Авфий. Ўша манба. — С. 903 — 904; Муртазоев Б. Хаттот ва Хол ат-Термизий).

**49. Анборий Термизий** — XII асрда яшаган, бу шоир ҳақида Рашидиддин Ватвот (1090—1183) «Ҳадоиқ ус-сехр»да ва Давлатшоҳ Самарқандий (1435—1495) «Тазкират уш-шуаро»да маълумотлар беради. Ватвот ўз асарида шоирдан бир байт шеър келтиради (Абдуллоев А. Ўша манба. — С. 157).

**50. Ҳаким Жалол Термизий** — шеърлар девони бор, Рашидий Самарқандий (1090—1165)нинг шогирди, Сўзаний (1091—1171) ва Жалолий бир-бирларига ҳажвиялар битган. Аммо, бу шоирнинг термизлик экани масаласи баҳсли (Абдуллоев А. Ўша манба. — С. 157).

**51. Сирожий Термизий** — XII аср шоири, Анварий (1090—1166)нинг дўсти, у ҳақида Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» тазкирасида айрим қайдлар учрайди (Абдуллоев А. Ўша манба. — С. 157—158.).

**52. Фатҳий Термизий** — бу шоирни Ризоқулихон Ҳидоят (1800—1871) «Мажмаъ ул-фусаҳо»да термизлик дейди. Бу таъкид ҳам анча мунозарали (Абдуллоев А. Ўша манба. — С. 158.).

**53. Жавҳарий Заргар Термизий** — Термизда туғилган, Адиб Собирнинг кичик замондоши, Хоразм, Табриз ва Исфаҳонда бўлган, XII асрнинг бошлари ва охирларида яшаб ўтган (Азимов М. Ўша манба. — Б. 121.).



**54. Муҳаммад бин Мўмин ат-Термизий** — XIV асрда яшаб ижод қилган. Моҳир хаттот, етук қуръонхон бўлгани боис Ҳисом қори лақабини олган экан. У Қуръони каримни ёддан билган ва уни етти хил оҳангда қироат қила олган. Абу Муҳаммад ал-Ҳусайн бин Масъул ал-Фарраал Марварудий ал-Бағавийнинг «Маҳийи ас-сунна» асарини қўчирган. Асар ҳижрий 736 / милодий 1335—1336 йилларда қўчирилган ва ЎзР ФА ШИда 3261-рақами остида сақланади. Бағавий 1116 йили вафот этган (Азимов М. Ўша манба. — Б. 227.).

**55. Мавлоно Аҳмад ат-Термизий** — хассос табиб, забардаст мунажжим, моҳир мискар. Ибн Арабшоҳ ёзади: «... мунажжимлардан бир гуруҳи моҳир кишиларки, мен уларнинг исмларидан фақат мавлоно Аҳмаддан бошқасини билмайман. У табиб, мискар ва юлдузга разм солиб ҳисоб оладиган (олим) эди. У менга: «Мен юлдузларга қараб икки юз йилга ҳукм (толеи) чиқардим», деганди. Бу гап 808 (1405—1406) йилда бўлган эди» (Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари. Араб тилидан Уватов У. таржимаси. — Тошкент: Мехнат, 1992. — Б. 86.).

**56. Саҳбони Соний Али Ҳаким Термизий** — ўз даврининг кўзга кўринган шоири, шеърларидан намуналар Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий (XV асрнинг I ярми)нинг «Фунун ул-балоға» асарида келтирилган (Ўзбек тили ва адабиёти. — 2002. — № 2. — Б. 85.).

**57. Амир Саййид Қосим Термизий** — бу Термизий ҳақидаги маълумот Абдулла Қаҳҳор номидаги Қўқон адабиёт музейида № 1053 рақами остида сақланаётган, фанда Косон нусхаси деб юритилган Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» тазкирасида мавжуд (Адабий мерос. — 1968. — № 1. — Б. 152—155.).

**58. Мавлоно Шайх Муҳаммад ибн Хожа Бандкор Термизий** — Амир Темур (1336—1405) саройида муншийлик қилган, тўғрироғи, Амир Темурнинг ко-

тиби, мохир хатгот, у тўғрисида Мирхонд (1433—1498)нинг «Равзат ус-сафо» асарида маълумот мавжуд (Азимов М. Ўша манба. — Б. 295—296.).

**59. Мир Бузург Термизий** — XV асрда яшаган таникли шайх, термизлик саййидлар авлодидан, Алишер Навоийнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» ва Бобурнинг «Бобурнома» асарларида эслатиб ўтилган (Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. 14-том. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. — Б. 90; Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. — Тошкент: Юлдузча, 1989. — Б. 28.).

**60. Баҳоуддин Муҳаммад Иброҳим бинни Муҳаммад Термизий** — «Танбих ул-ғофилин» («Ғофил бандаларга ўғит») асарининг муаллифи, асарнинг иккита кўлёзма нусхаси Эроннинг Қум шаҳридаги Ҳазрат Оятуллоҳ ал-Азимий Маръаший Нажафий номли кутубхонада № 8924 ва № 9808 рақамлари остида сақланади. Асар форс тилида ёзилган, умуман, Баҳоуддин Муҳаммад ислом дини арконлари билан шуғулланган йирик олим, тахминан XIV—XV асрларда яшаб ўтган (Жўраев Қ. Фирдавсий ватанида. — Тошкент: Университет, 2000. — Б. 27.).

**61. Амир Саййид Али Акбар Термизий** — XV асрда яшаб ўтган, Термиз саййидларидан, машхур шайх ул-ислом, Термиз шаҳри ободончилиги йўлида катта хизматлар қилган. Бу улуг зотнинг фаолиятини истеъдодли шоир Соҳиб Шарифий Балхий (ваф. 1460) ўз қасидаларида тараннум этганини Давлатшоҳ Самарқандий (1435—1495) «Тазкират уш-шуаро»да зикр этиб ўтади (Дурдонаҳои наср: намунаҳои насри форсу тоҷик. Асрҳои XIII—XIV. Иборат аз ҷаҳор чилд. Чилди II. Душанбе: Адиб, 1989. — С. 375.).

**62. Амир Саййид Абдуллоҳ Термизий** — етук мутасаввуф, йирик шайх, саййидлар авлодидан, Термизнинг шайх ул-исломи, 1557 йил 19 июлда вафот этган (Хофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий.

Абдуллонома. Шарафномаи шоҳий. Иккинчи китоб. Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. — Тошкент: Фан, 1969. — Б. 349.).

**63. Мир Араб Термизий** — Амир Саййид Абдуллоҳ Термизийнинг фарзанди, илми фикҳ ва илми ҳадисда камолотга эришган, Термизда ҳокимлик қилган, Дарвешали Чангий «Тухфат ус-сурур» асарининг яратилишига кўмаклашганлиги тахмин қилинади. Таваллуди ва вафоти саналари аниқланмаган (Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Ўша манба. — Б. 138.).

**64. Хожа Муҳаммад ат-Термизий** — Термиз саййидларидан, улуғ мартабали, камолот аршига эришган зот (— Б. 34.), буларнинг барига унинг Соф тоғидек мусаффо фаолияти далил (— Б. 92.). Мир Араб Термизийнинг ўғли (— Б. 115.), Шайх Султон Муҳаммад Азизоннинг дўсти ва Нодир Муҳаммад (1642—1645)нинг замондоши (— Б. 127.), унинг юзларидаги ёрдудан олам мунаввар бўлар экан (Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. Введение, перевод, примечания, указатель Б.А. Ахмедова. — Ташкент: Фан, 1977. — С. 168.).

**65. Мир Абдуллоҳ Термизий** — хатти настаъликда устод, Шоҳжаҳон (1592—1666; ҳукмронлиги 1628—1658) ва Аврангзеб (1618—1707; ҳукмронлиги 1658—1707)лар томонидан «Мушкин қалам» унвонига ноил этилган. Шеърятда тахаллуси Васфий, бир қанча манзума ва ғазаллар муаллифи, бешта маснавий ва бир девон кўчириб қолдирган, 1615 йили вафот этган (Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. — Тошкент: Фан, 1971. — Б. 73.). Ҳиндистон Бобурийлар хаттотлик санъатининг етук намояндаси, хаттотлик санъати ривожига баракали улуш қўшган, қабри Аграда, гоҳо вафоти 1625 йил дейилади (Ўз СЭ. 1-том. — Б. 29.). Аммо вафоти йиллари 1615 ёки 1625 бўлган тақдирда ҳам, унинг яшаган вақти Шоҳжаҳон ва Аврангзеб ҳукмронлиги даврига мос келмайди.

**66. Муҳаммад Солиҳ бин Амир Абдуллоҳ Хусайний Термизий** — Мир Абдуллоҳ Васфийнинг фарзанди, Шохжаҳон (1628–1666) хаттотларидан, адабий таҳаллуси Кашфий. Умрининг аксар қисмини фақирлик ва дарвишликда ўтказган, вафоти 1651 йил (Муродов А. Ўша манба. — Б. 73.). Форс тилида ёзилган «Маноқибӣ Муртазавий» достонининг муаллифи, асарнинг учта қўлёзма нусхаси Эрон Ислом Республикасининг Қум шаҳридаги Хазрат Оятуллоҳ ал-Азимий Маръаший Нажафий номидаги кутубхонада № 1318, № 3008 ва № 7704 рақамлари остида сақланади. № 7704 рақамли қўлёзмада муаллиф исми шарифи Амир Муҳаммад Солиҳ деб бошланади (Жўраев Қ. Ўша манба. — Б. 26.).

**67. Мир Муҳаммадмўмин ал-Хусайний ал-Арший ибн Мир Абдуллоҳ Мушкинкалам Термизий** — Мир Солиҳ Кашфийнинг иниси, Шохжаҳоннинг ўғли Сулаймоншукуҳга муаллимлик қилган машҳур хаттот. Шоир, таҳаллуси номаълум. Вафоти 1580–1581 йил (Мухторов Ахрор. Дурдонаҳои маданияти тоҷикон дар ганчинаҳои Ҳиндустон. — Душанбе: Ирфон, 1984. — С. 36.).

**68. Умар ат-Термизий ас-Сўфий** — йирик тасаввуфчи олимлардан, 1454 йилда вафот этган, маълумотлар кам сақланиб қолган (Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. — Тошкент: Шарқ, 2001. — Б. 115.).

**69. Саййид Алишох ат-Термизий** — лақаби Пир Бобо бўлган бу шахс афғон қабилаларининг раҳнамоси, Термиз саййидлари хонадони вакиллари (Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. — Тошкент: Шарқ, 2001. — Б. 58.).

**70. Мир Мусаввир Термизий** — машҳур мусаввир, Беҳзод (1455–1535) мактабининг давомчиси, XVI асрда яшаб ўтган, тарихчи Абдулқодир Бадоуний (1540–1595) «Мунтахаб ат-таворих» асарида Мир Мусаввирни «Монийи соний» — «Иккинчи Моний» деб атади (Энциклопедияи адабиёт ва

санъати тоҷик. Иборат аз 3 ҷилд. Ҷилди II. — Душанбе: Энциклопедия, 1989. — С. 268.).

**71. Мир Сайид Али Термизий** — Термизда туғилган, йирик рассом, бошланғич таълимни Термизда отаси Мир Мансур Мусаввирдан олади. Билимини такомиллаштириш учун Табризга боради ва Табриз миниатюра мактабининг етакчи намоёнрасига айланади. Отаси билан дастлаб Ҳиротга, сўнгра Табриз (1520—1545)га, Кобул (1545—1555)га ва ниҳоят Ҳиндистон (1555—1570)га боради. Демак, 1555 йилдан Бобурийлар саройида хизмат қила бошлайди, у ерда Табриз миниатюра мактаби анъаналарини давом эттиради. Жудойи таҳаллуси билан ижод этган, соҳиби девон шоир, беқиёс мусаввир, Акбаршоҳ (1556—1605) замонидан бошлаб Ҳиндистонда яшаган. Умрининг охириги йиллари ҳаж зиёратига боради ва ўша ерда оламдан ўтади (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. — Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. — Б. 690; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. — С. 268; Хусайнкулихони Азимободӣ. Наштари ишқ. Китоби.1. — Душанбе: Дониш, 1981. — С. 350—351.).

**72. Маъсум Мирохур Сарой Термизий** — истеъдодли давлат арбоби, 1694—1695 йилларда Насаф (Қарши) вилояти ҳокими. У ҳақда Хожа Самандар Термизий «Дастур ул-мулук»да маълумотлар беради. Маъсум Мирохур, айниқса, Субҳонкулихон (1680—1702) ҳарбий юришларининг фаол иштирокчиси, кўплаб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган ботир шахс (Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. Подшоҳлар учун дастур. Тўлдирилган иккинчи нашри. Форс-тоҷик тилидан эркин таржима, сўзбоши, тадқиқот, ҳикоялар, изоҳлар муаллифи Жаббор Эсонов. — Тошкент: Шарқ, 2001. — Б. 151.).

**73. Хожа Самандар Термизий** — шоир ва носир, «Дастур ул-мулук» (1695—1696 йилларда ёзилган) асарининг муаллифи, Абдулазизхон (1645—1680) ва

Субхонкулихон (1680—1702) ҳукмронлиги даврида давлат арбобларидан бўлган (Хожа Самандар Термизий. Ўша манба. — Б. 352).

**74. Мавлоно Қудсий Термизий Мажзуб** — бутун умрини дарвишликда ўтказган, шеърларида Қудсий тахаллусини қўллаган. «Музакири аҳбоб»да унинг ижоди бисотидан бир китъа келтирилади (Нисорий Хасанхожа. Музакири аҳбоб. — Дўстлар ёдномаси. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. — Б. 147.).

**75. Али ибн Бадр ат-Термизий** — риёзиёт илмининг йирик намояндаси, айрим асарларининг қўлёзмалари Кобул кутубхоналарида сақланади (Азимов М. Ўша манба. — Б. 293.).

**76. Хонзода Али Термизий** — «Интихоби каломи шуарои мутақаддимин» («Қадимий шоирлар каломи тўплами») тазкираси муаллифи. Тазкиранинг тартиб берилган йили, сақланиш жойи айтилмаган (Мухторов Аҳрор. Ўша манба. — С. 142.).

**77. Мир Муҳаммадмуқим Термизий** — Бобурийлар саройида хизмат қилган, машхур хаттот Мир Имом ал-Ҳасан Сайфий (1565—1616)нинг шогирди (Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. — С. 268.).

**78. Мир Саййидали Жавоҳиррақам Термизий** — Термизда таваллуд топади, хаттотлик сирларини падари бузургвори Мир Муҳаммадмуқим Термизийдан ўрганади, Исфаҳонда нашъу намо топади. Настаълиқда отасининг устози Мир Имом ал-Ҳасан Сайфий (1565—1616) усулига эргашади ва ушбу усул ривожига катта ҳисса қўшади. Ёшлигида отаси билан Ҳиндистонга боради, оқибатда Бобурийлар хаттотлик мактабининг йирик вакилига айланади, 1683 йили Шохжаҳонободда вафот этади (Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. — С. 268.).

**79. Абу Абдулло Муҳаммадфозил бинни Саййид ат-Термизий ал-Акбарободий мазҳар ул-ҳақ** — Бобурий Шохжаҳон (1627—1658) замонида

Ҳиндистонда яшаган. Унинг «Мухбир ал-восилин» («Манзилга етган хабарлар», 1650—1651 йиллар тартиб берилган) асари Хайдарободдаги Солоржанг номли музейнинг қўлёзмалар бўлимида сақланади (Мухторов Аҳрор. Ўша манба. — С. 116.).

**80. Мир Муҳаммад Маъсум бин Саййид Сафои Хусайний ат-Термизий Бакарий (Баҳкарий 1538—1610)** — аллома каламига мансуб «Муфрадоти сиҳат» («Сиҳат дурдоналари») асарининг бир қўлёзма нусхаси Эрон Ислом Республикаси, Ислом шўрси мажлиси кутубхонасида № 3408 рақами остида сақланади (филология фанлари доктори Қудрат Жўраев рўйхати). Айрим манбаларга кўра бу асарнинг бошқа бир номи «Мужаррибот» («Тажрибалар») дейилади (Шарқ таботати. — Тошкент: Мерос. 1994. — Б. 98—99.). Кузатишлар шуни кўрсатдики, унинг тўлиқ исми шарифи Саййид Низомиддин Мирмуҳаммад Маъсум ибн Мирсаййид Сафойи ал-Хусайний ат-Термизий. Акбаршоҳ (1542—1605; ҳукмронлиги 1556—1605) ва Жаҳонгиршоҳ (1569—1627; ҳукмронлиги 1605—1627) даврида Маъсумхон Номий олий даражаларга эришади, ўзидан катта адабий ва илмий мерос қолдиради. Унинг «Муфрадоти сиҳат» («Муфрадоти Маъсумий», «Тибби Номий», «Мужаррибот») асарида содда ва мураккаб дориларни тайёрлаш ҳамда касалликларга қарши қўллаш усуллари шарҳлаб берилади. Маъсумхон Номий яратган «Маъдан ул-афкор», «Хусну Ноз», «Парисурат» («Рой ва Сурат»). «Ҳафт нақш» («Хамсаи мутаҳаййира»), «Акбарнома»лар анъанавий хамсанависликка тааллуқлидир. Шунингдек, унинг «Тарихи Синд» («Тарихи Маъсумий») асари ҳам анча машҳур (Энциклопедияи совети тоҷик. Том 5. — Душанбе: Энциклопедия, 1984. — С. 221; Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. — Москва: Наука, 1985. — С. 166—168; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. — С. 476.). Бошқа бир манбада исми шарифи

куйидагича берилади: Низомиддин Муҳаммад Маъсум бин Муртазо ал-Хусайний ат-Термизий. Унинг 177 ыаракдан иборат «Муфрадоти Маъсумий» асари Эрон Ислон Республикаси. Техрон ас-Саййидия кутубхонасида сақланади (Жўраев Қ. Ўша манба. — Б. 28; Муртазоев Б. Сўз мулки сохиби ёки Маъсумхон Номий Термизий ҳақида // Термиз оқшоми. — 2008 йил 9 февраль.).

**81. Мир Муҳаммад Тақий Термизий** — 1745 йили таваллуд топган, илк сабоқни отаси Мирали Ризо Билгиромийдан олади, шеърйй девон тартиб берган (Хусайкулихони Азимободй. Наштари ишқ. Китоби. 1. — Душанбе: Дониш, 1981. — С. 350 — 351.).

**82. Мулло Муҳаммад Ражаб Қўнғирот Термизий** — «Мажмаъ ал-арқам» («Рақамлар тўплами») асарининг муаллифи, Бухоро амирлари саройида муншийлик қилган. Қўплаб эски қўлёзма асарларни қайта кўчиришда ва тиклашда хизматлари беқиёсдир (Жалолиддин Мирзо. Ўша манба. — Б. 80.).

**83. Дўстмуҳаммад Мунший шайх Муҳаммад Термизий** — унинг 954 хижрий (милодий 1546) йили кўчирилган «Рисолаи муаммо» асари Россия ФА кутубхонаси (А—715-сонли 457-рақам ости)да сақланади (Жўраев Қ. Жавохирлар сандиғини излаб... // Термиз Университети. — 2002. 19 март.).

**84. Муслихиддин Муҳаммад бин Солиҳ бин Жалол бин Камол бин Муҳаммад Шофий Термизий** — 370 саҳифадан иборат «Шамойл ан-Набавия» асари Покистон Ислон Республикасининг Карочи шаҳридаги кутубхонада сақланади (Жўраев Қ. Ўша манба.).

**85. Камолиддин Мир Хусайн бин Муиниддин Термизий** — «Фатҳ сабаъ» («Етти ғалаба») асари Хиндистоннинг Лакнау шаҳрида, Рожа Маҳмудобод номли кутубхонада (948-рақам остида) сақланади (Жўраев Қ. Ўша манба.).



**86. Ҳидоят Али Термизий** — «Ҳазрат Али ахволи ҳақида» асари Покистон Ислом Республикасининг Панжоб вилояти кутубхонаси (954-рақам ости) да сақланади (Жўраев Қ. Ўша манба.).

**87. Абу Саййид Термизий** — 17 саҳифадан иборат, номи қайд этилмаган шеърлар тўплами Эрон Ислом Республикаси Миллий кутубхонаси (1764-рақам ости)да сақланади (Жўраев Қ. Ўша манба.).

**88. Абу Зарр Аҳмад ибн Абдуллоҳ ат-Термизий ал-Андаробий** — термизлик олимлардан ҳисобланади, XI—XII асрлар (Холиқова Р.Э. Абдулкарим ас-Самъонийнинг «Насабнома» («Ал-Ансоб») асарида термизлик олимлар шарҳи // Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. 2004 йил 16—17 декабрь. — Термиз: Университет, 2004. — Б. 50—52.).

**89. Исҳоқ ибн Иброҳим ат-Термизий** — бу Термизий ҳақида тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз (Холиқова Р.Э. Ўша манба. )

**90. Абу Аҳмад ибн Ҳасан ат-Термизий** — бу Термизий ҳақида тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз (Холиқова Р.Э. Ўша манба.).

**91. Холид ибн Зиёд ибн Жарв ал-Аздий ат-Термизий** — бу ҳақда қаранг: (Холиқова Р.Э. Ўша манба.).

**92. Абу Усмон Саййид ибн Холид ат-Термизий** — бу ҳақда қаранг: (Холиқова Р.Э. Ўша манба.).

**93. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Фақиҳ ат-Термизий** — бу ҳақда қаранг: (Холиқова Р.Э. Ўша манба.).

**94. Жамолиддин Жаъфар ибн Ҳусайн Термизий** — XV аср, илми нужум бобида фаолият олиб борган. «Мазоқ ал-ушшоқ фи илм ал-офоқ» («Уфқлар илми ҳақида сеvimли фикрлар») асарининг муаллифи (Азимов М. Термиз тарихи. — Қарши: Насаф, 2001. — Б. 115.)

**95. Сайид Аловиддин Термизий** — XIII асрда яшаб ўтган, сўфийлик сулукотида таниқли олим, даврининг фикҳшунос ва ҳадисшуноси (Азимов М. Ўша манба. — Б. 93.).

**96. Хаббон ибн Муҳаммад ат-Термизий** — машхур фикҳшунос олим, тахминан XI асрда яшаган (Азимов М. Ўша манба. — Б. 93.).

**97. Жолиб ибн Ҳалол ат-Термизий** — Ҳаким Термизийнинг замондоши, сўфий аллома (Азимов М. Сурхон ижодкорлари. Ўша манба. — Б. 289.).

**98. Абулҳасан Аҳмад ибн Ҳасан ибн Жунайд Термизий** — IX асрда яшаб ўтган, фикҳ ва ҳадис илми бобида улкан ютуқлар соҳиби (Азимов М. Ўша манба. — Б. 292.).

**99. Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Термизий** — X—XI асрларда яшаган, шоир, унинг таржимаи ҳолига доир кам маълумотлар сақланиб қолган (Азимов М. Ўша манба. — Б. 293.).

Шунингдек, Аҳмад Устурлобий ас-Сағонийнинг «Илм ан-нужум» («Юлдузлар илми») китобида бизга номаълум куйидаги термизийлар номи учрайди (аммо китобни чуқур таҳлил этиш лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз, боиси асарда шубҳали ўринлар кўндек туюлади):

**100. Сомон Ашур Сабоҳ ат-Термизий.**

**101. Абу Али Хайсам ат-Термизий.**

**102. Абу Хусайн Абдурахмон Амир ат-Термизий.**

**103. Довуд Абу Жаъфар ат-Термизий.**

**104. Абу Жаъфар Хозин ат-Термизий.**

**105. Ҳамид Олим ат-Термизий.**

**106. Абу Жуод Муҳаммад Акрам ат-Термизий.**

**107. Юсуф Ҳайёт ибн Шакар ат-Термизий.**

**108. Муҳаммад Сағон ибн Закариё ат-Термизий.**

**109. Аҳмад Устурлорбий ас-Сағоний ат-Термизий.**

Бундан ташқари, Мирзо Салимбекнинг «Тарихи Салимий» асарида ҳам бизга таниш ва таниш бўлмаган айрим термизийлар номи берилган.

**110. Зоҳид Варроқ ат-Термизий** (балки, Абу-бакр Варроқ ат-Термизийдир).

**111. Хожа Ҳасан ат-Термизий.**

Келажакда бу термизийларнинг ҳаёт йўлига доир маълумотларни излаб топиш ва аниқлаш ишлари амалга оширилишига ишонч билдириб қоламиз (рўйхатни Б. Муртазоев тузган).

## ХУЛОСА

Ҳаким ат-Термизий ижодий фаолияти унинг ўз давридан бошлаб шу кунгача мусулмон дунёсининг диққат марказида туради. Алломанинг асарлари ва уларда илгари сурилган ғоялар долзарблиги нуқтаи назаридан шу кеча-кундузда ҳам қимматини сақлаб, умрбоқийлигини намойиш қилмоқда. Аллома яратган асарлар қанчадан-қанча авлодлар учун бекиёс ғоявий озуқа бўлиб, уларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаким ат-Термизийнинг илмий-диний мероси авлодлардан-авлодларга ўтиб Қуръони карим саҳифаларидаги сеҳрли сура ва оятлар, Пайғамбар ҳадисларининг мўъжизавий мағзини англашда ҳамда халқона ҳикматлар сирини билишда чинакам дастур вазифасини бажармоқда, ёш авлодни дунёга, оламга, жаҳонга, умуман, атрофга тўғри ва оқилона муносабатда бўлишга чорлаб, уларнинг қалбига эзгулик шуълаларини сингдириб келмоқда.

Ҳаким ат-Термизий асарларининг кучи шундаки, улар ислом динининг асл моҳиятини тушуниб олишда қўл келади. Айниқса, Аллоҳ ва банда муносабатлари, Аллоҳ ва банда ўртасидаги алоқа воситаларининг сирли, сеҳрли олами, кишининг билиб-билмай қилган ноҳўя хатоларига жавобан сидқидилдан қилинган илтижо, тавба барча эзгуликларнинг қалити сифатида эътирофини топади. Аллома асарларида касбга муносабат, касбга меҳр масалалари ҳам назардан четда қолмайди, унда касб инсон омили, инсон зийнати, инсон ризқ-рўзини таъминловчи хазина экани таъкидланади. Буларнинг барчаси бир бутун ҳолатда инсон фаровонлиги билан боғлиқ жиҳатларни намоён этиб, мисоллар воситасида тегишли хулосалар чиқарилади. Масалан, алломанинг «Баён ул-касб» («Касб баёни») рисоласида инсонлар учун касб Аллоҳ томонидан инъом этилган олий неъмат эканлиги, ҳатто, пайғамбарларимиздан Идрис алайҳиссалом тикувчи, Мусо алайҳиссалом

чўпон, Довуд алайҳиссалом совут ясовчи, Нух алайҳиссалом дурадгор, Худ алайҳиссалом, Шуъайб алайҳиссалом ва Солиҳ алайҳиссаломлар тожир (савдогар) бўлганликлари ва бошқа масалаларга алоҳида урғу берилади. Буларнинг бари пайғамбарлар ва инсониятга аслида Одам алайҳиссаломдан қолган умрбоқий меросдир, боиси Одам алайҳиссалом ерга илк қадамларини қўйишлари биланоқ экин-тикин юмушларига эътибор қаратган эканлар. Боиси Одам алайҳиссалом жамики башариятнинг отаси бўлиб, айни пайтда, инсон ризқ-рўзини белгиловчи касблар ибтидоси ва инкишофи ҳам у киши билан чамбарчас боғлиқдир. Момо Ҳавво эса тола ва жунни йигириб, уни тўқир ва ундан кийимлар тикар экан, кейинчалик бу гўзал одатлар ундан Биби Марямга мерос бўлиб ўтган экан.

Ҳаким ат-Термизий асос солган ҳакимия тариқатининг етакчи шиори «илм ила Аллоҳни топиш» ва «илм ила Аллоҳни таниш» бўлиб, аллома ўз асарларида илмни алоҳида таҳлил этади. Аллома илмни нур дейди, шу нур илм эгаси, яъни бандани Аллоҳ васлига йўналтиради, унинг танлаган йўлини порлатувчи ҳам шу нур экан. Хусусан, аллома «Китоб ал-хуқуқ» асарида «Аллоҳ таоло энг аввало илмни яратган, илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вужудга келтирган, донишмандликдан бўлса, адолат (адл)ни ва ҳақ (ҳақиқат)ни пайдо қилган», деб ёзади. Ана шундай фикрлар улўф ватандошимизнинг «Масала фи-л-фарқ байн ал-илм ва-л-фикҳ» («Илм ва фикҳ ўртасидаги фарқлар масаласи») китобида: «Билим нарсаларнинг намоён бўлиш — тажаллисидир» тарзида талқин этилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Шу зайлда илм атроф мавжудлик моҳиятининг ихтироси шаклида баёини топиб, «Маърифат ал-илм биллоҳ» — «Аллоҳни билим билан таниш» шиори устувор мақом кашф эта болади ҳамда оммалашади. Тасаввуфда илм ва иймон ўхшаш тушунчалар, иймон — Аллоҳ илми, ҳатто

илк кезлар ислом сўзи ҳам илмни билдирган экан, аста-секин бу сўзларга тасдиқ сўзи қўшилади. Англашиладики, илм ва тасдиқ иймонни ўзида тажасум этса, илм ва иймон тасдиқ орқали жило топади, аммо булардан иймон каломи ўзлигини теран намоён эта бошлайди. Иймон — қалбга нур, ориф (Аллохни таниш)лик шуъласини олиб киради, аслини олганда иймон — нурдир, яъни айни нурнинг ўзидир, бинобарин, ҳақни ноҳақдан ажратиш учун инсон қалбига нур сингдирилади. Аллома илм ҳақидаги ўз фикрларини одатан Муҳаммад (с.а.в.) ҳадиси шарифлари ила қувватлаб, айтилувчи мулоҳаза, мушоҳада, муҳокама кучини янада чуқурлаштиришга эришади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг шундай ҳадиси шарифларидан бирига эътибор қаратинг: «Илм уч нарсада: Қуръоннинг муқаддас оятларида, суннат (тўғри йўл) эътирофида ва юксак диний эътиқодда намоён бўлади». Шунингдек, алломанинг «Масоил ат-таъбир» («Таъбирлар масаласи») асарида илм ҳақида ушбу ажойиб ҳикматлар шодаси мавжуд: «Илмли инсон — Аллоҳга яқин киши», «Илм — танҳоликда дўст», «Илм — кийналган онларда нажот», «Илм — йўлчи юлдуз», «Илм — дўстлар даврасида безак», «Илм туфайли ўзгалар ичида ўзиники бўласан», «Илм — жаннатга элтувчи маёқ» ва бошқалар.

Аллома доимо тез-тез такрорлайдиган ва уқтирадиган асарларининг бош ғояси, етакчи шиорига айланган нафсни жиловлаш ёки нафсга жиҳодга алоҳида урғу беради. Аллома айтадики, киши ўзгалардан ўпкаламасин, балки ўзининг ёмон нафсидан ўпкаласин, бу эса ислом дини ва тасаввуф таълимотининг етакчи ғояси экани ҳеч кимга сир эмас. Эслатилгани каби ислом динининг ҳаётий негизларини Қуръони каримнинг оят ва суралари, ижтимоий илдизларини Муҳаммад (с.а.в.) ҳадиси шарифлари ташкил этади. Шу ўринда тасаввуфнинг мақомига ёки моҳиятига эътибор қаратиш жоиз, тасаввуф

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг мафқурачиси, яъни тарғиботчиси ва ташвиқотчиси вазифасини ўз зиммасига олган улкан йўналишдир. Қўринадики, нафсга жиҳод, нафсни жиловлаш, нафсга ғазовот, умуман, нафс одоби дин ва тасаввуфни бирлаштиради, зотан уларнинг муштарак ғоялари айни шуни тақозо этади. Демак аллома асарларининг марказида инсон ҳамда нафс муаммоси баҳси етакчилик қилади ва шу саволларга жавоб изланади. Чунончи, алломанинг «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» («Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари». — Т.: Мовароуннаҳр, 2003.) рисоласининг ҳам бош ғояси нафсга жиҳод ва, ҳатто, нафснинг ботиний (ички) ва зоҳирий (ташқи) жиҳатлари шарҳланади. Инсоф юзасидан қаралса нафс ва нафсга қарши кураш, уни жиловлаш мавзуи бир тарафдан умрбоқий ва бошқа бир томондан умумбашарий ғоялар сирасига киради. Нафс мавзуи ҳамда у ташвиқ ва тарғиб этаётган ғоялар зинҳор башарият кун тартибидан тушмайди, аксинча, янада мустаҳкам ўрин эгаллайверади.

Ҳаким ат-Термизийнинг диний ва илмий мероси саналмиш рисоалари сиртдан турфа мавзуларга бағишлангандек туюлса-да, аслида нафсга жиҳод мавзуи, шубҳасиз, аллома асарларининг ўзаги ва негизини ташкил этади. Бу ва шу кабилар аллома асарларининг ғоя ва мавзулар олами, баҳслар кўлами нақадар кенг бўлиб, улар ҳар бир замон ва ҳар бир замин учун зарур озуқа бериб, янги-янги авлодларни тарбиялашда муҳим қирраларни намоён этаверади.

Китобда Термиз шаҳрида туғилиб вояга етган ўтмиш алломай замонлардан Варроқ Термизий, Ҳомид Термизий, Имом Исо ат-Термизий, Саййид Бурҳониддин Термизий каби бошқа термизийлар ҳақида ҳам маълумот ҳамда хабарлар жамланган. Кенг ўқувчилар оmmasига мўлжаллаб тузилган бу китобда йиғилган ахборотларни анча соддалаштиришга ҳаракат қилинган, бу унинг оммабоплигини таъмин-

келтириб, санаб ўтдилар. Бундан кўзланган мақсад узоқ йиллардан буён қадимшунос олимлар тарафидан илгари суриб келинаётган буддавийлик динининг айнан Термиз орқали Хитой ва Япония заминларига етиб боргани ҳақидаги илмий фаразни яна бир қарра эслатишдан иборат. Юқорида Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айти шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас»<sup>1</sup>.

Ана шу тариқа тарих қаърига қанчалик чуқур кириб борсак, сирларнинг сирини очилиб боргани сари, бизнинг шууримиз ҳам шу қадар теранлашиб, изчиллашиб боришига гувоҳ бўламиз. Айти замонда халқлар ўртасидаги турфа алоқаларнинг нақадар мукамал даражада ривож топгани эса кишини ҳайратга солади, аجدодларга нисбатан эҳтиром ҳисси кучаяди. Бу эса пировард натижада биз — авлодлар ҳамиша аجدодларга таъзим қилишимиз ва улар билан фахрланишимиз лозимлигини уқтириб туради. Фақат фахрланиш билан кифояланиб қолмасдан, балки аجدодларнинг умумбашарий анъаналарини ёшларимиз давом эттирсин, бу йўлда уларга аجدодлар руҳи ҳамиша мададкор бўлсин.

Илк тажриба сифатида тайёрланган мазкур китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, унда Ҳаким ат-Термизий ва бошқа Термизийлар умумбашарий меросининг айрим томонларигагина эътибор қаратилган, холос. Шу боис китобни айрим жузъий камчиликлардан холи деб бўлмайди. Шу сабабдан муаллифлар китобхонлар томонидан билдириладиган барча истак ва хоҳишларни мамнуният билан кутиб қоладилар.

---

<sup>1</sup> Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар // Ма'rifat. — 2002 йил. — 3 апрель.



## АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 1-том. — Тошкент: Ўзбекистон, 1991. — Б. 363.
2. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-том. — Тошкент: Ўзбекистон, 1997. — Б. 430.
3. *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Тошкент: Ўзбекистон, 1999. — Б. 689.
4. *Каримов И.А.* Ватан — саждагоҳ каби муқаддас. — Тошкент: Ўзбекистон, — 1999 — Б. 688.
5. *Каримов И.А.* Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. — Тошкент: Ўзбекистон, 1999. — Б. 32.
6. *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. Иккинчи нашри. — Тошкент: Маънавият, 2010. — Б. 176.
7. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Тошкент: Ўзбекистон, 2011. — Б. 440.
8. *Абу Исо Термизий.* Саҳиҳи Термизий. Араб. тарж. — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. — Б. 208.
9. *Абу Исо ат-Термизий.* Аш-шамоил ан-набавия. Араб. тарж. — Тошкент: Чўлпон, 1993. — Б. 112.
10. *Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий.* Сунани Термизий. VI жилдлик. I жилд. Тарж. М. Кенжабек. — Тошкент: Адолат, 1999. — Б. 688.
11. *Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али.* Баҳоуддин Балогардон. Форсийдан тарж. — Тошкент: Ёзувчи, 1993. — Б. 208.
12. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. 2004 йил. 16—17 декабрь. — Термиз: Университет, 2004. — Б. 78.
13. *Ал-Ҳаким ат-Термизий.* Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. «Наводир ал-усул» асари асосида (араб тилидан таржима). Таржима ва муқаддима муаллифи Иброҳимжон Усмонов. — Тошкент: Мовароуннахр, 2006. — Б. 60.
14. *Ал-Ҳаким ат-Термизий.* Нодир масалалар / Араб тилидан И. Усмонов таржимаси. — Тошкент: Мовароуннахр, 2007. — Б. 88.

15. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва мероси. Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари. Халқаро илмий конференция материаллари. I-қисм. — Термиз: Университет, 2009. — Б. 78.

16. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари. — Термиз: Университет, 2011. — Б. 124.

17. *Аннаев Т.* Ал-Ҳаким ат-Термизий. — Тошкент: Мерос, 1998. — Б. 32.

18. *Аршавская З.А. и др.* Средневековые памятники Сурхандарьи. — Ташкент: Изд. лит. и искусства, 1982. — С. 152.

19. *Аттор Фаридиддин Нишобурий.* Тазкират улавлиё. Чопэ панжум. Аз руйэ нусхайэ Ренвальд Никельсон. Ба кўшишэ И. Таваккулий. — Техрон: Энтэшоротэ Бехзод, 1375. — 943 сах.

20. *Аттор Ф.* Абубакр Варрок (р.а.) зикри // Сино. — 2001. — № 2. — Б. 37—39. Форс тилидан Сайфиддин Сайфуллоҳ таржимаси.

21. *Бердиев Х.* Биринчи одам вилояти. — Тошкент: Нур, 1991 — Б. 80.

22. *Бобохонов Ш. Ирисов А.* Ҳадис илмининг пешволари. — Тошкент: Нур, 1992. — Б. 72.

23. *Бозорова М., Муртазоев Б.* Ислом маданияти манбаларидаги тарбиявий фикрларни ўрганиш масалалари хусусида // Ўқув-тарбия ишлари самарадорлигини оширишда таълим муассасаларининг ҳамкорлигини модернизациялаш. Термиз ДУ илмий тўплам. — Тошкент: Вауоз, 2012. — Б. 6—8.

24. *Жалолиддин Мирзо.* Термиз тарихи. — Тошкент: Шарқ, 2001. — Б. 128.

25. *Жалолиддин Мирзо.* Термиз саййидлари. — Тошкент: «San'at jurnali» нашриёти, 2008. — Б. 40.

26. *Жалолиддин Мирзо.* Муҳаммад Ҳаким Термизий: ҳаёти ва ижоди. — Тошкент: «San'at jurnali» нашриёти, 2007. — Б. 40.

27. Ипак йўли афсоналари. Тузувчи: М. Жўраев. — Тошкент: Фан, 1993. — Б. 128.

28. *Исоқова Замирахон Рухитдиновна.* Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари асосида). НДА. — Тошкент, 2007. — Б. 26.

29. Ислам. Энциклопедический словарь. — Москва: Наука главная редакция восточной литературы, 1991. — С. 315.

30. *Истеъломий Мухаммад*. Мавлоно Жалолиддин Мухаммад Балхий. Форс тилидан Жаъфар Мухаммад таржимаси. — Техрон, 2001. — Б. 88.

31. *Комилов Н.* Тасаввуф. — Тошкент: «Movaroun-pahr» — «O'zbekiston», 2009. — Б. 448.

32. *Массон М.Е.* Городища старого Термеза и их изучение. ТАКЭ. Труды УзФАН, серия 1, вып. 2. — Ташкент, 1940. — С. 5—122.

33. *Массон М.Е.* Надписи на штурке из архитектурного ансамбля у мавзолея Хаким ат-Термизий. Вып. 172. Труды ТашГУ. — Ташкент, 1960. — С. 44—80.

34. *Муртазов Б.* Хожа Самандар Термизий // Ленин байроғи. — 1973 йил. 10 март.

35. *Муртазов Б.* Алишер Навоий Термизийлар ҳақида // ТермизДУ илм. тўп. — Тошкент: Университет, 1999. — Б. 80—83.

36. *Муртазов Б.* Легенды и новь древнего Сурхана // Ўзбекистон хаво йўллари. — 2001. — № 4. — С. 28—35.

37. *Муртазов Б.* Варроқ ат-Термизий // Мулоқот. — 2001. — № 5. — Б. 42—43.

38. *Муртазов Б.* Саййид Бурхониддин Хусайн Термизий // Til va adabiyot ta'limi. — 2002. — № 5. — Б. 88—91.

39. *Муртазов Б.* Ҳаким Термизий илм зикрида // Термиз ДУ илм. тўп. — Тошкент: Университет, 2003. — Б. 128—129.

40. *Муртазов Б.* Алишер Навоий Термизий алломалар зикрида // Навоийга армугон. Низомий номидаги ТошДПУ илм. тўп. — Тошкент: ТошДПУ нашриёти, 2006. — Б. 106—109.

41. *Муртазаев Б.* Путешествие по древней земле Бактрии / Даракчи. 20 июня 2008 г.

42. *Муртазов Б.* Илм — ҳақиқатдир, ҳақиқат эса илмдир // Tafakkur. — 2009. — № 1. — Б. 78—80.

43. *Муртазов Б.* Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳикматлари // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва мероси. Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари. Халқаро илмий конференция материаллари. 1-қисм. — Термиз: Университет, 2009. — Б. 11—15.

44. *Муртазов Б., Валиқулов Ю.* «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асарининг мундарижасига доир // Ал-

Ҳақим ат-Термизий ҳаёти ва мероси. Ўша манба — Термиз: Университет, 2009. — Б. 37—42.

45. *Муртазоев Б.* Термиз ота ёхуд аллома Ҳақим Термизийнинг таваллуди ва вафоти саналари баҳсига доир янги маълумотлар // Термиз оқшоми. — 2009 йил. — 10 апрель.

46. *Муртазоев Б.* Варроқ Термизий ўғитлари // Баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб муаммолари. Иккинчи китоб. — Тошкент: Fan va texnologiyalar Markazining boshqonasi, 2010. — Б. 28—30.

47. *Муртазоев Б.* Аллома меросининг Ўзбекистонда ўрганилиши // Ал-Ҳақим ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари. — Термиз: Университет, 2011. — Б. 95—99.

48. *Муртазоев Б.* Ҳикматлар оламида // Ал-Ҳақим ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари. — Термиз: Университет, 2011. — Б. 102—103.

49. *Муртазоев Б., Ҳайдаров Т.* Темурийлар ва Термиз шаҳри // Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар: Замонавийлик ва анъанавийлик. Термизда 2011 йил 3—4 майда бўлиб ўтган Республика илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. — Тошкент: «ИПАК YOLI POLIGRAF», 2011. — Б. 163—164.

50. *Муртазоев Б.* Ал-Ҳақим ат-Термизий // Сурхон тонги. — 2013 йил. 6 май, 23 май.

51. *Муртазоев Б.* Ҳақим Термизий меросининг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2013. — №4. — Б. 74—75.

52. Мухаммад ал-Ҳақим ат-Термизий (аллома ҳаётномаси) // Мозийдан садо. — 2001. — № 4. — Б. 20—22. Шу журнал — 2002. — № 2. — Б. 16—17. Форс тилидан Р. Абдуллаев таржимаси.

53. *Навоий Алишер.* Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд. Насойим улмуҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С. Ганиева, М. Мирза-ахмедова. — Тошкент: Фан, 2001. — Б. 520.

54. Наврўз ва табиат сирлари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Махмуд Ҳасаний, Ғолиба Жўраева. — Тошкент: Меҳнат, 1991 — Б. 32.

55. *Нурбахш Жавод.* Пирони Балх. — Техрон: Ялдо қалам, 1379. — С. 408.

56. *Омонтурдиев Ж.* Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. — Тошкент: Университет, 2000. — Б. 96.
57. *Омонтурдиев Ж.* Термиз атамаси тарихидан // Жайхун. ТерДУ хабарлари. — 2005. — № 1. — Б. 80—84.
58. *Омонтурдиев Жаббор.* Маърифатнома. — Тошкент: Mumtoz so'z, 2013. — Б. 232.
59. *Пидаев Ш.* Қадимий Термиз. — Тошкент: Фан, 2001. — Б. 32.
60. *Пугаченкова Г.* Термез. Шахрисабз. Хива. — Москва: Искусство, 1976. — С. 208.
61. *Роузентал Франц.* Торжество знания. Концепция знания в средневековом Исламе. Пер. с англ. С.А. Хомутова — Москва: Наука, 1978. — С. 372.
62. *Рушдий Муҳаммад Сиддиқ.* Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. — Тошкент: Камалак, 1995. — Б.176.
63. *Сафаров Ш.* Термиз ва Термизийлар. — Термиз: Жайхун, 1993. — Б. 128.
64. *Семенов А.А.* Происхождение термезских сейидов и их древняя усыпальница «Султан — Садат». ПТКЛА, XIX (вып. 1), 1915, — С. 3—20.
65. *Термизий, Хожа Самандар.* Дастур ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма / Форс-тожик тилидан эркин таржима. Сўзбоши, изоҳлар муаллифи. Ж. Эсонов. — Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. — Б. 272.
66. *Термизий ал-Ҳаким.* Будувв-уш-шаън // Р. Абдуллаев таржимаси. Сино. — 2002. — № 7. — Б. 32—38.
67. Термизий алломалар / Сурхон тонги. 2002 йил 13 март, 30 март. Тузувчилар: Б. Муртазоев, Т. Аннаев.
68. Термиз тазкираси / Мусанниф М. Кенжабек. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. — Б. 192.
69. *Турсунов С.Н.* Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш — Тошкент.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. — Б. 46.
70. *Турсунов С. ва бошқалар.* Сурхондарё тарих кўзгусида. Тошкент.: Шарқ, 2001, — Б. 382.
71. *Турсунов С.* Термизий буюк сиймолар. — Тошкент: Шарқ, 2002. — Б. 80.
72. *Турсунов С.Н. ва бошқалар.* Сурхондарё тарихи. — Тошкент.: Шарқ, 2004, — Б. 605.
73. *Турсунов С.Н.* Сурхондарё вилояти топонимлари. Тошкент.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2008. — Б. 151.

74. *Tursunov S., Murtazoyev B.* Milliy ma'naviyat va barkamol avlod tarbiyasi. — Toshkent: O'zbekiston, 2013. — B. 112.

75. *Турсунов С., Муртазоев Б., Алланов О.* Халқ хикматларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти. — Тошкент: Yangi nashr, 2014. — Б. 176.

76. *Турсунов С.* Сурхон воҳаси моддий маданияти. Тошкент, Muhammad. 2013, — Б. 323.

77. *Уватов У.* Муслим ибн ал-Ҳажжож. — Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. — Б. 64.

78. *Уватов У.* Муҳаддислар имоми. — Тошкент: Маънавият, 1998. — Б. 88.

79. *Уватов Убайдулла.* Ал-Ҳаким ат-Термизий. — Тошкент: Маънавият, 2001. — Б. 40.

80. *Уватов Убайдулла.* Аллома ат-Термизий // Жаҳон адабиёти. — 2002. — № 3. — Б. 150–154.

81. *Уватов Убайдулла.* Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). — Тошкент: Шарқ, 2005. — Б. 80.

82. *Улуғбек Мирзо.* Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б. Аҳмедов ва бошқ. тарж. — Тошкент: Чўлпон, 1993. — Б. 352.

83. *Усмонов Иброҳимжон.* «Наводир ал-усул» хикматлари. — Тошкент: Фан, 2009. — Б. 176.

84. *Фаридиддин Аттор.* Тазкират ул-авлиё. — Душанбе: Ориёно, 1992. — Б. 104.

85. *Ходжа Самандар Термизи.* Дастур ал-мулук (Назидание государям). Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели М.А. Салахетдиновой. — Москва: Наука, 1971. — С. 257.

86. *Хожа Самандар Термизий.* Дастур ул-мулук. Подшоҳлар учун дастур. Тўлдирилган иккинчи нашри. Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, тадқиқот, ҳикоялар, изоҳлар муаллифи Ж. Эсонов. — Тошкент: Шарқ, 2001. — Б. 352.

87. *Холмирзаев А.* Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. — Б. 48.

88. *Холмирзаев А.* Соҳибқиронга Термизда берилган фатво // Соҳибқирон юлдузи. — 2011. — № 4. — Б. 47–56.

89. *Эсонов Жаббор.* Кўнгилнинг нурли чироғи // Ўзбекистон овози. 1995 йил 3 август.

90. *Қодиров Қутлуғбек.* Имом ат-Термизий асарларида тарбия масаллари. — Тошкент: Фан ва технология, 2007. — Б. 69.

91. Қодиров Қутлуг-Бек. Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти. — Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. — Б. 120.

92. Чориев З., Аннаев Т., Муртазов Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. — Б. 150.

93. Чўтматов Ж. Ҳорис Мухосибий ва Ҳаким Термизий асарларидаги қарашларнинг баъзи фарқли жиҳатлари // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. IV илмий тўплам. — Тошкент: Тошкент Ислам университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. — Б. 261—264.

94. Чўтматов Ж. Ҳакимия ва Нақшбандия // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. V илмий тўплам. — Тошкент: Тошкент Ислам университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. — Б. 394—399.

95. Шайх Абдугани Абдулло. Ал-Ҳаким ат-Термизий // Совет Шарқи мусулмонлари. — 1990. — № 4 (88). — Б. 12—14.

96. Ўзбекистон — буюк алломалар юрти / Имом Бухорий халқаро маркази; нашрга тайёрловчи У.Уватов. — Тошкент: Маънавият, 2010. — Б. 400.

97. Ҳайитов О.Х., Муртазов Б.Х. Тариқат ва таълимот // Ал-Ҳаким ат-Термизий ва унинг даври. Халқаро илмий конференция маъруза матнлари баёни. 16—17 декабрь, 2004 йил. — Термиз: Университет, 2004. — Б. 73—76.

98. *Hakim Termizi*. *Hatmu'L-Evliya*. *Hazirlayan Salih Cift*. — Istanbul: *Insan* yayinlari, 2006. — 208 sah.

99. Ҳаққул Иброҳим. Тасаввуф ва шеърят. — Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. — Б. 184.

100. Ҳаққул Иброҳим. Мерос ва моҳият. — Тошкент: Маънавият, 2008.

101. Ҳомидий Ҳамиджон. Тасаввуф алломалари. — Тошкент: Шарқ, 2004. — Б. 208.

101. Ҳофиз Нур Муҳаммад. Тарихи Мозори Шариф воқеъ Балх. — Кобул: Матбаъи умумийэ давлати, 1370. — 100 саҳ.

102. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футуввати Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Форс-тожик Н. Комилов тарж. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. — Б. 112.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
<b>Биринчи боб. Ҳақим ат-Термизий ҳаёти ва илмий ижоди.....</b>	<b>11</b>
Ҳақим ат-Термизий ҳаёт йўли.....	11
Ўзбекистонда аллома меросининг ўрганилиши.....	29
<b>Иккинчи боб. Ҳақим ат-Термизийнинг илмий тафаккур оламидаги қарашлари ва тасаввурлари.....</b>	<b>49</b>
Ҳақим ат-Термизий ҳикматлари шодаси.....	49
Хужвирий «Кашф ул-махжуб» асарида Ҳақим ат-Термизийнинг валоят назарияси талқини.....	52
Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» асарида.....	56
Ҳақим ат-Термизий илм ва одоб ҳақида.....	72
Ҳақим ат-Термизий илмий тафаккурида ҳадис ва ривоятлар.....	82
«Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асари мундарижаси.....	87
<b>Учинчи боб. Алломалар Ҳақим ат-Термизий асарлари ҳақида.....</b>	<b>102</b>
Ҳақим ат-Термизий фаолиятининг ёритилиши ва у билан боғлиқ ривоятлар.....	102
Аллома асарларидан намуналар.....	105
«Наврўзнама».....	105
«Солнома».....	112
«Ақл ва Ҳаво» рисоласи.....	117
<b>Тўртинчи боб. Темурийлар ва Алишер Навоийнинг Ҳақим ат-Термизий таълимотига муносабати.....</b>	<b>149</b>
Темурийлар ва Термиз шаҳри.....	149
Алишер Навоий Термизий алломалар зикрида.....	157



<b>Бешинчи боб. Варроқ Термизий ва Имом Абу Исо Термизий</b> .....	164
Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар Варроқ ат-Термизий... 164	
Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё»да	
Варроқ Термизий зикрида .....	168
Варроқ Термизий ўғитлари.....	176
Алломалар Варроқ Термизий зикрида.....	182
Абу Исо Муҳаммад Термизий .....	184
<b>Олтинчи боб. Аллома Термизийлар</b> .....	200
Зарр Термизий ва Ҳайёт Термизий .....	200
Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий.....	205
Абулмузаффар Ҳаббол ибн Аҳмад ат-Термизий.....	212
Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Сирдон ат-Термизий.	217
Хожа Самандар Термизий .....	231
Муҳаммад Термизий (XVII аср).....	240
<b>Еттинчи боб. Термизийлар</b> .....	242
Хулоса .....	264
Адабиётлар .....	271

*Илмий-оммабон нашр*

**Сайфулло Турсунов  
Бобоназар Муртазоев**

## **ТЕРМИЗИЙЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАФАККУРИ**

Мухаррир *У. Турдиева*  
Рассом-дизайнер *Ҳ. Қутлуқов*  
Техник муҳаррир *Л. Хиждова*  
Мусахҳих *С. Салоҳутдинова*

Кичик муҳаррирлар:  
*Д. Холматова, Г. Ералиева*

Компьютерда тайёрловчи *А. Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 6 июнда рухсат этилди.

Бичими 80x100  $\frac{1}{32}$ . Офсет қоғози.

«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет  
усулида босилди. Шартли босма табоғи 12,95.

Нашр табоғи 12,67. Адади 3000 нусха.

Буюртма № 16-365.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

*e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)*